

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М. З.,
Суннатов М.Н.**

ИЖТИМОЙ СОҲА ИҚТИСОДИЁТИ

фанидан дарслик

ТОШКЕНТ -2010

**Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М. З.,
Суннатов М.Н.**

Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. - Т.: ТДИУ, 2010. - ____ б.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш иқтисодий ислохотлар дастуридаги узлуксиз устивор йўналишлардан бирига, яъни ислохотларнинг ҳамма босқичларида устивор ҳисобланадиган вазифалар қаторига киради. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсатдир.

Маълумки, ижтимоий ёрдам ёки ижтимоий ҳимоя ҳамма давр, халқлар ва давлатлар учун умумий бўлгандир. Чунки бу вазифа давлатнинг асосий мақсадларидан бири бўлган. Шунинг учун Ўзбекистоннинг энг асосий хусусиятларидан бирини эътиборга олганда, яъни демографик вазиятни, нафақахўрларга, кўпболали оилаларга ва болаларга бозор муносабатларига мос ижтимоий ёрдам тизимини барпо этиш долзарб масала ҳисобланади ва бу жараёнга магистрларни ўқитиш дастурига биноан катта эътибор берилган.

Дарслик магистрлар, профессор ўқитувчилар, амалиёт билан шуғулланувчи мутахассислар ва бошқа қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: и.ф.д. профессор. Ходиев Б.Ю.

©- Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

Кириш

Кучли ижтимоий сиёсат республика иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг энг муҳим тамойилларидан биридир. Ижтимоий сиёсат орқалигина шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари рўёбга чиқишини таъминлашга, оилаларнинг, ҳар бир алоҳида инсоннинг фаровонлигини яхшилашга доир чора-тадбирларнинг кенг мажмуаси амалга оширилади.

Барқарор жамият учун бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши зарурий ҳолатдир. Бу инсон манфаати, ҳимояси, унинг турмуш даражаси, муаммосидан келиб чиқиб, жамият бозор муносабатлари коммуникацияларига, улар юзага келтирадиган салбий оқибатларга бефарқ бўла олмайди.

Бозор иқтисодиётидаги салбий оқибатлар фақат унинг «қўли етмаслиги» билан боғлиқ бўлмай, умуман унинг тараққиётидаги нормал ҳолатлар билан ҳам боғланган. Бозор оқибатига оддий халқни истеъмолчи сифатида яккама-якка, рўпарама-рўпара қўйиш инсон тақдирига бефарқ қараш бўлади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти оқибати натижасида пайдо бўладиган оғир ва ноинсоний шароитга тушиб қолишнинг олдини олиш учун имкони борича ёрдам қўлини чўзиш давлатнинг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш иқтисодий ислохотлар дастуридаги узлуксиз устивор йўналишлардан бирига, яъни ислохотларнинг ҳамма босқичларида устивор ҳисобланадиган вазифалар қаторига киради. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсатдир.

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид бир неча қонунлар, ногиронларни қўллаш бўйича 2000-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди ва жорий қилинди. Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш даврида аҳолини, айниқса, ночор гуруҳларни мақсадли ҳимоя қилиш тизими барпо этилди. Маълумки, Президентимиз фармонларига биноан 2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг асосий манбаи давлат бюджети, ижтимоий суғурта жамғармаси, корхона ва жамоат ташкилотлари ажратаётган маблағлардан ташкил топади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда барча хайрия жамғармаларининг роли катта.

Ўзбекистонда кўп қиррали ижтимоий ёрдам тизими таркиб топган. Булардан Улуғ Ватан уруши ногиронларига имтиёзлар, ишлаётган Улуғ Ватан уруши нафақахўрлари, уруш қатнашчилари, ёшликдан ногирон бўлган болалар, меҳнат ногиронлари, орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар, вафот этган ҳарбийлар оилалари, блокадани бошидан кечирганлар, фашист турмаларининг тутқунлари, Чернобил атом электростанцияси авариясини тугатиш қатнашчилари, ёлғиз нафақахўрлар, ёлғиз оналарга имтиёз ва ёрдам.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, давлатдан ёрдам олишга мухтож бўлган оилаларга алоҳида эътибор берилди. Кам таъминланган оилаларга нафақалар тўланмоқда.

Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Иқтисодиётимизнинг тобора мустаҳкам бўлиб бориши олдимизда турган барча долзарб, ўзининг ечимини кутаётган муаммоларни ечишга, шулар қаторида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини, кексаларимизнинг пенсияларини, талабаларнинг стипендияларини, аҳолининг ёрдамга мухтож қатлами учун нафақа пуллари оширишга, умуман ижтимоий масалаларни изчиллик билан ҳал этишга олиб келади»¹

2007 йил 12-февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “2006 йилда аҳоли бандлигини ошириш, ҳалқимиз турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтириш йўлида сезиларли қадамлар қўйилди.

Барча тоифадаги ишчи-ходимларнинг реал иш ҳақи ўтган йилда 36 фоизга ўсди.

Айниқса, 2006 йилда йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначилик фаол ривожланиб, бунинг натижасида 60 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди”²

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурида 2007-2010 йилларга мўлжалланган мақсадли ишларни таъминлаш юзосидан амалга оширилаётган ишларни жойларда ўрганиш бўйича ҳар бир вилоят, шаҳар бўйича ишчи гуруҳлар ташкил қилиш амалга оширилмоқда.

Аҳолининг ночор табақалари-пенсионерлар, ногиронлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб қувватлаш соҳасида кучли чора тадбирлар ўтказилиши фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг ғоят муҳим йўналишидир.

Мамлакатимизда ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий-маиший хизмат кўрсатадиган махсус ижтимоий ёрдам бўлимлари барпо этилган.

Бола туғилганида ижтимоий ёрдам бериш тизими ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг махсус фармони билан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам жорий этилган.

Марказий, Шарқий Европа мамлакатларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, болали оилаларга ёрдамнинг бирдан-бир тури ёрдам

¹ И.А. Каримов «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» //Халқ сўзи, 2004 йил 8 декабр. №253, 2-б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгилаштириш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. // «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

маблағини нақд пул билан тўлаш бўлиб, бу эса бошқа ёрдам турларининг тақсимотидан фойдаланиб, қайта тақсимот воситаси ҳисобланади. Шунинг учун оилаларга тақсимотни белгилашда чуқур таҳлил ўтказиш зарур. Айниқса, катта оила ҳажми билан кам таъминланганлик даражаси нисбатини баҳолашда ўрганилган далилларни таҳлил қилишда эквивалент шкаласидан фойдаланиш керак.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги асосий вазифалардан яна бири янги турдаги ижтимоий ёрдам тизимининг ташкил этилишидир. Биринчидан, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойилига асосланиб, бозор иқтисодиётига мос келадиган ижтимоий ёрдам тизimini яратиш; иккинчидан, ижтимоий ёрдам тизимида хусусий жамғармаларни таркиб топтириш; учинчидан, ижтимоий ёрдам тизimini ривожлантиришда давлатнинг ролини белгилаш ва ҳоказо.

Яқин йилларга мўлжалланган ижтимоий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистонда кўпчилик аҳоли қишлоқда яшагани учун бу жараёнда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида анчагина иш қилинмоқда. 2001-2006 йилларда қишлоқ жойларида уй-жойлар, поликлиникалар, касалхоналар, қишлоқ врачлик масканлари, умумий таълим мактаблари, хизмат кўрсатиш савдо ва умумий объектлари қуриб битказилди. Қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини газ, сув билан таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Бу дастурларни амалга оширилиши асосида йилига бир неча минглаб километр янги газ тармоғи ва водопровод шохобчаси ишга туширилмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг дунё хўжалик алоқаларига узвий қўшилиши йўналишларини белгилаб олиш катта ўрин тутди.

Республиканинг тўловга қобилиятли ишчанлиги туфайли ҳамкор сифатидаги халқаро обрў-эътибори ошиб бормоқда.

1. Боб. Ижтимоий соҳанинг роли, моҳияти ва хусусиятлари.

1. Ижтимоий соҳанинг роли ва уни ривожлантиришдаги асосий вазифалари.

Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган. Айни пайтда, бизнинг йўл - жаҳон амалиётида тўпланган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади.

Ўзбекистон танлаб олган йўл - республика ва унинг халқи манфаатларига мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисодиётдир. Бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишдаги, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгаллик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришишга чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётимизнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш иқтисодий ислохотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Иқтисодиёт барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига мувоффақиятли ўтиш мумкин. Иқтисодиётни барқарорлаштириш - бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Биз иқтисодиётни барқарорлаштира бориб, бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун шарт-шароитларни вужудга келтирамиз. Ислохотлар барқарорлиқнинг ғоят муҳим шarti бўлмиш - аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳақиқатдан ҳам асосий, узлуксиз, устувор йўналиш ҳисобланади. Бозор ислохотларининг ҳамма босқичларида олдиндан ўтказиладиган кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи принципларидан биридир.

Бозор иқтисодиётини барпо этиш шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг пировард мақсадлари бу энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир. Шундай қилиб биз комил ишонч билан айта оламизки мустақиллик йиллари мобайнида биз янги жамият асосларини яратишга ўзгаришлар муқарарлигининг негизини таъминлашга муваффақ бўлдик.

Ижтимоий соҳани асосий мақсади бўлиб, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳисобланади.

Ижтимоий сиёсат деганда муайян давлат ҳокимиятининг ушбу соҳа бўйича ўз олдига қўйган вазифаларини ва мақсадларини амалга ошириш

билан боғлиқ сиёсат тури тушунилади. Бу сиёсат бевосита аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ сиёсат бўлиб унга:

- даромад сиёсати;

- ижтимоий таъминот ва меҳнат бозорини шакллантириш;

- аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатиш сифатини яхшилаш каби ижтимоий йўналтирилган сиёсат турлари киради.

Ижтимоий сиёсатнинг объекти бўлиб ижтимоий соҳа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришгандан кейинги дастлабки кундаёқ ижтимоий масалаларни қамраб олувчи бозор иқтисодиётини қуришни мақсад қилиб олди.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат ўтказилиши давр тақозоси эди, десак хато бўлмайди. Чунки:

- Собиқ иттифоқнинг қатор республикаларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни ижтимоий шароити огир, турмуш даражаси кўрсаткичлари паст бўлган бир вақтда бошлашига тўғри келди:

- Республикада аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул даромадлари, ўртача иш хақи энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ва нооziқ овқат товарлари ҳамда хизматлар билан таъминланганлик даражаси жиҳатдан охириги ўринларда эди;

- 1990 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, аҳолига товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми бўйича республика кўрсаткичлари Собиқ иттифоқ кўрсаткичларининг 55-60 фоизидан ошмас эди;

- аҳолининг катта қисми, айниқса қишлоқ аҳолиси жамиятда расман эълон қилинган қашшоқликда яшарди. Расмий статистика маълумотларига кўра, 1989 йилда жон бошига ҳисобланганда республикалардаги оилаларнинг (республикамиздаги) 44 фоизининг пул даромади расмий белгиланган энг кам иш хақидан ҳам оз бўлган;

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши лозим, лекин қандай қилиб? Бу ерда энг муҳим ва замонавий муаммолардан бири масаланинг жавобини ташкил қилади. Яъни, энг аввало кам таъминланган табақага ёрдам бериш ҳақида давлат самарали сиёсатни ишлаб чиқиши лозим ва бунга боғлиқ ҳолда кам таъминланганлик ва камбағаллик тушунчаларини таърифлаб бериш шарт деб ўйлаймиз.

Ҳар бир давлатнинг кам таъминланганлигини белгилашнинг, яъни ҳисоблаб аниқлашнинг ўзига хос услуби мавжуддир. Масалан: АҚШ, Англия, Германия, Португалия каби давлатларда яшаш минимуми 40 фоиздан 60 фоизгача бўлган. Польша ва Венгрияда эса минимал пенсия миқдори, Болгарияда эса минимал иш хақи миқдори ёки суммаси кам таъминланганликни аниқлашда қўлланиладиган воситалардир.

Республикамизда ҳам аҳоли мухтожлик даражасига қараб фарқли гуруҳларга ажратилган: жуда мухтожлар; мухтожлар; кам мулкчилар ва кам таъминланганлар.

Аҳолига хизмат кўрсатадиган ижтимоий соҳа-бу миллий иқтисодиётнинг ҳар хил тармоқларининг йиғиндисидир. Бунинг асосий функцияси, аҳоли учун керак бўлган хизматларни яратишдир. Ижтимоий соҳа тармоқларига қуйдагилар киради: чакана савдо, маориф, тиббиёт, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи, жисмоний тарбия ва спорт, маданият ва санъат, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий таминот ва бошқалар.

Юқорида кўрсатилган соҳалар аҳолининг қандайдир эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган тармоқлардир. Хизматларнинг ҳаммасини иккита йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) Моддий хизматлар;
- 2) Ижтимоий ва манавий хизматлар.

Моддий хизматлар ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан, уларни сақлаш билан боғлиқ бўлган хизматлар. Масалан, савдо хизматлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг айрим турлари.

Ижтимоий ва маънавий хизматларга соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият муассасаларининг хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт, адабиёт, театр, кино, музейлар ва бошқа тармоқларнинг хизматлари ва бошқалар киради.

Етказиб бериш усули бўйича хизматлар икки гуруҳга бўлинади:

- 1) Пулли хизматлар;
- 2) Бепул хизматлар.

Пулли хизматларга уй-жой коммунал хўжалик хизматлари, аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш тармоқлари, савдо хизматлар ва ҳоказолар киради. Ўзбекистон табиий ва хомаше ресурсларига бой. Буларнинг ҳаммаси-ер, сув, ўрмон ва ер ости бойликлари-республиканинг ажралмас мулки бўлиши керак.

Ижтимоий тармоқлар Ўзбекистонда охириги даврда анча юқори суръатлар билан ривожлангандир. Шу тармоқларнинг асосий роли ва вазифалари қуйидагича:

1. Ижтимоий тармоқларни юқори суръатлар билан ривожлантириш, шу тармоқ жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасини ошириш.

2. Ўзбекистонни миллий хусусиятини ҳисобга олганда ижтимоий соҳага тегишли бўлган муассасаларни қишлоқ жойларида юқори суръатлар билан ривожлантириш ва бунинг натижасида қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш даражасидаги бўлган фарқни камайтириш.

3. Аҳолига кўрсатилган бепул имтиёзлар асосида кўрсатилган хизматларни умумий хизматлардаги улушини сақлаб қолиш.

4. Ижтимоий тармоқларда миллий иқтисодиётда банд бўлган меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланишга имкон бериш;

5. Ижтимоий тармоқларни миллий иқтисодиёти учун зарур бўлган юқори малакали соғлом кадрларни етказиб бериш;

6. Ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши аҳолининг бўш вақтини кўпайтиришга ва шу вақтдан рационал фойдаланишга шароит туғдириш.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш таҳлили.

Аҳолининг турмуш даражасини белгилаш учун биринчи навбатда аҳолининг жон бошига тўғри келадиган пул даромадларини аниқлаб чиқимишимиз керак. Статистика маълумотлари бўйича аҳолининг ҳақиқий даромадлари ўсди, тадбиркорлик, шахсий ёрдамчи хўжалик ва хусусий мулкдан келадиган даромадлар улуши ўсиши давом этмоқда. Аҳолининг пул даромадлари ва истеъмол харажатлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси минтақаларда жон бошига ялпи ички маҳсулот республикаси даражасига нисбатан 2000 йилда Қорақалпоғистон Республикасида 53 фоиз ташкил қилган бўлса 2004 йилда 41,2 фоиз, Андижон 53,0 ва 93, фоиз, Бухорода 19,8 ва 115,5, Жизаҳда 61,1 ва 62,1, Қашқадарёда 79,8 ва 126,8, Наманганда 55,0 ва 63,6, Самарқанда 67,8, Наманганда 55,0 ва 63,6, Самарқанда 67,8 ва 67,3, Сурхондарёда 66,2 ва 14,9, Сирдарёда 79,8 ва 82,3, Тошкентда 92,3 ва 101,9, Фарғонада 86,2 ва 86,6, Хоразмда 87,2 ва 71,6, Тошкент шаҳрида 157,1 ва 161,4 фоизни ташкил қилади. Келтирилган рақамлар республика ҳудудларини ривожланиши, аҳолини зич яшаши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва ижтимоий муаммолар қайси ҳудудда долзарблигини кўрсатади.

Умуман олганда ҳар қандай системада ҳар қандай давлат ўзининг олдида бир нарсани мақсад қилиб олади, у ҳам бўлса «Яшаш савияси»дир. Агарда бу тушунчани адолатли бир шаклда баҳолайдиган бўлсак, у ҳолда камбағал одамлар бўлмаслиги керак, ҳамма одамлар ҳар томонлама таъминланган ва тенг ҳуқуқлилик шартларида яшаши керак.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя тизими қуйидаги масалаларни ечиш билан боглиқдир: саноатда ривожлантиришни барқарорлаштириш ва юксалтириш; турли манбалардан пул маблағларини (кичик бизнесни ривожлантириш учун) жалб этиш (саноат секторига); даромадлар ва турмуш савиясидаги фарқликларни камайтириш; камбағалликка қарши кураш. Бу борада яна бир хусусият борки бу бозор инфратузилмасини шакллантириш, банк, молия ва суғурта тизимларини қайта шакллантириш (ташкил этиш), билимдон ва замонавий фикрлайдиган мутахассисларни тарбиялаш бўйича ҳали жуда кўп ишлар қилиниши керак. Республикада ҳуқуқий база барпо қилинган, лекин унга амал қилиш жуда суст бормоқда. Шахсий ташаббусда тадбиркорликни

ривожлантириш учун ҳам тўсиқлар кўп. Ўрта ва хусусий тадбиркорлик ҳам янада жиддийроқ қўллаб-қуватлашга мухтождир.

Кўпгина раҳбар ходимлар ҳамда ўрта бўгин ходимлар онгида мустаҳкам ўрнашиб қолган маъмурий буйруқбозлик тизимининг қолдиқлари ҳамон мустаҳкам. Афсуски бу ходимларнинг кўпчилиги юз бераётган ўзгаришларни ғоят заиф идрок этмоқдалар. Улар бу ўзгаришларнинг моҳиятини тўлалигича англаб етишмаяптилар ва шу сабабли ислохотлар йўлида тўсиқ бўлмоқдалар.

«Бор саъй-харакатимиз, амалий ишларимиз билан одамларни ишонтиришимиз керакки, ислохотлар даврида фақат уларнинг ўзлари фаол иштирок этган тақдирдагина белгиланган мақсадларга етиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси жонини жабборга бериб тер тўккан тақдирдагина, ислохотларни олға силжитиш, чуқурлаштириш мумкин»- дейди Президентимиз И. А. Каримов.

Республикамизда ислохотларнинг дастлабки босқичидан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳолига ижтимоий кафолотлар яратиб қўйилди. Фуқароларнинг мулкдан улуш олишида тенглик тамойилларига, шунингдек хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ҳимоя қилинишига қатъий риоя этилди.

Имтиёзларнинг бугун бир тизимли ишлаб уларга ёрдам бериш хусусийлаштиргандан кейин уларга ёрдам бериш мақсадида солиқ соҳасида ҳам имтиёзларнинг айрим турлари белгиланди. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий кафолотлар тизими хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш учун ҳам имкони борича кўпроқ қулай шароит яратиш лозим.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолининг ижтимоий ҳимоялашни чораларини таъминлашга давлат бюджетидан ҳар йили барча бюджет маблағларининг қарийб ярмиси ажратилмоқда.

Шу ҳисобдан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, давлатдан ёрдам олишга мухтож бўлган оилаларга алоҳида эътибор берилди. Кам таъминланган оилаларга нафақалар тўланмоқда.

Тошкентда ногиронларнинг соғлиғини тиклаш Республика маркази ташкил этилди. Нукусда ҳам шундай марказ мавжуд. Уй-жойни сақлашда ёрдам берилмоқда ва унинг чиқимлари қопланмоқда. Масалан: 2004 йилда аҳолининг пул даромадлари ўртача 144,2 минг сўм бўлган бўлса, уларнинг истеъмол харажатлари 122,9 минг сўмни ташкил этди, яъни аҳоли жон бошига пул даромадлари истеъмол харажатларидан кўплигини кўрсатади.

Нарх-навога эрк берилиши ва инфляция даражаси муносабати билан ижтимоий муҳофаза чора-тадбирлари тизимларида даромадларни мунтазам ошиб бориши энг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистонда даромадларни индексиялаш жараёни иш ҳақининг энг оз миқдорини, пенсиялар, степендияларни, аҳолининг жамғарма банкларидаги

омонатлари бўйича ставкаларни бир йўла марказлаштирилган тарзда қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилмоқда. Аҳолининг ночор табақаларини- пенсионерлар, ишсизлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида кучли чора-тадбирлар ўтказилиши фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг ғоят муҳим йўналишидир.

Республикада ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уйга бориб ижтимоий-маиший хизмат кўрсатадиган масхус ижтимоий ёрдам бўлимлари барпо этилган.

Бола туғилганда ижтимоий ёрдам бериш тизими ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг масхус фармони билан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам жорий этилган.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимизни барпо этиш, бунинг учун мустаҳкам моддий негиз яратиш манфаатларини кўзлаб қуйидагилар миллий иқтисодиётни ислоҳ устуворлари қилиб белгиланди:

- Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган миллий бойликнинг ортишини, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт шaroитларни таъминлайдиган иқтисодий тизмни барпо этиш;

1-жадвал

ЯИМ ўсиши ва унинг ишлаб чиқиш таркиби^{*}
(2000-2006йй. (2005-2006 I-III Чораклар))

Давр	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ЯИМнинг ўсиши, % (такқослама баҳоларда)	ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби, %				
		Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Хизматлар соҳаси	Соф соликлар
2000 й.	103,8	14,2	30,1	6,0	37,0	12,5
2001 й.	104,2	14,1	30,0	5,8	38,0	11,9
2002 й.	104,0	14,5	30,1	4,9	37,7	12,6
2003 й.	104,2	15,8	28,4	4,7	37,2	13,7
2004 й.	107,4	17,5	26,4	4,8	37,0	14,1
2005 й.	107,0	20,7	25,0	4,9	38,3	11,0
2005 й. I	104,8	28,7	8,9	4,7	44,2	13,3
2005 й. I-II	107,2	24,8	13,5	5,6	42,9	13,0
2005 й. II	107,2	20,9	23,0	5,1	39,4	11,4
2006 й. I	103,6	29,4	8,1	4,7	44,7	12,9
2006 й. I-II	106,6	26,0	13,1	5,5	42,1	13,1
2006 й. II	107,3	21,8	22,4	5,3	38,5	11,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти.

- Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик усуллари

^{*} Ўзбекистон иқтисодиёти.//Ахборот ва таҳлилий шарҳ, 2006 йил январ-сентябрь - Т.: “Ўзбекистон”, 2006.

бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш;

- Иқтисодиётда моддий, тиббий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш;

- Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарабини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш ва шакллари мустақил белгилиш имконини беради ва бошқалар.

Ҳисобот даврида ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркибида ўтган йилнинг мос даври билан таққосланганда сезиларли ўзгаришлар рўй бермади (1-жадвал).

Аввалгидек, миллий иқтисодиётнинг етакчи бўлган сектори хизмат кўрсатиш соҳаси, ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркибидаги улуши бироз қисқарган бўлсада (0,9 фоиз даражага) юқориликча қолмоқда (38,5%). Қишлоқ хўжалигининг улуши 0,6 фоиз даражага қисқарди, саноатнинг улуши эса 0,9 фоиз даражага ўсди ва 21,8%ни ташкил этди.

2- жадвал.

ЯИМнинг харажатлар таркиби (%да) ЯИМ нинг динамикасида (2000-2006 йй. (2005-2006 I-III чораклар))*

Давр	Якуний истеъмолга харажатлар жами, %		Ялпи жамғариш, %		Соф экспорт,
	Хусусий	Давлат	Асосий капиталга ялпи ички инвестиция*	Захираларнинг ўзгариши	
2000 й.	61,9	18,7	24,0	-4,4	-0,2
2001 й.	61,5	18,5	27,9	-6,8	-1,1
2002 й.	60,2	18,0	22,1	-0,9	0,6
2003 й.	55,6	17,4	21,5	-0,7	6,2
2004 й.	51,9	16,2	23,5	1,0	7,4
2005 й.	50,9	16,4	23,1	-0,1	9,7
2005 й. I чорак	49,4	20,1	26,0	-10,8	15,3
2005 й. I-II чораклар	52,7	19,0	25,6	-10,4	13,1
2005 й. I-III чораклар	48,6	16,9	22,3	4,5	7,7
2006 й. I чорак	49,3	22,1	25,4	-9,2	12,4
2006 й. I-II чораклар	52,8	19,2	25,4	-8,4	11,0
2006 й. I-III чораклар	49,5	16,6	22,2	3,6	8,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Бу эса ЯИМнинг муҳим омил бўлди. ЯИМнинг якуний истеъмоли таркибининг динамикаси аҳоли ва уй хўжалиги секторининг хусусий истеъмоли улушининг 2005 йилнинг 9 ойлигидаги 48,6%дан ҳисобот давридаги 49,5%гача, яъни 0,9 фоиз даражага ўсган ижобий тенденцияси тўғрисида гувоҳлик бермоқда. (2- жадвал).

* Ўзбекистон иқтисодиёти.//Ахборот ва таҳлилий шарҳ, 2006 йил январ-сентябрь - Т.: “Ўзбекистон”, 2006.

Ушбу жараён, бир томондан аҳоли реал даромаларининг ўсишини акс эттирса, иккинчи томондан - ЯИМнинг динамикасида жами талабнинг элементи сифатида хусусий истеъмол улушининг кўпайишини кўрсатади. Стратегик устувор мақсадларга изчиллик билан эришиб бориш ислоҳ қилишнинг биринчи босқичидаги асосий устувор йўналишларни аниқ ажратиб олиш заруриятини келтириб чиқаради. Бунда ғоят кескин аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини яқин фурсатларда ҳал этишга ёрдам берадиган асосий бўғинларни топиш муҳим эди.

2000 - 2006 йилда Республика ҳукумати кўрган чора-тадбирлар иқтисодиёт тараққиётининг устивор йўналишларини амалга ошириш, халқ хўжалиги ва иқтисодиёт соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурларни босқичма-босқич бажариш, шунингдек аҳолининг турмуш-тарзи ҳамда даромадларини оширишга қаратилган.

Ижтимоий соҳани устивор ривожлантириш кадрлар тайёрлаш миллий дастури, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш дастури ва ҳукумат қарорларида белгиланган чора-тадбирлар доирасида ўтди.

Ҳисобот даврида аҳолининг пул даромадлари ўсди. Оилалар умумий даромадлари таркибида шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва тадбиркорликдан олинган даромадлар ҳиссаси ортди. 2004 йил аҳоли пул даромадлари ортиши истеъмол моллари харид қобилияти ортганлигидан далолатдир.

3. Хизматларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш хусусиятлари

Эҳтиёж - бу ижтимоий соҳа хизматларида пайдо бўладиган заруриятдир. Бу зарурият ижтимоий-иқтисодий шароитлар, фан-техника тараққиёти, иқлим, географик, тарихий ва миллий шароитлар асосида вужудга келади. Ҳар хил хизматларга ва истеъмол товарларга бўлган эҳтиёжлар бир-бири билан боғлиқдир. Шу эҳтиёжларга таъсир этадиган энг асосий омил бўлиб моддий ишлаб-чиқаришни ривожланиш даражаси ҳисобланади. Лекин у ўз навбатида эҳтиёжлар ишлаб чиқаришга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Масалан; хизматларга бўлган эҳтиёжлар моддий ишлаб чиқаришда янги ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишига эски ишлаб чиқаришнинг кенгайишига таъсир кўрсатадилар. Ривожланган мамлакатларда бу муносабатларни давлат ўз томонидан тартибга солади ва режалаштиради. Ижтимоий соҳа тармоқларининг хизматларига бўлган эҳтиёжларни ва истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни тўғри ва сифатли аниқлаш моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун асосий шароитлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари эҳтиёжларга аҳоли сони, унинг даромадлари, баҳолар даражаси катта таъсир этади.

Эҳтиёжларни қуйдаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

- 1) Энг юқори даражадаги эҳтиёжлар;
- 2) Рационал даражадаги эҳтиёжлар;

3) Минимал даражадаги эҳтиёжлар.

Эҳтиёжларни шакли бўлиб талаб ҳисобланади. Ижтимоий хизматларга бўлган талаб икки гуруҳга бўлинади:

1) Пуллик хизматларга бўлган талаб;

2) Пулсиз хизматларга бўлган талаб.

Пуллик хизматларга бўлган талаб биринчи навбатда аҳолининг даромадлари билан боғлиқдир.

Пулсиз хизматларга бўлган талаб, миллий даромад, истеъмол фонди ҳажмига боғлиқдир.

Хизматларга бўлган талабни аниқлашда иккита усулдан фойдаланамиз:

1) Норматив усулидан.

2) Баланс усулидан.

Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари дўконлар, супермаркетлар, умумий овқатланиш муассасалари орқали сотилади. Аҳолининг шахсий эҳтиёжига керакли барча моддий бойликлар ички савдо тармоқлари ёрдамида тақсимланади. Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан транспорт ва алоқа хизматлари ошиб бормоқда, айниқса ахборот-технология хизматлари ҳажми ортиб бормоқда. Пуллик хизматлар таълим соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда кўпаймоқда.

Масалан республикада барча шаклдаги савдо ва умумий овқатланиш соҳасининг чакана товар айланмаси умумий ҳажмда тахминан 49 фоиз шаҳар савдоси ва 51 фоиз қишлоқ савдоси улушига тўғри келади. Умумий овқатланиш мамлакат товар айланмасини умумий ҳажмини 10 фоизни ташкил қилади. Биргина Тошкент шаҳрида мустақиллика эришган 1991 йилда 58 ресторан аҳолига хизмат қилган бўлса 2004 йил уларнинг сони 1274 тага етди, шу билан бирга хизмат қилиш усули ҳам ривож топди ва жаҳон андозаларига яқинлашмоқда. Бунинг асосий сабаби мулк шакллариининг ўзгаришидир. Мулк шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркибида 2004 йилда давлат мулки атиги 2,7 фоизни ва нодавлат мулк эса 97,3 фоизни ташкил этди.

Давлат ва нодавлат (хусусий, кооператив ва бошқа турлари) савдоси асосий савдо-солиқ шакллари ҳисобланади. «Озиқ овқат таъминот» давлат акциадорлик компанияси билан «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси улгуржи савдо айланмасининг асосий қисмини амалга оширади.

Кооператив савдоси асосан қишлоқ аҳолисини халқ истеъмол моллари билан таъминлайди. У қишлоқ аҳолисидан ва жамоа хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (тухум, жун, мўйна, тери, бошқа хил хомашё картошка, мева ва сабзавот маҳсулотлари) сотиб олиш билан ҳам шуғулланади, шаҳарларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини уюштиради, қишлоқ аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлайди.

Хусусий савдо сотиқ хизмати ривожланиб бормоқда. 2004 йилда чакана товар айланмасида нодавлат савдосининг солиштирма ҳиссаси 97,3

фоизни ташкил этди. Чакана товар айланмасининг 25 фоиздан кўпроғи Тошкент шаҳрида амалга оширилди.

Чакана савдодан фарқли ўлароқ аҳолининг пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида давлат мулкисининг салмоғи кўпроқ 59,4 фоиз. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат ҳажми 2004 йилда 498,9 миллиард сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига пуллик хизматлар ҳажми 19,8 минг сўмдан ошди.

4. Ижтимоий соҳа тармоқларида меҳнатнинг ва асосий фондларни хусусиятлари

Ижтимоий соҳада миллий иқтисодиётда банд бўлган ходимларнинг 11 фоиздан кўпроғи савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш соҳасида меҳнат қилади. 45 мингга яқин давлат ва нодавлат чакана савдо корхоналари аҳолига хизмат кўрсатади.

Ижтимоий-маданий комплекс тармоқларига жалб этилган меҳнат ресурслари қуйидаги хусусиятларга эга:

- хизмат тармоқларга жалб этилганлар;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характериға эға бўлган.

Ушбу янги қиймат яратадиган хизматлар ишлаб чиқариш характериға эға бўлади. Буларға мисол, маиший хизмат тармоғи кийим кечакларни тикиш, уйларни қуриш, истеъмолчини буюртмаси бўйича товар ва маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бериш ва бошқа хизматлар қиради. Ноишлаб чиқариш характериға эға бўлган хизматларға янги ёки қўшимча қиймат яратадиган хизматлар қиради. Масалан, сартарошлик хизматлари, маданият ва санъат муассасалари хизматлари ва хоказолар.

Иккинчидан, ижтимоий соҳа тармоқлари муассасаларининг асосий қисмида кўпинча ишлаб чиқаришнинг жонли меҳнат усули қўлланилади. Шунинг учун ноишлаб чиқариш соҳаларида муассасаларни кенгайтириш асосан ишлайдиганлар сонини кўпайтириш бўйича олиб борилади. Шу билан бир қаторда ижтимоий соҳа тармоқларида ҳам ишлайдиганларнинг сонини унча-мунча қисқартириш учун, бошқарув органларини ва бошқарув системасини автоматлаштириш билан ишлайдиганларнинг сонини қисқартириш мумкин.

Учинчидан, ижтимоий соҳа тармоқларида ишлайдиган мутахассислар малакали мутахассислар бўлиб, олий ёки ўрта махсус таълимға эгадирлар. Масалан: тиббиёт соҳаларида, маориф соҳасида, маданият ва санъат соҳасида. Шунинг учун таълим даражаси бўйича ижтимоий соҳа тармоқларида банд бўлган мутахассислар умуман миллий иқтисодиётда банд бўлган мутахассисларға нисбатан юқорироқ.

Юқорида кўрсатилган хусусиятлар ижтимоий соҳа тармоқларида меҳнатнинг самарадорлигини аниқлаш ҳисоб китоблари асосида етадилар.

Бу тармоқларда оддий меҳнат унумдорлиги кўрсаткичидан фойдаланиш анча мураккаб ва ноишлаб чиқариш характериға эға бўлган

тармоқларда меҳнат унумдорлигига кўра умуман фойдаланиш мумкин эмас. Масалан, тиббиёт, маорифда.

Ижтимоий соҳа тармоқларида меҳнатни режалаштиришда бир неча кўрсаткичлардан фойдаланамиз:

1. Тармоқда ишлайдиганлар сони;
2. Ижтимоий соҳада битта ишлайдиганга тўғри келадиган Миллий даромад ҳажми;
3. Ижтимоий соҳанинг айрим тармоқларида меҳнат унумдорлиги; Масалан, савдода битта сотувчига тўғри келадиган товар оборотини ҳажми, маданий хизматда битта ишлайдиганларга тўғри келадиган, пуллик хизматларни ҳажми.

Бундан ташқари ижтимоий соҳа тармоқларида сонли кўрсаткичлар билан бир қаторда сифат кўрсаткичлари ҳам қўлланилади. Масалан, тиббиётда беморни даволаш сифати. Таълимда ишлайдиган ўқувчилар малакаси ва таълим сифати ва ҳоказо.

Умуман, ижтимоий соҳа тармоқларидаги меҳнатнинг самарадорлигига қуйидагилар ўз таъсирини кўрсатади:

- ишлайдиганларнинг малакаси;
- корхоналарнинг ўлчами;
- тармоқларнинг моддий техник базаси;
- меҳнатни қайта ташкил этиш даражаси. Ишлаб чиқарувчиларни моддий рағбатлантиришнинг икки тури қўлланилади: ишбай шакли; вақтбай шакли.

Ижтимоий соҳаларни моддий техник базаси миллий иқтисодиётдаги пропорцияларни ташкил этишда катта роль ўйнайди, айниқса, Миллий даромадда жамғариш ва истеъмол фондлари ўртасидаги пропорцияларни ташкил этишда. Ноишлаб чиқариш соҳаларини моддий техник базасини асосан асосий фондлар ташкил этади. Лекин шуларни айтиш керакки ноишлаб чиқариш соҳасида қўлланиладиган асосий фондлар бу тармоқларга ижтимоий соҳа тармоқлари томонидан ижарага берилиши мумкин.

Масалан; завод ёки фабрика территорияларида жойлашган поликлиника, касалхоналар, ошхоналар, болалар боғчаси ва бошқалар шу завод ёки фабриканинг асосий фондларидан фойдаланиши мумкин. Демак, ноишлаб чиқариш соҳасини моддий техник базаси ўзига тегишли асосий фондлардан ташқари ишлаб чиқариш соҳасига тегишли асосий фондлар ҳам қисман киради. Ноишлаб чиқариш соҳаси асосий фондларига савдо хоналари, автомашиналар, ҳар хил асбоб-ускуналар, хизмат кўрсатадиган тармоқларнинг бинолари ва ҳоказолардир. Асосий фондлар мулкчиликнинг учта шаклида бўлиши мумкин: хусусий мулк; жамоа мулки; давлат мулки.

Бозор муносабатларини ривожлантириш билан хусусий мулкнинг роли тобора ошиб бормоқда. Асосий фондлар қиймат шакли асосан асосий

фондларнинг структураси ҳисоб-китобларда қўлланилади. Масалан, ҳозирги даврда ноишлаб чиқариш соҳанинг асосий фондларда уй-жой коммунал хўжалигини асосий фондлари 30 фоизни ташкил этади, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг асосий фондлари 11 фоизни, маориф ва тиббиётни 16 фоиз фан, маданият ва бошқа тармоқларнинг асосий фондлари 11 фоизни ташкил этади. Асосий фондларни ишлатиш жараёнида уларни жисмоний томондан эскириши ва фан-техника тарракиетини ривожлантириш натижасида маънавий эскиришни беради. Ноишлаб чиқариш соҳасидаги асосий фондлар учун жисмоний томонидан эскириши кўпроқ даражада бўлади. Асосий фондларнинг тикланиши асосан иккита йўналиш бўйича олиб борилади.

Капитал ва жорий ремонт орқали. Жорий ремонт кўпинча корхона ва муассасаларнинг ҳисобига ўтказилади, капитал ремонт эса қисман бюджет маблағлари ҳисобига ўтказилади. Асосий фондларни қуриш учун керак бўлган капитал маблағларнинг манбаалари қуйидагилар: давлат бюджети; давлат кредити; ижтимоий соҳаларнинг фойдаси; аҳоли даромадлари ва хорижий инвестициялардир.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва чет эл фирмалари иштирокида янги иш жойлари вужудга келтириш мақсадида қўшма корхоналар барпо этади. Корейс, немс «ArВелла», югослав «Элен», итальян «Комоинэкс», француз «Ль Ореал», «Лагеран», «Обреме», «Филлинс» ва бошқа чет эл фирмалари билан амалий алоқалар ўрнатилади.

Қисқача хулосалар

Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш тарзини, шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ ананалари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган ижтимоий соҳанинг роли, моҳияти ва ўтиш даврида Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириши таҳлили, соҳани тармоқларига хос бир неча хусусиятлари берилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришишга чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётимизнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш иқтисодий ислохотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Иқтисодиёт барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига мувоффақиятли ўтиш мумкин.

Бозор иқтисодиётини барпо этиш шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг пировард мақсадлари бу энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир. Шундай қилиб биз комил ишонч билан айта оламизки мустақиллик йиллари мобайнида биз янги жамият асосларини яратишга ўзгаришлар муқарарлигининг негизини таъминлашга муваффақ бўлдик.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Ижтимоий соҳа тушунчасини тарифланг?
2. Ижтимоий соҳа тизими нимадан иборат?
3. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантиришдаги асосий вазифалар нимадан иборат?
4. Нима учун ижтимоий соҳада меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи кенг қўлланилмайди?
5. Нима учун ижтимоий соҳада механизация ва автоматлаштириш даражаси нисбатан паст?
6. Ижтимоий соҳада моддий-техника базасининг хусусиятлари қандай?
7. Ижтимоий соҳада капитал ва хорижий инвестициялар аҳамияти?
8. Милий иқтисодиётни устивор вазифари нимадан иборат?
9. Ижтимоий сиёсатни мақсади қандай?
10. Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш зарурияти нимадан келиб чиқади?

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент «Ўзбекистон» 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиликлар ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 7 февраль куни Оқсарой қароргоҳида қилган нутқи «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди» Халқ сўзи, 2005 йил, 17 февраль.
4. Ишмухамедов А.Э., Каланова М.З. «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» Маърузалар матни Т.: ТДИУ, 2005.
5. Игнатов В.Г., Батурин Л.А., Бутов В.И. Экономика социальной сферы. Ростов на Дону, 2004.

2. Боб. Ижтимоий соҳани бошқаришда давлатнинг роли.

1. Ижтимоий соҳанинг тармоқларида давлат ва бозорнинг роли

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётда бир неча камчиликлар пайдо бўлади. Мана шу камчиликлар ва иқтисодиётдаги салбий жараёнларни йўқотиш учун давлат иқтисодиётга аралашади. Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли куйидагилардан иборат:

- Давлат миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқларини, соҳаларни иқтисодий жараёнларни режали тартибга солади. Масалан: ишсизлик билан курашиш дастурлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурлари ва ҳоказолар;
- Давлат иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳуқуқий норма ва қонунларини ишлаб чиқади. Масалан: Ўзбекистонда антимонопол қонун, банкротлик тўғрисидаги қонун ва ҳоказолар;
- Давлат миллий иқтисодиётни бошқаришда ҳар хил маъмурий чора-тадбирлардан фойдаланди;
- ижтимоий соҳани бошқаришда ҳам давлатнинг роли жуда ҳам катта, у бир қатор ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажаради;
- бозор тизими самарали ривожланиши учун, ижтимоий адолатни ривожлантириш учун давлат қонуний асосни таъминлайди;
- мамлакатда яшайдиган фуқороларнинг иқтисодий эркин кураши ва эркин рақобатини ҳимоя қилади;
- миллий даромад ва миллий бойликни ижтимоий адолатлилик асосида яратилган миллий даромадни қайта тақсимлайди;
- инфляция, ишсизлик жараёнлари устидан назорат қилиш асосида иқтисодиётни барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиради;
- аҳолини бозор иқтисодиётининг салбий натижаларидан ҳимоя қилиш учун ижтимоий механизмни такомиллаштириш.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида ижтимоий соҳаларда давлатнинг роли ҳар хил.

Давлатнинг кўп сонли функциялари ичидан энг асосийларидан бири-давлатнинг ижтимоий сиёсат функциясидир. Давлатнинг ижтимоий сиёсати деганда, биз аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини бажариш учун аҳолини барқарор ва юқори турмуш даражасини яратиш учун давлат томонидан олиб бориладиган чора-тадбирларнинг йиғиндисини тушунамиз. Амалиёт шуни кўрсатадики, давлатнинг ижтимоий сиёсати ҳар хил даврларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва шу сиёсатнинг натижалари ҳам ҳар хил бўлган. Лекин ижтимоий сиёсатнинг хусусиятларига қарамасдан биз энг асосий белгилловчи йўналишларни ажратишимиз мумкин. Бу куйидагилар билан боғлиқ:

1. Моддий ва маънавий бойликларнинг тақсимланиши шу мақсадда олиб борилиши керак, у жамиятда ижтимоий адолатни таъминласин.
2. Демографик сиёсатни шундай олиб бориш керакки, натижада меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш мумкин бўлсин.
3. Жамиятнинг рационал (унумли) ижтимоий таркибини тузиш учун давлатнинг ижтимоий йўналишининг асосий вазифаси бўлиб ҳар хил манбалар орқали аҳоли даромадларини ташкил этиш ҳисобланади.

Улар қуйидаги йўналишлар орқали ташкил этилади:

- * меҳнатга тўловлар орқали:
- * ижтимоий истеъмол фондлар орқали:
- * шахсий мулкчилик орқали:
- * корхоналарнинг даромадлари орқали:

Аҳоли даромадларининг бир қисми меҳнат сифати билан боғлиқ бўлса, яна бир қисми меҳнат сифатига боғлиқ бўлмайди.

2. Ўзбекистон аҳолисини ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш.

Собиқ Иттифокда ижтимоий соҳа хизматларининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва асосий истеъмолчиси бўлиб давлат ҳисобланган. Мулкнинг бир қисмига қасаба уюшмалари, колхозлар ва бошқа ижтимоий ташкилотлар эгалик қилишган. Хусусий мулкчилик йўқ бўлган десак ҳам бўлаверади. Давлатнинг бошқа ташкилотларидаги роли ижтимоий соҳада ресурсларнинг тақсимланиши жуда кам бўлган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий соҳада рақобат пайдо бўлади ва мулкчиликнинг турли шакллари ташкил этилади.

Умуман «аралаш» иқтисодиётнинг принциплари ижтимоий соҳада ўз самарасини кўрсатади, чунки фақат давлат механизми ёки фақат бозор механизми ижтимоий талабларни қондиришда самарасиздир. Ижтимоий соҳада фақат бозор механизмидан фойдаланиш бутунлай нотўғри. Чунки аҳоли бир хил гуруҳларни (ишсизлар, саводсизлар, уй-жойсизлар) моддий томондан қурби етмаса, ушбу хизматлардан фойдалана олмайдилар. Шартли бепул хизматларга, масалан бошланғич ва ўрта мактабларда ўқиш, ҳар хил инфекцияларга қарши вакцинациялаш ва бошқалар киради. Айрим харажатлари юқори бўлган тармоқларда, масалан, музейлар, қисман тўланадиган механизми қўлланилади. Яъни, харажатларнинг асосий қисмини давлат ўз устига олади. Лекин шу хизматлардан фойдаланган аҳоли ҳам уларга пул тўлайди. Масалан, кўرғазмаларга, спорт мусобақаларга сотиб олинадиган билетлар. Ижтимоий хизматларнинг асосий қисмига аралаш тўловлар механизми афзалроқдир. Ижтимоий хизматларнинг айрим соҳаларида эса хусусий бозор механизми афзалроқдир. Масалан, шоу-бизнес, киноматографияда, бизнес мактабларининг фаолиятида. Бу ерда давлатнинг роли жамият аъзоларини ноижтимоий жараёнлардан ҳимоя қилишдан иборатдир. Шу билан бир

қаторда давлат ушбу соҳалардаги нотижорат фаолиятни қувватлайди. Масалан, нотижорат кинематограф.

3. Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш босқичлари ва йўналишлари

Ўзбекистонда ижтимоий хизматларни ўрнатиш ва ривожлантиришни учта босқичга бўлиб ўргансак бўлади.

Биринчи босқич: 1924 йилдан 1956 йилгача. Бу йилларда пенсия ва нафақа тушунчалари пайдо бўлди ва ҳаётга ўрнатилади. Лекин бу даврда ягона пенсия тизими йўқ эди ва пенсиялар билан таъминлаш тармоқлар принципи асосида олиб борилар эди.

Иккинчи босқич: 1956 йилдан 1990 йилгача. 1956 йилдан давлат томонидан пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу қонун бўйича пенсиялар билан таъминлаш аҳолининг доираси анча кенгайди. Масалан, ушбу йилдан бошлаб колхозчилар пенсия оладиган бўлдилар. 1965 йилдан бошлаб аҳолининг ҳамма табақалари пенсия оладиган бўлдилар. Ундан ташқари бу босқичда ҳар хил нафақа ва имтиёзлар тўлана бошлади.

Биринчи ва иккинчи босқичларда аҳолини ижтимоий таъминлаш тизими етилди ва ўз ичига қуйидаги йўналишларни қамраб олди:

-Пенсия таъминоти

-Ижтимоий хизмат имтиёзлари.

Учинчи босқич: 1990 йилдан ҳозирги давргача яратилган аҳолини ҳимоя қилиш механизми такомиллаштирилди. 1990 йилдан иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш билан фуқароларни пенсия таъминоти тўғрисида қонун қабул қилинди. Бу босқичда янги тушунчалар пайдо бўлди. Пенсия фонди, ижтимоий пенсиялар, даромадларни индексациялаш.

Ижтимоий ёрдамнинг турлари қуйидагича: пенсиялар, болаларга бериладиган нафақалар, инвалидларга бериладиган имтиёзлар, бепул протезлаш, давлат томонидан яқка яшайдиганлар, қариялар ва инвалидларни таъминлаш.

Ижтимоий ёрдамнинг асосини пенсиялар ва аҳолига нафақалар ташкил этади.

Пенсияларнинг бир неча турлари мавжуд: ёшига доир бўйича, инвалидлик бўйича, боқадиган одамани йўқотиш бўйича, ижтимоий пенсиялар, имтиёзлар асосан инвалидларга ва ягона турган қарияларга берилади.

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асосан уч йўналишда амалга оширилади.

Биринчиси, нархларнинг эркинлаштирилиши ва уларнинг қадрсизланиши даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражаси мунтазам ошиб борилди. Бу

соҳа 1993 йил январда жорий этилган янги ягона тариф ставкаси барча ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорини тариф коэффициентлари орқали энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди. Яъни энг кам иш ҳақини ошириш йўли билан аҳолининг ўртача иш ҳақини ошириш йўли билан аҳолининг ўртача иш ҳақи, пул даромадлари ҳам ўз-ўзидан кўтарилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 октябрдан амал қилиб бошлаган №218-сонли қарорига мувофиқ, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш 1,2 баробар кўпайтирилди. Албатта бу аҳоли барча табақаларини пул даромадларининг кўпайишини тامينлайди ва ҳар йил оширилади. Жорий 2007 йилда энг кам иш ҳақи - 12420 сўмни ташкил қилади.

Иккинчиси, республикани ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг муайян даражасини сақлаб туриш.

Учинчидан, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари қўрилди. 1994 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг тенглаштириш тизимидан аниқ мақсадли ва аҳолининг мухтож табақаларини қамраб оладиган тизимга ўтилди, яъни «маҳалла» жамияти орқали болалар ва кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиладиган бўлди. Бундай аҳолини ижтимоий ҳимоя тизимининг яратилиши ислохотлар биринчи босқичнинг ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги муҳим якуни бўлди. Ҳозирги кунда бу тизим янада такомиллашиб борапти ва туғилишини тасдиқлади. 2007 йилда маҳаллалар орқали республикадаги болали оилаларнинг кўпчилиги нафақа олишди.

Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида ялпи ижтимоий кафолатлар ва аҳолининг ночор ва мухтож қатламларини кучлироқ қўллаб-қувватлаш тизими зарур бўлиб қолди ва янгидан ижтимоий сиёсат қурилишига асос қилиб олинди. (1994-1997 йиллар). Учунчи босқичнинг (1997 йилдан ҳозиргача) асосий мақсади – бу иқтисодий ўсиш, аҳолини яшаш даражасини ошириш ва манзилли ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришдир.

4. Ижтимоий соҳани тартибга солишда бозор механизмининг роли ва аҳамияти

Ўзбекистон шароитда бозор иқтисодиётини шаклланиши майда ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг учун барча имкониятларни яратиш ва шу асосда аҳолининг даромадларини кўпайтириш муҳим вазифалардан бири этиб таъкидланди. Яъни аҳоли бозор иқтисодиёти қонунларидан самарали фойдаланган ҳолда турмуш тарзини тубдан яхшилаш учун имкон туғилмоқда. Масалан деҳқон бозори,

у маълум бир даражада аҳолини, пулга бўлган эҳтиёжини ва истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кондиради.

Қишлоқ аҳолиси деҳқон бозорида ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотиш натижасида пул даромадларини кўпайтиришга эришадилар.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя масаласи давлат сиёсатининг марказида турадиган масалалар қаторидан жой олган. Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида «халқ фаравонлигини барқарор муттасил оширишни, аҳоли ижтимоий ҳимояланиши устувор йўналиш қилиб белгилаб, шу йўл билан ислохотлар фақат инсон манфаатларини кўзлаб, унинг қоидамизни яна бир тасдиқлаган бўламиз»³ деб таъкидлаб ўтдилар.

Республикамизда ҳукумат вазиятни назорат қилиш ва ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш туфайли одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайишининг олди олинди, бу республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаш омили бўлди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат бўлди;

- нархларни эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражасини ортиб бориши ҳисобга олинган ҳолда даромадларнинг энг кам ва ўртача даражаси мунтазам оширилиб борилди;

- республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат молларининг асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туришга ҳаракат қилинди;

- аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб қувватлашга қаратилган фаол ижтимоий сиёсат ўтказилди.

Ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизимида қатъий воз кечилиб, шарқда неча минг йиллар давомида қарор топган маънавий ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунё қараш хусусиятларига мувофиқ келадиган йўл танлаб олинди. Ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги илғор тизими шакиллантирилди. Бу эса ижтимоий ислохотлар соҳасидаги иқтисодий ўзгаришлар биринчи босқичнинг энг муҳим якуни бўлди.

Иқтисодиётнинг ислох қилиниши, мулкчиликнинг янги шакиллари пайдо бўлиши аҳолининг даромадлари тизимида ҳам анча сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бугунги кунда даромадлар тизимида меҳнат фаолиятининг фақат бозор шаклларида тадбиркорлик, индивидуал меҳнат фаолияти, шахсий ёрдамчи хўжаликни ташкил этишдан олинadиган ва хусусий мулкдан олинadиган даромадлар салмоқли ўринни эгаллайди.

Ижтимоий соҳани тартибга солишда бозор механизмини ва марказлаштирилган бошқарувнинг бириктирилиши ва такомиллаштиришдир.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, Тошкент. «Ўзбекистон», 1999.

Истиқлол йиллари мобайнида истеъмол бозоридаги вазият умумиктисодий омиллар таъсири остида бўлади. Ички ва ташқи савдони эркинлаштириш, ишлаб чиқариш соҳасидаги монополистик фаолиятнинг чекланиши, миллий валютани жорий операциялар бўйича конвертация қилиниши товарлар ва хизматлар бозорини барқарор ҳолга келишини таъминлайди.

Республикада аҳоли уй-жой шароитларини сифат жиҳатдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Аҳолини уй жой билан таъминланганлик ўртача даражаси 6 фоизга тенг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 январда «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 7 февралдаги «Тошуйжойжамғармабанк» давлат акционерлик уй-жой жамғарма банкини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисидаги қарори мамлакатимизда катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур фармон ва республика ҳукуматининг қарорига асосланиб Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошуйжойжамғармабанк» аҳолининг ортқча маблағини уй-жой қурилишига жалб этиш юзасидан собит қадамлик билан ташкилий ва оммавий ишларни олиб борди ва бу ишлар ўз натижасини берди. 1997 йилдан бошлаб ушбу банк «Ўзуйжойжамғармабанк» деб, ҳамда 2006 йилдан бошлаб АТИБ «Ипотекабанк» номида иш олиб бормоқда Уй жой қурилишини маблағ билан таъминлаш ва бу ишга кредит ажратиш пул жамғариш ҳисоб варрағини юритиш тўғрисида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, шунингдек, банк акциялари ва уй-жой облигациялари бўйича эмиссия истиқболлари ишлаб чиқилди.

Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора-тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш инфратузилмаларини жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга. Бу Ўзбекистон аграр сиёсатининг ғоят муҳим, устувор йўналишларидан биридир. Коммунал ва муҳандислик тизимларининг кенг тармоғини яратиш, қишлоқда яшовчиларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшилаш, бутун қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги даражада кўтариш унга индустриал тус бериш имконини беради.

Оқибатда биргина 2005 йилда иқтисодиётни ижтимоий соҳасига 619,1 млрд сўмлик инвестициялар киритилди, бу умумий ҳажмдан 42,9 фоизни ташкил этди. Бу маблағлар ҳисобига умумий майдон 7512 минг кв. метрли (2003 йилга нисбатан 7 фоиз кўп) 68,4 минг квартира шу жумладан 6742,5 минг кв. метри қишлоқ жойларда 18,0 минг ўқувчи ўринли колледжлари, 300 ўринли касалхоналар, бир сменада 16,8 минг қатновли поликлиника муассасалари, шу жумладан 16,8 минг қатновли қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб ишга туширилди.

Айни вақтда ҳозир кенг тармоқ ёйган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма барпо этиш, сервес ва маиший хизмат тармоғини

шакиллантириш муаммоси ҳали тўла ҳал қилинмаган. Ҳар бир поселкада, ҳар бир қишлоқда майда улгуржи дўконлар, таъмирлаш устахоналари, дехқонларни қишлоқ хўжалиги техникаси, кўчатлар, минерал ўғитлар ва бошқалар билан таъминловчи пунктларнинг кенг тармоғи таркиб топмаган.

Аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлиги масаласи доимо энг муҳим ва ўткир масалалардан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб келмоқда.

Мулкчилик шакллари бўйича иш билан таъминланиш таркибида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг нодавлат секторида иқтисодиётда банд бўлган барча кишиларнинг 76,0 фоизи меҳнат қилмоқда.

Андижон, Фарғона, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида бу кўрсаткич янада юқори. Йирик давлат саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари бўлган Навоий, Тошкент Самарқанд вилоятларида, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич нисбатан пастроқ. Шунга қарамай бу ўзгаришлар келгусида ҳам ортиб бораверади. Айни вақтда саноатнинг янги илғор тармоқлари (электроника, машинасозлик, қайта ишлаш тармоқлари)да, хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолининг иш билан таъминланиши ортаверади.

Ушбу масалани ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

- кенг фаолият турлари, биринчидан, қишлоқ хўжалик хом ашесини қайта ишлаш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, маҳаллий хом ашедан қурилиш материалларини тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолиятни кенгайтириш учун шароит яратиш;
- хизмат соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий маиший хизмат ва қурилиш бўйича хизматлар турини кенгайтириш. Хизмат кўрсатиш соҳаси-бу ҳали ҳам яхши фойдаланилмаётган, қўли ишдан бўшаётган ходимларни иш билан таъминлайдиган соҳадагина эмас, балки меҳнат ресурсларининг бутун ўсишини таъминлашга қодир бўлган захиралардир;
- қўли ишдан бўшаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этишни жиддий равишда яхшилаш. Ишдан бўшаётган ходимларга ёки ихтисоси бўлмаган шахсларга қисқа давр ичида янги, бозор шароитига ҳамда иқтисодиётнинг ўзгариб бораётган тизимига мувофиқ келувчи касб-корни ўргатадиган уларнинг ўз ҳаётидаги ўзгаришларга мослашишларига ёрдам берадиган махсус маслаҳат ва ўқув марказлари, бизнес мактабларининг кенг тармоғини шакиллантириш жуда муҳимдир.

Ишсизлик ҳаддан ташқари ўсиб кетишига йўл қўймаслик Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга оширишнинг асосий вазифаларидан биридир. Бунинг учун республикада меҳнат бозорини фаол тарзда мувофиқлаштириб боришнинг турли шакиллари ва усуллари қўлланилмоқда 250 дан зиёт пунктларни ўз ичига олган кенг тармоқли бандлик хизмати тизими вужудга келтирилган. Республиканинг ҳар бир шаҳар ва туманларида меҳнат бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда.

Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра табиий ва жисмоний ресурслар иқтисодий ўсишнинг 40 фоизигина таъминлашга қодир экан, иқтисодий ўсишнинг қолган 60 фоизини инсоний омиллар-ишчи кучи, малакани ошириш, соғлиқни сақлаш, таълим-тадқиқот ишлари учун сарф харажатлар иқтисодий ўсишнинг асосий манбааларига айланмоқда.

Инсоннинг бутун умри ўтадиган фуқаролар ўзини-ўзи бошқарувининг муҳим жамоатчилик органи маҳалланинг яна бир хусусияти шундаки, унда яшовчи ҳар бир оила, шахс шу жамоа кўз ўнгида шаклланади, ҳар бир фуқаронинг ҳаёт тарзи унинг нимага қодир ёки муҳтожлигини маҳалладан кўпроқ биладиган идора йўқ. Ҳар бир киши ва унинг оиласи учун қўшнилари ва маҳалласи берадиган баҳо энг ҳолис баҳодир.

Қисқача хулосалар:

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётда бир неча камчиликлар пайдо бўлади. Мана шу камчиликлар ва иқтисодиётдаги салбий жараёнларни йўқотиш учун давлат иқтисодиётга аралашади.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида ижтимоий соҳаларда давлатнинг роли ҳар хил.

Давлатнинг кўп сонли функциялари ичидан энг асосийларидан бири-давлатнинг ижтимоий сиёсат функциясидир. Давлатнинг ижтимоий сиёсати деганда, биз аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини бажариш учун аҳолини барқарор ва юқори турмуш даражасини яратиш учун давлат томонидан олиб бориладиган чора-тадбирларнинг йиғиндисини тушунамиз. Амалиёт шуни кўрсатадики, давлатнинг ижтимоий сиёсати ҳар хил даврларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва шу сиёсатнинг натижалари ҳам ҳар хил бўлган.

Ижтимоий соҳа хизматларининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва асосий истеъмолчиси бўлиб давлат ҳисобланган. Мулкнинг бир қисмига қасаба уюшмалари, колхозлар ва бошқа ижтимоий ташкилотлар эгалик қилишган. Хусусий мулкчилик йўқ бўлган десак ҳам бўлаверади. Давлатнинг бошқа ташкилотларидаги роли ижтимоий соҳада ресурсларнинг тақсимланиши жуда кам бўлган. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий соҳада рақобат пайдо бўлади ва мулкчиликнинг турли шакллари ташкил этилади.

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асосан уч йўналишда амалга оширилади.

Биринчиси, нархларнинг эркинлаштирилиши ва уларнинг қадрсизланиши даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражаси мунтазам ошиб борилди. Бу соҳа 1993 йил январда жорий этилган янги ягона тариф ставкаси барча ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорини тариф коэффициентлари орқали энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди.

Иккинчиси, республикани ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг муайян даражасини сақлаб туриш.

Учинчидан, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари кўрилди. 1994 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг тенглаштириш тизимидан аниқ мақсадли ва аҳолининг мухтож табақаларини қамраб оладиган тизимга ўтилди, яъни «маҳалла» жамияти орқали болалар ва кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Ўзбекистон шароитда бозор иқтисодиётини шаклланиши майда ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг учун барча имкониятларни яратиш ва шу асосда аҳолининг даромадларини кўпайтириш муҳим вазифалардан бири этиб таъкидланди. Яъни аҳоли бозор иқтисодиёти қонунларидан самарали фойдаланган ҳолда турмуш тарзини тубдан яхшилаш учун имкон туғилмоқда.

Назорат ва мулоҳаза саволлари:

1. Ижтимоий соҳани бошқаришда Ўзбекистонда давлатнинг роли нимадан иборат?
2. АҚШ, Япония ва Европа мамлакатларида давлат ижтимоий соҳани қандай қилиб тартибга солиди?
3. Ижтимоий соҳани ривожлантиришда бозор механизмининг зарурияти?
4. Ўзбекистонда пенсия тизимини тартибга солишда давлатнинг роли?
5. Ўзбекистонда ижтимоий хизматларни ўрнатиш ва ривожлантириш босқичлари қандай?
6. Аҳолини турмуш даражасини кескин пасайиши олдини олиш чоралари нималардан иборат?
7. Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишлари нимада?
8. Ижтимоий хизмат кўрсатиш имтиёзлари нималардан иборат?
9. Ижтимоий соҳани бошқаришда «аралаш» функцияни моҳияти нимадан иборат?
10. Ижтимоий соҳани бошқаришда давлатни функциялари қандай?

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.
2. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. Халқ сўзи, 2005 йил, 16 июнь.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: барқарор ривожлантириш йўллари. Т. 2002 й.
4. Ишмухамедов А.Э., Каланова М.З. «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» Маърузалар матни Т.: ТДИУ, 2005.

3. Боб. Ижтимоий соҳада баҳолар ва субсидиялар. Жамият турмуш фаровонлиги назарияси ва даромадларни табақаланиши

1. Ижтимоий соҳада баҳоларнинг роли

Ижтимоий секторда баҳолар махсус рол ўйнайди. Улар ижтимоий неъматларни ҳар хил турдалигини ҳисобга олган ҳолда талаб ва таклифни ташкил этиш хусусиятлари билан белгиланади. Бу эса ижтимоий соҳа секторларига қараб (баҳоларни ташкил этишда) фарқларни мавжудлигини кўрсатади.

Соф ижтимоий таъминотларда баҳоларни ташкил этиш қўшма ижтимоий таъминотларда баҳоларни ташкил этишдан фарқланади (масалан, табиий монополиялар томонидан яратилган баҳоларини ташкил этиш).

Айрим ижтимоий неъматларга бозор баҳоси йўқ (яъни уларни баҳоси «0»га тенг). Истеъмолчилар соф ижтимоий неъматларга пул тўлашмайди, улар уни бепул истеъмол қилишади. Лекин бепул истеъмол фақат биринчи кўринишда бўлади. Уларни молиялаштириш солиқлар орқали амалга оширилади (дарёлар – экологик солиқ).

Соф ижтимоий неъматлар худди шахсий неъматга ўхшаб иқтисодий таъминотга киради. Маълумки, иқтисодий неъматларлар бепул табиий неъматлардан фарқланади (масалан куёш нури, соф сув, ҳаво ва ҳоказо) Уларни ишлаб чиқариш-ижтимоий ресурс харажатларини талаб қилади, лекин таклифи бепул табиий ресурсларга қараганда чекланган. Ушбу фарқни ўз вақтида А. Маршал кўрсатган. Иқтисодий неъматлар ҳам табиий неъматлар каби фойдалиликка эга. Масалан дарёларни ва инсон томонидан қурилган каналларни фойдаличилиги.

Соф ижтимоий неъматларни бепуллиги шуни белгилайдики, уларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат баҳолар механизми билан эмас, балки нобаҳолар механизми билан ўрнатилади.

Ижтимоий секторда шундай нобаҳо механизмга: солиқлар, молия нормалари ва бошқалар киради. Уларни бозор баҳоларга тенглаштирсак бўлади. Лекин улар умуман баҳоларга тенг эмас.

Ижтимоий секторнинг ҳар хил сегментлари баҳо ва нобаҳо механизмни ҳар хил даражада қўллайдилар. Масалан, ижтимоий секторни табиий монополия шароитида талаб ва таклиф ўртасида мувозанат ўрнатишда баҳолар механизми орқали тартибга солиш кўпроқ қўлланилади. Масалан коммунал хўжалик тармоқларида (сув билан, газ билан, электроэнергия билан, иссиқлик билан таъминлашда).

Нобозор фаолиятни иқтисодий доирага киритилиши билан ижтимоий ва шахсий неъматларни бир бирига солиштириш зарурияти пайдо бўлади. Бунда кўпинча чегараланган ижтимоий харажатлар, чегараланган ижтимоий даромадлар билан солиштирилади. Ижтимоий харажатларни

шахсий ҳаражатларга солиштириш учун ижтимоий неъматларни альтернатив қийматини пул билан баҳолаш усули қўлланилади.

Биринчидан, бу усул истеъмолчиларни ижтимоий неъматларни ишлаб чиқаришда солиқлар орқали тўлашга тайёрлигини назарда тутди.

Иккинчидан, ижтимоий ва шахсий неъматларни солиштириш усули альтернатив қийматни йўқотилган даромад деб ҳисоблайди. Яъни ижтимоий секторда инсон қатнашган вақтда қандайдир даромадларни йўқотилиши. Масалан кундузги бўлимда ўқийдиган талабалар ўқиш вақтида қандайдир даромадларни йўқотадилар (ўқиш вақтида улар қаердадир ишлаши мумкин ва шунинг натижасида даромад олиши мумкин).

Учинчидан, бу усул тиббиёт, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий суғурта тармоқларида қўлланилади ва бунда касални олдини олиш, ёки экологик ҳалокатни олдини олишни қийматни баҳолаш усули бўлади.

Соф ижтимоий неъматларни баҳолашда икки қарама-қарши позиция мавжуд. Биринчи позиция бўйича соф ижтимоий неъматлар баҳосиз. Масалан инсоннинг ҳаёти, соф ҳаво, соф сув ва ҳоказо, инсон организмининг алоҳида органлари. Уларга баҳо ўрнатиш ахлоқсизликдир.

Иккинчи позиция бўйича эса ҳаётда шундай вазиятлар бўладики соф ижтимоий неъматларни альтернатив қийматини ҳисоблаш зарурияти пайдо бўлади. Масалан, инсон организмининг органларига.

Ва ниҳоят ижтимоий неъматларни пулли баҳолаш усулларида самарали ёндашув. Ушбу ёндашув асосида товар ва хизматларга баҳоларни ўрнатиш учун унинг заминида ижтимоий-психологик омилларни ётишидир.

Инсонлар ҳаммада бор нарсани сотиб олишга ҳаракат қилади.

Бой, яъни даромадлари юқори бўлган одамлар бир хил маҳсулотларни маркаси учун сотиб олишади. Масалан, қиммат баҳо автомашиналар. (мерседес 600)

2. Табиий монополия шароитида ва мукамал рақобат шароитида ижтимоий соҳа хизматларига баҳоларни ташкил этиш

Ижтимоий секторлар баҳоларни ташкил этиш, айрим хизматлар учун ҳам баҳоларни ташкил этишдан ташқари, номукамал рақобат шароитида баҳоларни ташкил этишни ҳам ўз ичига олади. Табиий монополияларда маҳсулот ва хизматлар учун баҳоларни тартибга солиш бунга яққол мисол бўлади. Бунга коммунал хизмат тармоғи соҳасида аҳолини сув, газ билан таъминлаш, шаҳар пассажир транспорти ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Табиий монополиялар фаолияти монополь ҳуқуқ мавжудлиги учун ижтимоий йўқотишлар ва ижтимоий ютуқлар билан боғлиқдир. Ижтимоий йўқотишлар монополия маҳсулотларига талабнинг нисбатан пастроқ бўлиши билан боғлиқ. Чунки бу ерда баҳолар нисбатан баландроқ бўлади.


Лекин айрим монополияларда ишлаб чиқариш жараёни тўғри қўйилган бўлса, бошқариш харажатлари анча паст бўлади ва натижада баҳолар ҳам мукамал рақобат шароитига нисбатан пастроқ бўлади. Бунинг натижасида монополияларда техника тараққиётининг ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб этишга кўпроқ имкониятлар пайдо бўлади. Лекин табиий монополиялар ушбу усулдан фойдаланиш вақтида харажатларни оптимал даражадан юқорига кўтариш шароити пайдо бўлади ва улар баҳолар орқали истеъмолчиларга юклатилади.

3. Баҳоларда ташқи самараларни трансформация этиш учун баҳолаш механизмини қўллаш.

Ижтимоий секторда баҳо сиёсати табиий монополия баҳоларини тартибга солиш билан чегараланмайди. Ташқи самараларни (эфектларни) тижорат секторда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларни баҳоларга трансформация этиш учун баҳолаш механизми кенг қўлланилади. Салбий ташқи самара ижтимоий харажатларни тавсифловчи бўлиб, баҳоларда солиқлар орқали ҳисобланади. (масалан, алкоголь, тамаки маҳсулотларида ва ҳоказо). Буларга экология солиғи, акциз солиқлари киради.

Ташқи ижобий самара баҳоларда субсидиялар орқали ҳисобга олинади. Масалан, бу жамият аъзоларининг таълим даражаси ўсиши, соғлиқни мустаҳкамлаш натижасида оладиган фойда.

Ташқи самарани солиқлар орқали салбий ҳисобини, графикда ўрганиб чиқамиз. (масалан: экологик солиқ таъсирини)



1-расм. Маҳсулот ва хизматларни сони.

Бу ерда P_0 -мувозанат баҳоси.

Бу нуқтада Q_0 ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Бу ерда чегараланган шахсий харажатлар чегараланган ижтимоий фойдаликка тенг.

Экологик солиқ баҳони P_0 дан P_1 гача кўтаради ва маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини Q_0 дан Q_1 даражагача камайтиради. Ушбу ишлаб чиқариш ҳажмини жамият нуқтаи назаридан самарали бўлиб ҳисобланади. Таклиф эгри чизиғи чапга силжийди (S_0 дан S_1 гача)

Экологик солиқни баҳолар устидан давлат назоратини специфик (махсус) усули деб ҳисобласа бўлади.


Кўп мамлакатларни хўжалик амалиётида давлат томонидан баҳолар тартибга солишда субсидиялар кенг қўлланилади.

Талаб томонидан субсидиялар (истеъмолчиларга) ва таклиф томонидан субсидиялар (ишлаб чиқарувчиларга) ажратилади.

Талаб томонидан субсидияларни мақсади кам таъминланган аҳолини гуруҳларни конкрет маҳсулот ва хизматларни сотиб олиш учун имкониятларни оширишдир. Масалан, дори-дармонларни, болалар озиқ-овқатларини, шаҳар транспортида тўловларни. Бу ҳукумат томонидан камбағал оилаларга айрим товар ва хизматларни сотиб олиш учун бериладиган талон ва карточкаларда ўз ифодасини топади. Истеъмолчилар шу маҳсулотларни бепул ёки пастроқ баҳоларда сотиб олиши мумкин.

Ушбу субсидияларсиз даромади кам истеъмолчилар шу маҳсулотларни истеъмол қила олмасдилар.

Бу ерда ташқи самара ижобийдир. Буни графикда қуйидагича ифодалашимиз мумкин.




2-расм. Субсидиялар туфайли талаб эгри чизиғини ўзгариши

Субсидиялар туфайли талаб эгри чизиғи D_1 дан D_0 силжийди.

Истеъмолчилар P_0 мувозанат баҳода кўпроқ маҳсулотни сотиб олиш имкониятига эга бўладилар.

Субсидияларнинг иккинчи тури бўлиб ишлаб чиқарувчиларга бўлган субсидиялар ёки дотациялардир. Бундай дотациялар ижтимоий томондан

зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга берилади. Собик иттифок даврида шундай дотацияларни амалиётда кенг қўлланлган эди. Дотациялар жуда кўп маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришда берилар эди. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотларни кўп турлари, дори дармонларни, мактабгача бўлган болалар муассасаларига, уй-жой коммунал хизматларига, маиший хизматларга ва ҳ.к.



3-расм. Субсидиялар туфайли таклифни ўзгариши

Субсидиялар таклифни S_0 дан S_1 гача кўпатирадилар. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳам Q_0 дан Q_1 гача кўпаяди, баҳолар эса P_0 дан P_1 гача пасаядилар. Натижада ушбу товар ва хизматларга ҳамма истеъмолчиларни талаби ошади. Ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар дотацион, ижтимоий паст баҳоларни қўллашни ифодалайди.

Юқоридаги графикда:

P_1 -истеъмолчиларга давлат томонидан ўрнатиладиган баҳо. Бу баҳо бозордаги « P_0 » баҳодан паст.

Дотацион баҳоларни (бизнинг мисолимизда « P_1 ») қўллаш натижасида юқори ва ўрта таъминланган аҳолининг табақалари кам таъминланганларга нисбатан кўпроқ фойда кўрадилар. Ишлаб чиқарувчиларга бериладиган дотациялар, биринчидан, адрес характерга эга эмас.

Истеъмолчиларга бериладиган, субсидиялар эса адрес характерга эга бўлади ва аҳолининг махсус гуруҳлар учун ажратилган бўлади.

Иккинчидан, ишлаб чиқарувчиларга берилган субсидиялар баҳоларни асосий функциясини камайтирадилар. Бу эса бозордаги баҳо мувозанатини бузади ва ресурслардан нораціонал фойдаланилади.

4. Жамият бойлигини аниқлашда ҳар хил ёндашувлар

Иқтисодий фикрлар тарихида ижтимоий бойликни моҳиятини, унинг манбаларини тақсимлаш ва аниқлашда ҳар хил ёндашувлар мавжуд.

Классик сиёсий иқтисодиётни ривожланишининг биринчи босқичларида жамият бойлигини аниқлашда икки принципаал ёндашув пайдо бўлган: биринчи-ишлаб чиқариш томонидан, иккинчи- фойдалиқ томонидан.

Иккала ёндашувни ҳам концептуал асоси бир эди. У микроиқтисод томонидан, индивиддан то жамиятгача кўтарилиб боришидир.

Адам Смит классик сиёсий иқтисодиётни асосчиси бойликка ишлаб чиқариш томонидан бўлган ёндашувни ишлаб чиқган. У мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўсишини аҳолини турмуш фаровонлиги ўсиши билан боғлаган эди. У эркин бозор шундай қилиб ишлайдики бу ерда бозорни ҳар бир иштирокчиси ўзини шахсий иқтисодий манфаатини кўзлаб ишлайди ва юқори фойдага интилади деб ҳисоблар эди. Бу эса «кўринмас қўл» принципи асосида жамиятнинг фойдасига ижобий таъсир этади.

Бошқача қилиб айтганда индивидуал турмуш фаровонлигини максималлаштириш бутун жамиятни иқтисодий турмуш фаровонлигини максималлаштиришга олиб боради ва бу эркин бозор механизмига асосланган ҳолда эришилади. Адам Смит жамият бойлигини ҳар хил маҳсулотлар йиғиндисини бойликка тенглаштирар эди ва унумдор меҳнат деб моддий ишлаб чиқаришда ҳаражат (сарф) бўлган меҳнатни ҳисоблар эди.

Бойликни меҳнат назарияси ва унумдорликни меҳнатни чегараланган назарияси кейинчалик марксча иқтисодий адабиётда ривожланган эди. Худди шу вақтда номарксча иқтисодий фикр Смитнинг бойлик ва меҳнат тўғрисидаги назариясини чегараланганлигини йўқотишга йўналтирилган эди.

Шу йўналишларнинг бири бўлиб бойликни яратишнинг ва тақсимлашнинг асослайдиган ишлаб чиқариш омилларини назарияси ҳисобланади. Ушбу назарияга мувофиқ ижтимоий бойликнинг яратувчилари бўлиб фақат меҳнат эмас балки ер ва капитал ҳам ҳисобланади. Бу жамият бойлигининг уч қисми бирлигидан иборат формуласидир. Бу формула ҳозирги пайтда сонли иқтисодий ўсиш статистикасида кенг қўлланилади, хусусан ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш функциялари ёрдамида. Ҳозирги вақтда қўлланиладиган функциялар сони уч омил билан чегараланмайди. Омиллар сонига бошқариш, фан, таълим, информация ҳам киради.

Ушбу назарияга биноан бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма ишлаб чиқариш омиллари иқтисодий томондан бир-бирига тенг. Уларни фаолиятининг самарадорлиги яратилган ҳаражатларни солиштириш билан аниқланади.

Ишлаб чиқариш назариясига биноан иш хақи даражаси «темир қонун» билан аниқланилади. Бунинг моҳияти қуйидагидан иборат. Капиталистик фирма учун ҳар бир ишчи бошқа ишлаб чиқариш омилларига қараганда

қандайдир қийматга эгадир, қачонки у бошқа омилларга қараганда кўпроқ фойда келтирса, шунда у фирма учун бошқа омилларга қараганда афзалдир.

Ушбу назарияни Джо, Милл такомиллаштирди. У шундай ҳисоблар эдики, ишлаб чиқаришни иқтисодий қонунлари тақсимлаш қонунларидан фарқланиши керак. Ишлаб чиқариш қонунлари объектив характерга эга бўлса ва фақат ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ бўлса, тақсимлаш қонунлари алоҳида инсонларга боғлиқ ва объектив характерга эгадир.

Тақсимлаш жараёни, айниқса, иш ҳақи ва фойда иқтисодий қонунларга боғлиқ эмас. Булар қасаба уюшмалари лидерлари, ҳукумат ва ишбилармонлар билан тузилган шартномаларга боғлиқ (яъни субъектив характерга эга).

Ривожланган мамлакатларда И. Бентам ишлаб чиққан жамият бойлиги назарияси ҳам қўлланилади.

Ушбу назарияга мувофиқ ҳар бир инсон бахтининг йиғиндиси жамият бахтини ташкил этади. қайси инсоннинг даромади кўп бўлса унга солиқ ўрнатилади, даромади кам бўлган инсонларга эса трансфертлар орқали ёрдам кўрсатилади.


Аҳолини турмуш фаровонлиги назариясини асосини ишлаб чиқишда италиялик иқтисодчи Вильфред Парето катта ютуқга эга бўлди.

У 1909 йилда ресурсларни ва даромадларни мукамал рақобат шароитида мувофиқлигини ишлаб чиқди. Шу ҳолат иқтисодий адабиётда Парето самарадорлиги ёки Парето оптимуми деб аталади.

Ресурслар Парето бўйича оптимал тақсимланган бўлиб ҳисобланади қачонки бозордаги бир иштирокчини ахволи яхшиланса бошқа иштирокчини ахволи яхшиланмастан бўлмайди.

Истеъмол жараёнида эса Парето ёндашуви қуйидагича:
«Ҳар бир инсонни ҳаётидаги бошқаларга ёмонлик келтирмайдиган ўзгариш айрим инсонларга ижобий ўзгариш келтирса яхшилик деб аталади» Бу ёндашувни «Парето яхшиланиш» деб атади.

Парето яхшиланишини тушунтириш учун қуйидаги графикдан фойдаланамиз.



4-расм. XX асрдаги даромадларни тақсимлаш моделлари.

Н. Калдор ва Д. Хикс ишларида «Паретоннинг оптимуми»дан бошқа ҳолатларнинг таҳлили такомиллаштирилди. Бунда айрим инсонлар самарасиз ҳолатдан ўтганда қандайдир ютуққа эга бўлади ва ўз бойлигини кўпайишини камбағаллар билан бўлишишини хохламайдилар.

Бу ерда ютуққа эга бўлганлар шу ҳолатни сақлаб қолишни хохлайдилар, ютуққа эга бўлмаганлар эса шу ҳолатни ўзгартиришни хохлайдилар. Ҳолатдан чиқиб кетиш учун қандайдир келишув аниқлаб икки томон учун ҳам қулай шароитни яратиш керак.

А. Маршалнинг Турмуш фаравонлиги назариясида истеъмолчиларни ва ишлаб чиқарувчиларни ортиқчаликлари тўғрисидаги концепцияси катта ўринни эгаллайди. Ушбу концепция солиққа тортиш даражаси оптималлаштиришда, субсидияларни ҳажмини аниқлашда, табиий монополия тармоқларда баҳоларни тартибга солишни асослашда қўлланилади.

Истеъмолчини ортиқчаллиги А. Маршални аниқлаши бўйича рақобат мувозанат баҳога қараганда истеъмолчи томонидан шу маҳсулотсиз кетмаслиги учун юқорироқ тўланган баҳо истеъмолчининг ортиқчаллиги бу истеъмолчи томонидан максимал тўламоқчи бўлган баҳо билан ҳақиқатда тўлайдиган баҳони фарқи.

Индивидуал истеъмолчиларнинг ортиқчалик суммаси истеъмолчиларни бозор рақобат баҳоси бўйича жами ортиқчаллиқни ташкил этади. Таклиф томонидан ортиқчаликлар (излишканалар) - бу ишлаб чиқарувчилар учун ортиқчалик. Улар баҳо билан чегараланган ишлаб чиқариш харажатлар ўртасида фарқи билан ҳисобланадилар. Айрим ишлаб чиқарувчиларнинг ортиқчаллиқларни суммаси жами ортиқчаллиқларни белгилайди.

А. Маршални ёндашувига биноан жами бойлик ишлаб чиқарувчиларни ва истеъмолчиларни жами ортиқчаллиқлар суммасига тенг шу билан бирга жамиятни йўқотишлари ишлаб чиқарувчиларни ортиқчаллиқларини йўқотишларига тенг.

Жамият бойлигини тушунишда истеъмолчиларни рационал хулқи назарияси аниқ ўрин эгаллайди. Истеъмолчиларни хулқи даромадлар даражаси билан боғлиқлигини немис статистиги Эрнест Энгел аниқлаган. Энгельни асосий хулосалари қуйидагича: инсонни ёки оилани даромади қанча кам бўлса, шунчалик улар даромадларни катта қисмини озиқ-овқатни сотиб олишга сарфлайди (шу ҳолатда озиқ овқатни сифати паст бўлади). Инсонни ёки оилани даромади қанча кам бўлса, шунчалик улар даромадларни катта қисмини ўзини жисмоний томондан сақлаб қолишга сарфлайдилар ва жуда ҳам кам қисмини маънавий харажатларга сарфлайди.

Бу қонунлар аҳолини турмуш даражасини аниқлашда қўлланилган эди. Ҳозирги даврда халқаро статистикада Энгельни камбағаллик

кўрсаткичи қўлланилади. Шу кўрсаткичга биноан ўз бюджетини 50 фоизни озиқ-овқатга сарфлаган оила камбағал оила бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб жамият фаравонлиги макроиктисодиётни микроиктисодий асосларини яратган эди. Лекин шу асосларни ахамиятига қарамасдан алоҳида шахсларни ўз истеъмолига бўлган чегараланганлиги ҳисобга олинмас эди.

Охирги йилларда чет эл иқтисодчилар Х. Лейбенстайн ва Т. Скитовский истеъмолчиларни норозиал истеъмолини объектив сабаблари мавжудлигини кўрсатдилар. Масалан, тамаки, алкоголь ичимликларни истеъмоли соғлиқ учун зарар, лекин шунга қарамасдан уларни истеъмол қилинади.

Турмуш фаровонлиги ижтимоий назариясида ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни комплекс баҳолаш усули зарурияти мавжуд. Шунинг учун бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) мамлакатларнинг ривожланиш даражасини белгилаш учун янги индексни ишлаб чиққан. Ижтимоий ривожланишни белгилловчи янги индекс учта меъзонга асосланган. Улар: узоқ ва соғлом ҳаётни олиб бориш имконияти, мактаб ва профессионал таълимга эга бўлиш имконияти ва ҳаёт учун биринчи навбатда керак бўлган маҳсулот ва ҳизматларни сотиб олиш учун даромдлар. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси бўйича БМТ янги индекси асосида 130 мамлакат баҳоланилади. Мамлакатларни баҳолаш учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ва ижтимоий ривожланиш даражаси кўрсаткичлари бўйича икки жадвал тузилади. Ривожланган мамлакатлар учун шу икки жадвалларда жойлашган ўрни унчалик фарқ қилмайди. Фақат АҚШ шунда ажралиб туради. Иқтисодий турмуш фаравонлиги бўйича жаҳонда иккинчи ўринда туради, лекин ижтимоий ривожланиш бўйича ўн учинчи ўринда (тиббиёт ёрдами билан нисбатан кам таъминланганлиги, саводсизликнинг нисбатан юқори даражаси). Ривожланаётган мамлакатлар учун жадваллардаги кўрсаткичлар бўйича фарқ бундан ҳам юқори. Масалан, Хитой аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар бўйича -109 ўринда, ижтимоий ривожланиш бўйича -70 ўринда.

Турмуш фаровонлиги назариясида аҳолини даромадларини тақсимлаш концепциялари марказий ўрин эгаллайди. Бойликни тақсимланишини бир неча концепциялари ва моделлари мавжуд. Масалан, фақат бозор иқтисодиёти нуктаи назаридан тақсимлаш бозор иқтисодиётида тақсимлашни классик назариясини ва ҳаққонийликни бозор моделини ифодалайди. Ижтимоий тенглик томонидан тақсимлаш иқтисодий самарадорлик билан боғлиқ бўлмайди ва ҳаққонийликни тенглаштириш моделини ифодалайди. Бу моделлар бир бирига қарама қарши.

Тақсимлашни бозор моделида ҳаққонийлик тушунчаси мукаммал бозор ҳаққонийлигига тенглаштирилади ва бу ерда ҳар бир бозор

иштирокчиси қонун олдида тенг деб ҳисобланади. Ушбу нуктаи назардан нима самарали бўлса, шу ҳаққоний ва самарасиз-ноҳаққоний. Бу моделда меҳнат натижаларини тенглаштириш тўғри келмайди (прогрессив солиқга тортиш ва трансферт тўловлари орқали).

Тақсимлашни бозор моделини объектив деб ҳисоблайди. Ҳар бир инсон ўз қобилиятига, ҳаракатига, меҳнатига қараб даромадга эга бўлади. Бу модель аҳолини ҳар бир гуруҳлари даромадлари ҳар хил бўлиши қонуний деб ҳисоблайди.

Иқтисодий томондан кам ва ўрта ривожланган мамлакатлар ҳаққонийликни тенглаштириш моделини танлашган. Бу ерда ҳар бир инсон худо олдида ва қонун олдида тенг деган тушунча моделни асосида ётади ва даромадларни қайта тақсимлаш (прогрессив солиққа тортиш ва трансферт тўловлари орқали) қўлланилади (35).

Аҳолини ҳар бир гуруҳлари ўртасида нотекисликни аниқлаш учун Джинни коэффициентидан фойдаланилади. Ушбу коэффициент қанчалик юқори бўлса, шунчалик бой ва камбағаллар ўртасида фарқи катта бўлади. Коэффициент паст бўлса аҳоли текис бўлади. Масалан, Бразилияда бешдан бир қисми даромадларни 67 фоизга эга, камбағал бешдан бир қисми даромадларни 2 фоизга эга. Тайванда эса аҳолини бешдан бир қисми даромадларни 9 фоизга эга, аҳолини бой қисми-даромадларни 37 фоизга эга.

5. Аҳоли даромадларининг табақаланиши

Давлатнинг ижтимоий сиёсатида фуқароларнинг жамғармаларига бўлган муносабат аҳамиятлидир. Айниқса, бу бозор иқтисодиёти шаклланиши даврига тааллуқли. Умуман, нормал иқтисодиётда фаравонлик ўсиб жамғарманинг ҳам имкониятини оширади. Жамғармаларни инфляциядан сақлаш, қадрини пасайтирмай, айниқса инвестицияда фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, умумий иқтисодий ривожланишни тезлаштиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиётида қатнашувчилар фаолияти маълум даражадаги даромад олиш, фойда олиш билан яқунланади. Албатта, бу сармоя ҳажми, фаолият самарасига боғлиқдир. Даромад олиш бозор муносабатлари таъсирига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлиши мумкин. Хўжаликлар фаолиятида банд бўлганларнинг даромади, тижорат, талаб ва таклиф мувозанати, рақобатнинг таъсири кабиларга ёки умумий айтганда. Корхона фаолияти натижаси ва тадбиркорларнинг фойда даражасига боғлиқ. Чунки асосий ишловчиларнинг даромад даражаси корхона даромадига боғлиқ бўлади.

Лекин бошқа хил даромад манбаи ҳам бўлиб, у деярли доимий хусусиятли ва унинг даражаси давлат бюджети имкониятидан келиб чиқади. Булар давлат томонидан маош сифатида даромад оладиганлар бўлиб, давлат хизматчилари, маорифчилар, ўқитувчи ва илмий

хизматчилар, талабалар, соғлиқни сақлаш ходимлари, маданий оқортув тармоқлари, маъмурий идоралар хизматчилари, харбий ва ички ишлар, тартибни сақлаш муассасалари ходимлари кабилардир. Булардаги даромадларнинг умумийлиги шуки, унинг миқдорини бевосита давлат белгилайди ва бу миқдор нисбатан доимийдир.

Биринчи тоифадагиларнинг маоши туфайли ўзгариб турса ва аввало тадбиркор иш берувчига боғлиқ бўлса, иккинчи тоифадагиники бюджет имкониятларига боғлиқдир. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳимоянинг нима алоқаси бор деган, савол туғилиши мумкин. Давлат ихтиёридагиларнинг даромадини юзага келтиришда ижтимоий ҳимоя зарурлиги тўғрисида бундай савол туғилмаса ҳам, хўжаликлардаги айниқса хусусий тармоқдагиларнинг даромади тўғрисида шундай туғилиши мумкин.

Даромадлардаги тафовутлар бевосита бозор муносабатлари таъсир этувчи соҳада банд бўлганларга тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам ёлланиш, меҳнат қилиш, шунингдек, даромад пайдо бўлиши аниқ асослари давлат томонидан яратиладиган қонунлар туфайли белгиланади. Айтайлик қайси соҳа, тармоқ бўлмасин, буларнинг умумийлиги мавжуддир. Бунинг ижросини давлат ўз назорати остига олади. Чунки булар умуминсоний манфаатдан, инсон ҳуқуқларидан келиб чиқади.

Аҳоли даромадлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2006 йилнинг 9 ойи мобайнида аҳоли номинал пул даромадлари 31,9% га ўсди, киши бошига реал пул даромадлари эса 20,1% га ўсди. Аҳоли номинал пул даромадлари ўсишига сабаб бўлган асосий омиллар сифатида иш ҳақининг ва ижтимоий трансфертларнинг ошиши ва аҳоли қўшимча даромад олиши учун қулай шароит яратилганлигини келтириш мумкин.

3- жадвал.

Аҳолининг пул даромадлари таркиби (аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси бўйича)*

Кўрсаткичлар	Жамига нисбатан % да		Утган йилнинг мос даврига нисбатан % да	
	2005Й. 1-Шч.	2006Й. 1-Шч.	2005Й. 1-Шч.	2006Й. 1-Шч.
Пул даромадлари, жами	100	100	131,7	131,9
Иш ҳақи	27,4	29,0	133,0	139,9
Пенсиялар, нафақалар,	15,0	14,8	139,2	130,2
Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган даромадлар ва бошқа даромадлар	57,6	56,1	129,2	128,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

* Ўзбекистон иқтисодиёти.//Ахборот ва таҳлилий шарҳ, 2006 йил январ-сентябрь - Т.: “Ўзбекистон”, 2006.

Аҳоли пул даромадларининг ўсишига иш ҳақининг 39,9% га, ижтимоий трансфертларнинг 30,2% га ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадларнинг 28,5% га ўсиши ҳисобига эришилди. Натижада, аҳолининг пул даромадлари таркибида иш ҳақининг улуши 29,1% ни (2005 йилнинг 9 ойида 27,4%), ижтимоий трансфертлар - 14,8%, тадбиркорлик даромадлари улуши - 56,1 %ни ташқил этди (3 - жадвал). Аҳолининг пул даромадлари таркибида иш ҳақи улушининг ошишига, иш ҳақининг бошқа манбаларига қараганда тезроқ ўсиши ижобий тенденциясининг давом этаётганлиги ҳисобига эришилмоқда.

4 - жадвал.

Худудлар кесимида ялпи ҳудудий маҳсулот, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари (республика ўртача даражасига нисбатан фоизларда)^{*}

Худудлар	2006й. 1-IIIч.		
	Аҳоли жон бошига ЯХМ	Аҳоли жон бошига пул даромадлари	Аҳоли жон бошига истеъмол харажатлари
Қорақалпоғистон Республикаси	45,3	58,1	45,2
вилоятлар:			
Андижон	76,2	88,7	100,0
Бухоро	99,5	96,6	94,1
Жиззах	72,3	63,7	54,3
Қашқадарё	84,6	71,3	65,3
Навоий	201,9	151,9	99,5
Наманган	46,0	64,2	69,9
Самарқанд	56,4	65,0	69,8
Сўрхондарё	59,3	78,8	74,0
Сирдарё	70,6	75,2	55,8
Тошкент	111,0	98,5	100,2
Фарғона	71,6	80,0	91,7
Хоразм	63,0	73,5	77,1
Тошкент шаҳри	175,5	333,6	341,9
Ўзбекистон Республикаси	100,0	100,0	100,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Иш ҳақининг ошиши бир нечта омиллар натижасида рўй берди: а) иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонининг ошиши (437,7 мингта янги иш ўрни яратилди); б) педагоглар ва медицина ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини қўлланилиши натижасида, ўқитувчилар ва шифокорлар иш ҳақининг ошиши (меҳнатга ҳақ тўлаш тариф ставкаси 21 минг бошланғич синф ўқитувчилари учун 1,3 марта, 435 минг юқори синф ўқитувчилари учун 1,4 марта, медицина ходимлари учун 1,4 марта ошди); в) бюджет соҳаси хизматчилари иш ҳақининг 1,44 марта ошди.

Ижтимоий трансфертлар ҳажмининг ошиши, ижтимоий дастурларнинг амалга оширилиши ва аҳолининг ҳимояга муҳтож

^{*} Ўзбекистон иқтисодиёти.//Ахборот ва таҳлилий шарҳ, 2006 йил январь-сентябрь - Т.: “Ўзбекистон”, 2006.

қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиниши ҳисобига таъминланди. 2006 йилнинг 9 ой мобайнида 1123,5 минг ёрдамга муҳтож 18 ёшгача болалари бўлган оилалар, 292,2 минг 2 ёшгача боласини тарбиялаётган, ишламаётган оналар, 179,4 минг кам таъминланган оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам ҳажми ўрта ҳисобда 15% га ўсди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастурини бажариш мақсадида, кам таъминланган оилаларга ва ёлғиз қарияларга 3,4 млрд сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Йирик корхоналар, ташкилот ва муассасалар болалар уйларига, қариялар ва инвалидлар уй-интернатларига, мактаб-интернатларга ҳомийлик ёрдами кўрсатишди. Ҳомийлик ёрдами ҳисобига, 1,4 минг ёлғиз қарияларнинг уйларида 127,3 млн сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 23 минг ёлғиз пенсионерларга уйларига бориб хизмат кўрсатилди.

Аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадларининг ошишига, Ҳукумат томонидан кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш ва кичик тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги имконият яратди. Йирик саноат корхоналари ва уй хизмати ўртасидаги ҳамкорликни касаначиликнинг турли шакллари ривожлантириш орқали рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида, 114,6 минг ишчи ўринлари яратилди ва бу ўз навбатида аҳолининг тадбиркорлик даромадларининг ошишига сабаб бўлди. 2006 йилнинг 9 ойи мобайнида ушбу мақсадда иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасидан 10 минг кам таъминланган оилага 6,2 млрд сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш Дастурини амалга ошириш доирасида аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ва ижтимоий ҳимоя қилиш муаммолари ҳал қилинмоқда. Қорамол боқиш билан шуғулланаётган аҳоли банд аҳоли тоифасига киритилмоқда ва уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланмоқда. Жумладан, 2006 йилнинг 1 октябрь ҳолатига қорамол боқиш билан шуғулланаётган 255,5 минг киши меҳнат дафтарчалари билан таъминланди, улардан 99,2 мингтаси (38,8%и) Пенсия жамғармаси билан шартнома туздилар.

Кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 28,9 минг кам таъминланган оилага бепул қорамол тарқатилди.

Қишлоқ жойларда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул қорамол берилиши шартлари тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Ушбу Низомда муҳтож оилаларни аниқлаш, уларнинг қорамол боқишдаги тажрибаси, шароитлари ва имкониятлари, шунингдек ем ва хашак билан таъминлаш критерийлари кўрсатиб берилган.

Аҳоли жон бошига пул даромадларининг ҳудудлараро дифференциацияси 6,1 мартадан 5,7 мартагача қисқарганлиги кузатилди. Фақатгина Навоий вилояти ва Тошкент шаҳрида киши бошига тўғри келувчи ўртача пул даромадлари республикадаги ўртача кўрсаткичдан юқоридир. Бу ҳолат ушбу ҳудудларнинг юқори иқтисодий салоҳиятга эгаллиги билан боғлиқдир. Навоий вилоятида жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот республика ўртача кўрсаткичидан 2,01 марта юқори, Тошкент шаҳрида эса 1,75 марта кўпроқдир (4- жадвал). Шунинг билан бир қаторда, жон бошига ЯХМ республика даражасининг 40-60%и даражасида бўлган ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикасида ўртача даражасининг 45,3%ини, Наманган вилоятида - 46,0%, Самарқанд вилоятида - 56,4%, Сурхондарё вилоятида - 59,3%) жон бошига нисбатан паст пул даромадларига эга бўлиши (Қорақалпоғистон Республикасида жон бошига ўртача даромадлар даражасининг 58,1% и, Наманган вилоятида - 64,2% и ва Самарқанд вилоятида -65,0%и) кузатилди.

5- жадвал.

Аҳолининг пул ҳаражатлари таркиби (пул даромадларига нисбатан % ларда)*

йиллар	Аҳолининг пул даромадлари	шундан пул ҳаражатлари			Нақд пул қолдиғи
		Истеъмол ҳаражатлари	Мажбурий тўловлар ва бадаллар	Банкларга қўйилган пуллар ва сотиб олинган қимматли қоғозлар ва валюталар	
2005й. 1-Шч.	100	72,1	7,7	16,8	3,4
2006й. 1-Шч.	100	72,2	7,0	18,3	2,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидаги нисбатан паст даражадаги пул даромадлари мос равишда истеъмол ҳаражатларининг республика даражасининг 45-70%ига тенг бўлишига сабаб бўлди (Қорақалпоғистон Республикасида - 45,2%, Жиззахда - 54,3%, Қашқадарёда-5,3%, Наманганда-69,9%, Самарқандда - 69,8% ва Сирдарёда-55,8%). Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятининг ўсиши ва инвестицион жозибадорлигининг ошиши иш ҳақининг ва аҳоли жон бошига даромадларнинг ўсишини рағбатлантирди, республикада ҳудудлараро дифференциация даражасини қисқаришига имкон яратди.

* Ўзбекистон иқтисодиёти.//Ахборот ва таҳлилий шарҳ, 2006 йил январ-сентябрь - Т.: “Ўзбекистон”, 2006.

Аҳоли ҳаражатлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2006 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли ҳаражатлари республика бўйича 33,2 % га ўсди. Ушбу ўсишга истеъмол ҳаражатларининг 32,0%га, банкларга қўйилган пуллар ва сотиб олинган қимматли қоғозлар ва валюталар ҳажмининг 44,7%га ўсиши ҳисобига эришилди. (5-жадвал).

Аҳоли ҳаражатлари таркибида истеъмол ҳаражатлари улуши 72,2%ни, мажбурий тўловлар ва бадаллар улуши 7,0%ни, аҳоли жамғармалари улуши 18,3%ни ташкил этди. 2006 йилнинг январь-сентябрь ойларида Фарғона (82,7%), Андижон (81,4%), Наманган (78,5%) ва Самарқанд (77,5%) вилоятларида истеъмол ҳаражатларининг пул даромадларидаги улуши энг юқори бўлган бўлса, Сирдарё (53,6%) ва Навоий (47,3%) вилоятларида энг паст бўлди (6 -жадвал).

6 - жадвал.

Худудларда пул даромадларининг ҳаражатлардан ортиши (фоизларда, пул даромадлари = 100%)*

Худудлар	Пул харажатлари ва жамғармалар				Пул даромадларининг харажатлардан ошиши	
	жами		улардан, истеъмол харажатлари			
	2005Й. 1-Шч.	2006Й. 1-Шч.	2005Й. 1-Шч.	2006Й. 1-Шч.	2005Й. 1-Шч.	2006Й. 1-Шч.
Қорақалпоғистон Республикаси	83,0	76,4	59,7	56,1	120,4	130,8
вилоятлар:						
Андижон	98,7	95,9	83,4	81,4	101,3	104,3
Бухоро	93,1	92,2	72,9	70,3	107,4	108,4
Жиззах	91,1	83,6	67,4	61,6	109,7	119,6
Қашқадарё	82,6	79,5	67,3	66,1	121,1	125,7
Навоий	71,8	72,5	46,2	47,3	139,3	137,9
Наманган	92,6	92,8	75,8	78,5	108,0	107,7
Самарқанд	96,5	91,9	77,7	77,5	103,6	108,9
Сурхандарё	86,9	83,3	70,4	67,7	115,1	120,1
Сирдарё	90,0	86,1	54,7	53,6	111,2	116,1
Тошкент	93,3	92,8	75,7	73,4	107,2	107,7
Фарғона	96,4	96,1	80,6	82,7	103,8	104,1
Хоразм	95,1	93,9	75,1	75,6	105,2	106,6
Тошкент шаҳри	110,3	120,7	70,9	73,9	90,6	82,8
Ўзбекистон Республикаси	96,6	97,5	72,1	72,2	103,6	102,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Аҳолининг даромадлари, ҳаражатлари ва жамғармалари динамикасини пул даромадларининг ҳаражатлардан ортиқлиги характерлайди. Навоий, Қашқадарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида пул даромадларининг ҳаражатлардан кўпроқ ошганлиги кузатилган бўлса,

* Ўзбекистон иқтисодиёти.//Ахборот ва таҳлилий шарҳ, 2006 йил январь-сентябрь - Т.: “Ўзбекистон”, 2006.

Тошкент шаҳрида эса аксинча, ҳаражатлар ва жамғармаларнинг пул даромадларидан ошганлиги қайд этилди.

Маълумки ўтиш даврида, барча соҳаларда бўлгандек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ўзига хос хусусиятларига эга бўлади. Биринчи навбатда, камбағаллашув ўсади, ишсизлик кўпаяди, мухтожлик ошади. Маълумки, ишга яроқсизлар-ногиронлар, қариялар, кўп болали оилалар тўла давлат таъминнотидадир.

Республика нафақа даражаси маош даражасидан жуда кам фарқ келади. Шу билан бирга аҳолининг барча қисми бу тизим билан қамраб олинган. Ҳозир даромадсиз ҳеч ким қолмади. Илгари эса фақат меҳнат қилган вақти асосида нафақа белгиланиб, кўпчилик меҳнатга лаёқати йўқлар нафақа олмас ва ҳаддан ташқари иқтисодий оғир ахволда қолар эдилар. Айниқса, бундай ахвол қишлоқ жойларда кўп бўлиб, кўпчилик аёллар шундай шароитда эдилар. Ҳозирги кунда барча қандайдир даромадга эга. Нафақалар тури кўпаймоқда кўп болали оналар фарзанд кўраётганлар болалигидан ногирон бўлиб меҳнат лаёқатини йўқотганлар ва шунга ўхшаганларнинг ҳаммаси тўла ижтимоий ҳимоя остига олинган. Нафақаларнинг энг паст миқдори белгиланган. Талабалар, аскарлар ҳам тўла давлат ҳимоясидадир.

Даромадга таъсир кўрсатувчи давлат томонидан қўлланиладиган чора-тадбирлардан яна бир тури маълум мутахассисларга белгиланган имтиёзлар. Масалан, уруш қатнашчилари, байналмиллалчилар, аскарлар кабиларга бир қанча иқтисодий енгилликлар туғдирилган. Булар қаторига шахсий даромад солиғидан озод қилиш ёки имтиёз бериш, уй-жой тўлови, коммунал хизмат ҳақи тўлашдаги имтиёзлар киради. 2003 йилдан бошлаб бу имтиёзлар бекор қилиниб ўрнига давлат томонидан қўшимча даромад-компенсация тўлаш жорий қилинди. Маълумки, бундай тўловлар шахсий даромадга ижобий таъсир кўрсатади.

Аҳолининг даромади билан боғлиқ бўлган ижтимоий муҳофазанинг энг инсонпарварлик хусусияти шуки, у инсоннинг иқтисодий эркинлиги, иқтисодий ва жисмоний ҳаётини белгилаш билан боғлиқдир. Бу эса инсон учун энг муҳим масаладир. Бу масалани тўғри ҳал қилиш давлат етуклик даражасидан далолат беради.

Халқаро тажрибада мустақил пул бирлигини жорий этишнинг бирданига ва аста-секин амалга ошириш усуллари мавжуд. Биринчи усулни шартли равишда «инқилобий», иккинчисини эса «тадрижий» деб аташ мумкин.

Биринчи ҳолда бу жараён қисқа вақтда ва асосан тўсатдан ўтказилади. «Инқилобий» усулда аҳолининг умр бўйи йиққан пул жамғармаси қийматини сақлаб қолиш бош мақсад сифатида қўйилмайди. Миллий валютага ўтишнинг бу усулини танлаган ҳамдўстлик давлатлари фуқороларининг қандай жиддий қийинчиликларга дуч келганлигининг гувоҳимиз. Мазкур давлатларда бу ҳолат аҳолининг ҳақли эътирозларига

сабаб бўлди, айрим давлатларда ҳатто ҳукумат инқирозларини юзага келтириб чиққан муҳим сабаблардан бири сифатида эътироф этилди.

Қисқача хулоса

Ижтимоий секторда баҳолар махсус рол ўйнайди. Улар ижтимоий неъматларни ҳар хил турдалигини ҳисобга олган ҳолда талаб ва таклифни ташкил этиш хусусиятлари билан белгиланади. Бу эса ижтимоий соҳа секторларига қараб (баҳоларни ташкил этишда) фарқларни мавжудлигини кўрсатади.

Соф ижтимоий неъматлар худди шахсий неъматга ўхшаб иқтисодий таъминотга киради.

Ижтимоий харажатларни шахсий харажатларга солиштириш учун ижтимоий неъматларни альтернатив қийматини пул билан баҳолаш усули қўлланилади.

Классик сиёсий иқтисодиётни ривожланишининг биринчи босқичларида жамият бойлигини аниқлашда икки принципал ёндашув пайдо бўлган: биринчи-ишлаб чиқариш томонидан, иккинчи- фойдалиқ томонидан.

Адам Смит классик сиёсий иқтисодиётни асосчиси бойликка ишлаб чиқариш томонидан бўлган ёндашувни ишлаб чиқган. У мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўсишини аҳолини турмуш фаровонлиги ўсиши билан боғлаган эди. У эркин бозор шундай қилиб ишлайдики бу ерда бозорни ҳар бир иштирокчиси ўзини шахсий иқтисодий манфаатини кўзлаб ишлайди ва юқори фойдага интилади деб ҳисоблар эди. Бу эса «кўринмас қўл» принципи асосида жамиятнинг фойдасига ижобий таъсир этади.

Давлатнинг ижтимоий сиёсатида фуқароларнинг жамғармаларига бўлган муносабат аҳамиятлидир. Айниқса, бу бозор иқтисодиёти шаклланиши даврига тааллуқли. Умуман, нормал иқтисодиётда фаровонлик ўсиб жамғарманинг ҳам имкониятини оширади. Жамғармаларни инфляциядан сақлаш, қадрини пасайтирмай, айниқса инвестицияда фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, умумий иқтисодий ривожланишни тезлаштиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиётида қатнашувчилар фаолияти маълум даражадаги даромад олиш, фойда олиш билан яқунланади. Албатта, бу сармоя ҳажми, фаолият самарасига боғлиқдир. Даромад олиш бозор муносабатлари таъсирига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлиши мумкин.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

Ижтимоий соҳадаги баҳони роли нимада?

Субсидиялар нимани ҳисобидан амал қилинади?

Тиббий монополияни тушунтириб беринг?

Ўзбекистон иқтисодиёти трансформацияси нимадан иборат?
 Соф ижтимоий неъмат ҳақида нималарни биласиз?
 Табиий монополияларни фаолияти монопол ҳуқуқ билан
 ҳамоҳанглиги.
 Жамият бойлиги қандай аниқланади?
 Бойликни аниқлашда қандай ёндошувларни биласиз?
 Аҳоли даромади қандай аниқланади?
 Даромадларни табақаланиши нимадан иборат.
 Адам Смит бойлик ва меҳнат назарияси тугрисида қандай фикрлар
 билдирган?
 Мамлакатимиз миллий валютасининг самарали фаолияти учун қандай
 чора тadbирлар кўрилмоқда?

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг
 «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат
 қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий
 вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.
 Каримов И.А. «Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб,
 ислохотлар йўллариини излаб бориш - асосий вазифа» Халқ сўзи
 2004й. 10 феврал.
 Игнатов В.Г., Батурин Л.А., Бутов В.И. Экономика социальной сфере.
 Ростов на Дону, 2004.
 Ишмухамедов А.Э., Каланова М.З. «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти»
 Маърузалар матни Т.: ТДИУ, 2005.
 Ефимова М.Р., Багнова С.Г. «Социальная статистика» М.:
 Финансы и статистика, 2003.

4. Боб. Коммунал хўжалик тармоғи иқтисодиёти

1. Республика иқтисодиётида коммунал хўжалиги хизматининг ўрни

Республиканинг кўп тармоқли коммунал хўжалиги таркибида уй-жой хўжалигига хизмат кўрсатиш ва уни асраш, сув таъминоти ва канализация, иссиқлик ва газ таъминоти, аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш билан шуғулланувчи техника ташкилотлари, шаҳар йўловчилар ташиш электр транспорти (трамвай, тролейбус, метрополитен), электр, газ ва тақсимловчи тармоқлар, шаҳар хўжалиги ободонлаштириш, саноат, таъмирлаш-қурилиш, лойиҳалаш корхоналари, ташкилотлари ва бошқалар мавжуд.

Республикада коммунал хизмат кўрсатиш агентлиги ва унинг тегишли вилоят, шаҳар, туман бўғинлари амалга оширади. Уларнинг фаолият доираси шаҳар ва шаҳарчалар, туман марказлари билан чегараланади. Айрим шаҳар ва шаҳарчаларда, қишлоқ жойларда коммунал хизмат кўрсатишни қишлоқ хўжалиги, йирик саноат корхоналари ва ташкилотлари ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси коммунал хўжалигида умумий қуввати бирлиги кеча кундуз 7,0 млн. иншоотлар, 17 минг км узунлик сув ўтказгич шохобчалари ва сув ўтказгичлар, бир кеча кундузда умумий қувватга 3,5 млн.м³ чиқинди сувларни тозалаш кучига эга бўлган иншоотлар 5,2 минг км коллективлар ва канализация шохобчалари, бир соатда 5,6 минг Гкал иссиқлик бериш қувватига эга бўлган иситиш қозонхоналари 3,6 минг км иссиқлик тармоғи, 17 газ тўлдирувчи станция ва 75 минг км дан ортиқ газ шохобчаларидан фойдаланилмоқда. Йилига истеъмолчиларга 2,3 млрд. м³ ичимлик сув, 22 млн. Гкал иссиқлик қувват, 36,5 млрд м³ зиёд табиий газ етказиб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан 2003 октябрь ойда республикада газ таъминотини такомиллаштиришга қаратилган Қарор қабул қилинди.

Республикада шаҳар, шаҳарча ва туман марказларида аҳолини сув билан таъминлаш, шунингдек ичимлик сувининг сифатини яхшилаш мақсадида мустақиллик (2003-2005) йилларда суткасига 381 мин м³ ичимлик суви етказиб бериладиган водопровод шохобчалари қуриб ишга тушурилди. Булар Самарқанд, Ургенч, Нукус, Жиззах, Термиз ва бошқа шаҳарларни Туямўйин Урганч, Туямўйин-Нукус, Учқўрғон-Наманган, Дамхўжа ва бошқа сув қувирлари фойдаланишга топшириш асосида эришилди.

Оқибатда республикада водопровод системасининг умумий қуввати бир кеча-кундузда 12,0 млн м³ жон бошига водопровод тармоғи узунлиги 26,3 минг км. га етди. Бошқача қилиб айтганда республикада мустақиллик йилларида бу соҳада қилинган ишлар натижасида аҳолини

жон боши ҳисобига бир кеча-кундузи истеъмол учун сув шаҳарларда 536,6 л. ва қишлоқларда 240,4 л. ни ташкил этди.

7-жадвал

Аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш (йил охирига) (2001 йил – базис йили)

	2001	2003	2005	Базис йилига нисба-тан
Сув қувирига эга аҳоли пунктлари сони:				
Шаҳарлар	120	120	120	100%
шаҳар типдаги посёлкалар	112	111	111	99%
қишлоқ аҳоли пунктлари	8145	8391	8544	104%
Кўча сув қувурлари яккатизими узунлиги км.	40312,2	45766,7	47209,7	117%
шу жумладан:				
шаҳарлар ва шаҳар атрофлари	13029,9	16034,2	16214,3	124%
қишлоқ маҳаллалари	27282,3	29732,5	30995,4	113%
Сув қувурлари қуввати, суткасига минг куб метр	11188,3	13695,0	13562,1	121%
шу жумладан:				
шаҳар ва шаҳар атрофлари	7345,0	7926,9	7642,2	104%
қишлоқ маҳаллалари	3843,3	5768,1	5919,9	154%
Аҳолига ва коммунал-хўжалик эҳтиёжларига ажратиладиган сув. млн. куб м	1881,3	1813,8	1750,8	93%
Бир киши ҳисобига аҳолига ва коммунал-хўжалик эҳтиёжларига ажратиладиган ўрт. суткалик сув, литр:	209,1	199,1	189,8	90%
шаҳар ва шаҳар атрофларида	334,3	349,7	317,6	95%
қишлоқ маҳаллаларида	134,6	110,3	115,6	85%

Манба: Статистик маълумотлар тўплами: Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фонди.

Маълумотлардан кўриниб турибдики:

- сув қувурларига эга аҳоли пунктлари сони бир мунча ошган;
- кўча сув қувурлари якка тизими узунлиги бир мунча ошган (17%);
- сув қувурлари қуввати 21%га ошган;
- аҳолига ва коммунал-хўжалик эҳтиёжларига ажратиладиган сув 7%га камайган;
- бир киши ҳисобига аҳолига ва коммунал-хўжалик эҳтиёжларига ажратиладиган ўрт. суткалик сув 10% га камайган;

Мустақиллик йилларида республика шаҳар ва айниқса қишлоқларни газлаштириш устивор давлат сиёсатига айланди. Республиканинг шаҳар, шаҳарча ва қишлоқларида узунлиги 15 минг км дан ортиқ яқка тортилган газ 75 шохобчалари мавжуд. Жумладан 26,0 минг км. дан ортиқ ер ости газ қувури, 29 минг газ тақсимлаш пункти ишлаб турибди. Республикада 3,7 млн. хонадон табиий газ билан таъминлаган шу жумладан қишлоқларда 2 млн. хонадон газлаштирилган. Биноларни иситиш соҳасида 940 газ билан ишлайдиган буғ қозонлари ва 4,0 миллион км узунликдаги иссиқлик тармоғи ишлаб турибди.

Республика коммунал хўжалигининг яна бир муҳим тармоғи-шаҳар, шаҳарча ва туман марказлари санитария ҳолатини яхшилаш, қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни ўз вақтида йиғиш ва уларни чиқинди майдонларига олиб бориш зарарлантиришдир. Бу хизмат 115 шаҳар, 100 шаҳарчада йўлга қўйилган. Умумий майдони 1000 гектар бўлган 180 чиқинди зарарлантириладиган майдон бор. Йилига 10-13 млн. м³ қаттиқ ва 5-7 млн. м³ суюқ чиқинди йиғилади ва улар 6 мингдан ортиқ шу жумладан Жанубий Кореядан олинган замонавий машина ва механизмлар (кўча супурадиган, сув сепадиган, ахлат ташийдиган, канализация ва кир ўраларини тозалайдиган ва бошқалар) орқали чиқиндихоналарга ташилади. Йирик шаҳарлар-Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро Наманган, Фарғона ва бошқаларда махсус ихтисослаштирилган автобазалар бор.

Коммунал хўжалик тармоғида уй-жойлар, ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар, муҳандислик тизимларини капитал таъмирлаш корхоналари мавжуд. Чиқиндилар учун контейнерлар, тайёрлаш, газ ўлчагичлари ва сув ўлчагичларни чиқарувчи қўшма корхоналар хўжалиги талабини қондиришга қаратилган.

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон коммунал хўжалиги йирик соҳага айланди саноат ишлаб чиқаришнинг ривожига ва аҳолининг тез ўсишига боғлиқ ҳолда илдам суратлар билан ривожланди. қишлоқ жойларида аҳоли яшайдиган жойларни обод қилишда лойиҳалаш ишлари йўлга қўйилди, шаҳарчалар кўплаб қурилди. Гузарлар қурилди ва шаҳар кўчалари гулзорларга айлантирилди, айниқса Андижон шаҳрида ва туман марказларида.

2. Уй-жой, коммунал хўжалик таркиби ва бозор ислохотлар чуқурлаштириш шароитида ривожлантириш масалалари

Ҳозирги кунда республикада аҳолини турар жой билан таъминлаш ва уй-жойдан фойдаланиш муоммоларига етарли даражада эътибор берилмоқда. Шу ўринда республика президентининг кўплаб фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини келтирамиз (1993 7-май «Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида», 1994 5-март «Республикада уй-жой қурилишини роғбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 1996 йил 31 январь «Тошкент шаҳрида уй-

жой қурилишини Давлат томонидан қўллаб қувватлашни кучайтириш тўғрисида», 1996 йил 27 декабрь «Давлат уй-жой сиёсатини асослари тўғрисида», 1997 йил 24-март «Ўзбекистон Республикаси уй-жой қурилишида ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2005 йил 16-февраль «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»...)

Бу ҳужжатларнинг асосий мақсади уй-жой муоммосини ечишда аҳолининг муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш, корхона, бирлашма ташкилотлар ва аҳоли маблағи ҳисобига амалга оширилган уй-жой қурилишини келгусида ривожлантирилишлари учун қўшимча рағбатлантиришдир.

Ўзбекистон Республикасида уй-жой коммунал хўжалик тармоғини «Ўзкоммуналхизмат» Агентлиги бошқаради. Бу агентлик 05.03.2004 йил 110 сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан ташкил этилган.

Агентлик структураси ҳудудлараро сув қувурларини ишлатиш буйича 5 дирекция ва Тулмуюн –Нукус, Тулмуюн-Ургенч, Дамхужа, Дехқонобод, Тошкент вилояти, Жиззах вилояти қувурларини ишлатиш бошқармалари ва “Ўзкоммуналлизинг” корхонасидан ташкил топган. Агентлик таркибига “Ўзкоммуналлойдиха”, “Ўзгазлойдиха” институтлари, агентлик объектларини куриш инжиниринг компанияси ва “Ўзкоммунакувташкilotчи” маркази ҳам киради.

Шунингдек, агентликка “Қорақалпоқгаз”, “Навоийгаз”, “Намангангаз”, “Самарқандгаз”, “Сурхондарёгаз”, “Сирдарёгаз”, “Тошкентвилоятгаз”, “Тошшахаргаз”, “Фарғонагаз”, “Хоразмгаз” ҳудудий газтаъминот корхоналари уз шаҳар (туман)лардаги филиаллари билан биргаликда ҳисобот топширадилар.

Ҳудудий газтаъминот корхоналари агентликка ҳисобот топширар ва 02.10.2003 йил 421-сонли Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган ҳужжат асосида фаолият юритади.

Ҳудудий газтаъминот корхоналари директорлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими таклифларига биноан агентлик бош директори томонидан тайинланади.

Агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

Республика коммунал кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини бажарилишини назорат қилишни амалга ошириш;

Республика коммунал хизмат кўрсотиш тизимида давлат сиёсати ва ҳукумат қабул қилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Коммунал хизмат тизимини шакллантириш, коммунал хизмат соҳасида белгиланган тартибда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник-иқтисодий шартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ҳудудлараро сув қувурларини ишлатиш, коммунал газ сотиш йўли ҳамда чиқиндиларини қайта ишлаш соҳаларида ягона техник сиёсатни шакллантириш ва юритиш;

Тармоққа хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб қилиш, шунингдек қўшма корхоналар ташкил этиш.

Агентликка юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Коммунал соҳанинг иқтисодий таҳлили бўйича қонунлар лойиҳаси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун таклиф қилади;

Коммунал газ сотиш ҳўжалиги ва ҳудудлараро сув қувурлари ривожланиш қонуниятларини бирлаштириб, шу соҳада ягона техник сиёсат олиб боради;

Техник шарт-шароитлар ва коммунал хизмаит соҳасидаги қонунларни маҳаллий ҳокимият органлари, бошқармалар, назорат қилади;

Баланс ишлаб чиқиш учун улгуржи истеъмолчилар ва республика аҳолисининг табиий ва ёқилган газга бўлган эҳтиёжини белгиланган тартибда аниқлайди;

Ҳар квартал юридик шахслар даромад солиғи бўйича ҳудудий газ таъминот корхоналаридан ҳисоботлар йиғиб, уларни бирлаштириб, солиқ органига тақдим этади;

Белгиланган тартибда ҳудудлараро сув қувурлар қурилиши бўйича буюртмалар олади, шунингдек ҳукумат топшириғи бўйича шу соҳада бошқа объектлар қурилишини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси коммунал ҳўжалиги эҳтиёжлари учун, шу тармоқ технологиялари, асбоб-ускуналари, машиналар ва механизмлар яратиб, уларни ишлаб чиқаришни ташкил этади;

Уй-хой ҳўжалик соҳасида инжиниринг, консалтинг, аудитор ва бошқа корхоналар ўртасида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги рақобат муҳитини яратишга кўмаклашади;

Коммунал ҳўжалиги ва машиналар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бўйича хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни амалга оширади, шунингдек, улар билан маҳаллий корхона ва ташкилотлар ўртасида алоқаларни ўрнатишига ёрдам беради.

Ҳисобот даврига аҳолига 6645,56 млн.м³, улгуржи истеъмолчиларга эса 1955,07 млн.м³ табиий газ сотиш мўлжалланган эди. Ҳақиқатда эса аҳолига 6538,49 млн.м³ табиий газ сотилиб, режа 98,39% ни ташкил қилди. Улгуржи истеъмолчиларга 1773,74 млн.м³ табиий газ сотилди ва у 90,73%

ни ташкил қилди. Жами 8598,05 млн.м³ табиий газ сотилди. 2005 йил январ-июн ҳисобот даврида, худди шу давр 2004 йилга нисбатан ўсиш суръати 96,68% ни ташкил қилди (8-жадвал).

2005 йилда аҳоли 4316,25 тонна бош истеъмолчииларга эса 400,00 тонна ёқилган газ сотиш мўлжалланган эди. Ҳақиқатда аҳолига 4316,25 тонна бошқа истеъмолчиларга 400,00 тонна ёқилган газ сотилди. Демак кўриниб турибдики, режа 100% бажарилди. Худди шу ҳисобот даври 2004 йилга нисбатан 76% ўсиш сурати.

2005 йил жами газ сотишдан 118900,28 млн сўм даромад олиш мўлжалланган эди, шундан 118470,87 млн сўм табиий газ сотишдан, 429,41 млн сўм ёқилган газ сотишдан.

Молиявий кўрсаткичлар шуни кўрсатиб турибдики, тармоқ бўйича жами 167,9 млн.сўмлик даромад олинди, шундан 154,6 млн.сўм табиий газдан, 0,4 млн.сўм ёқилган газдан, 3,9 млн.сўм бошқалардан ва 9,0 млн.сўм газ ўлчагичлар ҳисобига тўғри келди.

Тармоқ бўйича жами 104,4 млн. сўмлик харажат қилинди, шундан 94,8 сўм табиий газга, 0,5 млн. сўм ёқилган газга, 2,9 минг сўм бошқаларга ва 9,0 млн. сўм газ ўлчагичларга.

Жадвалдан кўриниб турибдики, жами тармоқ бўйича келиб тушган даромаддан 8,7 млн. сўм «Қарақалпоқгаз» ҳудудий газ таъминот корхонасига тўғри келса, 11,1 млн. сўм «Андижонгаз», 10,5 млн.сўм «Бухорогаз», 4,5 млн. сўм «Жиззахгаз», 6,4 млн. сўм «Қашқадарёгаз», 2,9 млн. сўм «Навоийгаз», 9,3 млн. сўм «Намангангаз», 15,9 млн. сўм «Самарқандгаз», 2,7 млн. сўм «Сурхондарёгаз», 3,6 млн. сўм «Сирдарёгаз», 27,8 млн. сўм «Тошкентвилоятгаз», 42,5 млн. сўм «Тошкентшаҳаргаз», 15,3 млн. сўм «Фарғонагаз» ва 8,7 млн. сўм «Хоразмгаз» ҳисобига тўғри келади.

2006 йил ҳисобот даврида даромадлар жами 112997,27 млн сўм. Худди шу даврнинг 2004 йилга нисбатан ўсиш суръати 151,8%ни ташкил қилди. Шундан табиий газдан 11163,50 млн сўм, ёқилган газдан эса 429,41 млн сўмни ташкил қилди. Жами мўлжалланган даромад 94,50%га бажарилди. 2006 йил ҳисобот даври учун ҳудудлараро сув қувурлари орқали 26983,00 минг.м³ сув сотиш мўлжалланган эди, ҳақиқатда эса 27488,00 минг. м³ сув сотилиб, режа 100,76%га бажарилди, ундан олинган даромад эса 966,50 млн. сўмни ташкил қилди. Худди шу давр 2004 йилга нисбатан 158,10 % ўсиш суръати.

Ҳозирги пайтгача уй-жой қурилиш ва коммунал хўжаликда қатор камчиликлар мавжуд. Хусусий республикада ҳалигача уй-жой муаммоси ечилмаган.

Уни ечиш учун асосий йўللardan бири бу уй-жой фондининг сифатли таъмирини ўтказиш бўлиб бу жараёнда ҳам бир қатор ушлаб турувчи ҳолатлар мавжуд.

2006 йил ҳисобот даври учун «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда кўрсатилган
хизматлар кўрсаткичлари.

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	2006 йил	Режага нисбатан %	2004 йил	2006 йил 2004 йил даврига нисбатан ўсиш суръати
Табиий газ сотиш. Жаъми	млн.м ³	8312,23	96,65	8598,05	96,68
Аҳолига	млн.м	6538,49	98,39	6856,70	95,36
улгуржи истеъмолчиларга	млн.м	1773,74	90,73	1741,35	111,86
Ёқилғи газ сотиш – Жаъми	тонна	4716,25	100,00	6149,10	76,70
аҳолига	тонна	4316,25	100,00	4658,00	92,66
бошқа истеъмолчиларга	тонна	400,00	100,00	1491,10	26,83
Газ сотишдан олинган даромад – Жами	млн.сўм	112359,37	94,50	73997,27	151,84
табиий газдан	млн.сўм	111929,96	94,48	73163,50	152,99
ёқилган газдан	млн.сўм	429,41	100,00	833,77	51,50
Худудлараро қувурлар орқали сув сотиш хажми	минг.м ³	27188,00	100,76	30378,00	89,50
Сув сотишдан олинган даромад	минг.м ³	969,50	122,37	611,30	158,11
Агентлик бўйича бошқа фаолият	минг.м ³	1160,35	100,17	1199,25	104,61
Агентлик бўйича жаъми	млн.сўм	114186,22	94,74	75717,82	151,20

Манба: «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг маълумотлари

Уй-жой фондининг таъмири ва фойдаланишнинг асосий кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини қарорига биноан давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш режасига киритилганлигига қарамай, улар зарур моддий ва техник ресурслар билан таъминланган.

Кейин, республиканинг Давлат режаси ва Давлат таъминоти тамонидан эксплуатацион эҳтиёжларига моддий-техник ресурсларининг меъёрлари ҳозиргача ўрнатилмаган. Бу ресурсларни ажратиш республика уй-жой фонди таъмирининг ҳажмини ҳамда унинг сони ва сифатли ўсишини ҳисобга олмасдан ўтган йиллар маълумотларининг таҳлили асосида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш базаларининг бир турдаги лойиҳаларини янгилаш ва такомиллаштириш зарур.

Лойиҳа - смета ташкилотлари ҳалигача техник тараққиётни етказиб бериш функцияларини бажарилмасдан, лойиҳаларининг ноиндустриал ечимларини кўзда тутиш давом этапти.

Кўпгина ҳолатларда уй-жой коммунал ижаралари лойиҳа-сметали хужжатлаштиришнинг техник даражаси ва сифати устидан керакли назорат олиб борилмаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан 12.07.1979 йилда ишлаб чиқарилган "Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат сифатини оширишга хўжалик механизмларининг таъсирини кучайтириш ва режалаштиришни яхшилаш ҳақида" фармойишида кўрсатилган чора тadbирларни амалга ошириш бу камчиликларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Бу фармойишга биноан тажриба ва илмий-техник ютуқларни ишлаб чиқаришга кенгроқ киришиш ва интенсив ўсиш омиллари асосида халқ хўжалигининг барча ресурсларидан персонал фойдаланишни таъминлаш масаласи режали ва бошқарув фаолиятининг марказига қўшилмоқда.

Бу чораларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилишига республиканинг уй-жой коммунал хўжалигига нисбатан қўлланиладиган қатор тамойиларни бажариш йўли билан эришиш мумкин.

Республиканинг ҳар бир шаҳар ва аҳоли пунктларининг ҳарактерли хусусияти бўлиб бу кўпинча кўчаларнинг икки ёнидан ўтган ирригацион тармоқдир. Шундай қилиб, 2004 йилда шаҳар ирригацион тармоғининг ўзунлиги 9231,6 км бўлиб, улардан ярмиси (4453 км) республика пойтахтида ўтказилган.

Аҳоли пунктларининг турмуш даражасини ошириш муаммоси уларни кўкаламзорлаштириш билан ҳам боғлиқ.

Мустақиллик йиллари мобайнида боғлар, ўзумзорлар учун ярайдиган ер майдонлари кенгайди ҳамда автомобиль ва пиёда йўлларнинг кўкаламзорлаштирилган майдонлар ҳам. Кўкатлар шаҳар қурилиш

композитцияларига актив таъсир кўрсатиб республиканинг иссиқ иқлим шароитларида муҳим аҳамиятга эга.

Шаҳарларни кўкаламзорлаштириш масалалари шаҳар ва шаҳар ёнидаги ҳудудларнинг архитектура-режалаштириш бўйича бошқа масалалар билан биргаликда комплекс ечилади. Ҳозирги кунда республикада бир одам бошига кўчат экинларининг 12 кв м майдони тўғри келади.

Коммунал хизматнинг асосий масалаларидан бири аҳоли пунктлари санитар тозалаш бўлиб у катта (3500дан ортиқ) машина ва механизмлар паркига эга бўлган махсус авто хўжаликлар томонидан амалга оширилади. Маиший чиқиндиларни қайта ишлаш тизими ҳам такомиллаштиришини талаб этади. Ҳозиргача Тошкент шаҳрида Ўрта Осиёда биринчи бўлиб маиший чиқиндилар қайта ишлаб ўғитларга айлантирувчи завод топширилди. Бу завод йилига 400 куб/м аҳлатни қайта ишлаб 100 минг тоннадан ортиқ ўғит чиқаради. Лекин бу аниқ етарли эмас.

Республиканинг водопровод-канализация хўжалиги ҳам анча ўсди. Ҳозирги кунда водопроводлар мамлакатнинг 390 аҳоли пунктлари ва 192 шаҳарларда фаолият кўрсатади. Водопровод тармоғининг ўтказмаси ўзунлиги 8,2 минг км бўлиб унинг қуввати суткасига 3,9 млн куб ни ташкил этади. Марказлашган сув таъминоти республика шаҳар аҳолисини 82,5% ни қамраб олган.

Водопровод билан бир қаторда республика шаҳарларида канализация қувурларини қурилиши амалга оширилмоқда ва бу нарсага Ўзбекистон шароитларида муҳим ижтимоий тадбир сифатида қаралади.

Биринчи марта канализация Тошкент шаҳарига 1944 йилда киритилган бўлиб унинг кўча коллектор тармоғи кам қувватли бўлиб суткасига 15 мин куб/м охова тўғри келади.

Газ билан таъминлашнинг кескин ривожланиши 1956 йилда бошланиб республикада қатор табиий газ захиралари топилган пайт эди.

Ҳозирги кунда табиий ва суьултирилган газ билан республиканинг барча шаҳарлари 90 та шаҳар кўринишидаги посёлкалар ва 2300 дан ортиқ қишлоқ жойлари таъминланди.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг асосий кўрсаткичларидан бири аҳоли яшайдиган уйларни, жамоат иншоотларини маданий – маиший ва коммунал объектларини иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлашдир. Ҳозирда уй-жой ва жамоат иншоотларини иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш, умумий белгиланган 2710 Гкал соат қувватига эга бўлган 609 та қозонхона зиммасидадир. 50-100 Гкал соат га эга қозонлар билан автоматлаштиришган йирик қозонхоналар қурилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, республикада ёқилғи энергетик ресурсларни тежаш ва улардан рационал фойдаланиш бўйича ишларнинг самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилувчи жиддий камчиликлар мавжуд.

Замонавий шаҳарда барча хизматларнинг ўзлуксиз фаолият юритиш пассажир транспорти ташкилотисиз мумкин эмас. У борган сари шаҳар аҳоли сонинг ўсиши ва шаҳарларнинг индустриалашиб бораётгани сабабли муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Республикадаги шаҳар электор транспортнинг келажакдаги ўсишига ҳозиргача йўқотилмаган диспропорционаллар тўсқинлик қилади. Уларнинг мавжудлиги қатор камчиликлар сабабли бўлади, хусусан: капитал қўйилмаларнинг кам ҳажмлиги, қурилиш ишларининг паст суръатлари, хўжаликка янги асбоб ускуна ва эҳтиёт қисмларнинг етказиб берилмаётганлиги ва ҳакозо.

Бу камчиликларнинг пайдо бўлишига қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлади: ҳаракатдаги составнинг фойдаланилаётган парки билан таъмирлаш-экпулутация базаси таъминоти ўртасидаги тенгсизликлар, ҳаракатдаги паркининг ўсиши, транспорт тармоғининг ўзунлиги ва транспорт корхонларининг электр қуввати билан қурилганлиги ўртасида тенгсизликлар, шаҳарларда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш саноатининг номенклатураси ва ҳаракатдаги паркининг ўртасидаги тенгсизликлар.

Транспорт хўжаликлар самарадорлигининг камаишига қуйидаги экпулутацион ҳарактердаги камчиликлар таъсир қилади: ҳаракатланувчи составдан фойдаланишнинг паст коэффциенти трамвай йўлларининг қоникарсиз ҳолати туфайли экпулутацион тезликнинг пастлиги, кундалик тушумнинг йиғилмаслиги, пассажир ташиб ўтиш тарифларининг ҳақиқий таннардан ошиб кетиш ва бошқалар.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини тенглаштирувчи асосий элементларидан бири республиканинг қишлоқ жойларида уй-жой коммунал хўжаликни ривожлантиришдир.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорларини бошқариш жараёнида республикада қишлоқ хўжалик объектларини қуриш ва қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг турмушини ва меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Бунга давлат томонидан марказлашган капитал қўйилмаларнинг ажратилиши яхши шароит яратди.

Қишлоқ жойларда кўп сонли замонавий уйлар қурилиб меҳнаткашларнинг турмушига газ, сув, канализация ва бошқа коммунал хизматлар киритилмоқда.

Лекин қишлоқ жойларда уй-жой фонди даражасининг таҳлили шуни кўрсатдики кўпгина тармоқлар ва хизмат кўрсатиш бўйича қишлоқ жойлари шаҳарга нисбатан анча орқада қолиб кетмоқда.

Келажакда бу камчиликларни йўқотиш қишлоқ жойларда уй-жой коммунал хўжаликнинг ривожланишининг асосий йўналишларидан бўлади. Уй-жой коммунал хўжалик ривожланишнинг тўлиқ таҳлили учун хизматлар имтиёзининг республика доирасидаги тўзилмавий ўзгаришларни кўриб чиқиш зарур.

Таҳлил шуни кўрсатдики уй-жой коммунал хўжаликни ривожлантиришни режалаштиришнинг замонавий даражаси ўсиб бораётган талабларга жавоб бермайди ва комплекс ривожланиш масалаларини тўлиқ ечишга имконият бермайди, шунингдек, юзага келаётган диспропорцияларни вақтида йўқолта олмайди.

Шундай қилиб республиканинг уй-жой коммунал хўжалик тузилмасини такомиллаштириш учун биринчи навбатда унинг алоҳида тармоқларининг илмий асосланган пропорционалигига эришишни ҳисобга олиб, уни тартибга солиш методикасини такомиллаштириш ва тартибга солиш зарур. Бу жараёнида асосий моментларидан бири тасдиқланган режали топшириқлар бажарилиши устидан қаттиқ назорат ҳисобланади.

Ундан ташқари ўз вақтида ва самарали қилинган назорат режалардаги мавжуд камчиликлар ва хатоларни йўқотишга алоҳида тармоқчаларнинг ривожланишида қисман диспропорцияларни ўз вақтида аниқлаб йўқотишга шунингдек режани бажариш жараёнида очилган резервлардан самарали фойдаланишга имконият беради.

Тармоқ фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида республиканинг уй-жой коммунал хўжаликнинг алоҳида тармоқчалари ичида илмий асосланган пропорцияларни таъминлаш зарур. Бу биринчи навбатда республика аҳолисини табиий ва суюлтирилган газ билан газлаштиришдаги оптимал пропорцияларга тегишли.

Таҳлил шуни исботладики, республиканинг кўпгина ҳудудларида аҳолини табиий газ асосида газлаштириш самаралироқ ҳисобланади., чунки бу истеъмолчиларни газ билан таъминлашни барқарорлиги таъминланади ва аҳоли ҳамда саноат корхоналарини газлаштириш масалалари комплекс ечилади.

Республика уй-жой коммунал хўжалигининг прогрессив тармоқчалардан бири иссиқлик хўжалиги бўлиб унинг фаолияти бирлашган қозонхоналардан иссиқлик етказишга йўналтирилган. тармоқнинг умумий тўзилмасида нисбатан кам улишга эга.

Капитал қўйилмаларнинг қайтиб келиш нуктаи назаридан энг самаралиси бўлиб , тармоқли газ билан газлаштириш, водопровод - канализацион хўжалик, коммунал энергетика ҳисобланади. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки тармоқ ривожланишида капитал қўйилмалар йўналишининг бирламчилиги ҳақида хулоса чиқариш мумкун эмас, чунки хўжаликнинг кўпгина тармоқлари бир – бири билан боғлиқ. Шунга қарамай хўжаликнинг алоҳида тармоқларининг ривожланишида керакли нисбийликни сақлаган ҳолда капитал қўйилмаларни юқоридаги таҳлилга кўра биринчи навбатда газлаштириш, водопровод – канализация хўжаликларига йўналтириш керак .

Республиканинг уй-жой коммунал хўжаликнинг ривожланишига ажратиладиган капитал қўйилмалар асосий фондларнинг жамғарилган базасини ташкил этади .

Асосий фондлардан самарали фойдаланиш ва уни тўлдириб бориш уй-жой коммунал хўжаликнинг ривожланишини , унинг рационал тўзулмасининг шаклланишини ва натижада тармоқда меҳнат самарадорлигининг ошишини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

Замонавий шароитлар республика уй-жой коммунал хўжалигининг асосий фондларини сифатли такомиллаштириш ва янгилашнинг интенсив жараёни кечмоқда.

Бу жараён модернизация асосида янги, замонавий корхона ва иншоотларни қуриш(ёки мавжудларини механизациялаш) йўли билан ҳам асосий фондларнинг алоҳида элементларини такомиллаштириш (модернизациялаш) йўли билан амалга оширилади.

Лекин, шуни айтиб ўтиш керакки уй-жой коммунал хўжалигининг кўпгина тармоқ-лари бўйича асосий фондларнинг эскириш ва ишдан чиқиш жараёни уларнинг янгилаш жараёнидан олдин юради.

Тармоқ корхоналарига йўналтирилган янги асбоб-ускуналар асосан асосий фондлар қаторини кенгайтириш учун эмас, балки фаолиятдаги қисмини янгилаш учун зарур.

Таҳлил шуни кўрсатдики, фаолиятдаги асосий фондлар етарлича ишлатилмаяпти: тармоқ корхоналарида меҳнат сменалигининг ўртача коэффиценти атига 1,3 га тен, охириги йилларда ишга туширилган кўпгина корхоналарнинг қуввати охиригача ўзлаштирилмаган, асбоб-ускуналарнинг бандлик коэффиценти паст.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кўпгина тармоқлар бўйича асосий фондларнинг кўпгина элементларининг ҳақиқий хизмат муддати норматив муддатдан анча ошиб кетди (1,5-1,7 марта).

Одатда, қатор ҳолатларда эскирган асбоб-ускуналарни капитал таъмирлаш шундай маблағларни талаб қиладики, улар тикловчи нархдан анча ошиб кетади. Энг асосий, бундай асбоб-ускуналарни ишлатиш ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизматлар) ларни ҳажмини пасайтиради ва тармоқнинг оптимал тўзилмасига салбий таъсир кўрсатади.

Уй- жой коммунал хўжаликнинг асосий фондлар тўзилмаси ўз хусусиятларига эга. Уларга қуйидагилар киради:

Асосий фондалр пассив қисмининг юқорироқ улуши, бу қисм хизматлар доирасининг ривожланиши учун катта аҳамият касб этади.

Тузилманинг машина ва асбоб-ускуналар улушининг ошиши томонга ўзгаришнинг интенсив жараёни. Бу ҳолат уй-жой коммунал хўжаликнинг миллий иқтисодиётнинг йирик механизациялашган тармоқга айланиш жараёнини натижасидир.

Лекин, асосий ишлаб-чиқариш фондлари актив қисмининг паст улуши шундан далолат берадики, тармоқ олдида техник қайта қуруланиш бўйича катта муаммолар турибди.

Коммунал корхоналарда асосий фондалар ишлатилишни яхшилаш бўйича асосий йўналишлардан бир иш куни ва соатларини купайтириш ҳисобига корхоналарда асбоб-ускуналарнинг ва иш вақтининг ўсиб боришидир.

Масалан: Ахлат ташувчи транспорт ишини бир сменаликдан 1,5 ва 2 сменаликга ўтказиш ва бошқалар.

Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилашга турли хил корхона ва асбобларнинг турғунлик ҳолатидан чиқариш йўли билан эришиш мумкин. Масалан: Шаҳар электротр-анспортида бу ҳаракатдаги составидан фойдаланиш коэффицентини ошириш ва йўлларда ўзлуксиз ҳаракатни таъминлаш, водопровод, канализация ва газ тармоқларида аварияларни олдини олиш ва бошқалар .

Коммунал корхоналар фаолиятдан тушадиган даромадлар кўрсаткичининг ўсишига таннарх даражаси катта таъсир кўрсатади. Таҳлил кўрсатдики, коммунал хизматлар таннархининг тузулмасида асосий улушни иш ҳақи ташкил этади.

Кўпгина коммунал корхоналар учун амортизацияга ажратилган катта ҳаражатлар характерлидир. Баъзи тармоқчаларда (шаҳар элетротранспорти , водопровод канализация) ҳаражатларининг катта қисми электроқувват ва ёрдамчи материалларга тўғри келади.

Коммунал корхоналарининг самарадорлиги (даромади) кенг доирадаги объектив омиллар билан белгиланади. Бу омилларни рационал тўзимани танлаш жараёнида, шунингдек, тармоқни татибга солиш ва бошқариш жараёнида ҳисобга олиш керак. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: хизматлар сифатини ошириш, масалан, водопровод ва канализация станицияларда қўшимча тозововчи қурилмаларни киритиш, шаҳар электротранспортининг ҳаракатдаги составини тўлиб боришини пасайтириш, шаҳар аҳолисининг ва ҳудудининг ўсиши. Бу муносабат билан ўзоқроқ жойлашган сув манбалардан фойдаланилади ва жамоат траспортдан фойдаланиш даражаси ортади.

Изланишлар шуни кўрсатдики, коммунал хўжаликнинг даромадлигини ошириш-нинг асосий йўллари қуйидагилар: тармоқли тўзулмани такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, маҳсулот (хизмат) бирлигига электроэнергия, ёқилғи, материалларга табиий ҳаражатларнинг пасайиши, ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатишга бўлган ҳаражатларни қисқартириш, ноишлаб чиқариш ҳаражатларини йўқотиш ва бошқалар.

Таҳлил шуни кўрсатдики, кўпгина тармоқларда кадрлар оқими жуда каттадир. Бунга сабаб иш ҳақининг пастлиги, алоҳида ишлар бўйича хавф ва маъсулиятнинг катталиги ва иш жараёнинг паст механизациялашганидир ва бошқалар. Тармоқ учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими уй-жой коммунал хўжалик корхоналаринг

даромадаларининг абсалют даражаси анча ўсди. Лекин қатор камчиликлар сабабли, тармоқ рентабеллиги пасайиб бормоқда.

Республика уй-жой коммунал хўжаликнинг ўсиш суръатлари аҳоли пунктларининг ривожланишидан орқада қолиб кетмоқда. Айниқса бу ҳолатда янги қувватларни (тозалаш қурилмалари шаҳар электротранспорт) ишга тушириш билан боғлиқ.

Шундай қилиб, тармоқ бошқариш тизимини такомиллаштириш зарурияти юзага келди, яъни, алоҳида тармоқларнинг илмий асосланган пропорцияларнинг эришган ютуқларини ҳисобга олган ҳолда уй-жой коммунал хўжаликнинг ривожланишини режалаштириш услубиятини такомиллаштириш, берилган режали топшириқлар бажарилиши, алоҳида хизматлар турига бўлган тарифларнинг тартибга келтирилиши устидан қаттиқ назорат, тармоқ ривожланиши учун ажратилган капитал қўйилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, асосий фондлар ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш кўзда тутилмоқда.

3. Уй-жой коммунал корхоналар иқтисодиёти

Коммунал корхоналар ривожланиш дастурининг асосий қисми бизнес режа ҳисобланади. Бу режа қўйидаги бўлимлардан иборат:

1. Ишлаб чиқариш бўлими;
2. Меҳнат ва ижтимоий ривожлантириш;
3. Молия;
4. Капитал қурилиш ва капитал ремонт;
5. Янги техникани ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш;
6. Моддий - техника таъминоти.

Ушбу бўлимларнинг ичида энг асосийси ишлаб чиқариш бўлими ҳисобланади. Бу бўлимнинг таркибига ишлаб чиқариш қувватларини ҳисоб-китоблари, ишлаб чиқариш фаолиятини сифатини ошириш режаси ишлаб чиқариш дастури киради. Ишлаб чиқариш дастурида коммунал хўжалик маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқариш бўйича вазифалар кўрсатилади. Бу дастурда ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси, яъни маҳсулотлар ва хизматларнинг натура вақиймат кўрсаткичлардаги ҳажми ифодаланади. Меҳнат ва ижтимоий ривожлантириш бўлимида ишлаётганларнинг сонини иш ҳақи фонди, меҳнат унимдорлигини ҳисоб китоблари кўрсатилади. Бундан ташқари коммунал корхоналардаги технологик жараёнини механизациялаш даражаси ҳам берилади. Молия бўлимида маҳсулотлар ва хизматлар таннарини ҳисоб-китоблари харажатлар ҳисоб-китоблари кўрсатилади..

Янги техникани ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш бўлимида ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсиш ҳисоб-китоблари, техник ташкилий тадбирларнинг дастури кўрсатилади.

Моддий-техника таъминоти бўлимида коммунал корхоналарнинг моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжининг ҳисоб-китоблари берилади.

Ишлаб чиқариш дастури коммунал ишлаб чиқариш корхоналарнинг қуввати ҳамда мавжуд меҳнат ва моддий ресурслар асосида ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқариш бўлими бошқа бўлимларга ва кўрсаткичларга ҳам таъсир кўрсатади. Бу дастурни ишлаб чиқишда қуйидаги ўлчовлар қўлланилади:

Натура ўлчовлари. Булар асосан физик ўлчовларда ифодаланади. Масалан истеъмолчиларга етказиб бериладиган сувнинг ҳажми m^3 , пасажирлар ҳажми-пасажирлар сони.

Меҳнат ўлчовлари, Улардан ҳар хил маҳсулотларни ишлаб чиқишда қилинган харажатлар таққослашда фойдаланилади. Масалан, энергетикада меҳнат сарфини таққослаш учун норма-соатлар кўрсаткичи қўлланилади.

Қиймат ўлчовлари. Бу кўрсаткичлар коммунал корхоналарнинг даромадларини ва харажатларини аниқлашда ишлатилади. Масалан фойда ҳажми сўмда аниқланади.

Коммунал хужаликнинг маҳсулотлари ва хизматларининг умумий ҳажмини аниқлашда ҳар бир тармоқнинг режалари йиғиндисини олиш керак. Сув таъминлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш дастури қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

2. Водопровод тармоқларининг узунлиги (км да);
3. Насослар билан етказиб бериладиган сувнинг ҳажми;
4. Узининг истеъмолига кетадиган сув ҳажми;
5. Етказиб бериладиган сувнинг умумий ҳажми;
6. Истеъмолчиларга сотилган сувнинг ҳажми (бу кўрсаткич ҳам сўмда ҳам $1000 m^3$ да ҳисобланади).

Бу кўрсаткичлар ичида дастлаб насослар билан етказиб бериладиган сувнинг ҳажм кўрсаткич аниқланади ва бу қуйидаги формула билан ифодаланади.

$$V_1 = C_y \cdot V_{\text{тар}}; V_{\text{тар}} = U_y \cdot V_c$$

бу ерда V_1 -насослар билан етказиб бериладиган сувнинг ҳажми;

C_y -корхонанинг ўз истеъмоли учун кетадиган сувнинг ҳажми;

$V_{\text{тар}}$ -водопровод тармоқларига етказиб бериладиган сувнинг ҳажми;

V_c -истеъмолчиларга сотиладиган сувнинг ҳажми

Канализация корхоналарининг иш ҳажмини аниқлашда ишлаб чиқариш дастури қуйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлади:

2. - Канализация тармоқларининг узунлиги;
3. - Ифлос сувларнинг тозалаш иншоатларидан ўтган ҳажми ($1000 m^3$) ва уларни биологик усуллари орқали тозалайдиган сувнинг ҳажми;
4. - Тозалаш иншоатларининг қуввати ($1000 m^3$).

Шаҳар электр транспорти ишлаб чиқариш дастури ҳисоб-китобларига қуйидаги кўрсаткичлар киради:

6. - Транспорт тармоқларининг узунлиги (км);
7. - Ташиладиган пасажирлар сони;
8. - Ҳаракатда бўлган транспорт воситаларининг сони ва улардан фойдаланишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари. Масалан транспорт воситаларидан фойдаланиш ўртача тезлиги (1 вагонга пасажирларни киритиш мумкин бўлган имконият).

Газ билан таъминлашда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

- Газлаштирилган квартиралар сони;
- Шаҳардаги газ тармоқларининг узунлиги;
- Истеъмолчиларга сотиладиган газнинг ҳажми (m^3).

Иссиқлик билан таъминлаш тармоғида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланади:

- 11. - Иссиқлик билан таъминлайдиган тармоқларнинг узунлиги;
- 12. - Иссиқлик билан таъминланадиган квартиралар сони;
- 13. - Қозонхоналар қуввати;
- 14. - Истеъмолчиларга сотиладиган иссиқликнинг ҳажми.

Кўчаларни механизациялашган тозалаш тармоғи. Бунинг ишлаб чиқариш дастурига кўчаларни ва хиёбонларни супуриш ва сув сепиш, ахлатни олиб чиқиб кетиш ва қишда қорлардан тозалаш киради.

Бу тармоқ ривожланишининг энг асосий кўрсаткичи йиғиладиган кўча ва хиёбонларнинг майдони ҳисобланади. Уни ҳисоблашда кўчаларни тозалайдиган машиналарнинг сони кўрсаткичи, ахлатлар қайта ишланадиган ҳажм кўрсаткичларидан фойдаланилади:

Кўкаламзорлаштириш кўрсаткичлари:

Шаҳардаги ерларнинг майдони (минг m^2). Шу жумладан, уй-жой, корхоналар қурилган ерлар майдони.

Шаҳардаги экилган майдонларнинг ҳажми:

Меҳмонхона хўжалиги кўрсаткичлари:

- Меҳмонхоналар сони, уларнинг класслар бўйича бўлиниши;
- Меҳмонхоналардаги номерлар сони;
- Бир вақт мабойнида жойланиш имконияти;
- Меҳмонхоналарда койка-сутканинг умумий сони.

Кўчаларни электрлаштириш кўрсаткичлари:

- Электр тармоқларининг узунлиги;
- Ёритиладиган кўчаларнинг узунлиги;

Уй-жой хўжалигидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- Турар жой ерларининг мавжудлиги (минг m^2); шу жумладан, турар жой фондини қулайликлар билан таъминлаш даражаси;
- Уй-жойларининг эскирганлик даражаси;
- Капитал ремонт ҳажми;
- Уй-жой фондининг жорий ремонт ҳажми.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан назорат ўрнатилмаганлиги туфайли «Бошкоммунгаз» корхонасининг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида

Ўзбошимчалик билан ортиқча бўғин-«Ўзтехгаз» шўъба корхонаси ва «Техгаз» ҳудудий шўъба бошқармалари ташкил этилган, уларга газ тармоқларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қуриш функциялари берилган. Бу бошқарув ходимлари сонининг ассосиз кўпайиб кетишига сабаб бўлди.

Табиий газ сотишнинг бозор механизмининг жорий этиш мақсадида «Бошқомунгаз» ва унинг «Ўзтохгаз» шўъба корхонаси тугатилди ва ўрнига ҳудудий газ таъминоти корхоналари ташкил этилди. Бу эса республикада газ тامينлашни такомиллаштириш ҳисоб-китоб тўлов интизомини яна мустахкамлашга имконият яратади.

4. Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини баҳолаш.

Сўнги вақтгача уй-жой коммунал хўжалик корхоналари фаолиятини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари маҳсулот (хизматлар)ни етказиб беришдан келган жами даромадлар ҳисобланарди. Корхоналар иши тажрибаси далолат беришича, бу кўрсаткич иссиқлик, электр энергияси, сув, газ ва бошқа кўрсаткичлардан тежамли фойдаланиши етарли рағбатлантирилмади.

Қуйида газ хўжалиги корхоналари мисолида кўрсаткичлар тизимини келтириб, таъкидлаймизки, бундай тизим уй-жой коммунал хўжалигининг фаолиятига ўхшаш бўлган қуйидаги соҳачаларида фойдаланиш мумкин: сув етказиш тармоқлари, иситиш, электр ва бошқа хўжаликларда.

Газ хўжалиги корхоналари эксплуатация ходимларининг муҳим вазифалари бўлиб, аҳолини ва бошқа корхоналарни газ билан ишончли, хавфсиз ва тежамли таъминлашдан иборат. Ушбу тоифадаги истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш газ хўжалигининг эксплуатация харажатларининг кўпчилик қисмини ташкил этади.

Газ хўжалиги корхоналарининг муҳим вазифаларидан бири нафақат вақтида, балки истеъмолчиларни газ билан тежамли таъминлашдан иборатдир. Бу шундан иборатки, газ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнининг энг кам эксплуатация харажатлари билан амалга оширишдир.

Шу муносабат билан улар фаолиятини баҳоловчи асосий кўрсаткичлардан бири сифатида газни аҳоли ва коммунал корхоналарга уни етказиб беришдан тушган даромад даражасини олиш мумкин, у қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$K_1 = D_{amal} : D_{reja}$$

бунда D_{amal} ва D_{reja} - мос ҳолда амалдаги ва режадаги аҳоли ва коммунал — маиший корхоналарга газ етказиб беришдан тушган даромадлар миқдори, минг сўм.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омилларидан асосийси моддий манбаларни иқтисод қилишдир. Ҳозиргача газ хўжаликлари кўпроқ газ етказиб бериш йўли билан катта фойда олишни иқтисод ва тежамкорлик учун кураш билан боғламас эдилар. Унинг устига, газни тежлагани учун рағбатлантириш тизими ва газни истеъмол қилишнинг камайиши, газ хўжалиги корхоналарида рағбатлантирувчи фондларнинг камайишига бевосита таъсир этади.

Шу муносабат билан газ етказиб бериш кўрсаткичи хўжалик фаолиятини баҳолашда асосийларидан чиқарилиб, ўрнига газни иқтисод қилиш кўрсаткичини киритилиши тавсия этилади.

Турли газ хўжаликларининг фаолиятини баҳолашда газдан тежамли фойдаланиш бўйича ишлар даражаси ушбу формула бўйича аниқланиши мумкин.

$$K_2 = O_{\text{lim}} : O_{\text{amal}}$$

бунда O_{lim} - газ лимити, млн м³; O_{amal} - амалда ўзатишган газ, млн м³.

Тарқатилган газ таннархи таркибининг анча салмоғини газ етказиб берувчиларга газ учун тўловлар ташкил этади, шунинг учун газ хўжалигининг ҳақиқий хизматларини эксплуатация харажатлари белгилайди, яъни газ етказиб берувчиларга тўловлардан ташқари газ хўжалиги томонидан бажарилган иш ҳажми ташкил этади.

Бу кўрсаткич бўйича фаолият даражаси ушбу формула бўйича аниқланиши мумкин:

$$K_3 = P_{\text{norm}} : P_{\text{amal}}$$

бунда P_{norm} ва P_{amal} мос ҳолда норматив ва амалдаги бирликлар эксплуатация харажатларидир, минг сўм.

Республика газ хўжаликлари корхоналари ҳақиқий маълумотлари энг кичик квадратлар услуби таҳлили асосида газ хўжалиги корхоналари эксплуатация харажатлари норматив бир бирликларнинг табиий газда ишлагандаги формулалари олинди:

$$P_H^{\text{tab.gaz}} = 20 + 120 \cdot V^{0.95}, \text{ минг сўм}$$

суюлтирилган газда ишлаганда:

$$P_H^{\text{suyt.gaz}} = 80 + 320 \cdot V^{0.9}, \text{ минг сўм}$$

бунда P_H - газ хўжалиги иш ҳажми (газ тарқатишни ҳисобга олмаганда), минг шартли бирликда.

Олинган ушбу формулалар 3-5 йилда бир марта газ хўжаликлари корхоналарида эришилган амалдаги иши кўрсаткичлари бўйича уларга аниқлик киритиш мақсадида тузатилиши лозим.

Газ билан таъминлаш тизимининг меҳнат харажатлари ва эксплуатация қилиш таннархини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, газ хўжалигида ишчилар сонидир. Газ хўжаликлари фаолияти қиёсий баҳолаганда ишчилар меҳнат даражаси танглигининг турлилиги ҳисобга олиниши керак ва у қуйидаги формула билан фойдаланилади:

$$K_4 = \mathcal{C}_{hisob} : \mathcal{C}_{amal}$$

бунда $\mathcal{C}_{hisob}$ ва $\mathcal{C}_{amal}$ - мос ҳолда режавий ҳисоблаб олганда чиқилгани ва амалдаги ишчилар сони.

Маълумки, газ хўжаликларининг бош вазифаси аҳоли ва коммунал – маиший истеъмолчиларга газни тўхтовсиз етказиб беришдир. Газ хўжаликларининг ишини баҳолаш учун аҳолини ва коммунал – маиший корхоналарни узлуксиз газ билан таъминланганлик даражаси кўрсаткичи ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_5 = \frac{1}{2} \left[\left(1 - \frac{B_a}{B_\phi} \right) + \left(1 - \frac{\Pi_a}{\Pi_\phi} \right) \right]$$

бунда B_ϕ ва Π_ϕ - мос ҳолда газ таъминланаётган хонадонлар ва коммунал-маиший корхоналарнинг ялпи сони,

B_a ва Π_a бир суткадан ортиқ газ учирилган хонадонлар ва коммунал – маиший корхоналар сони.

Газ ускуналари ва ўтказгичлар юқори ёнғин хавфлилиги бўлган манзиллар ҳисобланади. Фалокат ҳақида тушган буюрмани бажариш ва фалокатни бартараф этиш газ хўжалиги фалокат-диспетчер хизмати хизматчиларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Газ тизимини эксплуатация қилишда хавфсизлик даражаси газ хўжалиги фаолиятини баҳолашнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб, у қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_6 = \frac{A_\Pi}{V_\Pi} : \frac{A_T}{V_T} = \frac{A_\Pi}{A_T} : \frac{V_T}{V_\Pi},$$

бунда A_Π ва A_T - мос ҳолда жорий ва ўтган йилдаги фалокатлар сони,

V_Π ва V_T - мос ҳолда газ хўжалиги томонидан жорий ва ўтган йилда бажарилган иш ҳажми, минг шартли бирликда.

Бунда шуни таъкидлаш зарурки, агар газ хўжалиги корхоналарининг бирида кўрилатган даврда фалокат рўй берса, одамлар қурбон бўлса ва

анча моддий зарар кўрилса, унда бу корхона баҳоланаётганлар қаторидан чиқарилади.

Газ чиқиши муносабати билан чақирувлар сони газ таъминоти тизими бўйича хизмат кўрсатишлар бўйича ишларнинг сонини сифати шунча юқоридир. Шунинг учун газ хўжаликлари ишини кўрсатувчи кўрсаткич сифатида жорий хизмат кўрсатиш сифати даражаси тавсия этилади ва ушбу формула бўйича аниқланади:

$$K_7 = \frac{Z_{II}}{V_{II}} : \frac{Z_T}{V_T} = \frac{Z_{II}}{Z_T} : \frac{V_T}{V_{II}},$$

бунда Z_{II} ва Z_T - мос ҳолда газ чиқишида чақирувлар сони баҳоланаётган ва ўтган даврда, (донада).

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминловчи шартнинг энг муҳими иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши суръатлари мақбул нисбатига эришиш ёки амал қилишдир. Бундай нисбатнинг умумий қонуниятини, унга коммунал хўжалик корхоналарида ҳам амал қилиниши керак. Меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатларининг иш ҳақи миқдори ўсиши суръатларига нисбатан жадалроқ кечишидан иборат.

Ушбу йўналишдаги газ хўжалиги фаолиятини баҳолаш маълум коэффициент билан қуйидаги формула орқали ҳисоблаб чиқарилиши мумкин:

$$K_8 = K_{м.у.} : K_{иш.хақи}$$

бунда $K_{м.у.}$ - меҳнат унумдорлиги даражаси бўлиб, хўжаликда ишловчига тўғри келадиган ҳақий иш унумининг режадагига нисбатан сифати ҳисоблаб чиқилган.

Иш унуми ёки юқоридаги усул билан ёки газ хўжалигининг маълум бир вақтдаги иш ҳажмини шу муддатга ишлаганларнинг ўртача рўйхати сонига бўлишдан ҳосил бўладган шартли бирлиги сифатида ҳисобланади;

$K_{иш.хақи.}$ - иш ҳақининг ўртача даражаси. У маълум даврда бита ишловчининг ўртача амалдаги иш ҳақининг режавий иш ҳақи бирлигига нисбати бўйича аниқланади.

Газ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятининг якуний баҳоланиши коэффициентиенларнинг жамланган бирлиги K^E бўйича белгиланади. У эса юқорида кўриб ўтилган саккизта коэффициентларни қўшиш йўли билан ушбу формула бўйича аниқланади

$$K^E = 0.2 \cdot K_1 + 0.15 \cdot (K_2 + K_3) + 0.1 \cdot (K_4 + K_5 + K_6 + K_7 + K_8)$$

бунда 0.2; 0.15 ва 0.1 - Ҳар бир кўрсаткичнинг коэффицентлар киймати. Улар йиғиндиси $(0.2 + 0.15 \cdot 2 + 0.1 \cdot 5)$ бирга тенгдир.

Жамланган коэффицентлар энг юқори былган баҳоланаётган газ хўжалик корхонаси энг яхши корхона деб ҳисобланади. Юқорида таърифланган кўрсаткичлар тизими уй-жой коммунал хўжалигининг бошқа соҳачалари корхоналарида фойдаланиш мумкин. Улар фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда кўрсаткичлар сони қисқартирилиши, кенгайтирилиши ёки айрим фарқланувчи ушбу соҳачаларга таълуқли кўрсаткичлар бошқа мос кўрсаткичлар билан алмаштирилиши мумкин. Бунда баҳолаш йил чораклари ва бир йилликда ўтказилиши мумкин.

Бу услубнинг жорий этилиши республика уй-жой коммунал хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини ҳаққоний миқдори ва сифат жиҳатидан баҳолаш имконини бериб, натижада соҳа ишлари самарадорлигини оширишга олиб келади.

Қисқача хулосалар

Республиканинг кўп тармоқли коммунал хўжалиги таркибида уй-жой хўжалигига хизмат кўрсатиш ва уни асраш, сув таъминоти ва канализация, иссиқлик ва газ таъминоти, аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш билан шуғулланувчи техника ташкилотлари, шаҳар йўловчилар ташиш электр транспорти (трамвай, тролейбус, метрополитен), электр, газ ва таксимловчи тармоқлар, шаҳар хўжалиги ободонлаштириш, саноат, таъмирлаш-қурилиш, лойиҳалаш корхоналари, ташкилотлари ва бошқалар мавжуд.

Республикада коммунал хизмат кўрсатиш агентлиги ва унинг тегишли вилоят, шаҳар, туман бўғинлари амалга оширади. Уларнинг фаолият доираси шаҳар ва шаҳарчалар, туман марказлари билан чегараланади. Айрим шаҳар ва шаҳарчаларда, қишлоқ жойларда коммунал хизмат кўрсатишни қишлоқ хўжалиги, йирик саноат корхоналари ва ташкилотлари ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида уй-жой коммунал хўжалик тармоғини «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги бошқаради. Бу агентлик 05.03.2004 йил 110 сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан ташкил этилган.

Назорат ва мулоҳаза саволлари:

- Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалик тармоғининг таркиби қандай?
- Уй-жой, коммунал хўжаликнинг бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиш вазифалари қандай?
- Коммунал корхоналарни бизнес режаси қандай булимлардан иборат?

- Сув етказадиган корхоналарни фаолиятини тартибга солишда қандай курсаткичлар ишлатилади?
- Истеъмолчиларга сотиладиган сувни хажми қандай аникланади?
- Ифлос сувларни тозалайдиган корхоналарни фаолиятини тартибга солишда қандай курсаткичлардан фойдаланилади?
- Меҳмонхона хизматини такомиллаштириш учун қандай амаллар қилиш мумкин?
- Ободонлаштириш корхоналарини фаолиятини тартибга солишда қандай курсаткичлар ишлатилади?
- Газлаштириш корхоналарни бизнес – режа курсаткичлари қандай?
- Иссиқлик билан таъминлаш корхоналарни фаолиятини тартибга солишда қулланиладиган курсаткичлар тизими қандай?
- Шаҳар электр транспортни тартибга солиш йуналишлари ва курсаткичлар тизимлари нималардан иборат?

Тавсия этилган адабиётлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори «Коммунал хизматлар тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига, йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Тошкент оқшоми, 2005 йил, 14 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Тошкент оқшоми, 2005 йил, 14 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 7 февраль куни Оқсарой қароргоҳида қилган нутқи «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмади» Халқ сўзи, 2005 йил, 17 февраль.

Каримов И.А. Ўзбекистон: барқарор ривожлантириш йўллари. Т. 2002.

5. Боб. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш

5. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг таркиби ва аҳамияти

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш миллий иқтисодиётнинг ўзига хос ижтимоий хизмат соҳаларидан бири. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг ўз анъаналари ва тарихига эга бўлган тизими шаклланган.

Ўзбекистон иқтисодиётида маиший хизмат кўрсатиш тармоғи муҳим аҳамият касб этади. Маиший хизмат кўрсатиш муассасаларига иши тушмаган, эҳтиёж сезмаган одам топилмаса керак. Ҳозирги кунга келиб хизмат кўрсатишнинг бу тури ривожланиб, аҳолининг хизматини ўтаб, эҳтиёжини қондириб келмоқда, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи ўз ичига қуйидаги бир-бири билан боғлиқ бўлган 800 дан ортиқ аҳолига пуллик хизмат соҳаларни олади: Уларнинг айрим соҳалари қуйидагилар:

- - Пойафзални тикиш ва тиклаш;
- - Мўйна-тери маҳсулотларини тикиш ва таъмирлаш;
- - Бош кийимларни тиклаш;
- - Уй жиҳозларини тиклаш;
- - Уй хўжаликларида техникани таъмирлаш;
- - Автомашиналарни таъмирлаш;
- - Аҳолининг буюртмалари билан уй-жойларни қуриш ва тиклаш;
- - Фото ва кинолабораториялар;
- - Хаммомлар;
- - Кир ювиш корхоналари, химчисткалар;
- - Сартарошхоналар;
- - Прокат пунктларининг хизматлари;
- - Мебелларни аҳолининг буюртмаси билан ишлаб чиқариш ва тиклаш.

Рўзғорга керакли барча буюмлар: музлаткичми, телевизорми, радиоприёмникми, фотоаппаратми, кийим-кечакларми ёки пойафзалми маълум бир муддат истеъмол қилингандан сўнг ремонт талаб бўлади. Ана шунда барчамиз маиший кўрсатиш муассасаларига мурожат қиламиз.

Ўзбекистонда ҳозирги бозор муносабати даврида бу хизмат турларини ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган даражада ривожлантириш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш даврини кечиктириб бўлмас талабга айланади.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳалари халқ хўжалик комплексининг алопида тармоғидир. Унга кирувчи корхона, ташкилотларда саноат ва чакана савдо функцияларини биргаликда қўшиб олиб бориш, шунингдек ҳар бир буюртмачининг диди ва шахсий эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш маиший хизмат хусусиятларини белгилайди.

Маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш меҳнаткашлар ва ишчи-хизматчилар фойдаланадиган бўш вақт структурасини такомиллаштиришга, жисмоний қувватни тежашга кўмаклашади.

Республикамиз аҳолиси маиший турмуш шароитларида юз берган туб сифат ўзгаришлари, жумладан уй-рўзгор ишларида электр ва механизациялардан тобора кенг фойдаланиш, шахсий хизматга талаб ва эҳтиёжнинг ошиб бориши, маиший хизматнинг ривожланишига замин бўлади.

Пойафзал, кийим-бош, мебелларни ва бошқа буюмларни таъмирлаш хизматларини ривожлантирилиши бу буюмларнинг истеъмол қийматларининг хусусиятларини тиклашни таъминлаган ҳолда, улардан янада унумли фойдаланишга, аҳолининг пул маблағларини тежашга жамият моддий ва меҳнат сарфларини анча қисқартиришга кўмаклашади.

2004 йилда Ўзбекистон аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш харажатлари кескин кўпайган. Шунинг барча турлари бўйича жами 700 млд. сўмлик хизмат кўрсатилган. Аҳолига энг кўп ҳаммом, сартарошлик хизматлари кўрсатилган.

Таъмирлаш хизматларининг ривожлантирилиши, истеъмол буюмларининг хизмат муддатларини узайтиради, бу эса жамиятни ушбу товарларни камроқ ишлаб чиқаришга, шу йўл билан меҳнатни ва маблағни тежаб, бошқа бир буюм ишлаб чиқаришга, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга ишлатилади.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимларининг вазифаларини ўз вақтида пишиқ пухта бажаришлари хизмат турларининг янада намунали бўлишига олиб келади. Бунда аҳоли навбат кутиб қолмаслиги, буюртмаларни ўз вақтида қабул қилиниши, пунктларини бир маромда ишлаши муҳим аҳамиятга эга.

Маиший хизмат тармоғининг барқарорлаштирилиши ва ривожланиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Маиший хизматларнинг кўп хиллигини таъминлаш ва такомиллаштириш;
- Айрим талабларни қондира оладиган соҳаларни ривожлантириш ва уларнинг сифатини яхшилаш;
- Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини рационал жойлашишини амалга ошириш ва уларни замонавий ускуналар билан куроллантириш;
- Аҳолига хизмат кўрсатишни ихтисослаштириш ва кооперациялаш;
- Ишлаб чиқариш қувватларидан, транспорт воситаларидан ва асосий фондлардан тўла тўқис фойдаланиш;
- Бажариладиган ишларни ва хизматларни техник ва стандарт талабларга жавоб беришини таъминлаш;
- Тармоқнинг бошқарув системасини такомиллаштириш, яъни бозор иқтисодиётига мослаштириш;

- Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш даражасини шаҳар даражасига яқинлаштиришдан иборатдир.

Хизмат кўрсатишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ходимлар малакасига, рағбатлантириш тизимига боғлиқ.

Аҳоли томондан маиший хизматга сарфланган ҳар бир сўм уй хўжалигини юритишга кетадиган 1,5 соатлик меҳнатни тежаш ва шунга мувофиқ аҳолининг бўш вақтини кўпайтириш имконини беради, унинг учун маиший хизмат корхоналари қанчалик яхши ривожланса, хизмат кўрсатиш сифати юқори бўлса, умумий ижтимоий самара ҳам шунчалик юқори бўлади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришда ишлаб чиқариш базасини такомиллаштириш катта аhamиятга эга. Корхоналарнинг қуввати ва размерлари аҳолига етарли даражада хизматларни кўрсатиш миқдори билан боғлиқ. Буларни ривожлантириш қуйидаги омилларнинг таъсири билан боғлиқ:

- Аҳолига максимал қулайликларни яратиш;
- Аҳолининг вақт сарфларини тежаш;
- Маиший хизматларнинг комплекс пунктларини тузиш асосида кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш;
- Маиший хизмат корхоналарининг биноларини янги типда яратиш;
- Маиший хизматларни янги технологиялар асосида аҳолига кўрсатиш;
- Маиший хизмат корхоналарининг оптимал ўлчамларини аниқлаш.

Маиший хизмат афзалликларига - бу хизматларни қишлоқ жойларида ташкил этиш ҳам киради. қишлоқ жойларда ташкил қилиниши аҳоли бандлигини оширади, маиший хизматга бўлган эҳтиёжни қондиради.

Айниқса ҳаммом, сартарошлик, пойафзал тикиш ва таъмирлаш, электр асбоблари ремонти каби хизматлар аҳолини вақтини тежаш имконини беради.

Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш тармоғи ривожланишининг иқтисодий таҳлили

Хизматлар кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётини тўлдириб турувчи, ёрдамчи соҳадагина эмас, аҳолини иш билан таъминлаш, ЯИМ ва экспорт ҳажмини кўпайтиришга имкон берувчи, аҳолини турмуш даражасини оширишни, уларни ҳаражатларини оптималаштирувчи тармоқлар мажмуидир. Шу сабабли ҳам мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилди.

«Кичик хусусийлаштириш босқичида савдо корхоналари қаторида маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳам хусусийлаштирилди. Агар 1990 йилда маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги «Ўз-маиший хизмат» уюшмасига айлантирилган бўлса, 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимини янада ислох қилиш тўғрисида»ги фармонида кўра тармоқда номарказланиш

жараёнларини тезлаштириш, рақобат муҳитини яхшилаш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва маҳаллий ҳокимият органларининг хўжалик мустақиллигини ошириш мақсадида бу уюшма тугатилди».⁴

Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси индивидуал буюртма билан кийим тикиш, пойафзал тикиш ва таъмирлаш, мебель тайёрлаш ва таъмирлаш, кийимни кимёвий тайёрлаш ва тозалаш, сартарошхоналар, маълумотлар бюрolari каби корхоналарини ўз ичига олади.

Бугунги кунга келиб, маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмалари ва тадбиркорлар уюшмалари маҳаллий ҳокимияти органларига ҳисобот беради. Қишлоқ жойларида маиший хизмат кўрсатиш нисбатан яхши ривожланмаган.

Ўзбекистон Республикасида пуллик хизматлар кўрсатиш таркибига назар ташласак, бу соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятини кўрамиз (9-жадвал).

9-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар таркиби (%)

	1998	2002*	2005**
1. Ўўловчи ташиш	35,0	34,6	39,0
2. Уй жой коммунал хизматлари	4,6	4,1	17
3. Маиший хизматлар	14,8	15,4	15,2
4. Бошқалар (соғлиқни сақлаш, дам олиш, маданий хордиқ в ах.к.)	45,6	45,9	28,8
5. Жами	100	100	100

Манба: * «Иқтисодий йўналишлар». Олти ойлик нашр. Ўзбекистон июль-декабрь 1999 й. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ бюджет сиёсати маркази).46-бет

**2005 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари.Т.2006й.46 бет

2005 йилда республикада аҳолига кўрсатилган жами пуллик хизматлар улуши 39%, яъни энг юқори. Уй-жой коммунал хизматларининг улуши 17%ни, маиший хизматлар улуши эса 15,2%ни ташқил этган.

1998 йил билан солиштирсак, маиший хизматларнинг жами пуллик хизматлар ҳажмидаги улуши деярли ўзгаради.

Шу давр мобайнида уй-жой коммунал хизматларнинг жами соҳасига пуллик хизматлардаги улуши 4 мартага яқин кўпайди. Коммунал хизматлар ўз ичига сув, газ ва иссиқлик таъминоти, уй жойни сақлаш ва эксплуатация хизматларини олади.

⁴ Тухлиев Н. Таксонов А. «Национальная экономическая модель Узбекитсана», Т. «Укитувчи» 2000г.

Яъни бу хизматлар бевосита маиший ва санитария гигиена шароитларни таъминлаб беради. Уй-жой фонди хусусийлаштириш, соҳага давлат дотацияларни камайтира борилиши коммунал хизматларни соҳасида кескин ўзгаришларни характерлайди.

Республикада хизматлар соҳасининг жами экспортдаги улуши 2004 йилда 11,8%ни ташкил этди, яъни 572,6 млн. АҚШ доллари етди. 572,6 млн. АҚШ доллари миқдори аста секин ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини, жумладан, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли бу соҳа ривожланиб бормоқда (10-жадвал.).

10-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ЯИМ, хизматлар ва пуллик хизматлар ҳажми

	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2005
Ялпи ички маҳсулот	1416,6	2128,7	3194,5	4868,4	7469,3	9664,1	12189,5
Хизматлар (млрд. Сум)	621,68	772,4	1173,9	1870,8	2872,9	3682,1	4583,2
Аҳолига пуллик хизматлар (млрд.сум)	114,6	189,4	305,4	471,2	709,3	934,8	1226,6

Манба: 1998,2000,2005 йилларда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари. Т.1999 (9-бет), 2001(9-бет), 2002(9-бет), 2005(3-бет) й.й.

2004 йилга келиб хизматларнинг ЯИМдаги улуши 37,6га етди ва 4 трлн. 583 млрд.2 млн. сумга етди. Бунинг 1 трлн.276 млрд. 600 млн. сумни аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш қиссасига тўғри келади.

Пуллик хизматларнинг ЯИМдан улуши шу йили 10%ни, жами хизматлардаги улуши эса 26,7%ни ташкил этди.

Маҳаллий маиший хизмат корхоналарида рақобат муҳитини яратиш

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини бошқарувини марказлаштиришдан чиқаришни давом эттириш ва вақт муҳитини мустаҳкамлаш, маиший хизмат корхоналари ва маҳаллий бошқарув органларининг хўжалик мустақиллигини ошириш асосида вилоятларда маиший хизмат ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Биргина 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 1,5 фоизга ошди ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 409,3 млрд сўмни ёки аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш 27,9 минг сўмни ташкил этди. Республика ҳудудлари бўйича бу кўрсаткич фарқлидир. Тошкент шаҳрида 2004 йилда 244,1 млрд. сўм пуллик хизмат

кўрсатилган бўлса, Самарқанд вилоятида -16,8, Андижон вилоятида 49,0, Фарғона вилоятида 42,9 Бухоро вилоятида 36,1 млрд. сўмни ташкил этди. Энг кам пуллик хизмат кўрсатилган ҳудудлар – Сирдарё вилояти 6,8, Жизаҳ вилояти 12,7 ва Навоий вилоятида 14,8 млрд. сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган.

Республика ҳудудларини қишлоқ жойларидаги кўрсатилаётган маиший хизматни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Жазирама ёз иссиғининг ва қиш кунларида энг зарур бўлган маиший хизмат- ҳаммом ва сартарошлик хизматлари талабга жавоб бермайди. Шунинг учун аҳолининг сихат-саломат бўлиши кўпроқ янги шу икки турдаги хизматнинг ҳажмини ва сифатини ошишига боғлиқ ва бу йўналишга маҳаллий бошқару органларининг мустақиллигини ошириш ва рақобат асосида эришиш мумкин.

Мамлакатимиз аҳолиси кундан-кунга ўсиб, уларнинг халқ истеъмол молларига бўлган талаби ҳам ўсиб бормоқда. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида талабнинг кескин ўсганлиги намоён бўлмоқда ва талабнинг кўп қисми четдан олиш ҳисобига қондириляпти.

Бунинг асосий сабаби бизда ишлаб чиқаришнинг пастлигидир. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжини қандай қилиб қондириш мумкин. Албатта ҳозирги шароит, ҳар кимдан тежамкорликни, ишбилармонликни, тадбиркорликни ва ташаббускорликни талаб қиляпти.

Маиший хизмат соҳаларида ҳам бозор иқтисодиётининг таъсири кўринаяпти. Бу соҳаларни янада ривожлантириш, такомиллаштириш ҳозирги замон талабидир. Бунинг учун шу соҳалар бўйича хизмат жойларини хусусийлаштиришга кенг йўл очиб бериш керак.

Республика қонуни билан мустаҳкамлаб қўйилган ва қўллаб қувватланган хусусийлаштириш тўғрисидаги қонундан ҳар бир тадбиркор фойдаланиши мумкин. Маиший хизмат муассасаларини хусусийлаштириш бир шунча қулайликларни келтириб чиқаради ва рақобатни ривожлантиради.

Айниқса, ижтимоий-ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган кишилар маиший хизмат муассасаларининг хусусийлаштирилиши йўли орқали иш билан ҳам таъминланади, аҳолининг бу хизматларидан мамнунлиги ортади. Нафақахўр ва инвалидлар ҳам шу йўл билан таъминланади. Шунингдек рақобат вужудга келади ва хизматларнинг сифати ортади ва нархлар аҳоли даромадига мос келади.

Мулкка эгалик ҳуқуқини ўзгартириш, ягона мақсадгина эмас, давлат ва хусусий, яъни янгича давлат тадбиркорлигини шакллантириш воситаси ҳамдир.

Йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари (тикувчилик, трикотаж, пойафзал) негизида айрим цехлар, участкалар, устахоналар ва ательеларни мустақил ишлаб чиқаришга айлантирилган ҳолда кичик корхоналар ташкил этилади.

Бунда асосий эътибор қишлоқ жойларга қаратилади. Биринчи навбатда маиший хизмат кўрсатишнинг паст рентабеллиги ва кичик объектлар айрим Янги аср кооперативларга топширилади. Ўрта катталиқдаги объектлар эса шу муассаса томонидан кейинчалиқ ҳақ тўлаб, давлатдан сотиб олинади ва ижарага берилади. Хусусийлаштириш жараёнида қайд қилганимиздек, кичик, хусусий ва оилавий ательелар, устахоналар, сартарошхоналар ташкил топади.

Маҳаллий кенгаш томонидан бу тадбиркорлиқ қанчалиқ қўллаб-қувватланса хусусийлаштирилган маиший хизмат соҳаларининг фаоллиқлари шунчалиқ ортиб боради. Бунда солиқни ҳам ҳисобга олиш зарур. Маиший хизмат соҳасини ривожлантириш учун солиқ тўлаш борасида маълум бир имтиёзлар берилса ҳам яхши бўлар эди.

Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги чет эл инвестициясини жалб қилиш, янги ишчи ўринларини ташкил этиш, рақобат мақсадида чет эл фирмалари билан қўшма корхоналари ҳудудларида ташкил этилмоқда. Мулкчиликнинг шакллари бўйича аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар нодавлат ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизмат Андижон вилоятида 2004 йилда 80,2 фоиз, Бухоро вилоятида 83,9 фоиз, Жизах вилоятида 78,7 ва Тошкент шаҳрида 73,0 фоизни ташкил қилган бўлса, Сирдарё вилоятида атиги 41 фоиз ва Навоий вилоятида 52,8 фоиз ташкил қилган.

Ҳудудларда маиший хизмат корхоналарни кўпайтириш ва рақобат мухитини яратиш чет эл фирмалари билан ҳамкорлиқда иш олиб борилмоқда.

Қисқача хулосалар:

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш миллий иқтисодиётнинг ўзига хос ижтимоий хизмат соҳаларидан бири. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг ўз анъаналари ва тарихига эга бўлган тизими шаклланган.

Ўзбекистон иқтисодиётида маиший хизмат кўрсатиш тармоғи муҳим аҳамият касб этади. Маиший хизмат кўрсатиш муассасаларига иши тушмаган, эҳтиёж сезмаган одам топилмаса керак. Ҳозирги кунга келиб хизмат кўрсатишнинг бу тури ривожланиб, аҳолининг хизматини ўтаб, эҳтиёжини қондириб келмоқда, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи ўз ичига қуйидаги бир-бири билан боғлиқ бўлган 800 дан ортиқ аҳолига пуллик хизмат соҳаларни олади

Республикамиз аҳолиси маиший турмуш шароитларида юз берган туб сифат ўзгаришлари, жумладан уй-рўзғор ишларида электр ва механизациялардан тобора кенг фойдаланиш, шахсий хизматга талаб ва эҳтиёжнинг ошиб бориши, маиший хизматнинг ривожланишига замин бўлади.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

Аҳолига маиший хизмат курсатиш тармоги нималардан иборат?

Аҳолига маиший хизмат курсатиш соҳасини тартибга солишда кулланиладиган курсаткичлар тизими қандай.

Аҳолига маиший хизмат курсатиш соҳасида ишлаб чиқариш кувватлардан фойдаланиш хусусиятлари.

Ўзбекистонда маиший хизмат соҳаси қандай ривожланган?

Худудларда малакали маиший хизмат корхоналарини қайси мулкчилик турларида ривожлантириш керак?

Маиший хизмат соҳасида қандай қўшма корхоналарни биласиз?

Аҳолига маиший хизмат курсатиш тармогида қандай сифат курсаткичлари кулланилади?

Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришда қандай муаммолар мавжуд?

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қайси чет эл мамлакатларни тажрибасини биласиз?

Бу соҳада Россияни тажрибаси қандай?

Тавсия этилган адабиётлар:

«Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Халқ сўзи, 2003 йил, 21 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

Каримов И.А. Биз танлаган демократик тараққиёт ва маърифий янги-янги ҳамкорлик йўли. Халқ сўзи. 2003 й., 25 апрел. № 88.

Игнатов В.Г., Батурин Л.А., Бутов В.И. Экономика социальной сферы. Ростов на Дону, 2004.

Ишмухамедов А.Э., Каланова М.З. «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» Маърузалар матни Т.: ТДИУ, 2005.

Новости Узбекистана – www.uzreport.com

6. Боб. Бозор иқтисодиётига ўтишда таълим тизимини тартибга солиш. Ўрта таълимни ривожланиши

1. Кадрларни тайёрлаш миллий дастури ва уни қабул қилиш зарурияти, мақсади ва вазифалари

Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилалиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири- буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз.

1997 йилда Ўзбекистонда кадрларни тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди, мазкур дастўрнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва танқитлардан тўла халос қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар хал этилишини назарда тутди:

- «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон республикиси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим соҳасида рақобат муҳимтини шакллантириш негизида таълим тизимини ривожлантиришни таъминлаш(3);

- таълим ва кадрларни тайёрлаш тизимини демократик ҳуқуқий давлат қурилиш жараёнига мослаш;

- таълим ва кадрларни тайёрлаш тизими ва муассасаларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизими жорий қилиш;

- узлуксиз таълим ва кадрларни тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар билан жумладан чет эл инвестицияларни жалб этишни реал механизмларини ишлаб чиқаришни амалиётга жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан таклиф этилган узлуксиз таълимнинг тамомила янги тизимини юқорида айтилган камчиликларни бартараф этиб, Ўзбекистон фуқароларининг XX1 аср авлодини шакллантиришга шароит яратади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга имкон яратади ва қуйидагидан иборат:

Мактабгача таълим бўйича дастур мактабгача ёшдаги болаларни маънавий тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, болаларни мактабга самарали тайёрлашни назарда тутди. Мактабгача таълим муассасаларида

олиб борилади. Уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ва «болалар боғчаси-мактаб» мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Ҳар йили ихтисослаштирилган марказ, болалар боғчаларининг тайёрлов гуруҳлари, шанба-якшанбалик мактаблари ва маҳалла гузарларида маҳалла аҳолиси янги жамоа ва оилавий тадбирларни ўтказиш жойида 200-250 минг бола мактабга тайёрланди. Болаларга чет тилларини, хореография, тасвирий ва ангиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 1000 ортиқ гуруҳ ташкил этилган.

Бошланғич таълим 1-4 синфларни қамраб олади ва 6-7 ёшдан бошланади. Барча туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари негизида касб йўналиши ва олти-етти ёшлик болаларнинг ўқишга тайёргарлиги белгиланган бўйича марказлар тузилди ва 190 бошланғич мактабларда 32 мингга яқин ўқувчилар таълим олади.

Умумий ўрта таълим республикада барча учун мажбурийдир. У 10-11 ёшдан бошланади. Умумий ўрта таълим ўқувчиларнинг ақлий ва ахлоқий имкониятини очишга. Хусусан ўқувчиларнинг қобилиятига ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндошувни жорий этишга йўналтирилган.

Ўзбекистон республикаси таълим тармоқларини турли ахборотлар билан тўлдириш учун МОДЕМ тизими яратилган.

Мактаб ўқувчилари халқаро республика олимпиадаларида ва республика олимпиадалари, ўқувчилар «Умид» спартакиадаларида муваффақиятли қатнашмоқдалар, ғолибларга ихтисослаштирилган олий ўқув юртларига киришга имтиёзлар берилмоқда.

Умумий таълим мактабларида чет тилларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилади. Инглиз, француз, немис, испан, тиллари билан бирга араб, урду, хитой, корейс ва бошқа тиллар ўқитилмоқда.

Янги типдаги мактаб ва умумий таълим муассасалари тармоғи барпо этилмоқда, мавжуд олий ва ўрта махсус ўқув юртлари таркиби такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида барпо топган «соғлом авлод учун», «маънавият ва маърифат», «иқтисодий таълим», «қишлоқ мактаби», «Жисмоний ва рухий ривожланишда нуқсонли бўлган болалар реабилитацияси» ва 2003 йилдан ташкил этилган «Болалар спорти» дастурлари ва жамғармалари амалга оширилмоқда.

Республикада ярим миллионли ўқитувчилар ва мураббийларни обрўсини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида мувофиқ 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» қилиб белгиланди. У ҳар йили умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. 2005 йил шу кун энг мухтарам ва хурматли педагоглар Президентни фармони билан юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Уч йилик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими табақаланиш асосда ва шахс имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кўрилади ҳамда академик

лицей ва касб-хунар коллежларида амалга оширилади. Олий ўқув юртлари ҳузуридаги иқтидорли ўқувчилар учун академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича жадал интеллектуал билим савияларини ошириш, махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар.

Шуни такидлаш керакки, касб-хунар коллежларида ўқувчилар фундаментал умумтаълим тайёргарликка эга бўлиш билан бирга, бир неча замонавий касб-хунар ҳамда тегишли ўқув фанлардан чуқур назарий билимларни ҳам эгаллайдилар касб-хунар коллежларини битирувчилар учун таълимнинг кейинги босқичларида ўқитишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб –хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи аниқланади.

«Таълим тўғрисидаги қонун» асосида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими мажбурийдир.

Республикада қатор умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида янги ўқув дастурини ўз ичига олувчи давлат таълим стандартлари синаб кўрилди ва кенг кўламда жорий қилинмоқда. Бу стандартлар ривожланган давлатларда амал қилинаётган таълим стандартларига жавоб беради ва МХД давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда қабул қилинди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида ўрта махсус, касб таълими маркази ташкил этилган. Унинг тасарруфида уч йиллик ўқув юртларининг ўзига хос миллий модели – янги типдаги ўқув юртлари – лицей ва коллежлар бор.

Олий таълим одатда 18-19 ёшдан бошланади ва камида 4 йил давом этади. Икки босқичга бўлинади. Улар олий таълим муассасалари мустақиллигини кучайтириш, жамоат бошқарувини жорий этиш. Ўқишда мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда масофадан таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда ўзлаштириш, таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлашни назарда тутди.

Бакалаврият – таянч олий таълим берадиган йўналишидан иборат ва камида тўрт йил ўқиш давом этади. Битирганларга олий маълумот ва касбга эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом олиш билан якунланади.

Магистратура – вағқ мутахассислик бўйича олий махсус таълим бўлиб, бакалаврият негизида камида икки йил давом этади. Ўқиш давлат малака аттестацияси ва магистрлик диссертацияси ҳимояси билан якунланади.

Аспирантура – таълимнинг олий ўқув юртидан кейинги босқич ва магистратурадан кейин, магистр номзоди уч йил давом этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг вазифалари кенг қамровлидир. Аввало биз кадрлар тайёрлашда рақобатбардошликка асосланишимиз, яъни рақобат муҳитини шакллантиришимиз керак. Бундай муҳитни шакллантиришда эса ўқув муассасалари, илмий жамоалар

ва ишлаб чиқариш ташкилотлари манфаатдор бўлишлари лозим. Аниқроғи, мазкур масалалар комплекси тарзида, барчанинг бевосита иштирокида ҳал этилиши зарур.

Таълим тизимини ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнига мослаш деганда ўқувчи миллий ва умуминсоний кадриятларни ўзлаштириш янги аср асосида мустақил фикрлашга эга бўлиши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини ўқиш жараёнида ўрганиб бориши тушунилади. қонунлар мактабгача таълим муассасаларида ўзига хос ўйин орқали, умумтаълим мактабида боланинг қабул қилиш даражасига қараб ўргатилиши мумкин. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида эса қонунлар ўрганилиши конкретлаштирилади ва олий таълим юртлиларида эса фундаментал билим берилади.

Масалан фермерлик бўйича касб-ҳунар коллежида ўқиётган ҳар бир бўлажак кичик мутахассис - «Фермерлик тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги қатор қонунлар, банк билан ишлашни, шартнома тузишни, маркетинг қонуниятларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни билса ва уларга амал қилса жамиятда қандай ўзгариш содир бўлишини бир тасаввур қилсак бўлади.

Юқорида таълим сифати, ҳуқуқий билимлар ҳақида миллий дастўрнинг вазифаларидан энг бири таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилишнинг ҳолис тизимини жорий этишдир.

Бу ҳолис тизим миллий дастурни амалга оширишда ўзининг алоҳида ўрнига эга. Таълим муассасасида миллий дастур талабларига жавоб бермайдиган жиҳатлар бўлсаю, «айрим» камчиликлар юзаки саналса, ёки «айтмаса ҳам бўлаверади» қабилида иш тутилса, бу ҳол шу даргоҳнинг ўзига ҳам, умуман жамиятга ҳам зарар етказди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да юқорида таъкидланган вазифалар, таълим сифати талаблари қаторида керакли назорат чоралари ҳам кўзда тутилган.

Навбат уларни англаб олиш ва амалга оширишда. Демакки, бу тизимда оқиллик, ҳалоллик, ватан равнақи учун маъсуллик бўлса, тараққиёт ва кутилган натижа кафолатланади.

2. Дастурни амалга ошириш босқичлари

Юртбошимиз олға сурган Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бешта тамойилини яхши биласиз, уларнинг бирида ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳам мазкур принципга асосан, уч босқичда амалга ошириш мўлжалланган. Ҳар бир босқичнинг ўз олдига қўйган аниқ вазифалари бор. Уларнинг сифатли бажарилиши кейинги босқичнинг муваффақиятига сабаб бўлади.

Ўтиш даврини ўзига қамраб олган мазкур биринчи босқич 1997-2001 йилларни ўз ичига олади. Миллий дастур қабул қилинганидан кейин ўтган давр мобайнида унда белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди ҳам. Жумладан, таълим бошқарувчи органлари, ўқув муассасалари раҳбарлари ва ходимларининг эътибори таълим мазмунини такомиллаштиришга ҳамда янги, илғор педагогик технологияларни жорий этишга қаратилди.

Биринчи босқичда кундузги умум таълим мактаблари асосида 2 ўқув йилини ўзида 600 яқин лицейлар вужудга келди ва умумий ўқувчилар сони 165 минг талабага етди.

Бундан ташқари янги тизимнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низом, умумий ўрта таълимнинг давлат стандартлари, ўқув дастурлари бўйича замонавий талабларга жавоб берувчи дастурлар ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар амалда қўллаш учун киритилгани ана шу ишлар жумласидандир.

Биринчи босқичда амалда ошириладиган энг асосий ишлардан бири-бу 3 йиллик академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари тизимига замин тайёрлашдан иборатдир. Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда ана шу йўналишларни кадрлар билан таъминловчи мазкур таълим муассасаларининг жойлаштирилиши, уларни моддий ва молиявий таъминлашнинг дастури ишлаб чиқилди ва ҳукумат қарори билан тасдиқланди. Ҳар бир янги ташкил этиладиган лицей ва коллежларнинг йўналишлари бўйича ўзига хос махсус лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бунда маҳаллий шароитлар ҳисобга олиниб, ҳар бир тумандан танлаб олинган ўзига хос лойиҳа бўйича лицей ва коллежларининг ташкил этилиши режалаштирилган.

Ушбу дастурда академик лицей ва касб-хунар коллежларини қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш, янгидан қуриш заруриятидан келиб чиққан ҳолда (ҳар бир вилоят, туман, қишлоқ миқёсида) уларнинг моддий базасини таъминлаш масалалари ўз ечимини топган. Бу борада давлатимизнинг барча тузилмалари, ресурслари, иқтисодий имкониятлари ишга солинди.

Иккинчи босқичда, яъни 2005 йилда миллий дастурда белгиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилди.

Учинчи босқичда (2005 йилдан кейин) кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш жараёни амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия кадрлар тайёрлаш тизимини таркибий бир қисмидир. Талим-тарбия тизими кадрларнинг янги авлоди тафаккурини, онгини шакллантиришга хизмат қиладиган зарур бир соҳадир.

Ўзбекистон Олий ўқув юртларида, ўрта – махсус таълим
муассасаларида ва умумтаълим мактабларида ўқаётган ёшлар сони
(2005 йил, минг киши)

	Умумтаълим мактабларида	Ўрта–махсус таълим муассасаларида	Олий ўқув юртларида
Ўзбекистон Республикаси	6151,4	788,1	263,6
Қорақалпоғистон	343,2	71,0	14,6
Вилоятлар: Андижон	557,7	63,9	18,0
Бухоро	336,9	39,1	13,4
Жиззах			
	262,2	23,9	8,3
Қашқадарё	620,9	61,7	10,4
Навоий	193,7	26,1	8,3
Наманган	509,8	60,3	13,7
Самарқанд	735,5	71,5	22,1
Сурхондарё	517,6	51,2	7,0
Сирдарё	152,4	21,8	3,4
Тошкент	518,2	58,6	11,1
Фарғона	698,4	75,3	18,5
Хоразм	335,9	49,6	8,1
Тошкент ш.	369,0	114,1	106,7

Манба. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели, шу тариқа, фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган кўпгина ҳаёт босқичларини ўз ичига олади. Миллий моделимиз, бу - шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг бир-бирига алоқасини акс эттиради.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- шахс-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

- давлат ва жамият-таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

- узлуксиз таълим-малакали ракобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини,

кадрлар тайёрлаш тизим тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

- фан - юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот техноологияларини ишлаб чикувчи;

- ишлаб чиқариш-кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий бюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастуриимизнинг ўзагини ташкил этган Миллий моделимизнинг кенг қамровли ва ички яхлитлиги дунёда мавжуд бошқа молеллардан принципиал фарқли жиҳатидир.

Миллий моделимиз концепциясининг мазмуни миллий турмуш тарзимиз ва маънавий-ахлоқий анъаналаримиз билан ҳамнафасдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда бевосита ўзимизга хос бўлган, такрорланмас, буюк тарихимиз, анъаналаримизга асосланган ва шу билан бирга ҳозирги давр талабларига жавоб бераоладиган кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди. Дастуриимиз моделимизнинг миллийлиги ҳам айнан шулардан иборатдир.

Яна бир, ҳатто айтиш мумкинки, принципиал янги жиҳат шундаки, кўпгина бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, бизнинг мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қўйилган вазифаларни амалга оширишнинг барча юки Давлатимиз зиммасидадир. Кадрлар тайёрлаш миллий моделимиз ўз илмий салоҳияти, аҳамияти чуқур фалсафий маънога эга эканлиги билан халқаро миқёсда тан олинди ва ўз ўрнини топди.

Қисқача хулосалар

Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилалиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири- буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз.

1997 йилда Ўзбекистонда кадрларни тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди, мазкур дастўрнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислох қилиш уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар хал этилишини назарда тутади: - «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон республикси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислох қилиш давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим соҳасида

рақобат муҳимтини шакллантириш негизида таълим тизимини ривожлантиришни таъминлаш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизнинг ўзагини ташкил этган Миллий моделимизнинг кенг қамровли ва ички яхлитлиги дунёда мавжуд бошқа моделлардан принципиал фарқли жиҳатидир.

Миллий моделимиз концепциясининг мазмуни миллий турмуш тарзимиз ва маънавий-ахлоқий анъаналаримиз билан ҳамнафасдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда бевосита ўзимизга хос бўлган, такрорланмас, буюк тарихимиз, анъаналаримизга асосланган ва шу билан бирга ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди. Дастуримиз моделимизнинг миллийлиги ҳам айнан шулардан иборатдир.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

Кадрларни тайёрлаш миллий дастури нечанчи йилда қабул -қилинган? Унинг асосий мақсади ва вазифалари.

Ушбу дастурни ҳаётга тадбиқ этиш босқичлари.

Кадрларни тайёрлаш миллий дастури қабул қилиш зарурияти.

Таълим соҳасини асосий мақсади ва Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари.

Таълим соҳасини тартибга солишда қулланиладиган курсаткичлар тизими.

Таълим муассасаларни моддий техника базаси нималардан иборат?

Ўзбекистонда таълим соҳасини ҳозирги ҳолатини тавсифлаб беринг.

Илғор педогогик усуллар деганда нимани тушунасиз?

Ўқув жараёнида улардан фойдаланиш зарурияти нимада?

Тавсия этилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни» - Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрларни тайёрлаш миллий дастури» - Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

Асаев Т.Ш. Управление социальным развитием М.:изд. МГУ, 2004.ғ

7. Боб. Олий ва ўрта махсус таълимни ривожланиши

1. Олий таълимни ривожланиш вазифалари

Ўзбекистон Республикасида 61 олий ўқув юрти, жумладан, 21 университет, 40 институт ва харбий олий юртлари бўлиб, уларда 260 мингдан зиёда талаба таълим олади. Олий ўқув юртларида 22,7 минг профессор - ўқитувчи ишлайди, улардан ярмидан кўпи фан доктори ва фан номзоди.

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрти юридик шахс мақомига эга бўлган ва олий касб таълимининг таълимий-касбий дастурини амалга оширадиган таълим муассасасидир.

Олий ўқув юрти Ўзбекистон Республикаси томонидан белгиланган тартибда ташкил этилади, қайта тузилади ва тугатилади.

Олий ўқув юрти Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун, бошқа қонунлар, қонунлар далолатномаси, мазкур Низом ҳамда олий ўқув юртининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган Уставга мувофиқ фаолият кўрсатади.

Олий ўқув юрти-таълим, фан ва маданият маркази сифатида ўз мақсадини инсон, Ватан ва жаҳон цивилизацияси бахт-саодати йўлида ҳақиқатни англаш, адолат ва эзгуликни ўрнатиш деб билган профессорлар, ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни ўзида мужассамлаштирилган ижодий ҳамкорликдир.

Олий ўқув юртининг бош вазифалари қуйидагилардан иборат:

-шахснинг рухий, ақлий маданий ва ахлоқий ривожланишга фаолиятнинг танлаган соҳаси бўйича олий касбий таълим ва малакага бўлган эҳтиёжни қондириш;

-жамиятни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик ғояси, ватанпарварлик, инсоннинг ахлоқий принципларини ҳурмат қилиш рўҳида тарбияланган олий касбий таълимга эга бўлган малакали мутахассисларга, юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларни қондириш;

-иқтидорли ва ўқишда фаоллик курсатаётган талабаларга кундалик ғамхўрлик ва керакли шароит яратиб бериш;

-фундаментал ва изланувчи, амалий-илмий тадқиқотларни ва бошқа илмий-назарий, тажриба-конструкторлик ишларини, жумладан, таълим муаммолари бўйича бажариладиган ишларни ташкил қилиш ва олиб бориш;

-ўқитувчи ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

-умуминсоний қадриятларни тўплаш, сақлаш ва орттириш;

-аҳоли ўртасида билимни тарғиб этиш, унинг таълимий ва маданий даражасини кўтариш.

Олий ўқув юртлири филиаллари, факультетлар, ихтисослашган коллежлар, кафедралар, тайёрлов бўлимлари, илмий текшириш лабораториялари, аспирантура, доктарантура, кўшимча касбий таълимнинг ўқув бўлимлари, тажриба хўжалиги ва шу каби бошқа бўлимларга эга бўлиши мумкин.

Олий ўқув юртлири таркибига олий ўқув юрти тизими бирлиги ёки юридик шахс мақомига эга бўлган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган Низомлар асосида фаолият кўрсатадиган илмий текшириш институтлари, лицейлар, гимназиялар, мулкчиликни турли шаклларидаги корхона ва ташкилотлар кириши мумкин.

Олий ўқув юртининг тузилиш бўлинмаларини ташкил этиш, олий ўқув юрти томонидан ўз тобелигига қараб тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат ва олий ўқув юртлирининг филиаллари, олий ўқув юрти тузилишидаги ва ундан ташқаридаги илмий текшириш институтлари ва ихтисослашган коллежлар, олий ўқув юрти қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари тегишли вазирлик ва идораларнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган тавсияларга мувофиқ ҳукумат томонидан ташкил этилади.

Давлат олий ўқув юрти таркибида ёки қошида давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини ташкил этиш, жумладан юридик шахс мақомига эгаларини ҳам тегишли вазирлик билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Олий ўқув юрти ва унинг тузилиш бўлинмалари, ҳамда унинг қошидаги юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, муассаса ва ташкилотлар ягона таълим комплексидир.

Ўзбекистон Республикаси барча олий ўқув юртлирининг биринчи курсларига талабаларини қабул қилиш, тест синовлари асосида амалга оширилади. Тест синовларини ўтказишда бош мақсад абитуриентларнинг билим даражасни холисона баҳолаш ва улар орасида билими бўйича энг яхшиларини олий ўқув юртлирида ўқиш учун танлаб олишдир. Республикада олий ўқув юртлири ва ўқийдиган талабалар сони 12 - жадвалда келтирилган.

Шуни таъкидлаш керакки, олий касбий таълимнинг ҳар бир босқичи, давлат таълим андозалари билан белгиланадиган талабаларни рўёбга чиқаришни таъминловчи таълимий хизматлар мажмуасидир. Шунинг учун ўқув юртлири тармоғи кенгаймоқда, университет таълими ривожланмоқда. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан худудий йўналишга ўтказиш иши олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ОЎЮ мавжудлиги ва
талабалар сони

	Олий ўқув юртлари сони	
	2003-2004	2004-2005
Ўзбекистон Республикаси	61	61
Қорақалпоғистон	2	2
Вилоятлар:		
Андижон	5	5
Бухоро	3	3
Жизах	2	2
Қашқадарё	2	2
Навоий	2	2
Наманган	3	3
Самарқанд	6	6
Сурхондарё	1	1
Сирдарё	1	1
Тошкент	2	2
Фарғона	3	3
Хоразм	1	1
Тошкент ш.	28	28

Олий таълим муассасалари* (ўқув йил бошига)

Билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш бошланиб юборилди, олий мактабни қўйи босқичли тизимига ўтказиш амалга оширилмоқда. Бунинг учуна давлат таълим андозалари асосида олий ўқув юртлари режалари ва бошқа ўқув ҳужжатларини ишлаб чиқадилар. Бу ҳужжатлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан (стандартлар, ўқув режалар) тасдиқланади ва жорий этилади.

Республикада бакалавр ва магистрларни тайёрлаш ҳолати

Кадрлар тайёрлаш соҳасида мажбурий тақсимоатдан воз кечиш ишга жойлаштириш жараёни ўз ҳолига ташлаб қўйиш дегани эмаслиги Президентимиз Ислон Каримов томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Мутахассислар меҳнат бозорининг ривожланиши рақобатбардош, сифатли кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилишини талаб қилади. Олий таълим мутахассислари маркетинг хизмати бўлимларининг мутахассислар меҳнат бозори конъюктурасини ўрганиш, уни ривожлантириш борасида олиб бораётган ташкилий-тарғибот ишлари ижобий натижаларга олиб кела бошлади. Масалан, 2005 йилда олий таълим муассасаларини битирган 2960

нафар магистдан 2199 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган (74,3 фоиз), 322 нафари аспирантурада ўз илмий фаолиятини давом эттирмоқда (10,9 фоиз), 356 нафари эса мустақил тарзда иш билан таъминланганлик тўғрисидаги ҳужжатга эга. қолган 83 нафар магистр ҳозирча иш билан таъминланмаган. қўшма корхоналар аксарият ҳолларда магистр-битирувчиларни ишга жалб этмоқдаларки бу тайёрланаётган кадрлар сифати бир мунча юқорилигидан далолат беради.

Бакалавриятнинг кундузги бўлимларини битирган ёшлар тақдири қандай, деган савол ҳам туғилиши табиий. Ҳозирга қадар 20938 нафар бакалавр иш билан таъминланганлик тўғрисида ҳужжатларга эга. Уларнинг асосий (94,6) фоизи буюртмалар асосида тайёрланган кадрлар бўлганлиги сабабли ишга жойлашишда муаммо туғилмаган. Бу маркетинг хизмати бўлимларининг саъй-ҳаракати билан боғлиқ бўлиб, умумий натижага кўра, бакалаврнинг 93,4 фоизи, магистрларнинг 95,6 фоизи ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланган. Айни пайтда магистратура ва аспирантурада ўқишни давом эттиришга эҳтиёжнинг ортаётганлиги ҳам кузатилмоқда.

Ҳозирги вақтда ОТМдаги буюртмалар портфелида 80 мингдан ортиқ буюртмалар мавжуд. қишлоқ ва сув хўжалиги, юриспруденция, маданият ва санъат, сервис соҳаларида ёш мутахассисларнинг иш билан таъминланиш даражаси анча юқори эканлигини кузатиш мумкин.

Бакалавр битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичларини айрим вазирликлар бўйича таққослаганимизда, жуда паст фоизларни кузатиш мумкин. Ташқи ишлар вазирлиги бўйича 10,7, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида 12, Халқ таълими вазирлигида 14,6, Соғлиқни сақлаш вазирлигида 5,4, маданият ишлари вазирлигида 11,3, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида 34,3, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясида 23,1, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 8 фоизни ташкил этиши бу идораларнинг кадрлар сиёсати билан етарли даражада қизиқмаётганлиги кўрсатади.

Магистрларнинг ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланиш кўрсаткичлари ҳам юқоридаги вазирлик ва тармоқ идораларида қувонтирадиган даражада эмас.

Тошкент давлат авиация, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия, Нукус давлат педагогика, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтлари битирувчиларининг ишга жойлашганлик кўрсаткичлари ҳам анча пастлиги сезилапти. Бу ҳолат иш берувчи корхона ва ташкилотлар томонидан берилган буюртмалар бажарилмай қолаётганлиги сабабли юзага келганлиги сабабли эътироф этиш лозим.

Иш билан таъминланган ёш мутахассислар мониторингини олиб бориш мақсадида корхона ва ташкилотлардан тақризлар олинди. Молия ва банк соҳасида фаолият юритаётган ёш мутахассислар замон талаблари даражасида билимга эга. Ёш мутахассисларнинг интеллектуал савиясини

янада кўтариш учун олий таълим мутахассислари профессор-ўқитувчиларнинг қисқа муддатли малака оширишини банк ва молия муассасаларида ташкил этиш, диплом иши ва магистр диссертациялари мавзуларини мазкур муассасалар мутахассислари билан келишган ҳолда танлаш мақсадга мувофиқдир.

Инженерлик, қайта ишов бериш, қурилиш ва архитектура соҳаларида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий билимларини янада кўтариш, жаҳон сифат мезонлари даражасига олиб чиқиш учун уларнинг амалий машғулотларини бевосита ишлаб чиқаришда кўпроқ ўтказилишига эришиш, иқтидорлик ёшларнинг бевосита дунё тажрибалари билан танилишига эътибор қаратиш лозим. Махсус фанлар учун ажратилган соатларни кўпайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг ишлаб чиқаришда малака оширишларига алоҳида эътибор қаратиш таклиф этилмоқда.

Иш берувчи - истеъмолчилар талаб ва истакларини эътиборга олиш, ўқув режа ва дастурларининг мослашувчанлигини таъминлашда танлов фанлари рўйхатини кенгайтириш тақазо этилади. Бу эса ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш имкониятларини беради.

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашда минтақавий тақсимот механизмининг ишлаб чиқариш кадрларнинг ўз иш ўринларини топиб кетишида муҳим аҳамиятга эга, дейилмоқда.

Юриспруденция йўналишида ёш мутахассислар тайёрлашда кадрларнинг соҳа органларида иш тажрибасига эга бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Демак, талабаларни бошланғич курсларданок ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда амалиёт ўташига етарли эътибор қаратилиши лозимлиги бу соҳа ходимлари томонидан алоҳида таъкидланаёпти.

Тиббиёт муассасаларидан келган тақризларда олий маълумотли медик бакалаврлик даражаси етарли эмаслиги, кўпроқ магистр-врачлар тайёрлашни йўлга қўйиш зарурлиги кўрсатилган. Талабалар шифо масканларида бевосита кичик тиббиёт ходими сифати кўпроқ фаолиятларини бошлаши лозим.

Маданият ва санъат соҳасидаги битирувчиларга нисбатан чет тили ўқитиш соатларини қайта кўриб чиқиш таклиф этилмоқда. Улар бир неча тилда ижод қила олишлари лозим.

2006 йилда олий таълим муассасалари 42,2 минг киши битирди, улардан 8,8 минг нафари таълимнинг педагогик йўналишлари бўйича. Кадрлар тайёрлаш сифатини янада кўтариш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларини малакали мутахассис билан таъминлашда юқоридаги сингари таклиф ва тақризлар, албатта инобатга олиниши зарур. Мана, етти йилдирки, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида битирувчи мутахассис кадрлар ўзига хос усулда- аукцион (кимошди) орқали иш билан таъминланмоқда.

Агар жаҳон таълими амалиёти тажрибалари кўзи билан қаралса, бу усулда ҳайратланарли бирон жиҳат йўқ. Аммо у бизнинг республикамиз таълим тизимида янгилик. Олий таълим муассасаларимизнинг бошқа биронтасида аукцион усули ҳали қўлланилм¹япти. Тўғри, кадрларни иш билан таъминлашга қаратилган маркетинг тадбирлари барча университетлар ва институтларда йўлга қўйилган. Ва бу борада уларда ҳам айрим ибратли жиҳатлар мавжуд. Лекин аукцион орқали ўз битирувчи кадрларини ишга тақсимлаш йўналишида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти катта тажрибага эга.

Ахборот-коммуникация технологияси ва масофадан ўқитиш технологияларини жорий қилиш

Президентимизнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникацияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонларида ахборот-коммуникациялар технологиялари соҳасида рақобат мухитини шакллантиришга кўмаклашиш, инновация бизнесини, шу жумладан маҳаллий дастурий воситалар ва компьютер технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни барча слҳалари ва тармоқларини компьютерлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш масалалари кўндаланг қилиб қўйилгандир.

Маълумки ўзбекистонда, таълим мажмуининг ривожланиши мустақилликни мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиш, жаҳон маданиятига кириб бориш ва янги технологияларни ўзлаштиришга кенг йўл очиб берди. Зеро ҳозирги кунда Ўзбекистонда олий таълимни модернизация қилиш, компьютерлаштириш ва технологияларни жорий этиш аҳамияти кескин ошмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш, унга янги технологияларни ва Интернетни жорий этиш-устувор йўналишлардандир. Айниқса мультимедиа деб ном олган таълим дастурни амалга ошириш юқори малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси билан боғлиқ. Бунинг асосида интернет ёрдамида масофадан туриб ўқитишдек янги педагогик технология ётади.

Тўғри ҳозир Ўзбекистонда мультимедия материалларидан унчалик кўп тўплангани йўқ. Шунга қарамай «Олий таълимга масофавий таълим компонентларини тадбиқ қилиш» лойиҳасини жорий этиш бўйича Жаҳон банки институтида ҳамда Швейцариянинг ривожланиш корпорацияси, Американинг «Евразия» жамғармаси ҳамда Ўзбекистоннинг «Истедод» жамғармаси ёрдамида «макроиқтисодиёт» ва «Микроиқтисодиёт» фани бўйича 30 та мультимпликатор-ўқитувчи мутахассислар тайёрланди. 2006 йил сўнгги «Макроиқтисодиёт» фани бўйича масофавий таълимнинг Интернет тармоғида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Иқтисодиёт» мутахассислиги бўйича 40 нафар магистр ўқитилган, бўлса ҳозирги кунда барча магистрларга Макроиқтисодиёт-2 ўқитилмоқда.

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг «Информатика, менежмент ва иқтисодий таълим педагогикаси» факультетининг ўқув-услугий ва илмий фаолиятларини комплекс ахборотлаштиришнинг Компенсацияси ишлаб чиқилди. Ушбу Концепсия ўз таркибига қуйидаги бўлимларни қамраб олган:

- факультетнинг автоматлаштирилган тизими;
- масофадан ўқитиш тизими;
- вертуал лаборатория стендларини тизими;
- вертуал кутубхона; электрон ва мультимедиа дарсликлар;
- илмий тадқиқотларни ахборотлаштириш; ахборотлаштириш соҳасида халқаро алоқаларни қўйиш.

Концепсияни амалиётга тадбиқ қилиш икки босқичдан иборатдир, яъни биринчи босқич 2002-2005 йилларни ўз ичига қамраб олиб, унда асосан масофавий ўқитишнинг асоси бўлмиш электрон ўқув қўлланмалар, мультимедиа тизимлар ишлаб чиқилади. Бу ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотларини бошқа институтларга ҳам сотишни йўлга қўйишни ташкил этиш керак бўлади. Ҳозирги кунда Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети факультетлари қошида шундай дастурий маҳсулотларни яратиш борасида ёш тадқиқотчиларнинг илмий маркази барпо этилди ва бир қатор амалий ишлар қилинмоқда, жумладан, «Макроиқтисодиёт», «Микроиқтисодиёт», «Иқтисодий информатика» электрон дарслиги ва талабаларнинг билим даражасини аниқлашнинг автоматлаштирилган тест тизими яратилмоқда. Ушбу марказда Pentium IV русумли шахсий компьютерлар, сканер, ва лазерли принтерлар билан таъминланган. Электрон дарсликлар яратиш янча меҳнат талаб жараёндир. Бундай дарсликлар асосан олдин бирор бир нашриётда чоп этилган дарсликлар асосида яратилмоқда, чунки уларнинг матнини таҳлил қилиш талаб этилмайди, лкин улар ўқув материалларини талабага тезкор етказиб бериш учун турли хил расм, жадвал, график овозлар билан бойитилапти. Ҳозирчалик «жонли видео»дан фойдаланиш учун техник воситалар чегаралангандир.

Иккинчи босқич 2005-2010 йилларни қамраб олган бўлиб, унда масофавий ўқитиш тизими замонавий ахборот-коммуникациялар технологиялари асосида тўлиқ йўлга қўйилди. Вертуал лаборатория стендлари ишлаб чиқилиб, университетнинг автоматлаштирилган ўқитиш муҳитини фаолият кўрсатади.

Дарвоқе, биз компьютер технологияси соҳасида мислсиз ўзгаришлар юз бераётган даврда яшамоқдамиз. Хусусан Интернетнинг пайдо бўлиши бу ўзгаришлар ичида алоҳида ўрин тутади. Интернет маълумотларини узоқ масофаларга узатиш воситаси бўлиб, дунё нуқталарида юз берган янгиликлар ва маълумотларни барча мамлакатларга оний лаҳзаларда етиб боришини таъминлашни биласиз. Худди шу имкониятларга кўра, Интернет

эндиликда сайёрамиз сиёсий-иқтисодий молиявий, маданий каби барча соҳаларда халқаро ҳамкордик алоқаларини жадаллаштиришга ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирги университет жамоаси бир қатор чет эл университетлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда, яъни булар Бутунроссия сиртки молия иқтисод институти, Москва давлат статистика, информатика ва иқтисод университети, Мэриленд (АҚШ) университетларидир. Чет эл университетларининг масофавий ўқитиш борасидаги тажрибалари билан бир неча профессор-ўқитувчилар ушбу университетларда тажрибасини ошириб келдилар. Уларда масофавий ўқитиш тизимининг ўқув-услубий ташкилий жиҳатлари тўлиқ ишлаб чиқилган бўлиб, охириги йилларда ушбу тизим асосида битирган талабаларга дипломлар берилмоқда. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, уларда ҳар бир ўқув семестри бўйича компьютерда ўқитиш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, талабани ҳар бир фандан асосий дарсликлар билан таъминлашади. Талабалар мустақил равишда ва тьюторлар билан ҳамкорликда ҳар ҳар хил бир фан бўйича сабоқ олишади. Талаба маълум бир даражада билим олгандан кейин компьютерлардаги ўқитиш дастурида тьютор ёрдамида ўз устида ишлаб олган назарий билимларини мустаҳкамлайди. Агар талаба маълум бир фан имтиҳон топширишга тайёрилигини айтса, компьютерда ўқитиш дастури муҳитида имтиҳон топширади ва тьютор унинг олган баҳосини расмийлаштириб беради, яъни талабанинг билим даражаси объектив баҳоланади. Чет эл университетларини олимларининг масофавий ўқитиши соҳасида эришган ютуқларидан бизнинг шароитда ҳам кенг фойдаланиш ва тажриба алмашиш мақсадида 2002 йилнинг 12-13 июнь кунлари «Применение Интернет в учебном процессе» мавзусидаги халқаро конференция ва унинг натижаси сифатида маърузалар тўплами чоп этилди. Ушбу илмий- амалий конференция масофавий ўқитиш тизимини жорий қилиш борасида бир қатор объектив муаммолар нафақат бизнинг Республикамизда, балки Россия Федерациясининг институтларида ҳам мавжублигини кўрсатди. Бу авваламбор масофавий ўқитиш тизимининг ўқув-услубий асосини ташкил этувчи электрон ўқув қўлланмаларининг ишлаб чиқишининг кўп меҳнат талаблиги, қимматлиги ва талабаларнинг ушбу тизим муҳитида таълим олишларига етарли даражада тайёр эмаслигидир.

Ҳозирги кунда Интернетдан фойдаланувчиларнинг, яъни дунё миқёсида компьютер тармоғига уланиш имконига эга бўлганларининг 88 фоиз саноати ривожланган мамлакатларга тўғри келади. Булар эса дунё аҳолисининг атиги 17 фоизни ташкил этади. Масалан, АҚШда ишлаётган компьютерлар сони дунёнинг бошқа мамлакатларидаги мавжуд компьютерлар сонига нисбатан кўп. Болгарияда эса Интернетдан фойдаланувчилар сони Африканинг шимолий қисмида жойлашган барча мамлакатлардан кўпроқ. Дунё аҳолисининг 23 фоизи яшайдиган Жанубий

Осиёда эса атиги бир фоиз аҳоли интернет билан ишламоқда. Марказий Осиё мамлакатларида бу кўрсаткич ҳозиргача 0,8 фоизни ташкил қилади.

Экспертлар ҳулосасига кўра, ривожланиб келаётган мамлакатлардаги муаммолар ва эҳтиёжларни ўрганиш учун Интернет бошқарувини мумкин қадар даражада кенгайтириш лозим.

4. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини-ислоҳ қилишнинг долзарб масалалари

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ислоҳ қилиш Ўзбекистонда янги ривожланган жамият кўриш билан чамбарчас боғлиқдир. Уни амалга оширишда биз албатта, намуна сифатида таълимнинг халқаро мезоналарини олишимиз лозим. Лекин ўз миллий хусусиятларимизнинг барча қирраларини ҳам ҳеч бир унутмаслигимиз шарт.

Ислоҳот олий ўқув юртлари фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади, шунинг учун ҳам у туб ўзгаришлар ҳисобланади. Барча жабҳаларда қайта қуриш ва такомиллаштиришни амалга ошириш даркор.

Хусусан таълим тизимини ва унинг босқичли тизими: университет таълимини ривожлантириш, олий мактаб фаолиятининг асосий соҳалари-таълим ва илмий тадқиқотнинг мазмуни, шакли ва услубиятини ўзгартириш, олий ўқув юрти мақомини сезиларли даражада кўтариш, лозим бўлади. Ўша даврдаги мансуб «Олий таълимдаги ихтисосликлар ва ихтисослашувлар рўйхати» да 600 га яқин номини учратиш мумкин ва уларнинг ҳар бири бўйича мутахассис тайёрланган. Уларнинг дипломига битта муайян ихтисослик ёки ихтисослашув номи ёзилган.

Ўзбекистон олий ўқув юртларида ўша пайтларда 300 ихтисослик ва ихтисослашув бўйича мутахассислар тайёрланган. Тайёргарликни тугатгач мутахассислар ўз ихтисосликларига мос муайян иш ўрнига боришлари лозим эди. Шундай деб ўйланган. Бироқ амалда эса бутунлай бошқача ҳол эди.

Шундай қилиб хўжалик юритишнинг ва таълимнинг мавжуд тизими, кўп ҳолларда мутахассисни олий даражада тайёрламас эди. Кўп босқичли тизим жаҳон тажрибасида аллақачон ўзлаштирилган ва амалда муваффақият билан қўлланмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақил шароитида у қуйидагича кўринишга эга, яъни 600 га яқин ихтисослик ва ихтисослашув мавжуд бўлиб, олий ўқув юртларимизда шулар бўйича мутахассислар тайёрлаш мўлжалланмоқда, лекин улар 103 йўналишга ажратилган. Билимнинг ҳар бир йўналишида шундай соҳалар мавжуд, улар еттита: табиий фанлар ва математика, гуманитар фанлар, соғлиқни сақлаш, таълим, техника-фанлари, кишлоқ хўжалик фанлари, ҳарбий ихтисосликлар.

Янги турдаги мутахассислар можоросида асосий сиймо бўлиб таянч олий маълумотга эга бакалаврлар ҳисобланади. Тўрт йил ичида улар гуманитар, табиий фанлар ва умум таълим бўлимлари бўйича бир қатор

ихтисосликларни ҳам ўз ичига олган муайян йўналишларда тўлиқ маълумот олишлари лозим. Масалан: «қурилиш» йўналиши ўз ичига 17 ихтисосликни олади. «Телекоммуникация» ихтисосликни «Педагогика»-12 ихтисосликни ўз ичига олади ва ҳоказо..

Бакалавр шундай тайёргарликка эга бўлиб, маълум «жилвирланиши»дан сўнг мустақил равишда ёки олий ўқув юртининг тегишли курсида, корхонада, ташкилот ёки муасасада ўз ихтисослиги йўналиши бўйича Оммавий лавозимларда ишлай олади.

Бундай тайёрлаш тартиби ҳар бир шахсни ҳам, жамиятни ҳам қаноатлантиради. Анча чуқур ва махсус бўлимлар талаб қилувчи лавозимларда ишлаш учун тўлиқ олий маълумотга эга мутахассислар ва магистралр етиштирилмоқда.

Мутахассис бўлиб бакалавриятни тугатса, уни яхши ўзлаштириб тегишли тест синовидан ўтган ва бакалаврият тайёрлашнинг йўналишларидан бирга кирувчи курсни ўтган битирувчи ҳисобланади.

Мутахассислик ходимлар тайёрлашнинг босқичли тизимига ўтиш тўлиқ олий маълумотли битирувчилар умумий сонини, биринчи галда, республика танқислик сезмаётган ихтисосликлар бўйича қисқартиришни тақазо этмоқда. Ривожланаётган ва устувор халқ хўжалиги тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш ҳажмини сақлаб қолиш, қатор ҳолларда эса ҳатто кўпайтириш лозим. Бу биринчи галда иқтисодчилар, юристлар, ЭХМ бўйича мутахассисликлар, информатика ва баъзи бошқаларга тегишли.

Олий таълимни ислоҳ қилишнинг умумий йўллари билан фаолиятининг асосий соҳалари:

-тарбия ва илмий тадқиқот соҳаларида ҳам мазмуний, шаклий ҳамда услубий ўзгаришлар сезиларли даражада амалга оширилиши керак.

Олий ўқув юртларининг ўқув услубий адабиётлари билан таъминланган ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан яхшилаш аҳамият касб этади. Янги дарсликлар яратиш, тегишли ўқув-услубий ва бошқа ўқув материаллари, янги ўқув касбий дастурларда ва давлат стандартлари талабаларини ҳисобга олган ҳолда қайта нашр қилиш ва ўқув жараёнида улардан фойдаланиш зарур.

Иқтидорли талабаларни ва аспирантларни излаб топиш ва танлаш имконияти олий ўқув юртларидан ихтисослаштирилган коллежлар, гимназиялар ва лицей ташкил этилиши туфайли амалга оширилади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида таълим, фан ва маданият маркази сифатидаги олий ўқув юрти профессорлар, ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг жамоаси ҳисобланади. Улар ўз олдиларига инсон Ватан ва жаҳон маданиятларини раванқ йўлида эзгулик ва адолатни қарор топиши, ҳақиқатга эришганлигини мақсад қилиб қўйилган.

Олий ўқув юртининг асосий вазифаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш;

-аҳоли орасида билимни кенг ёйиш, унинг билим савиясини ва маданий даражасини ошириш.

Олий ўқув юрти ўз шаҳобчаларига, ихтисослаштирилган коллежлар, кафедра, тайёрлов бўлинмалари, илмий тадқиқот лаборатория, аспирантура, доктарантура, қўшма касбий билим бериш бўлимлари, тажриба хўжалиги ва бошқа таркибий қисмларга эга бўлиши мумкин.

Олий ўқув юртлари таркибига яна илмий тадқиқот институтлари, лицей, гимназия, турлича мулк эгаси бўлиши мумкин, корхона ва ташкилотлар ҳам кириш мумкин.

Олий давлат ўқув юртлари фанлари илмий тадқиқот институтлари, унинг таркибига кирадиган ва кирмайдиган коллежлар, унинг ҳамда малака оширишнинг ва қайта тайёрлаш институтлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда киритилган таклифлари асосида ташкил этилади.

Давлат олий корхонаси, муассасаси ва ташкилотни шунингдек бюджетдаги шу жумладан, юридик шахс мақомига эга олий ўқув юртини тузиш бўйсунувчи вазирлик билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Илмий ишларга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш зарур, унинг баҳосида иқтисодий қийматдан келиб чиқишни одат қилмоқ лозим.

Олий ўқув юртларининг ўқув ва илмий тадқиқотлари фаолиятини, лавозимини ва услубиятини ўзгартириш, профессор-ўқитувчиларнинг таркибий савиясини янги сифат босқичига кўтаришни, шунингдек унинг фаолиятини маърузавий ахборот беришдан ҳам педагогикага, талабаларнинг мустақил ўқиб ўрганиши, илмий-тадқиқий ва касбий буриб юборишни, яқка тартибда фикрлаш жараёнида масалаларни ғайрий одати тарзда ҳал этишликка мақсадли йўналтиришни тақозо этади.

Ҳозирги замон ўқув юртлари, ўқув бўлинмалари билимини баҳолаш объектив мезонини ишлаб чиқиш жараёнини жорий этиш лозим. Бу сиз янги шароитларда ўқув юрти фаолияти ҳар бир соҳасини аҳволини баҳолаш ҳамда мақсадга мувофиқ йўналтиришни амалга ошириш мумкин эмас.

Қисқача хулоса:

Республикада Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилиши ва рўёбга чиқарилиши ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда устивор йўналиш мақомига эга бўлади. Миллий дастур лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди ва қонун кучига эга бўлди. Унинг амалга оширилиши учун Президент Фармони билан Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида республика комиссияси тузилди.

Қабул қилинган Дастур специфик хусусияти унинг инсонни бутун умри давомида таълим жиҳатдан тайёрлашнинг барча босқичлари ва бўғинларини ўз ичига олувчи узлуксиз таълим тизимига йўналтиришида мужассамлашгандир. Биринчи босқичда яқин ўтмишдаги амалиётга хос

бўлган барча узилишларни бартараф этган ҳолда мактабгача таълим, ўрта таълим, бошланғич ва ўрта профессионал таълим кичик тизимлари доирасида узлуксиз таълим тизimini барпо этишга эътибор берилади.

Деярли барча мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети, шубҳасиз, таълимни молиявий таъминлашнинг бош манбаидир. Таълимга давлат харажатларининг деярли 90 фоизи республика бюджетидан (жумладан маҳаллий даражада қолган республика солиқларини қўшган ҳолда республика бюджетига барча тушумлар), шунингдек республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга субвенциялар ва бошқа трансфертлардан молия маблағ билан таъминлаш. Таълимга давлат харажатларининг 10 фоиздан сал кўпроғи бевосита маҳаллий даромадлардан молиявий таъминланган.

Бизнинг замонамизда бўлғуси мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган илмий ахборотлар ҳажми тўхтовсиз ошиб бормоқда. Шу муносабат билан таълим олувчи ривожланишнинг юқори даражасига интилади, ўз қобилияти ва имкониятларини тўлиқ ишга соладиган, хуллас тўла куч билан ўқийдиган такомиллашган ўқув жараёни ташкил этиш тизimini ишлаб чиқиши лозим.

Шуни ҳам хулоса қилиб айтиш мумкинки, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, халқ хўжалигининг мутахассисларига бўлган талабларни илмий баҳолаш, ёшларга таълим бериш ва уларни тарбиялашда илғор хорижий тажрибадан самарали фойдаланиш-бу масалалар бугунги кунда энг муҳим масалалардир, чунки баркамол интеллектуал етук авлодсиз буюк келажакни тасаввур этиб бўлмайди.

Республикада олий таълимни ривожлантириш вазифалари, ҳажми, молиялаштириш манбалари, бакалавр ва магистратураларни тайёрлаш ҳолати ва олий ва ўрта махсус юртларини ислоҳ қилишнинг долзарб масалаларини ёритилган. Ахборот-коммуникация технологияси ва масофадан ўқитиш технологияларини жорий этиш кўрсатилган.

Назорат ва мулоҳаза саволлари:

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида Олий ўқув юртларини ривожланиши вазифалари қандай?

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ислоҳ қилишнинг долзарб муаммолари қандай?

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларни фаолиятини тартибга солишда қандай курсаткичлардан фойдаланилади?

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларда ўқийдиган талабаларни сони қандай аниқланилади?

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларни битираётганларни сонини ҳисоблаш методикаси қандай?

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ишлаётган педагогларни сонини аниқланиши.

Мутахассислар меҳнат бозорининг ривожланиш дастурлари қандай?

Республика бакалавр ва магистрларни тайёрлаш ҳолати қандай?

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ривожланишида қайси чет эл мамлакатларини тажрибасидан фойдаланиш мумкин.?

Ахборот телекоммуникация технологиясини жорий этиш таълим тизимида қандай самара беради?

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрларни тайёрлаш миллий дастури» - Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 7 февраль куни Оқсарой қароргоҳида қилган нутқи «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди» Халқ сўзи, 2005 йил, 17 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

Асаев Т.Ш. Управление социальным развитием М.: изд. МГУ, 2004 г.

Игнатов В.Г., Батурин Л.А., Бутов В.И. Экономика социальной сферы. Ростов на Дону, март 2001.

Ишмухамедов А.Э., Каланова М.З. «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» Маърузалар матни Т.: ТДИУ, 2005.

8.Боб. Тиббий хизмат кўрсатишни ривожланиши ва иқтисодиёти

1.Ўзбекистонда тиббиётни замонавий ташкил этиш вазифалари

Ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари ишлаб чиқариш кучларининг қувватига ва ишлаб чиқариш муносабатлари хусусиятларига, техника билан жиҳозлаш ва ишловчиларнинг касбкор тайёргарлигига боғлиқ бўлиб қолмай, балки кўп жиҳатдан демография жараёнларининг ҳолатига, аҳоли соғлиғига ва соғлиқни сақлаш даражасига боғлиқдир. Бу хизматни республика тиббиёт соҳаси амалга оширади.

Республикамиз мустақил деб эълон қилиниши давлатимизда бозор иқтисодиёти тамойилларининг шаклланиб бориши бошқа соҳалар билан шу қаторда тиббиётга ҳам ривожланишнинг экстенсив йўлида интенсив йўлига ўтишни тақозо қилади.

Республикамиз Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонда аҳолига кўрсатиладиган кафолатланган бепул, юқори малакали бирламчи тиббий хизматни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган. Ислоҳотларнинг пировард натижасида қишлоқ жойларда малакали бепул медицина хизматини икки поғонада кўрсатиш кўзда тутилган. Халққа тиббий хизмат кўрсатишни замон талаблари даражасида ташкил этиш кўп томонлама тизимини миллий анъаналар ва жаҳон андозаларини инобатга олган ҳолда ислоҳ қилишга боғлиқ. Давлат дастури бу борада қўйилган муҳим қадам бўлиши шубҳасиздир».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисидаги» Фармони асосида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида жуда катта ташкилий ва амалий ишлар қилинмоқда. Аҳолининг аксари кўпчилиги қишлоқда яшаши эътиборга олиниб 1998-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепциясида қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, санитария-профилактика хизматини яхшилаш жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий клиникаларни, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда барпо қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ана шу дастур асосда қишлоқда замонавий клиникаларни, тиббий асбоб-ускуналарни ва аппаратлар билан жиҳозланадиган ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари, кундузги ва хонадон шифохоналари барпо этилмоқда.

Ана шулар қатори XXI аср бошларида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидаги муаммоларни тезроқ ҳал этиш, аҳолининг барча қатламлари бепул тиббий-санитария ёрдами олишнинг давлат томонидан кафолатланган имкониятлардан баҳраманд бўлишда тизимни маблағ билан

таъминланиши, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва бошқа бир қанча масалаларни ҳал қилиш керак.

Қолаверса аҳолининг даволаш муассасаларининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондирмай, замонавий тиббий асбоб-анжомлар ва буюмлар билан таъминламай тиббиётда туб ислохотларни ўтказиш, халққа кутилган тиббий ёрдамни кўрсатиш ва соғлиқни муҳофазаси ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ички бозорни дори-дармонлар билан тўлдириш, аҳолига дорихоналар тармоқлари орқали сотишни йўлга қўйиш, даволаш муассасаларини тиббий анжомлар ҳамда, тиббиёт техникаси билан таъминлаш юзасидан шошилиш чора-тадбирлар кўрилди. Аввало, тиббий саноати ривожланган АҚШ, Олмония, Англия, Япония, Италия каби давлатларнинг дори-дармон ва тиббиёт техникаси тижорати билан машғул бўлувчи фирмалар ва компанияларнинг Тошкент ва бошқа шаҳарларда ваколатхоналари очилиб, қўшма корхоналар куриш ҳақида шартномалар имзоланди.

Лекин миллий тиббиёт ва фармацевтика саноатимизни барпо этмай туриб тизимнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш, аҳолини дори воситаларига бўлган талабини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш мумкин эмаслигини ҳаёт исботлади.

Юртбошимизнинг мамлакатимизда «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш Дастури ва уни ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида»ги Фармони ижтимоий иқтисодий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Давлат аҳамиятига молик бу ҳужжат жамият турмушининг қачонлардан буён оқсаб келаётган жиддий бир соҳасини, наинки оёққа қўйиш, балки уни энг замонавий талаблар асосида ривожлантириш, тиббиёт хизматини халқаро андозалар даражасига кўтариш мақсадларига қаратилган. Тиббиёт тизимини ислоҳ қилишга, уни амалга оширишга катта йўл очиб берган Президентимиз Фармони халқимиз, айниқса, тиббиёт заҳматкашлари томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Барча учун барбод бўлган принципларни йўқотмосдан, давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматни сақлаб қолиб, даволаш-профилактика муассасаларини давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширмоқ лозим. Бунинг учун хусусийлаштириладиган ҳар тиббиёт муассасасининг баланс баҳосини аниқлаш мақсадида уларнинг моддий техник базасини инвентаризациядан ўтказиш керак. Бунда ушбу муассасаларни уларда ишлаб турган ходимларга кейинроқ жамоа мулки сифатида сотиб олиш шарти билан узоқ муддатга ижарага беришни амалга оширмоқ даркор.

Шу нуқтаи назардан айтиш жоизки мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ва уни ҳаётга жорий этиш тўғрисидаги юртбошимизнинг ушбу фармони ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди десак янглишмаймиз. Албатта, янги дастурни қабул қилишдан

кўзланган асосий мақсад давлат клиникалари фаолиятига йўналиш беришдан иборат бўлди.

2. Тиббий хизмат аҳволи

Инсонларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, аҳоли соғлиғини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доиймий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли соғлиғини ҳимоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида мамлакатимизда доимий миқёсда махсус дастур амал қилмоқда.

Жумладан, замонвий соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини кескин ошириш бўйича олиб бораётган ишлар талайгинадир.

Айни пайтда бу соҳда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, ҳали бери ечилмаган ўткир муаммо ва нуқсонлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Уларни бартарф этиш, бу борада тараққий топган давлатлар даражасига эришиш таъкидлашимиз жоиз.

Албатта, аҳолимизнинг соғлиғини сақлаш ва даволашда давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган вазифалар, давлат бюджет ва харажатларини белгилашди етарли даражада маблағ ажратиш, тегишли идора ва ташкилотларнинг маъсулиятини ошириш, бу соҳага алоҳида эътибор бериш ўз йўли билан ҳал этилади.

Табиийки, бу харажатларни аниқланаётганда нафақат тиббиёт соҳаси ва унинг эҳтиёжини, балки шу тармоққа бевосита дахлдор бўлган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳалқимиз ҳаётига алоқадар бўлган шунга ўхшаш масалаларнинг ечмини ҳам инобатга олишимиз зарур.

13-жадвал

Тиббиёт перосонали сонининг ўзгариш динамикаси (2000-2005 й.й).

Йиллар	Барча мутахассисликдаги врачлар		
	Олий уқув юртларида мутахассислар тайёрлашни чиқариши	Барча мутахассисликдаги врачлар сони, минг киши	Бир врачга тўғри келадиган аҳоли сони
2000	3989	81,8	295
2001	3115	81,2	302
2003	2268	81,5	305
2005	2139	81,4	309

Манба: Здравоохранение в Узбекистане. Статистик тўплам, 2005.

Албатта, аввалги йиллардаги тажрибисига таяниб, бу масала бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқиб, амалга тошириладиган асосий ишларни аниқ белгилаб олиш даркор. 13- жадвалдан кўриш мумкинки. Тиббиёт персоналини йиллар давомида ўзгариш динамикаси пасаймоқда, 2000 йилда мутахассисларни тайёрлаш 3989 кишини ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 2139 кишини ташкил этган. Бир врачга тўғри келадиган аҳоли сони эса ошиб бормоқда.

Бу дастурда малакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, моддий ва молиявий базани мустаҳкамлаш, замонвий билим ва тажрибага эга бўлган тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу билан бирга одамларда ўз саломатлигини асраш бўйича тўғри ва фаол муносабатни шакллантириш каби масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, бугунги тинч, осуда ҳаётимиз ривожига катта хизматлари синган нуронийлар, пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечиришлари учун зарур шарт шароит яратиб бериш масаласи диққат эътибор мараказида бўлиши даркор.

Шу билан бирга, инсоннинг бошига дард тушганда биринчилар қаторида ёрдамга келадиган олижаноб касб эгалари бўлмиш, шифокорларнинг оғир, ўта мураккаб ва маъсулоиятли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий нуқтаи назардан рағбатлантириш вазифаси ҳам ушбу дастурдан ўрнини олиши лозим.

Тиббий хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш натижасида маълум натижаларга эришилади. Аммо, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишдан аввалги вазият қандай бўлганлигини ҳам унитмаслик керак.

Иқтисодиёт хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўтишдан аввал, республиканинг соғлиқни сақлаш тизими қийин аҳволда қолди ва тиббий ёрдам кўрсатишнинг етарлича самарали тизимини туза олмади. Узок вақт давомида мавжуд бўлган соғлиқни сақлашни бошқаришнинг марказлашган тизими барча республикалар учун бир хил эди. улар қўидагилар билан характерлар эди.

- марказдан молиялаштириш;
- мавжуд ресурсларни тасарруф қилишда раҳбарлар ваколатларининг қатъий ўрнатиш;
- тиббий ёрдамни жадаллаштириш эмас, экстенсив ривожланишни рағбатлантириш.

14-жадвалдан кўриш мумкинки, 2005 йилда врачларни категориялар бўйича тақсимланишида малакавий категорияга эга врачлар аёллар ўртасида 49,9 % ни эркаклар ўртасида 52,9 % ни ташкил этган, бу нисбатда эркаклар аёлларга нисбатан 3% га кўпдир. Жинс бўйича тақсимланишда аёл врачлар эркак врачларга нисбатан 2,8 % га кўпдир.

2005 йилда врачларни категориялар бўйича тақсимланиши

Малакавий категориялар	Категориялар бўйича тақсимланиши %		Жинс бўйича тақсимланиши %	
	аёл	эркак	аёл	эркак
Олий	14,9	17,0	48,2	51,8
I	30,1	31,0	50,9	49,1
II	4,9	4,9	51,4	48,6
Категорияга эга эмаслар	50,1	47,1	53,1	46,9

Манба: Здравсохранение в Узбекистане. Статистик тўплам, 2005.

Номувофикликнинг асосий сабаби, ҳаёт даражасини пасайиши, айрим хизматларнинг тўловлиги ва транспорт харажатларининг кескин ошиб кетиши ҳисобланган. Бошқа бир фактор жойлардаги кўрсатилиши мумкин бўлган тиббий ёрдам, шу жумладан махсуслаштирилган тиббий ёрдам турларнинг кўпайиши ҳисобланган.

Шифокорларга тўловлар койкалар сонига қараб ажратилар ва самарасизликни рағбатлантирувчи хусусиятга эга эди. шифохона койкалари миқдоридан келиб чиқиб шифохоналарни молиялаштириш шароитида мазкур муассаса койкалар сонини максимал мумкин миқдоргача ошириб кўрсатиш ва уларни баъзан тиббий зарурат нуктати назаридан асосланмаган ҳолда даволашлар миқдорини ошириш ёки уларнинг ўртача давомийлигини узайтириш ҳисобига тўлиқ ушлаб туришга ҳаракат қилинган. Айнан шу нарса ҳозирги вақтгача Ўзбекистонда содир бўлиб келган. Республиканинг фармацевтика бозори ҳам 80-йиллардан бошлаб инкирозга учради. Ривожланишнинг экстенсив усули тизимини ушлаб туриши учун сезилиларли харажатларни талаб қилди, уларнинг танқислигида эса фармокологияга амалда эътибор берилганлиги учун тиббий препарат ва асбоб ускуна ишлаб чиқариш дунё талабларига жаоб бермасди. Бу номувофиклик дори дармонларнинг импорт қилинишига, қарамликка олиб келди.

Совет тиббиёти илм фаннинг бошқа бир муаммоси бутунлай ташқи дунёдан ажратилганлиги ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тиббий изланишларнинг юқори молиялаштирилиши шароитида биргаликда ишланган бир вақтда собиқ иттифоқ илм-фан ажратилган паст молиялаштириш шароитида баъзан изланишларнинг сиёсий натижалари билан боғлиқ қаршиликларни енган ҳолда ривожлантирилди.

1992 йилдан бошлаб Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш аҳоли жон бошига тўғри келадиган харажатлардан келиб чиқиб амалга оширилмоқда., бу эса тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшишлаш ва шифохона койкаларининг самарасиз фойдаланишига кетган

харажатларни камайтириш имконини беради, натижада койкалар фонди 5,5 % га камайди.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси, шунингдек бошқа юқоридагилардан аҳамияти кам бўлмаган факторлар қўшимча молиялаштириш манбаларини аниқлаш зарурлигини келтириб чиқаради ва соҳани ривожлантиришнинг янада жадал рационал йўлларига ўтишнинг янги ечимларини қидириб топишнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди.

Республикада аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг асосий ҳажмини молиялаштириш фоиздан маблағ олувчи вилоят бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади ва ниҳоят бюджетлари бошидан кечираётган қийинчиликлар фискал хусусиятли қийинчиликларнинг умумий натижасининг, ҳамда соҳани тўлиқ давлат молиявий имкониятларига қарам қилиб қўядиган инляцион сакрашлар натижасида ҳосил бўладиган муаммоларнинг натижаси ҳисобланади.

15-жадвал

2005 йилда соғлиқни сақлашга сарф қилинган харажатлари

Мамлакатлар	ЯММда фоиз % ҳисобида
Ўзбекистон	2,4
Қирғизистон	6,0
Озарбайжон	2,1
Индонезия	2,7
Япония	7,8
Англия	7,3
Германия	10,6
Канада	9,1

Манба: Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлари ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлигинининг оралик ҳисоботи маълумотлари.

15-жадвалдан кўриш мумкинки давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш тизимига сарфланган сармоя салмоғи 2001 йилдаги 9,5 фоиздан 2002 йилда 9,3 га камайди. ЯММ ва давлат бюджетининг харажат қисми камайганлиги туфайли соғлиқни сақлаш тизими унга ажратилаётган ресурсларнинг реал қийматининг камайишидан зарур кўрди. Соғлиқни сақлашга харажатлар салмоғи 2000 йилда ЯММ умумий ҳажмидан 1 % фоизга камайди ва 2005 йилда 2,4 % ни ташкил этди.

Шу билан бирга соғлиқни сақлашга қилинган харажатлар кўрсаткичлари ЯММ га нисбатан фоиз ҳисобидан дунё стандартлари 7,9 % кўрсаткичларига нисбатан паст.

Аҳолининг соғлиқни сақлашнинг янада самаралироқ йўналиши касалликларнинг олдини олиш: ҳисобланади. Касалликларни унинг дастлабки босқичларида йўқотиш пайдо бўлиб бўлган касаллик билан

курашишга нисбатан камроқ тўғридан-тўғри молиявий ресурсларни талаб қилади, шунингдек соғлом одамларнинг самаралироқ меҳнати орқали билвосита иқтисодий самарага эга. ДПМ мурожаат қилиш кўрсаткичлари бўйича кейинги йилларда ўсиб бораётган (1997 йилда 83364,2 дона; 1998 йилда 84729,9 дона; 1999 йилда 85431,4 дона) аҳолининг умумий касалланиш даражаси 2000 йилга келиб 100 минг аҳолига 84808,2 гача камайди, лекин 2005 йилда профилактика чораларнинг вақтида ўтказилмаганлиги туфайли 1193,6 донага кўпайди. Профилактика ишлари қуйидаги йўналишларда олиб борилиши керак: юқумли касалликлар тарқалишишини олдини олиш учун санитар эпидемиологик хизматлар ишини такомиллаштириш; бой ва камбағал мамлакатлар учун бирдек хусусиятни бўлган оғир касаллик турлари билан кўришишини кучайтириш; аҳолининг ўлиши ва касалланишининг камайтиришга имкон берувчи онкологик касалликлар қарши — кураш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; миллатни соғломлаштириш мақсадида болалар ва ўсмирлар орасида профилактика ишларини кучайтириш.*

16-жадвал

Ўрта тиббиёт персоналини сонини ўзгариш динамикаси (2000-2005йй)

Йиллар	Барча мутахассисликдаги врачлар		
	Ўрта-махсус ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаб чиқариш, киши	Ўрта тиббиёт персоналини сони, киши	Бир ўрта тиббиёт персоналига тўғри келадиган аҳоли сони
2000	22626	254,2	95
2001	19830	256,9	95
2003	22803	259,7	96
2005	23673	263,1	95

Манба: Здравоохранение в Узбекистане. Статистик тўплам, 2005.

16-жадвал шуни кўрсатмоқдаки, ўрта тиббиёт персоналини сони 2000-2005 йиллар давомида ошиб бормоқда. Ўрта — махсус ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаб чиқариш ҳам ўсиш тенденциясига эга.

Ҳозирги вақтда республикада профилактика ишларига молиявий ресурслар керагидан кам ажратилмоқда. Бундан ташқари соғлиқни сақлаш ташкилотлари тизимининг ўзи ҳам касалликнинг олдини олишдан кўра уни даволашга кўпроқ қаратилган. Аҳолини диспансерлардан ўтказиш ҳам кўпгина ҳолларда пировард мақсадга йўналтирилган.

* WWW.bearingpoint.uz

Дастлабки бўғининг етарлича ишламаслиги поликлиника шифохоналари айрим қисмининг паст малакалилиги, мазкур хизматнинг ихтисослашган муассасалар билан ҳамкорлик қилмаслиги туфайли аҳолининг юрак - қон томир онкологик ва бошқа касалликлардан ўлиги ва ногирон бўлиб қолиш ҳоллари кўпаймоқда.

Ўз навбатида, касалланиш ва ўлимнинг ўсишида фақатгина амбулатория — поликлиника бўғини фаолияти айбдор деб қатъий айтиш мумкин эмас. Ушбу ўзгаришга салбий таъсир қилувчи бир қанча факторлар мавжуд. Улар орасида экологик ва ижтимоий — иқтисодий факторлар алоҳида аҳамиятга эга. Республика аҳолининг ўртача 70,9 фоизи шу жумладан қишлоқ жойларда 60 фоиз ва шаҳарларда 84,6 фоиз сифатли ичимлик суви билан таъминланган. Ҳар йили очик сув ҳавзаларига 160 млн. мл дан ортиқроқ оқава сувлар чиқариб ташланадиган бир пайтда тозалаш қурилмаларининг 40 % ортиқроғи етарлича самарали ишланмаяпти. Натижада республикада ҳар йили ўткир ошқозон ва вирусли гепатит касалликлари билан 200 мингдан ортиқроқ киши касалланмоқда.

17-жадвал

Тиббиёт персоналини сонининг ўзгариш динамикаси (2000-2005й.й) .

Йиллар	Барча мутахассисликдаги врачлар		
	Олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлашни чиқариш	Барча мутахассисликдаги врачлар сони минг киши	Бир врачга тўғри келадиган аҳоли сони
2000	3989	81,8	295
2001	3115	81,2	302
2003	2268	81,5	305
2005	2139	81,4	309

Манба: Здравоохранение в Узбекистане. Статистик тўплам, 2005 й.

17-жадвалдан кўриш мумкинки, тиббиёт персоналини йиллар давомида ўзгариш динамикаси пасаймоқда. 2000 йилда мутахассисларни тайёрлаш 3989 кишини ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 2139 кишини ташкил этган. Бир врачга тўғри келадиган аҳоли сони эса ошиб бормоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Она ва бола скрининги» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳридан Республика Скрининг маркази, шунингдек, Нукус, Андижон, Қарши, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида «Она ва бола скрининги» марказлари ишга туширилди ва бугунги кунда фаолият кўрсатмоқда.

Тиббиёт ходимлари зиммасига соғлом авлодни тарбиялаш маълумотлар юкланган:

-репродуктив саломатликни кучайтириш ва такомиллаштириш ҳамда соғлом оилани шакллантириш;

-А ва ТИТИ филиалларини фаолиятини яхшилаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

-янги тизим, ёш оила патронажи, ФХДЁ бўлимларида ташкил этилган, ёшларни соғлом оила қуришга тайёрловчи доимий ишловчи курслар, никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини янада ривожлантириш ва давом эттириш;

-«Она ва бола скрининги» Давлат дастури бўйича бажарилаётган ишларни нафақат давом эттириш, балки марказлар ишини бутунлай ўзгартириш, унда фаолият кўрсатаётган ходимлар ишга бўлган муносабатини ўзгартириш;

-бир ёшгача ва бир ёшдан беш ёшгача болаларни патронажи ташкил этиш, улардаги касалликларни аниқлаш ва соғломлаштириш, шунингдек, 6 ёшли болаларни тиббий тўғриқдан ўтказишда ёндош мутахассиларни қатнашишини таъминлаш ҳамда ушбу кўрикларни сифатли ўтказиш ва соғломлаштириш;

-хомиладор аёлларнинг назоратини кучайтириш патронажини таъминлаш, экстратегенитал касалликлар бир хомиладорларни, хомиладорлик давридан стационарларда даволаш, тез тиббий бўлимларига етказиш, туғриғини асоратсиз ўтказиш. Уларни пулсиз, таркибида йод бўлган ва кам қонликка қарши дорилар билан таъминлаш;

-қизлар ва ўсмир қизлар касалликка чалинишининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш, қизлар ва ўсмир қизлар репродуктив соғлиғи Республика ўқув-методик марказини ҳамда вилоятларда унинг филиалларини ташкил этиш;

-оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларини моддий техник базасини яхшилаш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, уларда ишлаётган мутахассиларни малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш;

-оналик ва болаликни долзарб масалалари бўйича аҳоли билан учрашувлар, маърузалар, семинарлар, коиференциялар ва форумлар ўтказиш;

-хавфсиз эмлаш, болаларда учрайдиган касалликларни интеграллашган усулда олиб бориш, хавфсиз оналик, кўкрак сути билан босқични қўллаб-қувватлаш дастурини янада давом эттириш.

Ўзбекистонда суғурта бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ноанъанавий, аммо, тараққий этган давлатларда кенг қўлланиладиган, самараси юксак суғурта турларини жорий этиш кенг тарқалиши учун зарур шартномаларни яратишдан иборат.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимларини ислоҳ қилишнииг мақсадларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 17 июндаги фармойиши билан соғлиқни сақлаш хизмати сифатини яхшилаш ва сифатини ошириш тиббиёт ходимларининг самарали меҳнатларини

рағбатлантириш малакали ходимларни етарли кадрлаш чора-тадбирлари белгиланади.

18-жадвал

Тиббий воситаларни молиялаштиришни манбаларида ўзгариш
динамикаси

Молиялаштириш манбалари	2002 йилда	2003 йилда	2004 йилда	2005 йилда
Давлат бюджетидан	455	569	682	788
Ш.ж. республика бюджетидан	20	71	85	99
Маҳаллий бюджетдан	435	498	597	690
ГАО «Дори-дармон»	1455	1449	1486	1456
Халқаро нодавлат ташкилотлар	4616	5087	5440	5643
Жами	6526	7105	7608	7887

Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари

Ушбу фармойиш асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди ва унга мувофиқ юридик шахс мақомига эга бўлган бюджетдан даромад олувчи ташкилотларда фаолиятининг йўналиши бўйича товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш эвазига молиявий таъминот олиш манбаларини кенгайтириш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 апрелдаги буйруғи билан давлат бюджетдаги даволаш профилактика муассасаларига давлат бюджети орқали молиялаштирилмайдиган соҳаларда пуллик тиббий хизмат кўрсатилишига рухсат берилади. Ушбу тадбирларнинг барчаси соғлиқ ва уни сақлаш ишлари иқтисодий тушунчалар эканлигини сифатли хизмат учун пул тўлаш лозимлигини, пул тўлангач эса юқори сифатли тиббий хизмат кафолатланиши шарт эканлигини одамлар онгига сингдиришга қаратилгандир.

Тиббий суғурталашнинг жорий этилиши соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотнинг босқичларидан бири бўлиб бу ҳақда «Аҳоли соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонунда 9,16, 24-моддалари Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг 1998 йилининг 12 июнидаги фармойишида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Тиббий суғурта касалликлардан ва бахтсиз ходисалар юз беришдан суғурталанишдан тубдан фарқ қилади. Чунки, касалликлардан суғурталанганда касаллик юз бериши туфайли шахсга етказилган мулкый зарар суғурталовчи томонидан суғурталанувчига қоплаб берилиши лозим

бўлади. Яъни, унинг объекти бўлиб касаллик ёки бахтсиз ҳодиса туфайли келиб чиққан моддий зарур ўрнини қоплаш саналади.

2006 йил Ўзбекистон республикаси Президентининг 2005 йилнинг 23 декабрдаги фармойиши билан «Шифокорлар ва хомийлар» йили деб белгиланди.

19-жадвал

Ўрта тиббиёт персонали сонини ўзгариш динамикаси (2000-2005 й.й)

Йиллар	Барча мутахассисликдаги врачлар		
	Ўрта-махсус ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаб чиқариш, киши	Ўрта тиббиёт персоналини сони, киши	Бир ўрта тиббиёт персоналига тўғри келадиган аҳоли сони
2000	22626	254,2	95
2001	19830	256,9	95
2003	22803	259,7	96
2005	23673	263,1	95

Манба: Здравоохранение в Узбекистане. Статистик тўплам, 2005.

Профилактика ишлари қўйидаги йўналишларда олиб борилиши керак: юқумли касалликларнинг олдини олиш учун сантиар-эпидимологик хизматлар ишини такомиллаштириш; бой ва камбағал мамалакатлар учун бирдек хусусиятли бўлган оғир касаллик турлари билан курашишни кучайтириш; аҳолининг ўлиши ва касалланишининг камайитишига имкон берувчи онкологик касалликларга қарши кураш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; миллатни соғломлаштириш мақсадида болалар ва ўсмирлар орасида профилактика ишларни кучайтириш.

19-жадвал шуни кўрсатмоқдаки, ўрта тиббиёт персоналини сони 2000-2005йиллар давомида ошиб бормоқда. Ўрта махсус ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаб чиқариш ҳам ўсиш тенденциясига эга.

Ҳозирги вақтда республикада профилактика ишларига молиявий ресурслар керагидан кам ажратилмоқда

Ўз навбатидан, касалланиш ва ўлимнинг ўсишида фақатгина амбулатория - поликлиника бўғини фаолияти айбдор деб қатъий айтиш мумкин эмас. Ушбу ўзгаришга салбий таъсир қилувчи бир қанча факторлар мавжуд. Улар орасида экологик ва ижтимоий иқтисодий факторлар алоҳида аҳамиятга эга.

Республика аҳолисининг ўртача 70,9 фоизи шу жумладан қишлоқ жойларда 60 фоиз ва шаҳарларда 84,6 фоиз сифатли ичимлик суви билан таъминланган.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида соғлиқни сақлаш
муассасалари билан таъминланганлик даражаси**

ҳудуд	Аҳолининг таъминланганлик даражаси					
	10 минг кишига тўғри келадиган касалхоналардаги жойлар			10 минг кишига тўғри келадиган амбулатория даволаш муассасалари		
	2002	2005	Фарқ (+,-)	2002	2005	Фарқ (+,-)
Кораколпоғистон Республикаси	47,8	58,7	+10,9	153,8	160,2	+6,4
Андижон	62,6	61,8	-0,8	161,0	168,1	+7,1
Бухоро	49,4	47,1	-2,3	184,4	183,7	-0,7
Жиззах	50,3	48,8	-1,5	153,3	165,2	+11,9
Қашқадарё	46,8	55,0	+8,2	101,2	116,0	+14,8
Навоий	48,0	53,2	+5,2	160,5	185,0	+24,5
Наманган	56,7	66,0	+9,3	131,1	154,1	+23,0
Самарқанд	56,1	53,3	-2,8	122,2	129,1	+6,9
Сурхандарё	42,9	47,5	+4,6	109,5	107,8	-1,7
Сирдарё	65,0	65,9	+0,9	252,4	255,9	+3,5
Тошкент	47,1	46,3	-0,8	195,3	197,8	+2,5
Фарғона	61,2	60,2	-1,0	155,8	169,4	+13,6
Хоразм	50,5	54,3	+3,8	145,4	144,4	-1,0
Тошкент шаҳри	80,9	96,2	+5,3	220,7	223,7	+3,0
Ўзбекистон Республикаси	55,7	57,8	+2,1	158,2	163,1	+4,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги.

Ҳар йили очик сув ҳавзаларига 160 млн. м³ дан ортиқ оқова сувлар чиқариб ташланадиган бир пайтда тозалаш қурилмаларининг 40% дан ортиқроғи етарлича самарали ишламапти. Натижада Республикада ҳар йили ўткир ошқозон ва вирусли гепатит касалликлари билан 200 мингдан ортиқроқ киши касалланмоқда.

3. Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг асослари

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 январдаги 18-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида соғлиқни сақлашни бошқариш ҳамда такомиллаштиришнинг янги схемаси тасдиқланган. Вазирлик марказий аппаратида назорат инспекцияси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари яратилди. Назорат инспекцияси зиммасига бир қанча ишлар юклатилган.

Вазирликнинг марказий аппаратида даволаш-профилактика муассасалари моддий техник таъминлаш бўйича бош бошқарма тузилди.

Республика Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги бошқарув органлари ҳақидаги низом тасдиқланди.

Республикада илгаригидек оналар ва болалар саломатлигини сақлаш устивор йўналиш бўлиб қолмоқда. Унинг аҳамияти аёллар йили деб, 2000 йилни Соғлом Авлод йили, 2001 йилни - Бола ва она йили деб эълон қилиниши муносабати билан янада ортди.

Соҳани молиялаштиришга ёндошиш ҳам ўзгартирилмоқда. Айрим муассасаларни пулли тиббий ёрдам кўрсатиш орқали ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиш, шунингдек нодавлат соғлиқни сақлаш секторини Республика Президентининг кўзда тутилган имтиёзлар асосида ривожлантириш назарда тутилмоқда. Тиббий хизмат кўрсатилаётган аҳоли миқдоридан ва шифохонада даволанган беморлар сонидан келиб чиққан ҳолда даволаш-профилактика муассасаларини молиялаштиришнинг янги механизми амалиётда татбиқ этилмоқда.

Бюджетдан маблағларни жалб этган ҳолда маблағ билан таъминланадиган даволаш-профилактика дори-дармонларни харид қилиш, сотиш ва улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш жараёни устидан назоратни ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини ва сифатини ошириш мақсадида фундаментал ва назарий изланишларга ажратилган маблағларни конкурс асосида тақсимлаш ҳамда илмий-тадқиқот институтларини грант асосида молиялаштириш амалда татбиқ этилмоқда.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда баркамол ёш авлодни тарбиялаш аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг бош мезони бўлиб қолади. Шунинг учун доимий равишда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спорт, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, миллий ва анъанавий спорт турларини, ҳамда халқ ўйинларини ривожлантириш керак.

Республикадаги барча соғлиқни сақлаш муассасалари ва илмий ҳамда ўқув юртлари ходимлари соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини ва уни амалга ошириш тўғрисидаги қарорларини кўтаринки рух билан қабул қилдилар. Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун кадрлар салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, резервлардан тўлақонли фойдаланиш керак. Шунингдек қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун барча даволаш ва жамоат ташкилотлари, муассасалари, хўжалик ҳамда халқимиз бу ишда фаол қатнашишга эришмоқ даркор. Республикадаги макроиктисодий барқарорликнинг пайдо бўлаётганлиги барқарор иктисодий ўсиш давлат дастурида қўйилган барча режаларни муваффақиятли амалга ошириш учун замин яратмоқда.

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишни ислоҳ қилишда тиббий хизматларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари қуйидагилар:

- бозор шароитида ҳар қандай хизмат ёки товар мазкур ҳолатда тиббий -пуллик;

-кўрсатилган тиббий хизмат учун ҳақ тўлаш бевосита ёки билвосита мижознинг - ушбу хизматлар пировард истеъмолчининг зиммасига тушади;

- мижоз ўзи хизматлардан фойдаланиши хоҳловчи муассаса ва мутахассиснинг сифатини тўлиқ даражада баҳолаш имконини бермайди.

Бундан ташқари тиббий хизматлар истеъмолчиси Ўзбекистоннинг замонавий соғлиқни сақлаш тизимида аниқ бир шахс (пировард истеъмолчи) эмас, балки аниқ эҳтиёж қондирилшидан манфаатдор бўлган бир қанча қатнашувчилар орқали фойдаланганлиги тиббий хизматлар бозорининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Тиббий хизмат қабул қилинган иқтисодий маънода товар сифатида ўз хусусиятларига эга, энг аввало, бу товар сифатида ўз хусусиятларига эга, энг аввало, бу хусусиятларни соғлиқни сақлаш бозори хусусиятининг ўзига хос мазмунини белигилаб беради ва бу соҳани ташкил этишни ислоҳ қилишда ҳисобга олишни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг лойиҳалари орасидан қуйидаги уч асосий йўналишни:

- тармоқни муниципал бошқариш принципларини кучайтириш;
-марказлаштирилган давлат бошқаришнинг устуворлиги ва ушбу соҳада маблағ билан таъминлаш бозори механизмларни этишни ажратиш муҳимдир;

-соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва маблағ билан таъминлашнинг хорижий тажрибасидан кенг фойдаланиш;

-тиббий суғуртани ташкил этишда бошқа мамлакатларда жамланган улкан тажрибадан воз кечмаслигимиз керак.

-соғлиқни сақлашни тартибга солишнинг принципал жиҳатдан янги усуллари ва шакллари аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинмаган қатламлари учун тиббий ёрдамнинг сўзсиз кўрсатилиши ва текинлиги, соғломлаштириш, касалликнинг тизимлилиги ахамияти сақланиб қолади ва ҳатто кучаяди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш йўллари

Аҳоли соғлиғи потенциали миллий бойликнинг муҳим таркибий қисми ва маданиятли жамиятнинг фундаментал хусусиятларидан бири ҳисобланади. Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш хизматини ҳар томонлама ривожлантириш жамият тараққиётининг муҳим шарти ва ижтимоий ривожланиш даражасининг интеграллашган кўрсаткичидир.

Ислохотларнинг асосий мақсади-мамлакатда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашнинг эҳтиёжлари учун давлат сарф-харажатларини йўл қўйилиши мумкин бўлган даражада энг кўп қисқартирилган ҳолда республиканинг бутун аҳолисини тиббий хизматлар

билан ялпи қамраб олишни таъминловчи самаралироқ тизим яратишдир. Бу соғлиқни сақлаш сингари ўзига хос ва алохида соҳада марказлаштирилган давлат бошқаруви усуллари ва қўллаб-қувватлашни бозорга хос йўналтириш механизмлари билан мақбул қилиб олиб боришни излаш зарурлигини кўрсатади.

Республика соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш дастурини амалга оширишда халқаро амалиёт ютуқларидан фойдаланишни тақозо этади. Масалан, инглиз тилида сўзлашадиган бешта йирик мамлакат (Австралия, Буюк Британия, Канада, Янги Зеландия ва АҚШ) соғлиқни сақлаш тизими кейинги ўн йиллик мобайнида давлат хизматлари ва врачларнинг фаолиятдан норозилик туфайли жиддий ўзгаришларга учради. Ушбу мамлакатлар кўпчилигининг расмий шаҳарлари консенсусга эришиш ва ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш мақсадида коалицияни шакллантириш учун ислохотларни моделлаштириш ва стратегия билан шуғулландилар. Соғлиқни сақлашга харажатлар камайитиришига уриниш унинг сифат жиҳатдан яхшиланишига эътиборни кучайиши билан мувофиқлаштирилиши кераклиги тўғрисида нуқтаи назар кучаймоқда.

Иқтисодий нуқтаи назардан соғлиқни сақлаш истикболини учга ажратиб кўрсатиш мумкин: ижтимоий ёки давлат, пулли ва тиббий суғурта йўллари.

Бизнинг фикримизча, энг муҳим бозор муносабатларига ўтиш соғлиқни сақлаш тизимини нафақат кенгайтириш, унинг моддий-техника базасини такроран ишлаб чиқаришнинг ҳам мамлакатда юз бераётган иқтисодий ўзгаришлар шароитида давлатнинг мазкур тизимни молиялаштириш ҳажмини қисқартириш шароитида тиббий суғурталашнинг фаол киритилишнинг муқобиллигини тушунмоқликдир.

Соғлиқни сақлашни бозор муносабатлари асосида йўналтириш халқаро тажрибасини қўллаш ушбу соҳанинг бир қанча принципал жиҳатдан янги характерли белгиларида ўз аксини топади. Улардан асосийлари:

- хўжалик юритувчи субъект белигларига эга бўлган тиббиёт муассасасининг янги иқтисодий мақоми;

- тиббий хизматлар пулли эканлиги суръатларини кучайтириш;

- муассасанинг хўжалик фаолияти жараёнида пайдо бўлувчи иқтисодий муносабатлар тизимида тиббиёт ходимлари ўрни ва ролининг ўзгариши.

Ўзбекистонда тиббий хизматни бозор ривожланиши принципларига мослашиш мумкинлигини кўрсатадиган йўللار қуйидаги:

- соғлиқни сақлаш соҳаси субъектлари фаолиятининг барча жиҳатларига устун даражада иқтисодий муносабатларнинг ёйилиши ва тегишлича иқтисодиётдан ташқари, маъмурий усуллари кескин қисқартириш;

-соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлашнинг принципал жиҳатдан бошқа схемасига ўтиш тиббиёт муассасаларни эмас балки тиббий ёрдам кўрсатишни маблағ билан таъминлаш, хизматларни таъминлашдан қайта йўналтирилган молиявий ҳисоб-китоблар принципи, шунингдек соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлашга давлатнинг роли ўзгаришига олиб келади;

-соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминловчи республика ва маҳаллий бюджетлар билан бир қаторда мажбурий ва ихтиёрий тиббиёт суғурта маблағлари, тиббий хизматларга миқдорлар томонидан ҳақ тўланиши ҳисобига манбаларнинг кўпайиши;

-тадбиркорлик соғлиқни сақлаш соҳасида шаклланиши, шу жумладан чегарали иқтисодий вазият барқарорланиши давомида сўзсиз кенгайиб борадиган давлат даволаш муассасалари доирасида шаклланиш;

-рақобат муҳити яратилиши, ушбу йўналишда биринчи ва аён кўриниб турган қадам аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда давлат буюртмасини рақобатли жойлаштириш принципи жорий этиш йўли билан қўйилиши мумкин. Маблағ билан таъминловчи томонлар-бюджетлар, тиббиёт суғурта жамғармалари - «аҳоли эҳтиёжларини қондириш даражаси-харажатлар» параметри бўйича тиббий хизмат кўрсатиши мумкин бўлган хизматларининг қиёсий самарадорлигини малакали баҳолаши зарур;

- соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий кичик тадбиркорлик яратилишини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни танлов асосида давлат буюртмаларини бажаришга жалб қилиш механизми дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур ва бошқалар.

Қисқача хулосалар:

Ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари ишлаб чиқариш кучларининг қувватига ва ишлаб чиқариш муносабатлари хусусиятларига, техника билан жиҳозлаш ва ишловчиларнинг касбкор тайёргарлигига боғлиқ бўлиб қолмай, балки кўп жиҳатдан демография жараёнларининг ҳолатига, аҳоли соғлиғига ва соғлиқни сақлаш даражасига боғлиқдир. Бу хизматни республика тиббиёт соҳаси амалга оширади.

Республикаимиз мустақил деб эълон қилиниши давлатимизда бозор иқтисодиёти тамойилларининг шаклланиб бориши бошқа соҳалар билан шу қаторда тиббиётга ҳам ривожланишнинг экстенсив йўлида интенсив йўлига ўтишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисидаги» Фармони асосида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида жуда катта ташкилий ва амалий ишлар қилинмоқда. Ана шу дастур асосда қишлоқда замонавий

клиникаларни, тиббий асбоб-ускуналарни ва аппаратлар билан жиҳозланадиган ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари, кундузги ва хонадон шифохоналари барпо этилмоқда.

Республикада аҳолига хизмат кўрсатишнинг ривожланган тизими мавжуд бўлиб, у умум даволаш ва тор ихтисосли тиббий хизмат ҳар хил турларидан кенг фойдаланиш имконини беради. Ўзбекистонда бир мингдан ортиқ касалхона, уч мингдан зиёд врачлик пунктлари, амбулатория-поликлиника муассасаси бор, қишлоқ врачлик пунктларининг кенг тармоғи ташкил этилган.

Назорат ва мулоҳаза саволлари:

Ўзбекистонда тиббиётни ривожлантиришнинг ҳозирги даврдаги вазифалари.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг моҳияти нимадан иборат?

Ўзбекистон ҳудудларида соғлиқни сақлаш муассасаларни ҳозирги вақтида ривожланиш ахволи.

Соғлиқни сақлаш тармоғини таркиби қандай?

Касалхоналарни ривожлантиришда қандай курсаткичлардан фойдаланилади?

Амбулатор поликлиника муассасаларни тартибга солишда қандай курсаткичлар қулланилади?

Врач ва ҳамшираларга бўлган талабни аниқлаш методикаси.

Тиббиёт муассасаларни моддий техника базасидан фойдаланиш хусусиятлари қандай?

Тиббиётни ривожланиши қандай чет эл мамлакатларини тажрибасини биласиз?

Суғурта тиббиёт тушунчасини тавсифлаб беринг.

Тавсия этилган адабиётлар:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини соғлиқни сақлаш» тўғрисидаги қонуни. Халқ сўзи, 1996 йил, 18 ноябрь.

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш Давлат дастури тўғриси» Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Фармони. Халқ сўзи, 1995 йил 4 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

Игнатов В.Г., Батуринов Л.А., Бутов В.И. Экономика социальной сферы. Ростов на Дону, 2005.

9. Боб. Туризм соҳаси иқтисодиёти

1. Туризм тушунчаси ва уни иқтисодиётдаги ўрни

Туристика – туризм ва фуқароларга туристик хизмат кўрсатиш ҳақидаги амалий фанлар тизимидир. Бу фанлар туризмнинг икки бўғинини – тармоқ ва туристик хўжалик фаолият юритувчи субъектларни (туристик корхона) ўз ичига олади.

Туристика туризм ва фуқароларга туристик хизмат кўрсатиш ҳақидаги фан сифатида қуйидаги уч элементдан таркиб топган: ташкил этиш; бошқариш; иқтисодилт.

Ҳар бир фан ва ўқув курси унда қўлланувчи асосий тушунчаларни аниқлашдан бошланади. Мазкур ўқув курсида бундай тушунчалар қаторида туризм, турист, туристик хизмат, туристик ресурслар, туризм саноати, тур, туризм маҳсулоти каби тушунчаларни қайд этиш мумкин.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (ВТО) таърифлашича, туризм бўш вақтда салҳат қилишни, фаол дам олиш турларидан бири англатади. Бундан келиб чиқадики:

Туризм бўш вақтда салҳат қилиш турларидан бири ҳисобланади.

Туризм – фаол дам олиш тури бўлиб, маълум бир хатти-ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, дам олишга бошқа турдаги кўнгилочарлик ва рекреациялар ҳам мансуб бўлиб, улар асосан стационар комплексларда (рекреацион ҳудудлар, дискотека, казино, концерт заллари ва ҳоказо) амалга оширилади ҳамда мақсадлари кўнгилочарлик, ўқитиш ва шоп-хизматлар бўлган тур элементларидан бири вазифасини бажаради. Турист – бирон бир мамлакатга (жойга) саломатлигини тиклаш, танишиш, касб ва ишбилармонлик, спорт, диний ва бошқа мақсадларда пул тўланувчи фаолият билан машғул бўлмасдан 25 соатдан 6 ойгача бўлган вақт оралиғида камида бир кеча тунаб дам олиш учун ташриф буюрувчи кишидир.

1991 йилда туризм ва салҳатлар статистикаси халқаро конференциясида туризмга бошқача тариф берилди: салҳат қилалтган ва доимий бўладиган жойларидан ташқарида 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда исталган мақсад билан, бироқ пул тўланувчи фаолият билан машғул бўлмаган ҳар бир шахс турист ҳисобланади. Юқоридаги тарифлардан кўриниб турибдики, битта атама турлича талқин қилинади ҳамда минтақаларда туризм саноатининг аҳволини баҳолаш ва таҳлил қилишни қийинлаштиради.

Қуйидаги белгилар бўйича туристлар бошқа салҳат қилувчи шахслардан фарқланади:

Доимий бўладиган жойларидан ташқарига чиқиш, яъни туристлар тоифасидан ҳар куни қатновчи шахсларни чиқариб ташлаш.

Жойларда бўлиш муддати экскурсиячи-туристларни резидент ва муҳожирлардан фарқлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда махсус адабиётларда қўлланаётган “туристик” сифати билан қўлланувчи тушунчаларни аниқлашдаги (изоҳлашдан) олдин улардан фойдаланишнинг қонун-қоидаларини аниқлаш зарур.

Луғатга асосан “туристик” сўзи туристга нисбатан ишлатилиши лозим. Масалан, туристик йўлланма, палатка ва ҳоказо. “Туристтик” сифати туризм учун ҳам хосдир: туристик маълумотлар, поход, журнал ва ҳоказо. Демак, “туристик” атамасидан биргаликда фойдаланиш доим ҳам тўғри бўўлавермайди. Бироқ туризм соҳасидаги ҳукукий-норматив ҳужжатларнинг кўпчилигида “туристик” атамаси қўлланади.

Горизонтал меҳнат тақсимоти бу меҳнат жаралнини таркибий компонентларга ажратиш. Бундай ажратиш функционал, тармоқ ва малакавий белгилар асосида амалга оширилади.

Вертикал меҳнат тақсимоти бу ишни муваффақиятли бўлиши учун турли даражадаги ишни мувофиқлаштиришдир.

Бириктирилган режа асосида вертикал иш тақсимоти қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади: умумий бошқарув; технологик бошқарув; иқтисодий бошқарув; оператив бошқарув; кадрларни бошқариш.

Сайлхликни бошқариш амалиятда учрайдиган ташкилий структуралар: чизикли; функционал; чизикли-функционал;

Чизикли ташкилий структура ҳар бир структуравий бўлинманинг бошида ҳамма ваколат жамланган раҳбар туради ва якка ҳолда бутун бошқарув функцияларини жамлаган ҳолда раҳбарликни амалга оширади. Бундай структуранинг ўз афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Бошқарув функционал ташкилий структураси. Функционал бошқарув бир неча аниқ иш турларини бажаришга ихтисослашган бўлинмалар устидан иш олиб борилиб, чизикли бошқарув тизимида қарор қабул қилиш учун керак. Ташкилотнинг бир соҳа мугахассислари ихтисослашган структуравий бўлимга бирлаштириладилар, масалан маркетинг бўлими, режалаштириш бўлими, бухгалтерия. Шундай қилиб, ташкилотни бошқаришнинг умумий масаласи ўрта даражадан бошлаб функционал белги бўйича бўлинади.

Ташкилотнинг чизикли-функционал структураси.

Бундай бошқарув доирасида умумий бошқарув бўйича ҳар бир ходим фақат бир раҳбарга бўйсинади. Функционал раҳбарларга фақат улар ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни ҳал этиш ҳукуқи берилган. Шу сабабли маълум бир жамоани бошқарилалтган чизик бўйича жойлашган раҳбар ўз зиммасига бутун ҳокимиятни олади. Ҳар бир меҳнат жамоасида расмий муносабатлардан ташқари норасмий муносабатлар ҳам мавжуд.

Барча ташкилотлар учун мос келадиган ташкилий структуранинг битта умумий шакли мавжуд эмас.

Сайлхлик корхоналарининг мақсад ва стратегиясини шакллантириш билан бирга атроф-муҳит, ижрочиларнинг феъл-атвориға ҳам аҳамият бериш керак. Сайлхлик ташкилотининг атроф-муҳити: сотиш бозори; меҳнат бозори; корхонанинг ўзи ва кўрсаткичлари; сайлхлик ташкилотининг вазифалари ижрочиси.

Ташкилий структурани лойиҳалаш тўғрисидаги қарор, мавжуд структура самарасиз бўлганда, қабул қилинади.

Ташкилий структурани лойиҳалаш жараёни уч босқичдан иборат: ташкилий структуранинг таҳлили; ташкилий структурани лойиҳалаш; ташкилий структуранинг самарадорлигини баҳолаш.

Ташкилий структурани баҳолашга қуйидаги критериялар киради: бошқарув тамойиллари; бошқарув аппарати; бошқарув функциялари; хўжалик фаолияти.

Ташкилий структураларни бошқаришни лойиҳалаш моделларини 4 та гуруҳга бирлаштириш мумкин: ўхшашликлар (аналогия) усули; эксперт усули; мақсадларни тартиблаш (структурага келтириш); ташкилий моделлаштириш;

Ташкилий структуралар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: оптималлик; оперативлик; ишончлилик; тежамкорлик; вазиятга мослашувчанлик; бошқарув структурасининг мустаҳкамлиги.

Ташкилий структуранинг самарадорлигини баҳолаш бинонинг сотилиши мумкинлиги даражаси, бошқарув тизимининг ишончлилиги ва ташкил қилинганлиги, қабул қилиналтган қарорларнинг тезкорлиги ва оптималлигига кўра амалга оширилади.

Туризмнинг тарихи. Туристик фаолиятнинг бошланғич турлари қадимдалқ пайдо бўлган. Тарихда қадимги римликлар илк салҳатчилар ҳисобланади. Уларнинг салҳатлари империя сарҳадларидан четга чиқмаган бўлса-да, Рим империяси ҳудуди жуда катта бўлганлиги сабабли туризмнинг ривожланишига сабабчи бўлган. Ўрта асрда давлатнинг инкирозга учраши меҳмонхона ва қовоқхоналарнинг касодга учраши ва аҳолининг қашшоқлашишига олиб келди. Ўрта асрларнинг охирига келиб савдонинг ривожланиши билангина салҳатлар қайта тиклана бошланди. Уйғониш даври туризмнинг ривожланишига янада катта таъсир кўрсатди. Бу пайтга келиб иқтисодилт жадал ривожланди, янги ҳунар турлари пайдо бўлди ҳамда мамлакатлар ўртасида савдо ривожланди. Салҳатнинг асосий мативлари савдо, таълим олиш, зилрат қилиш ва даволаниш ҳисобланган. Қадимги Грецияда спортга оид салҳатлар пайдо бўлган, чунки Олимпиада ўйинларига иштирокчи ва томошабинлар бутун дундан келар эди.

2. Туристик бизнес тушунчаси ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти

Туристик бизнес жаҳон хўжалигининг энг тез ривожланаётган тармоқларидан биридир. Халқаро туризм нефть қазиб чиқариш ва

автомобилсозликдан сўнг учта энг йирик экспорт тармоқлари қаторига киради. Бошқа манбаларга кўра туризм жаҳон хўжалигининг энг рентабелли соҳаси ҳисобланади. Туризм саноатида бутун жаҳондаги ишчи кучининг 60 % қисми меҳнат қилади. Маълумотларга кўра, 2000 йилда бутун жаҳонда туризм орқали олинувчи даромад 621 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2020 йилга бориб бу кўрсаткич икки триллион долларга етиши кутилмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти баҳоларига кўра 2010 йилда туристлар сони 1018 миллион кишига етади. Бутун жаҳонда туризмнинг аҳамияти тобора ўсиб бориб, бу туризмнинг алоҳида мамлакатлар иқтисодиётига кўрсатаётган таъсирининг ўсиши билан боғлиқ. Европа ҳамжамияти мамлакатлари ва саноати ривожланган бошқа мамлакатларда туризмдан олинувчи даромад ялпи ички маҳсулотнинг 5,5 % қисimini ташкил этади. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 2020 йилда Хитой энг кўп ташриф буюрилувчи мамлакатга айланади. Гонконг ва Россияда ҳам юқори суратларда ўсишнинг юзага келиши кутилмоқда. Хитой ва Гонконг улушига жаҳондаги туристлар оқимининг 12,3 % қисми тўғри келади. Энг жиддий ўзгаришлар Россияда бўлиши кутилмоқда: 2020 йилда мамлакатга кириб келувчи туристлар сони мамлакат ташқарисига чикувчи туристлар сонидан 1,3 баравар ортади. Европа мамлакатлари ичида Чехия юқори кўрсаткичларга эришади. Хорижий туристлар қаторига мазкур мамлакатга 24 соатдан кам бўлмаган муддатга кириб келган ҳар бир саёҳатчилар киритилади. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, баъзи бир мамлакатларда БМТ статистика комиссияси тавсияномаларидан четга чиқиш ҳам кузатишмоқда. Халқаро туристик йўналишларнинг ўртача 65 % қисми Европа, 20 % қисми Америка ва 12 % қисми қолган минтақалар зиммасига тўғри келади. Асосан туристлар қабул қилиш билан шуғулланувчи мамлакатларда халқаро туризмнинг ривожланиши хорижий инвестициялар оқimini кучайтириш ва янги иш жойлари яратиш иштилқи билан изоҳланади.

Кўпчилик мамлакатлар халқаро туризм воситаси билан тўлов баланси муаммоларини ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Хориждан келувчи туристлар товарлар ва хизматларга ҳақ тўлаш йўли билан туристларни қабул қилувчи мамлакат бюджетига валюта келиб тушишини таъминлайдилар ва шу тариқа унинг тўлов балансини фаоллаштирадилар. Шу сабабли чет элдан туристларнинг келиши “фаол туризм” деб номланади. Туристларнинг четга чиқиши миллий валютанинг четга чиқиб кетишига сабаб бўлади. Мазкур турдаги туристик операциялар бўйича халқаро тўловлар туристларни экспорт қилувчи мамлакатнинг тўлов баланси пассивида қайд этилади ҳамда бундай туризм “пассив туризм” деб аталади.

Туризмни “фаол” ва “пассив” турларга бўлиш фақат халқаро туризм учунгина хосдир.

Туризм ривожланишининг замонавий босқичларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мақсадида ҳеч бўлмаганда туризм юзага келиши тарихининг умумий жиҳатларини кўриб чиқиш зарур. Замонавий туризм бир томондан иккинчи жаҳон урушидан сўнг ривожланганлиги сабабли лш ҳисобланади. Иккинчи томондан эса у чуқур тарихий илдизларга эга, чунки салҳат қилиш инсоният учун қадим замонлардан хосдир. Туристик фаолиятнинг бошланғич турлари қадимдалқ пайдо бўлган. Тарихда қадимги Римликлар илк салҳатчилар ҳисобланади. Уларнинг салҳатлари империя сарҳадларидан четга чиқмаган бўлса-да, Рим империяси ҳудуди жуда катта бўлганлиги сабабли туризмнинг ривожланишига сабабчи бўлган. Ўрта асрда давлатнинг инқирозга учраши меҳмонхона ва қовоқхоналарнинг касодга учраши ва аҳолининг қашшоқлашишига олиб келди. Ўрта асрларнинг охирига келиб савдонинг ривожланиши билангина салҳатлар қайта тиклана бошлади. Уйғониш даври туризмнинг ривожланишига янада катта таъсир кўрсатди.

Бу пайтга келиб иқтисодилт жадал ривожланди, янги ҳунар турлари пайдо бўлди ҳамда мамлакатлар ўртасида савдо ривожланди. Салҳатнинг асосий мативлари савдо, таълим олиш, зилрат қилиш ва даволаниш ҳисобланган. Қадимги Грецияда спортга оид салҳатлар пайдо бўлган, чунки Олимпиада ўйинларига иштирокчи ва томошабинлар бутун дундан келар эди. XIX асрнинг бошларида транспорт воситаларининг ривожланиши туризмнинг ривожланишига катта туртки бўлди.

Транспорт қатновлари сифати ва ишончлилигининг ўсиши, мунтазам транспорт қатновларининг йўлга қўйилиши ҳамда вақтинча келиб-кетувчиларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган биринчи корхоналарнинг пайдо бўлиши аҳолининг ҳаракатчанлигига катта таъсир кўрсатди. Ҳозирги пайтда туризм тобора оммавийлашиб, нафақат жамият аслзодалари учун, балки ишчи синфи ва лшлар учун ҳам дам олиш шаклига айланди. Ўз инфратузилмасига эга бўлган ҳордиқ саноати шаклланмоқда.

Туристик корхоналар фаолияти жадаллашиб, оммавий равишда меҳмонхоналар, дам олиш ва кўнгилочарлик учун муассасалар қурилмоқда. Туризм жаҳон иқтисодилтининг энг рентабелли тармоқларидан бирига айланиб бормоқда.

3. Миллий туризмни ривожланишининг иқтисодий таҳлили

Республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзининг ва жаҳондаги бошқа мамлакатларнинг тажрибасидан олинган барча фойдали нарсаларни инкор қилмаган ҳолда республиканинг қатъий позицияси ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишдан иборатдир»⁵ - деган фикри, миллий туризмни ривожлантиришга

⁵ Каримов И.А. «Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш тараққиёт омили». – Т.: «Ўзбекистон», 2004. 4-бет.

ундайди. Ўзбекистонда миллий туризм соҳасини ривожлантиришнинг монетар иқтисодий моделини яратиш йўлидаги илк қадам сифатида туризм соҳасини ривожлантиришнинг марказлашган модели заминида «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси ташкил қилинган. Туристик корхона ва ташкилотлар, фирмаларга солиқ солишнинг, туристик фирмалар иқтисодиётини тартибга солиш мониторинг тизими талабларига жавоб берадиган махсус тизими ишлаб чиқилган. Миллий туризмни ривожлантириш мақсадида юқори сифатли меҳмонхоналар, кемпинглар ва бошқа туристик объектларни қуриш учун туризм соҳасида хорижий капитал ва технологиядан фойдаланишнинг мақсадли комплекс дастури ишлаб чиқилган. Хорижий капитал ёрдамида тарихий меъморлик ёдгорликларининг кўпчилиги таъмирланмоқда. Республикада мавжуд бўлган 550 та диққатга сазовор жойлардан 200 таси реставрацияга муҳтождир. Республикада миллий туризмнинг ривожлантиришни тартибга солишнинг мониторинг концепциясининг амалга оширилиши туризм соҳасидаги ўзгаришларни таъминлайдиган молиявий кредит механизмларидан фойдаланиб рўёбга чиқарилиши мумкин. Республика ҳудудида миллий туризмнинг моддий техника базаси ўта нотекис тақсимланган. Тошкент минтақасига туристик базанинг 44%, Самарқанд, Бухоро, Хоразм туристик минтақаларига 37%, Фарғона минтақасига 16%га яқин, қолган вилоятларга 7% тўғри келади.

Миллий Компания асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати 2006 йил 30,2 миллиард сўм бўлиб, бунинг бино ва иншоотларига 51 %, транспорт воситаларига 11% , бошқаларга 14% тўғри келади.

Компания асосий фондларининг ёш структураси ўртача 15-20 йилдир. Деярли кўпгина меҳмонхоналар, кемпинглар, капитал таъмирланишига ва реконструкция қилинишини талаб қилади. Компания автотранспорт базасида 1000 га яқин транспорт воситаси бўлиб, булардан автобуслар 53%, юк автомобиллари 24%, енгил автомобиллар 17%, механизмалар 6% ни ташкил қилади.

2006 йил мобайнида республикада 850 минг турист ва 100.000 га яқин экскурсиячига хизмат кўрсатилган, булардан 40% хорижий туристлардир. Чет элларга 10.000га яқин турист жунатилди. 2006 йилда кўрсатилган туристик экскурсион хизматлар ҳажми 9.559.0 сўм, рентабеллик даражаси 18,5% ташкил қилган. Компания тизимида 2006 йил бошида 8,4 мингдан ортиқроқ киши меҳнат қилган. Меҳмонхона хўжалигидан фойдаланиш самарадорлиги номер фондининг банд этилиши билан фойдаланди, бу 2006 йилда 58% ни ташкил қилди. Компания меҳмонхона фондининг 38% кам рентабилли ва зарар келтирадиган ҳисобланади. Туризмдан тушган умумий тушумдан 2006 йилда 66% туристларнинг яшашидан, 22% транспорт маршрутларидан ва туристларни ташишдан ва фақат 12% савдо ва бошқа қўшимча хизматлардан олинган.

Натижада, миллий-тарихий потенциалдан фойдаланиш даражаси ҳозирги кунда 35% дан ошмайди. Бир хорижий туристдан куриладиган самарадорлик 36% ни ёки бир кунда 12% ни ташкил қилади⁶.

2005-2006 йилларда қишлоқ аҳолисига туристик экскурсион хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, қишлоқ жойларда меҳнаткашларнинг оммавий дам олишларини ташкил этиш, аҳоли дам олишларини ташкил этишда, мустақил тизим ролини ошириш, ўз ўлкаси бўйлаб қўшимча маршрутларни ишлаб чиқиш, ёшлар туризмига алоҳида эътибор берилади, бу янги ғояларни ва туризм тарзини жорий қилишда сезиларли имкониятларга эгадир.

21-жадвал

Туристларни жойлаштириш тузилмаси бўйича маълумотлар.

№	Туристларни жойлаштириш тузилмаси	Ўлчов бирлиги (минг)	2005	2006
1.	Туристтик экскурсион корхона ва ташкилотлар сони	дона	83	145
2.	Жами мавжуд ўринлар	дона	9424	9853
3.	Туркомплекслар сони	ўрин	19	21
4.	Меҳмонхоналар сони	дона	670,1	764,8
5.	Турбазалар сони	дона	11	17
6.	Улардаги ўринлар сони	ўрин	20,5	21,3
7.	Кемпинглар, мотеллар сони	дона	4	10
8.	Улардаги жойлар сони	дона	574	845
9.	Саёҳат ва экскурсия бюrolари сони	дона	82	128

Манба: «Ўзбектуризм» МК. 2006 йил якунлари ҳисоботи.

Ёшлар туризмнинг иқтисодий потенциали шундан иборатки суткалик ўртача сарфларнинг кам бўлиши узоқ муддат бўлиши билан қопланади. Туристларни жойлаштириш объектларининг жойлашиш тизими қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

“Ўзбектуризм” МКси жамлама баланс маҳсулотлари минтақа бўлинмалари ва ташқи иқтисодий бирлашмаларни, 13та комплекс, 28та саёҳат ва экскурсиялар бюроси, 39та минтақа бўлинмалари фирмалари, филиал ва агентликлар, ўқув методик марказ, реклама агентликларини ўз ичига олади. «Ўзбектуризм» миллий компаниясида 2006 йилдаги ҳолатига кўра умумий жойлар сони 9582 та ўринни ташкил қилган 45 та туристик хўжаликлардан 38 таси ишлайди, улардаги ўринлардан 7744 таси судка мобайнида ишлайди. Шу жумладан сиғими 6780 ўрин бўлган 20 меҳмонхона 2298 ўринли, 10 турбаза ва 499 ўринли 3 кемпинг мавжуд. 24 та умумий овқатланиш нуқталари бўлиб, улардаги ўтириш жойлари 8071 тадир. Шу жумладан 7151 ўтириш жойига бўлган 21 ресторан 300 ўринли

⁶ “Ўзбектуризм” МКси маълумоти. 2006 й.

кафе, 120 ўринли бар ва буфет мавжуд. Қуйидаги жадвалда туристларни жўнатиш бўйича вилоятлардаги туристик хизматлар мажмуаси кўрсатилган.

22-жадвал

Туристларни жўнатиш бўйича 2006 йилдаги туристик хизматлар.

№	Минтақа	Чет элга	МДХ	Ўзбекистон Республикаси	Суммаси
1.	Андижон	11,80	0,50	2,00	4,30
2.	Бухоро	10,20	2,40	4,00	6,60
3.	Жиззах	0,85	-	0,60	1,43
4.	Қорақалпоғистон	0,81	4,50	0,40	4,90
5.	Қашқадарё	9,80	1,10	7,9	9,80з
6.	Навоий	9,20	-	0,20	0,50
7.	Наманган	7,20	0,59	3,60	5,39
8.	Самарқанд	15,20	6,80	6,60	12,00
9.	Сирдарё	0,50	1,40	-	8,50
10.	Сурхандарё	8,50	0,50	0,40	1,80
11.	Тошкент	30,44	3,51	4,48	8,43
12.	Фарғона	6,60	4,02	1,70	12,32
13.	Хоразм	10,20	00,2	4,10	80,50
14.	Тошкент шаҳар	20,60	28,74	38,18	2,78
	Жами	20,319	28	38,18	27,05

Манба: «Ўзбектуризм» МК 2006 йил якунлари ҳисоботи.

2006 йил якунлари бўйича энг юқори кўрсаткич асосан 3 та вилоятга тўғри келади. Булар Самарқанд, Бухоро, Хоразм туристик минтақаларига тўғри келади. Шундай булса ҳам Ўзбекистон учун туристик хизматлардан олинадиган бундай даромад жуда камдир.

Агар туризм бўйича чиқазилаётган барча қарорлар ва фармойишлар ўз вақтида бажарилиб, имкониятлардан тўлиқ фойдаланилганда эди, даромад кўрсаткичлари бундан ҳам ортиқ бўлган бўлар эди. «Ўзбектуризм» М.Кси бўйича 2006 йил мабойнида валюта тушумлари қуйидагича жадвалда кўрсатилган.

2006 йилда валюта тушумлари сезиларли даражада ошди, аммо бу ҳали талаб даражасида эмас. Чунки туризм катта имкониятларга эгадир. Жадвалдан кўриниб турибдики, Бухоро, Самарқанд, туристик минтақалари режани ошириб бажаришган. Тизимда режа 2006 йилда 125% бажарилган. Туристик хизматларга эркин нархларининг жорий қилиниши кўрсатилаётган хизматлар миқдори ва ходимларни манфаатдор қилиш имконини беради.

«Ўзбектуризм» МК бўйича 2006 йил мабойнидаги валюта
тушумлари (минг АКШ долларида)

№	Вилоятлар	Режа	Ҳақиқат	%
1	Андижон	148.0	40.2	27.2
2	Бухоро	842.0	969.9	115.2
3	Қорақолпоғистон	75.0	20.6	27.5
4	Жиззах	70.0	20.3	29.1
5	Наманган	93.0	28.1	33.9
6	Сирдарё	35.0	7.4	21.2
7	Навоий	29.0	5.9	20.5
8	Самарқанд	880.0	118.0	135.7
9	Сурхондарё	68.0	4.5	12.1
10	Тошкент вилояти	289.0	90.7	48.0
11	Фарғона	150.0	101.1	67.4
12	Хоразм	475.0	651.7	137.2
13	Тошкент шаҳри	732.0	827.1	113.0

Манба «Ўзбектуризм» МКнинг 2006 йил якунлари ҳисоботи.

Туризмни ривожлантиришнинг монетар концепциясини амалга оширишнинг биринчи босқичида хорижий туризмни Республикамизга жалб қилишнинг иқтисодий механизмини яратиш муҳим масала ҳисобланади. Бу туризм ва экскурсиялар бўйича кушма корхоналарни ташкил қилишни, хорижий кредит ва туризм бўйича технологиялардан фойдаланишни талаб қилади. Республикамизда туризмни йўлга қуйиш учун туризмнинг монетар модели ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш керак. Республикамизда туризмни ривожлантириш иқтисодий самара беради, чунки у ташқарига ресурс чиқармай (пахта, газ, жун, нефт) валюта олиш имконини беради. Таҳлил шундан далолат берадики, кўпгина ривожланган мамлакатларда туризмдан келадиган даромад бошқа товарларни сотишга караганда анча кўпроқ валюта тушумларини келтиради. Масалан: Туркия йилига 4-5 млрд долларлик товар экспорт қилса, туризмдан 10 млрд доллардан ортиқ даромад олади. Англия, Италия, Франция, Испанияларда ҳам худди шундай кўрсаткич мавжуд.

Ҳисоб-китобларга кўра республикамизда туризмни бозор иқтисодиётига мувофиқ ривожлантиришдан 2010 йилга келиб тушадиган тушум йилига 4,5 млрд сўмга етиши кутилмоқда. Марказий Осиё давлатларида туризмни ривожлантиришнинг ҳақиқий истикболлари борлигини мутахассислар таъкидлашмоқда.

2006 йилда туристларга кўрсатилган туристик хизматлар (минг сўмда)

№	Вилоятлар	Хиз.хаж	Фойда (млн. сўм)	Тур. Сон (минг киши)	Х.тур.	Экс -я (%)
1	Андижон	28000	26.000.0	37.0	75.0	8.9
2	Бухоро	60500	18.500.0	68.4	270.0	37.0
3	Жиззах	9800	1.053.0	33.0	90.0	1.7
4	Қорақолпоғистон	1100	40.0	1.8	11.0	--
5	Кашкадарё	25400	2.100.0	32.0	57.0	31.0
6	Навоий	1050	1.090.0	1.2	4.2	0.2
7	Наманган	12500	1.090.0	20.9	36.0	9.3
8	Сирдарё	1900	1.010.0	0.80	3.7	1.7
9	Самарқанд	136000	23.000.0	41.0	139.0	40.0
10	Сурхандарё	5600	550.0	1.8	8.4	23.0
11	Тошкент вил.	21000	2.750.0	18.5	115.2	21.9
12	Фарғона	26000	3.400.0	20.5	73.2	26.0
13	Хоразм	30500	35.000.0	21.5	63.6	34.0
14	Тошкент ш.	6500.0	11.000.0	91.2	110.0	

Манба «Ўзбектуризм» М.Книнг 2006 йил яқунлари ҳисоботи.

Республикамизда жойлашган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива ва Шахрисабз каби тарихий шаҳарларимиз бутун дунёга машхур бўлиб, дунё халқлари бу шаҳарларимизни куриб зиёрат қилишни орзу қиладилар. Республикамиздаги туристик объектлар, айниқса Самарқанд, Бухоро, Хивани реклама қилиш, туризмни ривожлантиришнинг истикболли йўналишларидан биридир. Бу ишни «Ўзбектуризм» МКнинг маркетинг ва реклама бўлимисиз туристларни жалб қилиш қийин булади. Агар 2006 йилда туристларга кўрсатилган хизматлар ҳажмини изоҳлайдиган бўлсак, республикамизда миллий туризм иқтисодиётини бундан ҳам юқори даражага кўтариш имкониятлари кўплигини кўрамиз.

4. Иқтисодилтда туризм ва сервис хизматининг имкониятлари

Туризмнинг жаҳон иқтисодилтидаги ўсиш даражаси 2003 йилда бироз (1,5 % гача) пасайди ҳамда узоқ муддатли даража тенденциясидан паст, лекин 2004 -2005 йиллардаги кўрсаткичлардан юқори даражада бўлди. Бироқ ўртача глобал ўсишдаги кичик ўзгаришлар туризми ривожланган мамлакатларнинг, шунингдек, ҳарбий ярим шарнинг ривожланалтган мамлакатларнинг ўсиши тўхтаб қолганлигини беркитади холос. Бу эса уларнинг ўсишини Африка мамлакатларининг ўсиши билан тенглаштиради. Осилда энди ривожланалтган туризм иқтисодилти эса тез суръатлар билан ўсиб бормокда. 2003 йил ва 2004 йилнинг бошидаги

ютуқлар шуни кўрсатадики, глобал ўсишнинг истиқболи порлоқ бўлиб, ўзайтирилган лки умумлаштирилган секинлаштиришнинг эҳтимоли жуда кам бўлади. Саноати ривожланган мамлакатларда инфляция кўрсаткичлари 2,5 % гача пасайган ҳолда қолиб, молия тузилмаларига қисқа муддатли қўйилмалар учун фоиз ставкаларини сезиларли равишда камайтириш имконини беради. Бундан ташқари, ривожланалтган мамлакатлар ҳамда иқтисодий ўтиш даврида бўлган мамлакатларда ҳам инфляция пасайди. Узоқ муддатли қўйилмалар бўйича инфляция фоиз ставкалари 2003 йилда пасайди, бу эса баъзи мамлакатларда 2004 йилги фоиз ставкаларининг ўсишини қоплади. Фоиз ставкалари 2004 йилнинг бошларида ўсган бўлсада, сўнгги йиллардаги ўртача кўрсаткичлардан паст бўлди. Асосий валюта турларини алмаштириш ставкалари фундаментал кўрсаткичларга мос келувчи даражага яқинлашди. Бундан ташқари, фонд бозорлари сезиларли равишда ўсган бўлиб, бу кўпчилик мамлакатларда даромаднинг юқорилиги ва фоиз ставкаларининг пастлигини кўрсатади. Шунингдек, ижобий ўзгаришлар ҳам кузатилди. 2003 йилда бутунжаҳон савдоси кенгайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш эса икки бараварга ортди. Бу эса савдонинг сўнгги йилларда эркинлашганини, валюталарнинг конвертациялашув тенденциялари ва глобаллаштиришнинг динамик кучларини кўрсатади. Бундан ташқари, капитал оқимлари Мексика инқирозининг таъсири ўз кучини кўрсатган ривожланалтган мамлакатларга йўналтирмоқда. Юзага келиши мумкин бўлган долзарб молиявий номувофиқликлар ва структура камчиликлари бозорнинг нормал фаолият юритишига тўсқинлик қилади ҳамда кўпгина мамлакатларнинг ривожланишига ҳалақит беради. Сўнгги йилларда ғарбий Европа мамлакатларида ишсизликнинг ўсиши, эътиборни мустаҳкам ва ривож топадиган иқтисодий ўсишнинг аҳамиятидан ташқари, бозор ислохотларини янада изчил ва жадалроқ ўтказиш заруратига ҳам қаратади. Силсатни шакллантиришга мативлар бевосита таъсир кўрсатади ва уларнинг аҳамияти каттадир. Мативлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

Туризм мативи. Сафар мақсади (мативи, инсонни сафарга ундайди) бу унинг салҳатининг сабабидир, агар сабаб бўлмаса сафар ҳам бўлмас эди. Авваломбор салҳат мақсади, сайлҳлар оқими ва йўналишларни бошқариш ҳақидаги ахборот асосида, моделлар лрдамида бозорларни соҳаларга бўлиш ва мақсад бозорларини аниқлаш учун керак. Шуни ҳисобга олиш керакки, салҳат қилалтган гуруҳ, яъни бирга сафар қилалтган сайлҳларнинг ягона мақсади зилрат қилишдир. Шу сабали менежмент қай йўл билан салҳат мативлари тизимига туширилиши мумкин деган саволга жавоб олиши керак.

Жисмоний мативация. Жисмоний мативация деганда дам олиш, даволаниш ва спорт билан шуғулланиш тушунилади. Агар асосий мақсад жисмоний кучни тиклаш бўлса биринчи навбатда дам олиш туради ва ҳ.к.

Психологик мативация. Саёҳатнинг асосий психологик мативацияси бу кундалик бир хилликни тарк этиш ва янги нарсаларни кўриш, муҳитни ўзгартириб дам олиш. Таассуротларни ўзгартириш ҳам психологик мативацияга киради. Бу икки психологик ва жисмоний мативация замонавий сайёҳларда қандай қизиқиш уйғотса менежментда ҳам шундай қизиқиш уйғотади.

Шахслараро мативация. Аҳамияти бўйича жисмоний ва психологик мативациядан кейин шахслараро мативация туради. Кўпчилик саёҳат даврида ўзи учун ижтимоий алоқаларни излайди. Улар бошқа сайёҳлар билан муносабатда бўлишни ёки маҳаллий аҳоли билан танишишни истайдилар.

Маданий мативация. Бу гуруҳда биринчи ўринда бошқа мамлакатларда турли урф-одатлар, анъаналар ва тиллар билан танишиш туради. Кейинги ўринда эса санъатга қизиқиш, спорт анжуманларида иштирок этиш ва шу каби норасмий диний сабаблар бўлади.

Обрў ва статус мативацияси. Бу мативациядаги сайёҳлар ўз шахсини баркамол қилиш учун саёҳатга чиқадилар. Яна одамларнинг тан олишларига эришиш ва буни сақлаб қолиш учун ҳам амалга оширилади. Шахс баркамоллиги кўпинча малака ошириш ёки қайта тайёргарликдан ўтиш билан боғлиқ.

Иш муносабатлари мативацияси. Бу маънода мативация ходимни фаол ишлашга чорлайдиган рағбатлантиришлар тўпламидан иборат, яъни ташкилий ишларни ҳал қилгандан кейин менежер ишни муваффақиятли бўлишини таъминлаши керак. Шу йўлда қуйдагилар қўлланилади:

а) рағбатлантириш, яъни ташқи омиллар (моддий ва маънавий) ёрдамида ходимни фаол ишлашга чорлаш;

б) шахсий мативлар, яъни ходимнинг ишга бўлган ўз истагини пайдо қилиш.

Бу ерда асосий масала меҳнатдан манфаатдор бўлиш, меҳнат фаолиятига бўлган эҳтилж ва уни қондириш. Бу шундан далолат берадики кишининг ҳаркатларини мативлар бошқаради. Киши берилиб, кўтаринки руҳда, ташаббус билан ишлаши мумкин лки бошқа ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Доим инсоннинг хатти-ҳаракатларининг мативини тушунишга ҳаракат қилиш керак. Мативация бу ўзини ва бошқаларни шахсий ва ташкилот мақсадларига эришиш учун чорлаш. Мативацияга анъанавий бўлган лндашув, бу ходимнинг самарали ишлаш учун лозим бўлган ресурсга ижобий қараш. Аммо саноат инқилобидан кейин бизнинг жамият борган сари мураккаблашиб кетмоқда. Техник прогресс инсонларнинг меҳнатга ва кундалик ҳаётга бўлган муносабатини кескин равишда ўзгартирди. Натижада менежер ҳар куни ходимлар фаолиятига маълум ишларни бажариш учун мативлар бериши керак. Ишни яхши бажаришдан қониқиш ва иш натижаси билан мағрурланиш ҳиссини ходимларда юзага келтиради. Бу натижа ҳам (меҳнатни мативлаштириш нуқтаи назаридан)

пул каби муҳимдир. Менежерларни ҳар доим қандай мативация шароитида ходимлар бошқаларнинг топшириқларини бажаради. Бу қизиқиш ходимларнинг шахсий эркинликлари кенгайиб уни қисман шерикчиликка айланиши билан ортиб боради. Ходим қанчалик эркин бўлса шунчалик у ўз мақсадлари ва ташкилот мақсадлари билан бирга раҳбарлик қилиши муҳимдир.

Қисқача хулоса:

Ўзбекистон Республикаси ҳамдўстлик мамлакатлари орасида халқаро туризмни ривожлантириш борасида катта имкониятларга эга бўлган, юқори даражадаги рақобатга бардош бера оладиган ва бу соҳани мамлакат иқтисодиётида ҳал қилувчи тармоқлардан бирига айлантириш учун етарлича шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Аммо мавжуд имкониятлардан ва самарали фойдаланишда қийинчиликлар бўлиб, халқаро туризм йўналишида республикага ташриф буюрувчиларнинг талаб эҳтиёжларини қондириш талаб даражасида эмас. Бунинг асосий тўсиқларидан бири, ҳали бу соҳада маркетинг жараёнларининг ривожланиши ва у билан боғлиқ бўлган муаммолар чуқур ўрганилмаган ва шу туфайли халқаро туризм бозори яхши йўлга қўйилмаганлигидадир.

Бозор муносабатларини ривожланиши шароитида халқаро туризм иқтисодиётининг жуда катта соҳаларидан бири ҳисобланиб, у давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларга сезиларли даражада таъсир кўрсата бошлади. Бу соҳа ривожланишида давлат сиёсати, реклама, умумиқтисодий шароитлар, валюта курси, рақобатчилар сони, дам олиш жойларининг аҳамияти ва хавфсизлиги каби масалалар жуда ҳам муҳимдир.

Халқаро туризм бозорининг ривожланиши карвон йўлларни қайта тиклаш масалалари билан ҳам бевосита боғлиқдир. Чунки Ўзбекистон авваллари ва ҳозир ҳам бу қадимий йўлларнинг марказида турибди, уларни иштирок этиши жуда зарур бўлиб, бу ҳудуддан транзит (йўловчи) усулида фойдаланувчилардан ҳам катта моддий манфаат кўриш мумкин. Айниқса, бу жараён йўл тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан боғлиқдир.

Назорат учун саволлар:

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун қандай қулай шароитлар мавжуд?

Туризм соҳаси тизими қандай хизматлардан иборат?

Туризм соҳасини фаолиятини тартибга солишда қандай курсаткичлар кулланилади?

Туризмнинг моддий техника базаси нималардан ташкил этади?

Туризм соҳаси хизматларига талабни аниқлаш методикаси?

Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш истиқболлари.
Ўзбекистонда ҳозирги кунда туризм соҳаси қандай ҳолатда?
Туризм соҳасидаги чет эл мамлакатлари тажрибасини тавсифлаб беринг?
Туризм соҳасидаги Россия Федерация тажрибасини тавсифлаб беринг.
Республикада туризмни ривожлантириш вазифалари қандай?

Тавсия этилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т: Ўзбекистон, 1992. - 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонуни. //Халқ сўзи газетаси, 1999 йил 14 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги «Ўзбектуризм» Миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони. //Халқ сўзи газетаси, 1992 й. 28 июль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони //Халқ сўзи газетаси, 1999 йил 16 апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори. //Халқ сўзи газетаси, 2005 йил 12 ноябрь.
6. Александрова А.Ю. Международный туризм. - М: ГРИФ, 2004. -470 с.

10. Боб. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асослари

1. Бозор иқтисодиёти ва ижтимоий ҳимоя

Ўзбекистон мустақиллик эълон қилинган дастлабки кунданок ижтимоий масалаларни қамраб олувчи бозор иқтисодиёти дастурини жаҳонга маълум қилди. Ўтиш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тамоили Президентимиз стратегиясининг асосий қоидаларидан биридир.

Жаҳон мамлакатлари тарихига назар солар эканмиз, ижтимоий сиёсат у ёки бу давлатда:

иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш; - инсоний салоҳиятни сақлаб қолиш ва тарраққий эттириш;
жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юритилганлигини кузатамиз.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат ўтказилиши давр тақозоси эди, десак хато бўлмайди.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврining бошларида:

-аҳоли турмуш даражаси кескин пасайган;
-бой ва камбағаллар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги табақалашув кучайган;
-истеъмол бозори барбод бўлган;
-асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарларининг деярли барчаси тақчиллашиб қолган;
-одамларда боқимандалик кайфияти ҳукм сурган;
-республика аҳолисининг деярли тўртдан уч қисми ўзининг энг зарурий эҳтиёжларини ҳам қондиришга қодир бўлмаган шароитга тўғри келган эди.

Буларнинг ҳаммаси ислохот йўлидаги ҳар бир қадамни аҳоли қандай кутиб олишини назарда тутишини, зарур ҳолларда эса, ана шундай қадамни қўйишдан олдин, аҳолининг қашшоқ табақаларини ҳимоя қилиш иқтисодий ислохот дастурларида узлуксиз устувор йўналишларидан бирига, яъни ислохотларнинг ҳамма босқичларида устувор ҳисобланган вазифа каторига киради. Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўлини етакчи тамойилларидан биридир.

Республикада ижтимоий ҳимоя асосан кам таъминланган оилалар учун турли нафақалар бериш, аҳолининг баъзи гуруҳи учун имтиёзлар яратиш ва компенсация тўлаш, давлат ҳисобидан ёлғиз қария ва ногиронларни боқиш ва шу каби воситалар асосида амалга оширилади. Ўзбекистонда булардан ташқари норасмий ижтимоий ёрдам турлари ҳам мавжуд: уларга қариндошларнинг ўзаро ёрдами, миллий ва диний урф-одатлар асосида қилинадиган ёрдам, корхона ва идораларнинг вақт-вақти билан пенсионерларга ёрдам пули бериши киради. Бундай ёрдамлар фақат меҳнатга лаёқатсизларга эмас, балки кам таъминланган кўп болали

оилаларга, бева-бечораларга ҳам берилади. Ўзбекистон аҳолисини 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ижтимоий ҳимоя тизимининг ягона концепцияси ишлаб чиқилган. Унда Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам тизими - пенсия таъминоти, болаларга нафақа, ёлғиз кексаларга хизмат кўрсатиш, ногиронларни протез буюмлари, харажат воситалари билан таъминлаш, шунингдек меҳнат ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш, тиббий хизмат, ишсизларни ишга жойлаштириш ва моддий ёрдам бериш, бир йўла (номунтазам) ёрдам йўналишларида амалга оширилиши белгиланган.

Республикада бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоянинг амалга оширишнинг асоси бўлиб, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар фармоиш ва қарорлар ташкил топади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат Нафақа таъминоти тўғрисида»ги қонуни ногиронлик нафақаси тайинлашни ҳам назарда тутди. Уларнинг миқдорлари меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига боғлиқ.

Ногиронлик нафақалари ногиронлик бошлангандан: иш давридаги, ишга киргунча ёки ишни тўхтатгандан кейин, ундан қатъий назар, тайинланади.

Меҳнатда майибланиши ёки касб касаллиги туфайли ногирон бўлганларга нафақа иш стажидан қатъий назар тайинланади. Агар ногиронлик меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, у ҳолда нафақа тайинлаш учун ёшига доир боғлиқ ҳолда стажи талаб қилинади. Талаб қилинадиган иш стажи кўп эмас. Масалан, 26 ёшдан 31 ёшгача бўлган фуқарога фақат 5 йил, 46 ёшдан 51 ёшгача бўлган фуқарога 14 йиллик иш стажи талаб қилинади. Умуман касалликдан I ва II гуруҳ ногирони бўлган фуқароларга нафақа уларда талаб қилинган иш стажи бўлмаганда мавжуд стажга мутаносиб равишда тайинланиши мумкин.

«Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ учинчи тур нафақа - бу боқувчисини йўқотганлик нафақасидир. Вафот этган боқувчининг оила аъзолари, агар улар меҳнатга қобилиятсиз бўлсалар ва вафот этганининг қарамоғида турган бўлсалар, нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар. 16 ёшга тўлмаган ёки бу ёшдан катта бўлса ҳам ногирон бўлиб қолган болалар оилаларининг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари деб ҳисобланадилар. қонун қарамоғида бўлиши шартини марҳумнинг тўлиқ боқувида бўлиши ёки ундан ёрдам олиб туриши, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириши маблағининг манбаи ҳисобланади.

Нафақа ёшига етган ота-она, эр-хотин меҳнатга қобилиятсиз ҳисобланади. Маълум шароитларда ака-укалар, опа-сингиллар, бува-бувилар ҳам меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси ҳисобланадилар. Агар оила аъзоси вафот этган боқувчининг тўлиқ қарамоғида бўлса ёки ундан ёрдам олиб турган бўлса, бу ёрдам унга яшаш учун асосий маблағ манбаи бўлса,

вафот этган боқувчининг оила аъзоси ҳисобланади. Қарамоғида турганликни ҳаммавақт ҳам талаб қилинавермайди. Масалан, вафот этган шахснинг болаларига боқувчисини йўқотганлик нафақаси у вафот этган боқувчининг қарамоғида турмаган, турганлигидан қатъий назар тайинланади. Умумий қоидага кўра иш вақти меҳнат стажига бир ҳисса миқдорида ҳисобга олинади. Бироқ меҳнат фаолиятининг баъзи даврлари имтиёзли миқдорларда ҳисобга олинади. Бунда унинг ҳаёт учун, соғлиқ учун хавфлилиги инобатга олинади. Зобитлар, прапоршиклар, муддатли хизматнинг ҳарбий хизматчилари таркибида бўлган шахслар, ички ишлар органларининг раҳбар ва оддий хизмат нафақаси билан таъминланади.

Ногирон бўлган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ходимларининг раҳбар ва оддий таркибидаги шахслар ногиронлик нафақаси олиш ҳуқуқига эгадирлар. Шу тоифадаги шахслардан бўлган вафот этган нафақахўрларнинг оилаларига боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланади. Ҳарбий хизматда ёки ички ишлар органлари хизматида 20 ва ундан ортиқ йил ишлаган шахслар кўп йиллик нафақасини олиши мумкин.

Болаликдан ногиронларга, қариялар ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319 - сон қарори билан тасдиқланган Низом билан бошқариб турилади.

Давлат ижтимоий суғуртасига доир нафақани тайинлаш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармаси, Молия вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмаси федерацияси кенгаши томонидан 1993 йил 3 декабрдан 1994 йил 14 февралгача тасдиқланган Низом билан бошқариб турилади. Низомга мувофиқ ижтимоий суғуртаси нафақаси вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланганда, хомиладорлик ва туғишида, бола туғилганда ва дафн маросими учун нафақа тайинлаш ва уларни миқдорларини белгилаш шарт-шароитлари батафсил кўрсатиб ўтилган.

«Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 52-моддасига мувофиқ ишламайдиган нафақахўрларга, шунингдек, оиланинг бошқа аъзоларига боқувчисини йўқотганлик нафақасини олувчи, ишловчи нафақахўрларга нафақа ўзлари яшаб турган ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўлиқ белгиланган миқдорда тайинланади. Нафақадан солиқлар олинмайди, уни уйга элтиб бериш, жўнатиш давлат ҳисобидан амалга оширилади. қонуннинг 53-моддасида ишловчи нафақахўрларга нафақа тўлаш иш жойида амалга оширилиши кўзда тутилган. Хусусий корхонада, шунингдек фермерлик (деҳқончилик) хўжалигида ишловчи нафақахўрларга нафақалар улар яшайдиган жойдаги ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан нафақанинг 50 фоизи миқдорида тўланади.

Пуллий ижтимоий ёрдамни ижобий ва салбий томонлари

Дастурлар	Ҳа	Қарши
1	2	3
А. Пулли ижтимоий ёрдам	Пул маблғларини истеъмолга боғлиқ бўлмаган ва товар бозорига таъсир қилмаган ҳолда таъминлайди	Даромадларни баҳолаш учун юқори маъмурий имкониятларга эга бўлишини талаб қилади.
	Даромадларни аҳолии камбағаллик даражасига етгунга қадар ошишига шароит яратади, шу билан бирга тўлиқ ижтимоий ҳимоя билан таъминлайди	Камбағаллик чегараси кўриниши ҳисобига ва бунинг солиқ тўловларига у даражада қизиқтирилмаслиги натижасида сиёсий мураккабликларга олиб келади.
		Даромадларни баҳолашда оила аъзоларининг ҳар биридан улар актив маблағлар ва бойликларини билишини талаб қилади, бу эса маданий тарихий усул буйича тўғри келмайди
В. Оилага ёрдам	Алоҳида фуқароларнинг яшаш шароитини, умумий ўзгаришлардан, инфляция, сиёсий ўзгаришлардан, даромадларни тенглигини таъминлайдиган энг яхши механизмлардан ҳисобланади; камбағаллик қарамоғига қилинишини пасайтиради ва салбий таъсирлардан асрайди.	Камбағалликка қарши курашувчи механизм сифатида ижтимоий ёрдам дастурли давлатларда аҳамиятга эга эмас; фойдалилик даражаси камбағалликни барча шароитларини ҳисобга олмайди
		Универсал фойда сифатида фискал алоқаларда ўзгарувчан бўлиши мумкин.

Натурал трансфертларни ижобий ва салбий натижалари.

Дастурлар	Ҳа	Қарши
Озиқ-овқат нархларига субсидиялар	Асосий озиқ-овқат турига нархни паст даражада ушлаб туради ва инфляция босимдан кутқазади	Камбағал бўлмаганларни ҳам ўз ичига олганлиги туфайли манзиллиги йўқолади
	Товарларни танлаш мумкинлиги туфайли мақсадлигини оширади	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин узоқ муддат оралигада жуда юқори харажатли ва фискал бекарор
Озиқ-овқат талонлари	Камбағаллар учун манзилли трансфертлар билан таъминланишни энгиллаштиради. Тақсимлаш каналларидан фойдаланиш, ахлоқий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи механизм сифатида ишлатилиши мумкин	Аниқ кўринишдаги текширувни талаб этганлиги учун, бенефициларни аниқлаш қиммат ва қийинлиги учун кўпгина давлатларда амалга ошириш мураккаб
	Чакана савдо учун мавжуд алоқалар тақсимлаш ва сотиш учун хизмат қилиши мумкин	Трансферт миқдорига кўра салбий оқибатларни келтириб чиқариши ва мамлакатдаги юқори инфляция шароитида чегараланган бўлиши мумкин
Қўшимча овқатланиш	Жуда қийналган гуруҳ ва шахсларга мўлжалланган	Маълум сондаги камбағалларни фақат бир марта ўз ичига олиши мумкин
	Ишлаш учун ҳеч қандай салбий оқибатлар келтириб чиқармайди	Жуда катта маъмурий сафарбарликни талаб қилади
		Соғлиқни сақлаш ва таълим инфраструктурасини паст даражадаги йўналишини талаб қилади

2. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда чет эл давлатларининг тажрибаси

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар биринчи навбатда ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган аҳоли гуруҳлари учун ниҳоятда сезиларни бўлган оғир жараёндир. Бу мамлакатларда умуман молия бозори, айниқса, банк тизими, қимматбаҳо қоғозлар бозори ривожланишига катта эътибор

берилиб, бунда бозор муаммоларини ҳал қилиш тизимида нафақа ислоҳоти деярли охирги ўринда туради. Мазкур масаланинг етарлича ўрганилмаганилиги натижасида унинг бозор қайта қурилишлари тезлиги ва барқарорлигига таъсири етарлича ўрганилмайди.

Кўпгина давлатларнинг амалдаги нафақа тизими ўз-ўзини молиялашдан узоқ бўлиб, давлат бюджети зиммасига тушадиган оғир юкдан иборатдир. Нафақа ислоҳотлари ўтказишнинг зарур эканлигини ушбу вазиятда қуйидаги омиллар тасдиқлайди. МДХ мамлакатларида амалдаги нафақа таъминоти тизими сақлаб қолинадиган бўлса, бўлғуси минг йилликнинг 20 йиллари ўртасига келиб, нафақа фонди муаммоси барқарор тақчиллиги юзага келиши муқаррар. Масалан, Польшада нафақа таъминоти ЯИМ нинг 15 фоизини (Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,7 фоизини) ташкил этади. Бу - Европадаги давлат нафақаларининг энг юқори даражасидир. Келгусида социализмдан кейинги ривожланишни бошидан кечираётган мамлакатларда нафақа таъминоти ўртача даражасига нисбатан пасайиб боради, (нафақахўрларнинг ҳозирги яшаш даражаси - 110 фоиздан 80 фоизгача камаяди) ва ўртача статистика маошнинг ҳозирги 33-35 фоизига нисбатан бор-йўғи 20-25 фоизини ташкил этади.

Юзага келган бундай вазиятда нафақа таъминотини ислоҳ қилиш иқтисодий ислоҳотлар умумий жараёни билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммоларни ҳал қилиш лозим. Уларнинг ичида 3 та асосий муаммони:

- ҳозирги нафақахўрлар турмуш даражасининг пасайиши;
- нафақа таъминоти даражасининг нафақахўр меҳнати ҳиссаси миқдоридан ажратилганлиги;
- нафақа таъминоти молиявий тизим мувозанати бузилганлигини ажратиш мумкин бўлиб, у муаммоларнинг ҳал қилинишини нафақа тизимини ислоҳ қилиш йўлларининг мақсадга мувофиқлиги мезонлари, деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳозирда деярли барча нафақа таъминоти тизими шундай аҳволга тушиб қолганки, жамғариш тизими деб аталган тизим билан нафақа маблағлари тақсимланишининг давлат меҳанизмидан бирини танлашга тўғри келиб қолади.

Жаҳонда таркиб топган шарт-шароитлар: -кексайиб бораётган аҳолининг кўпайиб бориши; -меҳнатга қобилиятли кишилар улушининг камайиб бориши; -ногиронлар ва нафақахўрларнинг катта миқдорда бўлиши, юқори даражадаги ишсизликнинг ва ўртача нафақа даражасининг нисбатан пастлиги - буларнинг ҳаммаси нафақа тизими давлат тақсимотини самарасиз қилиб қўяди.

Юқорида санаб ўтилган жараёнларнинг чуқурлиги ислоҳотлар босқичини босиб ўтиб, ижобий натижаларга эришган давлатлар тажрибасига мурожат қилиш заруратини кўрсатади.

Жаҳон тажрибасида хусусий жамғармаларининг иккита: фуқароларнинг ўз хохишлари билан ва мажбурий равишда иштирок

этишлари назарда тутилган турлари мавжуд. Иштирок этиш мажбурий бўлган жамғармалар давлатнинг нафақа дастурларини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида иштирок этиш хохишига кўра бўлган жамғармалар эса ишчиларни қўшимча нафақа билан таъминлаш мақсадида ташкил қилинади. Ҳар иккала турдаги жамғармалар ҳам фақат жамғаришга асосланган нафақа тизими асосида ташкил қилинади ва нафақаларни тўлаш ишчининг ўз ҳисоб рақамига тўпланган маблағи асосида амалга оширилади.

Хусусий нафақа жамғармалари биринчи бўлиб /арбий Европа ва АҚШ давлатларида XX асрнинг 50 йилларида вужудга келди. Улар фуқароларнинг ихтиёрий иштироки асосида хусусий компаниялар томонидан ташкил этилди ва бошқарилди. Ҳозирги кунда, бундай жамғармалар АҚШ ва Германияда кенг йўлга қўйилмоқда.

Иқтисодиётнинг янги моделига ўтиш шароитида нафақа ислохотини ўтказган энг биринчи давлат Чили бўлди. 1991 йили амалга оширилган Чили нафақа ислохоти Лотин Америкаси, шунингдек, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари учун ҳам эътиборга лойиқдир. Чили тажрибасини Аргентина, Перу, Колумбия ва Мексика, шунингдек, кейинги ривожланишни бошидан кечираётган айрим мамлакатлар - Хорватия ва Латвияда ҳам қўлланди. Чили кўпгина мамлакатлар учун намуна бўлиб қолди ва унинг тажрибасини ўрганиш ҳамкорлик учун қизиқарлидир.

Чили ислохотининг моҳияти тақсимот тизимидан жамғаришга ўтиш, давлат нафақа таъминоти улушини кўп даражада қисқартириш ва хусусий нафақа фондларининг юзага келишидан иборат бўлди. Давлат нафақа суғурта тизими фақат дастлабки вақтда самарали бўлди. Одатдагидек, нафақахўрларнинг дастлабки авлоди учун бирмунча қулайлик яратилди, улар нафақа тизимига келиб тушадиган катта миқдордаги қайта тақсимлаш орқали маблағ билан таъминланади. Бироқ катта миқдордаги тўловлар, нафақа тизимининг узоқ муддатга режалаштирилмаганлиги, ижтимоий масалаларнинг марказлаштирилган тартибда ҳал қилиниши шунга олиб келдики, бу тизим доимий (пермамент) танглик ҳолатига тушиб қолади. Нисбатан кейинги давр нафақахўрлар авлодига кўрсатилган омиллардан ташқари, макроиқтисодий омиллар - ЯИМ, фоиз миқдори, инфляция, валюта айрбошлаш курсининг ўсиш даражаси ҳам таъсир кўрсата бошлади.

Нафақа фондаларини бошқариш давлатга тегишли бўлиб, у тўпланаётган бадалларнинг хавфсизлигини ва энг кам тўловларнинг бир хил даражада бўлишини таъминлайди. Дастлабки босқичда ишончлилик бошқа хусусиятлар ичида устивор бўлган, шу муносабат билан Чили ҳукумати томонидан маблағларни давлат қимматбаҳо қоғозлари ва қатъий даромад олишни таъминлайдиган хусусий молиявий воситалар (шу жумладан, ипотеко облигациялари)га қўйиш учун рухсат берилган. Аммо 80-йилларнинг иккинчи ярмида ёндошувлар анча эркинлаштирилди.

Нафақахўрларнинг маблағларини турли хил кооператив қоғозларга қўйиш учун фондларга рухсат берилди (2003 йили корхоналар облигацияларига қўйилмалар сармоялар умумий суммасининг 68,1 фоизигача ўсди), бу эса қўйилмаларнинг кўпроқ фойда келтиришини таъминлади 1981 йилдан 1995 йилгача бўлган даврда кооператив қоғозларнинг ўртача даромадлилиги йилига 12,5 фоизини ташкил этди, бу Чили нафақа тизими самарали ишининг энг яхши далилидир.

Чунки 80-йилларда фукароларнинг ихтиёрий иштироки асосидаги нафақа жамғармалари, «Чили нафақа таъминоти модели» деб аталувчи давлат нафақа дастурини амалга ошириш мақсадида тажриба қилинган. Кейинчалик «Чили модели» Лотин америкаси (Аргентина, Уругвай ва бошқалар) ва Европа (Швеция, Италия) давлатларида ҳам қўллана бошланди.

90-йиллардан бошлаб хусусий нафақа жамғармалари тизими бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда ҳам ривожлана бошланди ва ҳозир Польша, Болгария, Словакия, Болтиқ бўйи давлатларида жамғармалар 3 фоиздан 10 фоизгача бўлган қисмини ўз таркибида бирлаштиради.

Иқтисодий нуқтаи назардан ушбу жараённинг уч ижобий томонини ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, ислохот келгусида омонат билан фойда ўртасида узвий алоқа ўрнатиб, меҳнат ҳиссаси билан бўлғуси товарлар ўртасидаги узилишни камайтиради; иккинчидан, ислохот молиявий бозор чора-тадбирларини амалга оширишни юқори даражада тезлаштиради, бунда ресурсларнинг оқилона, самарали тақсимланишига эришилади; учинчидан, ислохот жами миллий жамғармага, капитал тўпланишига ижобий таъсир кўрсатади ва натижада, иқтисодий ўсишга сезиларли даражада ҳисса қўшади.

Нафақа тизимига шахсий ҳисоб варағи билан қўшиладиган ҳар бир киши ўз бадалларини тўплаб боради. Нафақа фонди маъмурлари (НФМ) - хусусий ҳиссадорлик компаниялари - шахсий ҳисоб варақаларига жойлаштирилган маблағларни суғурта қилиб, муайян даромад олиш мақсадида пулларини сармоя қилади. Халқаро валюта фонди кузатувчилари томонидан ўтказилган эмпирик тадқиқотлар ва нафақа ислохоти, молия бозори ривожланиши даражаси ўртасидаги алоқа ўрганилганда, иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий барқарорлик, ишсизлик даражаси, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилиши каби макроиқтисодий кўрсаткичлар яхшиланганлиги ва капитал оқими кўпайганлиги аниқланди.

3. МДХ давлатларида нафақа ислохотлари

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ўтиш даври иқтисодиёти ҳукм сурган мамлакатларда янги нафақа тизими уч босқичдан таркиб топиши лозим: давлат кўпгина корхоналарнинг ушбу ажратмаларини амалга ошириш имкониятини камайтирди; Маҳаллий

даражада йиғиладиган бадаллар шу тарзда қайта тақсимланаяптики, уларнинг 70 фоизи маҳаллий даражадаги нафақа тўловларига қолади, 30 фоизи эса, нафақа фондининг марказлаштирилган ҳисоб варағига келиб тушади; нафақа тизимининг бугунги ҳолатига қарамлик кофицентининг ўсиши (нафақахўрлар сонининг ишлаётганларига нисбатан ошиб бориши) каби омил таъсирини кўрсатади.

Бунинг сабаби - ишчи кучининг расмий қисми ёки бўлим норасмий шуъбага ўтиши ва демографик ўзгаришлар, аҳоли кўчиш жараёнларининг ўсиб бориши. (1997 йили 2 та ишловчига 1 нафақахўр тўғри келган ва иш билан банд бўлганлар аҳолининг 1/3 қисмини ташкил этган, - 2004 йил биринчи яримида мазкур нисбатлар 1/6 ва 1/4 га тенг бўлди) ҳамда қоплаш коэфициенти (ўртача иш ҳақиға нисбати)нинг ошишидан иборатдир.

Нафақа тизимида тангликнинг олдини олишда аҳолининг асосий нафақаси, уни ҳамма олади; иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ажратмалар ҳисобини юритиш мажбурий тизими; шунингдек, нафақа фонлари тўплайдиган кўнгилли бадаллар ташкил қилади. Бу тизим жамғармалар даражасини кўтаради ва корхоналар сармоя фаолияти учун маблағлар заҳирасини кўпайтиради. Бундан ташқари, эски нафақа тизимидан янгисига ўтишда харажатларини молиялашнинг зарарсиз усулларида бирига хусусийлаштирилаётган давлат активлари ҳисобланади. Бундай модел Чилида нафақа таъминоти ислоҳ қилиш вақтида кузатилди. Ҳозирги вақтда нафақа таъминоти янги тизимининг қонуний асослари Қозоғистон ва Россияда ишлаб чиқилган ва жорий қилинмоқда.

Қозоғистонда нафақа тизимини ислоҳ қилишнинг айрим томонларини кўриб чиқайлик, қозоғистонда иш берувчилар мажбурий нафақа бадаллари миқдори амалдаги нафақа тизимида иш ҳақи фондининг 25,5 фоизини ташкил этади. Ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқартирилиши ва жойлардаги тўловсизлик муаммоси омил мақсадида 1997 йил март ойида ҳукумати томонидан Қозоғистон Республикасида нафақа таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси ишлаб чиқилди. Июнь ойида «Қозоғистон Республикаси нафақа таъминоти тўғрисида» қонун қабул қилинган. Унга мувофиқ 2004 йил 1 январдан бошлаб, республикада янги нафақа тизими амалга киритилди.

Ислоҳ қилиш жараёни нафақа жамғармаларининг амалдаги шахсий ҳисобини самарали юритиб, давлат солиқ тизимидан қайд этиладиган мажбуриятларга ва кўнгилли қўшимча бадалларга ўтишдан иборат. Давлат тизимида мажбурий бадаллар миқдорлари 25,5 фоиздан 1998 йили 15 фоизгача қисқартирилди. Жамғарма тизимига мажбурий бадаллар миқдори тўлов манбаи олдидаги корхона ходими даромадидан 10 фоиз миқдорида белгиланади. Нафақа тизими ва унга мувофиқ нафақа таъминоти институционал тузилмасини яратиш учун сарфланадиган харажатлар каттадир.

Россияда амалдаги нафақа суғуртасини давлат тасарруфидан чиқаришда дастлабки қадам 1992 йил нодавлат нафақа фондлари (ННФ)ни яратиш бўлиб, ушбу ҳужжатларда ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилди. Булар: Россия Президентининг 1992 йил 16 сентябрдаги 1077 - сонли фармони, нодавлат нафақа фондлари активларини бошқариш бўйича компаниялар фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом, нодавлат нафақа фондлари активларини сармоялаш муваффақият қоидаларидир. Фондлар портфелини диверсификациялаш бўйича қуйидаги талаблар қонунийлаштирилди. Ҳукумат қимматбаҳо қоғозларига фонд активларининг 30 фоизидан кам бўлмаган қисми қўйилиши лозим, бошқа объектларга сармоя ресурслари умумий суммасидан 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда маблағ қўйишга рухсат берилади. Ушбу қоидага асосан 2001 йили давлат қимматбаҳо қоғозларига ННФ активларининг 70 фоизига яқини, 2004 йили 50 фоизга яқин қисми, бошқа элементлар қимматбаҳо қоғозларига мувофиқ равишда 12 фоизи ва 30 фоизи сармояланди, маблағларнинг катта қисми ҳисоб-китоб ҳисоб варақчаларига мувофиқ ҳолда 3 фоиз ва 10 фоиз миқдорида жойлаштирилди. Шундай қилиб, бозор муносабатларига ўтиш билан бозор субъектлари қимматбаҳо қоғозларининг (таваккалчилик учун катта даромад олишга интилиши туфайли), шунингдек, (ҳисоб-китоб ҳисоб варақчаларидаги), ресурслар билан тез ҳаракат қилишга имкон берадиган шаклдаги маблағларининг бир қисми сифатида - кўчмас мулкнинг рейтинги тобора ортиб бормоқда.

ННФ маблағлари турлича таваккалчилик ҳафларига (мамлакат таваккалчилиги, бозор таваккалчилиги ва муайян молиявий восита таваккалчилиги) учрайди, шунга қарамайдан, омонатчи инфляция даражасига қараб индексация қилинган ўз маблағларини олади. Бундан ташқари, шартномада қўйилган капитал учун ўзининг барча мулки билан жавоб беради.

Жамғарма тизими қисмларини ёш гуруҳлари бўйича фарқлаб, аста-секин жорий этиш Россия Федерацияси меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан кўзда тутилган. Мажбурий жамғарма тизимини ёллаш бўйича ишлаётганларнинг ҳаммасини қамраб олади. Улар нафақасининг миқдори фақат иш берувчи томонидан ёзиладиган иш ҳақи ва сармоя даромадидан таркиб топадиган шахсий жамғарма миқдorigа боғлиқ бўлади. Етарли маблағларни тўплай олмаган фуқароларга давлат ижтимоий нафақа тўланишини таъминлайди. Уларнинг миқдори жуда кам бўлиб, бюджет ҳисобидан молиялаштирилади

Қисқача хулоса:

Ўзбекистон мустақиллик эълон қилинган дастлабки кунданок ижтимоий масалаларни қамраб олувчи бозор иқтисодиёти дастурини жаҳонга маълум қилди. Ўтиш даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаш тамоили Президентимиз стратегиясининг асосий қоидаларидан биридир.

Жаҳон мамлакатлари тарихига назар солар эканмиз, ижтимоий сиёсат у ёки бу давлатда: - иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш; - инсоний салоҳиятни сақлаб қолиш ва тарраққий эттириш; - жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юритилганлигини кузатамиз.

Республикада ижтимоий ҳимоя асосан кам таъминланган оилалар учун турли нафақалар бериш, аҳолининг баъзи гуруҳи учун имтиёзлар яратиш ва компенсация тўлаш, давлат ҳисобидан ёлғиз қария ва ногиронларни боқиш ва шу каби воситалар асосида амалга оширилади. Ўзбекистонда булардан ташқари норасмий ижтимоий ёрдам турлари ҳам мавжуд: уларга қариндошларнинг ўзаро ёрдами, миллий ва диний урф-одатлар асосида қилинадиган ёрдам, корхона ва идораларнинг вақт-вақти билан пенсионерларга ёрдам пули бериши киради.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ўтиш даври иқтисодиёти ҳукм сурган мамлакатларда янги нафақа тизими уч босқичдан таркиб топиши лозим: давлат кўпгина корхоналарнинг ушбу ажратмаларини амалга ошириш имкониятини камайтирди; Маҳаллий даражада йиғиладиган бадаллар шу тарзда қайта тақсимланаяптики, уларнинг 70 фоизи маҳаллий даражадаги нафақа тўловларига қолади, 30 фоизи эса, нафақа фондининг марказлаштирилган ҳисоб варағига келиб тушади; нафақа тизимининг бугунги ҳолатига қарамлик кофицентининг ўсиши (нафақахўрлар сонининг ишлаётганларига нисбатан ошиб бориши) каби омил таъсирини кўрсатади.

Назорат учун саволлар:

Бозор иқтисодиётига утиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш зарурияти нималардан иборат?

Ижтимоий ҳимоя деганда нимани тушунасиш?

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазифалари.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йуналишлари ва турлари қандай?

Чет эл мамлакатларни шу соҳадаги тажрибаси.

Ўзбекистонда натура ва пул трансфертлардан фойдаланишни ҳозирги ҳолатини ифодалаб беринг.

МДҲ мамлакатларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги тажрибасини биласизми?

Россия Федерацияси ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги тажрибаси қандай?

Натурал трансфертларни ижобий ва салбий натижалари қандай?

Пулли ижтимоий ёрдамга нималар киради?

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

Каримов И.А. «Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлларини излаб бориш - асосий вазифа» Халқ сўзи 2004й. 10 феврал.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилдик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» Халқ сўзи 2005 йил, 29 январь.

Игнатов В.Г., Батурин Л.А., Бутов В.И. Экономика социальной сферы. Ростов на Дону, 2005.

Ишмухамедов А.Э., Каланова М.З. «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» Маърузалар матни Т.: ТДИУ, 2005.

11. Боб. Ижтимоий таъминот

1. Ижтимоий таъминотнинг аҳамияти

Иқтисодий категория сингари ижтимоий таъминот бу муҳим тизим алоқалар тақсимланиши, бу жараёнда ҳам миллий даромаднинг бир бўлагини, шунингдек, жамоат фондидан фуқароларни моддий жиҳатдан таъминлашда фойдаланилади. Бу каби кенг қамровли ижтимоий таъминот жамиятнинг барча аъзоларини ундан махрум қилмайди.

Бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодий-ижтимоий тизимни ислоҳ қилишда аҳолини, айниқса ночор гуруҳларини аниқ манзили ва мақсадди ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барпо этилади. Бу тизимни асосини ижтимоий таъминот ва нафақа ташкил этади.

Нафақа - бу фуқароларнинг моддий шароитини таъминлаш, яъни қарилик, ногиронлик, узоқ муддатга белгиланган хизмат, шунингдек, боқувчисини йўқотганлиги билан боғлиқ.

Бошқа категориядаги фуқароларга қуйидаги ижтимоий нафақа берилади:

- вақтинча ишсизлик бўйича;
- ҳомиладорлик ва туғиш;
- туғилган чақалоққа;
- болани парвариш қилиш;
- ҳарбий хизматда ишлайдиганларнинг болаларига;
- ишсизлик нафақаси.

Шу ўринда таъминотнинг бошқа турлари ҳам мавжуд:

- мутахассислар малакасини ошириш;
- ишсизларни қайта ўқитиш;
- ногиронларни иш билан таъминлаш ва қайта ўқитиш;

Ногиронлар уйида, қариялар уйида, интернат мактабларида бепул ёрдам кўрсатиш;

- ногиронларни мото ва автомобиллар билан таъминлаш;
- ҳар хил ташкилотларнинг ёрдами.

Ижтимоий таъминот бу - бепул тиббий ёрдам кўрсатиш бўлмай, балки даволаниш, бепул ўқиш кабиларни ўз ичига олади, чунки бу маданий ва ижтимоий тадбирларни амалга оширишда кенг қўлланилади. Бу каби ҳуқуқлар инсонларнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилади. Бу каби ҳуқуқлар қариялар, беморлар, меҳнатга лаёқатини йўқотганларга берилади. Бунинг учун маблағ ажратилади. Ижтимоий таъминот учун етарли даражада асос йўқ. Ижтимоий таъминотни ижтимоий суғурта тушунчасининг паралели деб тушуниб бўлмайди. Ижтимоий тадбирлар учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Ижтимоий суғурта бу асосан ижтимоий суғурта фондидан ажратилади. Ижтимоий таъминот давлат томонидан ажратилганлиги, нафақа фонди, ижтимоий суғурта фондлари орасида ҳеч қандай характерли аҳамияти йўқ. Ижтимоий суғурта доим

ижтимоий таъминот билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ижтимоий таъминотнинг шакллари билан бири ҳисобланади.

Ижтимоий таъминотнинг асоси инсонпарварлик туйғуларига боғлиқлиги бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. *Умумийлик* - ижтимоий таъминотни оммалаштириш учун миллати, ёши, жинси, мавкеидан қатъий назар, меҳнаткашларнинг ишга яроқли ёки ногирон эканлигини таъминлайди.

Умумийликнинг асоси бўлиб ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, фермерлар, харбийлар, ўқувчилар ва бошқалар ҳисобланади. Ижтимоий таъминотни ҳамма ишга яроқсизлар, оила боқувчилари, ўлганлар, вояга етмаган болалар, ўғил-қизлар, неваралар, қариялар, меҳнатга яроқсиз аёллар, ота-бобо, буви ва бошқалар оладилар.

2. *Ҳаммабон шарт* - бу ҳуқуқ у ёки бу нафақа олиш имкониятига эга бўлмаганларга тегишли, ўрта ёш 70 йил деб белгиланган эркакларда, қарилик ва аёлларда 55 ёш, оғир ишда ишлайдиганларга - эркакларга 50-55 ёш, аёлларга 40-50 ёш. Бу нафақани олиш учун эркакларнинг иш стажы 25 йил, аёлларники 20 йил. Оғир ишда ишлайдиганларга стаж бундан ҳам камроқ бўлади.

3. *Ўтган меҳнатига тегишли таъминот шакллари ва катта кичикликлари*. Бунга меҳнат билан боғлиқ иш стажини узайтириш, иш шартлари, маоши ва бошқа омиллар киради. Бу услуб ижтимоий таъминот инъикоси сифатида гавдаланади, нафақалар ва бошқа турдаги кўринишлари маошдан ҳисобланади.

4. *Таъминотнинг турли хил катта кўринишлари ва ёрдам бериш*. Бу нафақалар турли хил: соғлиқни сақлаш тадбирлари, оғоҳлантириш, касалликнинг олдини олиш, ногиронлар ва қариялар уйи, велоколяска, автомобиллар билан таъминлашга қаратилади.

5. *Ташилотнинг демократик таснифи ва бошқарувда ижтимоий таъминотнинг ҳамма саволларига жавоб беради*. Бунда асосан мутахассислар уюшмаси муҳим аҳамиятга эга. Нафақа тайинлангаётганида комиссиядан ўтади (касаба уюшмалари) ва махсус ҳужжатлар комиссияда туради. Ижтимоий таъминотда меҳнаткашлар катта комиссиядан ўтадилар.

Боқувчисини йўқотган болаларнинг бирон бир мутахассисликни эгаллашига кўмак бериш мақсадида нафақалар ажратилади. Нафақа ҳақидаги фуқароларнинг мулкларини тақсимлашда, оғир шароитларда ишлайдиганларга - тоғ, металлургия, кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда мутахассисларга енгиллик яратади, яъни соғлиққа тааллуқли бўлган масалаларни ҳал қилади.

2. Ижтимоий таъминот белгилари

Ижтимоий таъминот белгилари 1990 йилгача, ишчилар ва хизматчиларнинг ижтимоий суғуртаси саналган, колхозчиларники эса

марказлаштирилган уюшма фонди колхозчиларининг ижтимоий суғуртаси саналган.

Қолган таъминотлар ижтимоий суғуртадан белгиланади. Бу тизимларни бошқаришда ижтимоий таъминот учун ажратиладиган маблағлар кафолатланган, бозор иқтисодиёти даврида қаттиқ назоратга олина бошланди. Ижтимоий таъминот учун давлат бюджетида кўрсатилган фонддан ишлатилади.

Ўзбекистонда ижтимоий таъминотнинг асосий манбаи давлат бюджети суғурта жамғармаси, корхона ва жамоат ташкилотлари ажратаётган маблағлардан ташкил топади.

Бюджет ҳисобидан тиббий, меҳнат, эксперт комиссиялар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун ҳам ишлатилади. Шунингдек, бюджетда шахсни ишга қайтариш учун шартлар қўйилади ва ишчининг ижтимоий ҳолатини таъминлаш кафолатланади. Ҳисобланган нафақалар қўпайтириб борилади.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазасида жуда кўп турли нафақалар мавжуд. Бу нафақалар вақтинча ишсиз юрганлар, ҳомиладорлар, бола туғилганда болага қараш қабилаарга берилади.

Вақтинча ишсизларга бериладиган маблағ давлат ижтимоий суғуртасига боғлиқ. Вақтинча ишсизларга, яъни меҳнат қилган ерида касалланган бўлса, иш стажининг танаффусидан қатъий назар, бошқа пайтларда иш стажининг танаффусисиз бўлишига қараб маблағ берилади. 3 йил бўлса 50 фоиз, 3 йилдан 5 йилгача 60 фоиз маош, 5 йилдан 8 йилгача ва саккиздан юқорисига 100 фоиз маош белгиланади. Ишчи ва хизматчиларга, 19 ёшга тўлмаганларга 60 фоиз маош тўланади. Иш стажининг танаффусидан 100 фоиз маош Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига берилади. Меҳнатга лаёқатсизлик учун 90 фоиз ўртача ойлик маоши ҳисобида белгиланади.

Қисқача ушбу нафақалар иловасини кўриб чиқамиз:

1. Ҳомиладорлик ва туғилишига бериладиган нафақалар: - Ижтимоий суғуртага тегишли ташкилотда бола туғилиши билан боғлиқ ҳолда 12 ой давомида ишдан бўшаганлиги учун ва шу кундан ишсиз деб белгиланганларга:

ўрта, олий ўқув юртларида ўқийдиган аёлларга;
ҳарбий хизматга шартнома асосида кирган аёлларга;
чет эл ҳудудида ҳарбий хизматларда ишлайдиган аёлларга;
бола асраб олиш қаби ҳолларда берилади.

Кўрсатилган нафақалар ҳомиладаорлик ва туғишигача 70 кун қолган (оғир туғишига 86, 2 ёки 3 дан ортиқ болаларга 110 кун) туғишидан кейин таътил ёзилади, туғиш даврига қадар фойдаланилган кунга қадар.

1. Ҳомиладорлик, туғишга қўлланиладиган нафақалар ишлаш жойидаги ўртача ойлик ҳисобидан давлат ижтимоий суғуртасига тегишли чет эл ҳудудида ҳарбий хизмат ўтайдиган аёлларга берилади.

2. Ташкилот ёки муассасаларни ёпилиши билан боғлиқ ҳолда ишсиз деб белгиланган аёлларга меҳнат ҳақининг энг кам миқдорда нафақа белгилаш.

3. Ўрта ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган аёлларга берилади.

4. Пулли таъминот - аёлларнинг ҳарбий хизматни шартнома асосида ўтаган, шунингдек ички ишларда ишлаган аёлларга берилади.

Ҳар бир туғилган болага нафақа тайинлаш (3 ойгача асраб олинган бўлса) туғилган ёки асраб олинган бола сони 2 ёки ундан ортиқ бўлса, у ҳолда ҳар бир бола бошига қараб нафақа белгиланади.

Агар фарзанд туғилган пайтда ўлиб қолса, унда нафақа берилмайди. Бола туғилган кундан бошлаб ҳар 15 кунда нафақа тўланади. Фарзандни вояга етказиш учун 1,5 йил таътил белгиланади.

Оналар, оталар, қариндошларга болага қараш учун давлат ижтимоий суғурта томонидан амалий равишда нафақа белгиланади:

-ўрта ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган оналарга;

-ҳарбий хизмат соҳасини шартнома асосида, ички ишларда ишлаган оналарга берилади;

-болага бериладиган ҳар ойлик нафақа - ота-оналардан бирига 10 ёшгача бирга яшайдиганларга берилади.

-Ритуал хизмат - бунда оилада кўз юмганлар маъракаларига ёрдам нафақаси ажратилади.

Ишсизлик нафақаси - бу нафақа асосан ишини, маошини йўқотган шахсларга берилади. Фуқароларнинг ишсиз деб белгиланган кундан бошлаб қонунда қайд этилганидек, бўлган тақдирда берилади.

Ишсиз деб белгиланган фуқароларга нисбатан бериладиган нафақалар: Ишсиз фуқароларга, турли сабаблар билан ишдан бўшаган фуқароларга 12 ой давомида, ҳарбий хизматдан, ички ишлардан бўшаганларга ишсиз деб белгиланиб, биринчи 3 ойликни 75 фоиз ўртача ойлик ҳисобида қайд қилиниши керак. 4 ой давомида 60 фоиз, ундан сўнг 45 фоиз, бошқа бир пайтда иш ҳақининг энг кам миқдорда нафақа белгиланади.

Турли хил сабаблар билан 12 ой давомида ишдан бўшаганлиги, лекин 26 календар ҳафтасида тўланадиган иш ҳақи ойлик иш ҳақининг энг кам миқдорида белгиланади.

Иш қидириб юрган фуқароларга нисбатан ҳам иш ҳақининг энг кам миқдоридаги тарзида белгиланади. Бу каби шартлар ва нафақалар ишсизларга берилади. Бу каби ишсизларга коммунал ёрдам жамоат транспортларида юриш, соғлиқни сақлаш кабиларга ёрдам беради. Ишсизлик нафақаси олганларга даромад солиғи ва суд маҳкама ишларида ёрдам берилади. Нафақа давомийлиги ҳар ўтиш даврида 12 ой ичида 18 календарь ҳафтасида кўтарилмайди. Ишсизлик нафақаси миқдори иш ҳақидан кам бўлади, лекин тирикчилик қийматининг ўзгаришига, аниқроғи нарх-навога қараб қайта кўрилади. Ишсизлик нафақаси биринчи бор ғарб

мамлакатларида жорий қилинган. Бу мамлакатларда ишсизлик нафақаси давлат бюджети ҳисобидан ёки корхона ва ташкилотларнинг ўз даромади ҳисобидан тўланади. Ишсизлик нафақаси вақтинча берилади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Вақтинча иш билан таъминланмаган шахсларга ижтимоий мадад беришга катта эътибор берилмоқда. Шу қонунга асосан ишсизларга махсус нафақани тўлаш йўлга қўйилган, уларни қайта ўқитиш ва янги касбларга ўргатиш ташкил этилган.

3. Ўзбекистонда ижтимоий таъминотнинг ривожланиш концепцияси

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий таъминот тизими мавжуд иқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг моддий ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуини қамраб олган.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотлар дастуридаги узлуксиз устивор йўналишлардан бирига, яъни ислохотларнинг ҳамма босқичларида устувор ҳисобланадиган вазифалар қаторига киради. Кучли, ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан биридир.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг асосий манбаи давлат бюджети, ижтимоий суғурта жамғармаси, корхона ва жамоат ташкилотлари ажратаётган маблағларидан ташкил топади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишда барча хайрия жамғармаларининг («Наврўз», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Саломатлик ва меҳр-шафқат» ва ҳоказо) иштироки бор.

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид бир неча қонунлар, ногиронларни қўллаш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди ва жорий қилинди. Оқибатда бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий - иқтисодий тизимни ислох қилиш даврида аҳолини, айниқса, ночор гуруҳларни аниқ, манзилли ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барпо этилди.

Ижтимоий таъминот тизимида Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, 12 вилоят ва Тошкент шаҳри ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, 233 туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлими, 34 қариялар ва ногиронларнинг интернат уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионати, «Олти-ариқ» ва «Товоқсой» санаторийлари, «Ортопедия» илмий - тиббий-техникавий мажмуаси, унинг вилоятлардаги устахоналари, ҳар бир туманда ижтимоий ҳимоя бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда. «Ортопедия» харажат тадбирлари 21,8 фоиз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ажратилди.

Республикада ижтимоий ҳимоя асосан кам таъминланган оилалар учун турли нафақалар бериш, аҳолининг баъзи гуруҳлари учун имтиёзлар яратиш, давлат ҳисобидан ёлғиз қария ва ногиронларни боқиш ва шу каби воситалар асосида амалга оширилади. Ўзбекистонда булардан ташқари норасмий ижтимоий ёрдам турлари ҳам мавжуд; уларга қариндошларнинг ўзаро ёрдами, миллий ва диний урф-одатлар асосида қилинадиган ёрдам, корхона ва идораларнинг вақти-вақти билан нафақахўрларга ёрдам пули бериши киради. Бундай ёрдамлар фақат меҳнатга лаёқатсизларга эмас, балки кам таъминланган кўп болали оилаларга, бева-бечораларга ҳам берилади. Ўзбекистонда Республика аҳолисини 2010 йилгача мўлжалланган ижтимоий ҳимоя тизимининг ягона концепцияси ишлаб чиқилган. Унда Республикада мавжуд бўлган ижтимоий ҳимояга ва ижтимоий ёрдам тизими - нафақа таъминоти, болаларга нафақа, ёлғиз кексаларга хизмат кўрсатиш, ногиронларни протез - ортопедия буюмлари, ҳаракат воситалари билан таъминлаш, шунингдек, тиббий, меҳнат реабилитация ва клиникаси Ўзбекистон Республикасидан ташқари қўшни қозоғистон, Тожикистон ва қирғизистон Республикаларидан келган беморларга хизмат кўрсатмоқда. Аҳоли, нафақа, шунингдек, санаторий, пансионатлар, дам олиш уйлари ва базалари, болалар лагерлари, прафилаторийлар, пархез таомлар, саёҳат йўлланмалари билан давлат томонидан таъминланади.

Мамлакат иқтисодиёти бозор муносабатлари тартибига ўта бошлагач, нафақа таъминотида ҳам ислохотлар ўтказилиши бошланди. қарилик нафақаси 25 йиллик меҳнат стажига эга бўлган 60 ёшлик эркекларга, 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган 55 ёшга кирган аёлларга берилади. Ногиронлик нафақаси меҳнат қилиш қобилиятини вақтинча ёки узоқ вақтга йўқотган ишчи-хизматчилар ва бошқаларга тайинланади. Боқувчисини йўқотган оила аъзоларига бериладиган нафақа ишчи-хизматчи, нафақахўрларнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига берилади. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида»ги қонунида фуқароларга қарилик, боқувчисини йўқотганлик, шахсий ва ижтимоий нафақалар тайинлаш кўзда тутилди ва нафақаларга бериладиган устамалар бир тизимга солинди. Республика олдида алоҳида хизмат кўрсатганларга, маданият, фан ва техника соҳасида хизмати катта бўлган шахсларнинг нафақаларига қонунчилик ва ҳукумат қарорлари билан қўшимчалар ва имтиёзлар бериш жорий қилинди. Мавжуд шахсий нафақалар ва бундай нафақа олувчилар ва уларнинг оила аъзоларига бериладиган имтиёзлар (турар жой, коммунал хизмат ҳақлари ва электр энергияси ҳақининг 50 фоиз ни тўлаш ва бошқалар) сақланиб қолди.

Шунингдек, ижтимоий суғурта жамғармаси, ижтимоий нафақалар, даромадлар индексацияси каби янги тузилмалар амал қила бошлади. Амалдаги ижтимоий таъминот тизими болалар учун нафақалар,

ногиронлар учун имтиёзлар, ёлғиз кексалар ва ногиронларни давлат ҳисобига боқиш, ёлғизларга хизмат кўрсатиш, ижтимоий ёрдам каби нафақа турларидан иборат.

Ижтимоий ёрдам кўрсатишда давлат тизими ва хизмат идоралари, жамоат бирлашмалари ва хайрия ташкилотлари иштирок этмоқда. Давлат тизими хизматини ижтимоий таъминот вазирлиги ва унинг бўлинмалари, нафақа жамғармаси, молия вазирлиги ва уларнинг жойлардаги хизмат идоралари олиб боради.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барчаси жамият аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда ижтимоий барқарорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу жумладан, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ҳам аҳолининг ўтиш даври давомидаги ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлигини таъминлашни кўзда тутди. Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши босқичлилиқ тавсифига эга бўлиб, унинг асосий босқичлари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

I босқич - 1991-1994 йиллар;

II босқич - 1994-1997 йиллар;

III босқич - 1997 йилдан ҳозиргача.

Бу босқичларнинг асосий мақсади, уларда кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам турлари ва асосий хусусиятлари бўйича ўзаро тафовутини яққол тасаввур этиш учун жадвал кўринишида ифодалаш мақсадга мувофиқдир (7-жадвал). Жадвалдан кўринадики, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки палласи учун биринчи босқичдан кўзланган асосий мақсад - бу ишлаб чиқаришнинг пасайиши ҳисобига ишсизликни юқори даражасига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик эди. Бу босқичда амалга оширилган ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос томони шундаки, аҳоли даромадлари индексация қилинди, асосий истеъмол товарлари талонлар ёрдамида берилди. Бу ижтимоий сиёсат аҳолининг барча қисмини қамраб олган эди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож яна бир гуруҳ - олийгоҳ кундузги талабаларига бир маҳал овқатланиш учун талон берилди. Барча учун умумий тарзда қўлланилган ижтимоий ёрдам ўтиш даврининг салбий таъсирини юмшатиш учун хизмат қилди. Бу даврда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши расман ишчи кучи бозорини ташкил этиш ва шакллантиришда, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилишда ўз аҳамиятига эга бўлди.

II босқичнинг асосий мақсади - бу ишлаб чиқариш ҳажмини барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашда давлат кафолатлари сақланиши, ижтимоий дастурларга мўлжалланган ижтимоий харажатларни пасайтирмаслик эди.

Ўзбекистонда 1994 йил 1 июлдан миллий валюта - сўмнинг муомалага киритилиши шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб болали оилаларга давлат

кафолатларини кучайтириш мақсадида республикада болали аҳолини ягона тизимдаги давлат ижтимоий ёрдамнинг бир қатор нафақаларидан фойдаланиш имконини берди (27-жадвал).

Бу босқичнинг асосий хусусияти умумий ижтимоий ҳимоядан аниқ, йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишнинг маҳалла тизимига ўтилгани бўлди. Бу ижтимоий ҳимояни амалга оширишда кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни тартибга солиш учун муҳим босқич ҳисобланди.

III босқичнинг ижтимоий сиёсатдаги асосий мақсади бу - иқтисодий ўсиш, ЯММни ўсиши, аҳоли яшаш даражасини ошириш ва манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтиришдир. 1997 йилнинг январидан бошлаб манзилли ижтимоий ёрдамни кучайтириш мақсадида нафақалар фақат муҳтож оилаларга ва яшаш жойидаги маҳаллий кўмиталари томонидан берилди. Бу нафақаларни молиялаштириш манбаси сифатида Давлат бюджети ҳисобланган.

Қуйида давлат бюджетининг ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари келтирилган (6-жадвал).

Ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатларда ижтимоий харажатларга бўлган талаб қисқармасдан балки ошиб бормоқда, бу асосан ишсизлик ошиши ҳисобига рўй бермоқда.

Ривожланган мамлакатларда эса ижтимоий харажатларнинг ошиши:

1) Ижтимоий мақсадларга қилинадиган умумий харажатлар ўсиб бораётганлиги (аҳоли кексайиб бораётганлиги), шунингдек ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тармоқларда (соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар), янги қимматбаҳо технологиялар ва замонавий ускуналар жорий этилаётганлиги билан;

2) Умумий харажатларда давлатнинг ҳиссаси ошиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Шу сабабли мазкур мамлакатлар учун харажатларнинг янада кўпайиши ва солинаётган маблағларнинг самарадорлигини ошириш биринчи навбатда тўрган вазифалардир.

Ҳозирги вақтда Республика аҳолисига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам турлари 27-жадвалда ифодаланган.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий босқичлари

Босқичларни тавсифловчи жиҳатлар	I босқич (1991-1994 йй.)	II босқич (1994-1997 йй.)	III босқич (1997 й. дан ҳозиргача)
Асосий мақсади	Ишлаб чиқаришнинг пасайиши ҳисобига ишсизликни юқори даражасига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик	Ишлаб чиқариш ҳажмини барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашда давлат кафолатлари сақланиши, ижтимоий дастурларга мўлжалланган ижтимоий харажатларни пасайтирмаслик	Иқтисодий ўсиш, ЯММнинг ўсиши, аҳоли яшаш даражасини ошириш ва манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш
Ижтимоий ёрдам турлари	-болалари 1,5 ёшга етгунга қадар (ишловчи ва ишламайдиганларга турли хил ставка бўйича); -ҳарбий хизматдагиларнинг болаларига; -собик болалар уйидаги ёлғиз оилаларга; -6 ёшдан 16 ёшгача боласи бор ёлғиз оилаларга (ўқувчиларга 18 ёшгача); -6 ёшгача ва 6 ёшдан 18 ёшгача болали, ота-онаси алимент тўлашдан воз кечса (турли хил ставка бўйича); -нафақа ва пенсия олмайдиган, болалари 16 ёшгача бўлган оилалар. Мактаб кийимлари ва болалар кийимларига нархнинг ошиши муносабати билан вояга етмаган боласи бор оилаларга ҳар квартал учун компенсация тўловлари:	- барча 16 ёшгача боласи бор оилаларга ойлик нафақалар; -бола туғилгани учун 2 минимал ойлик иш ҳақи миқдоридаги нафақа; -оилаларга, болалари 2 ёшга киргунча минимал иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридаги ойлик нафақа. 16 ёшгача боласи бор оилаларга дастлаб боласи сонига боғлиқ равишда минимал иш ҳақиға нисбатан тўланган. Дастлабки куйидаги ўлчовдан фойдаланилган: 1 та болали оилаларга - минимал иш ҳақининг 10%; 2 та болали оилаларга - минимал иш ҳақининг 20%; 3 тадан 4 тагача - минимал	1.Болали оилаларга нафақалар, шу жумладан: -бола туғилганда; - бола 2 ёшгача тўлгунча; -16ёшгача боласи бор кам таъминланган оилаларга. 2.Ижтимоий нафақалар: -болалиқдан ногирон ва ногиронларнинг бошқа тоифаларига; -ишламаган қарияларга; - боқувчисини йўқотган оилаларга. 3.Ижтимоий таъминот муассасалари-ни сақлашга (қариялар ва ногиронлар уйлари, касалманд болалар интернатлар ва бошқалар). 4.Турли имтиёзлар транспорт воситалари ва ногиронлар

	-6 ёшгача болаларга; - 6 ёшдан 13 ёшгача болаларга; -кундузги умумтаълим мактабларида 13 ёшдан катта болаларга; -озик-овқат билан таъминланмаган ПТУ	иш ҳақининг 40%; 5 та ва ундан юқори - минимал иш ҳақининг 50% миқдорида. Нафақалар ҳажми кўпайган ва	аравачаларини бепул ёки нархини арзонлаштириб бериш, санатория-курортларга бепул йўлланмалар билан таъминлаш, солиқ имтиёзлари ва бошқалар.
	ўқувчиларига; -13 ёшдан 18 ёшгача техникум, олийгоҳ талабаларига; -кам таъминланган оиладаги 2 ёшгача болаларни овқатлантириш учун; Умумтаълим мактабларида 1-5 синфгача болаларга бепул нонушта; 3 ёшгача болаларга бепул дори-дармон; болаларга қараётган ишловчи оналарга компенсация тўловлари.	ҳозирда қуйидагича: 1 та болали оилага - минимал иш ҳақининг 50%, 2 та болали оилага -минимал иш ҳақининг 100%, 3 та болали оилага - минимал иш ҳақи 140%, 4 та болали ва юқори -минимал иш ҳақининг 175% миқдорида.	5.Кам таъминланганлик нафақалари.
Асосий хусусияти	Аҳоли даромадларининг индексация қилиниши, асосий истеъмол товарларининг талонлар ёрдамида берилиши. Ижтимоий сиёсат аҳолининг барча қисмини қамраб олиб, ўтиш даврининг салбий таъсирини юмшатиш учун хизмат қилиши.	Умумий ижтимоий ҳимоядан аниқ, йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишнинг "Маҳалла" тизимида ўтилиши	Аниқ, йўналтирилган ижтимоий ёрдамни кучайтириш мақсадида нафақаларнинг яшаш жойидаги маҳалла кўмиталари томонидан фақат муҳтож оилаларга берилиши

Аҳоли даромадлари даражасини Ўзбекистондаги этник гуруҳлар доирасида олиб қаралса, Европа халқларига мансуб оилаларнинг 20% қисми кам даромадли ҳисобланса, миллий оилаларнинг эса 54% кам даромадли ҳисобланади. Ўзбекистонда нисбий ва мутлақ камбағалликни ажратиш жуда қийин бўлиб, улар маҳаллий бошқарув органлари - маҳаллалар ёрдамида аниқланади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда 500 мингга яқин оилалар даромад даражаси жиҳатидан жуда ночор. Бу барча уй хўжаликларининг 12%, барча мамлакат аҳолисининг 13-15% ни ташкил этади. Тадқиқот натижалари мутлақ камбағалларнинг асосий қисмини қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳоли ташкил этишини кўрсатди¹.

Қисқача хулосалар

Иқтисодий категория сингари ижтимоий таъминот бу муҳим тизим алоқалар тақсимланиши, бу жараёнда ҳам миллий даромаднинг бир бўлагини, шунингдек, жамоат фондидан фуқароларни моддий жиҳатдан таъминлашда фойдаланилади. Бу каби кенг қамровли ижтимоий таъминот жамиятнинг барча аъзоларини ундан маҳрум қилмайди.

Бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодий-ижтимоий тизимни ислоҳ қилишда аҳолини, айниқса ночор гуруҳларини аниқ манзили ва мақсадди ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барпо этилади. Бу тизимни асосини ижтимоий таъминот ва нафақа ташкил этади.

Ижтимоий таъминот бу - бепул тиббий ёрдам кўрсатиш бўлмай, балки даволаниш, бепул ўқиш кабиларни ўз ичига олади, чунки бу маданий ва ижтимоий тадбирларни амалга оширишда кенг қўлланилади. Бу каби ҳуқуқлар инсонларнинг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилади. Бу каби ҳуқуқлар қариялар, беморлар, меҳнатга лаёқатини йўқотганларга берилади. Бунинг учун маблағ ажратилади. Ижтимоий таъминот учун етарли даражада асос йўқ. Ижтимоий таъминотни ижтимоий суғурта тушунчасининг паралели деб тушуниб бўлмайди. Ижтимоий тадбирлар учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Ижтимоий суғурта бу асосан ижтимоий суғурта фондидан ажратилади. Ижтимоий таъминот давлат томонидан ажратилганлиги, нафақа фонди, ижтимоий суғурта фондлари орасида ҳеч қандай характерли аҳамияти йўқ. Ижтимоий суғурта доим ижтимоий таъминот билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ижтимоий таъминотнинг шаклларида бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий таъминотнинг асосий манбаи давлат бюджети суғурта жамғармаси, корхона ва жамоат ташкилотлари ажратаётган маблағлардан ташкил топади.

Бюджет ҳисобидан тиббий, меҳнат, эксперт комиссиялар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун ҳам ишлатилади. Шунингдек, бюджетда шахсни

¹ Экономическое обозрение, 1999, №22с.

ишга қайтариш учун шартлар қўйилади ва ишчининг ижтимоий ҳолатини таъминлаш кафолатланади. Ҳисобланган нафақалар қўпайтириб борилади.

Ижтимоий таъминотнинг ислоҳ қилиниши, янги мулкчилик шакллари пайдо бўлиши аҳоли даромадлари таркибига катта таъсир ўтказилди. Унда меҳнат фаолиятининг фақат бозор шаклларидадан-тадбиркорлик, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятидан, фермер хўжаликларида ишлашдан олинган даромадлар, мол-мулкдан олинган даромадлар катта ўрин эгалламоқда.

Назорат учун саволлар

Ижтимоий таъминот тушунчаси қандай?

Фуқароларга қандай ижтимоий нафақалар берилади?

Ўзбекистонда ижтимоий таъминотни асосий манбалари.

Ишсизлик нафақаси билан таъминланиш зарурияти нимадан иборат?

Ишсиз фуқаролар деб кимлар ҳисобланади?

Ўзбекистонда ижтимоий таъминотнинг ривожланиш концепцияси нималардан иборат?

Ўзбекистонда қандай хайрия жамғармаларини биласиз?

Ижтимоий жамғармаларни фаолияти нималарга йўналтирилган?

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатни босқичлари қандай?

Россия Федерациясини шу соҳадаги тажрибасини биласизми?

Тавсия этилган адабиётлар:

«Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни. Халқ сўзи, 1993 йил, 14 сентябрь.

Каримов И.А. Биз танлаган демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Халқ сўзи. 2003 й., 25 апрел. № 88.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

Каримов И.А. Ўзбекистон: барқарор ривожлантириш йўллари. Т. 2002.

Ишмухамедов А.Э., Каланова М.З. «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» Маърузалар матни Т.: ТДИУ, 2005.

12. Боб. Нафақа таъминоти

Нафақа таъминотининг шарт-шароитлари

Ўзбекистон нафақалар ва компенсация тўловлари ягона кенг тизимининг бир қисми бўлган нафақа тизимини мерос қилиб олди. Давлат нафақа таъминоти тизими «**Солидар авлодлар тамойили**»га асосланган эди, бунда мавжуд нафақахурларга жорий нафақа тўловлари, ишлаётганларнинг жорий нафақа бадаллари ҳисобидан амалга оширилган.

Режали иқтисодиёт шарт-шароитларида бундай тартибнинг амал қилиши етарли даражада самарадор бўлган. Хусусий мулкчиликнинг йўқлиги, қайд этилган нархлар ва ресурсларнинг давлат томонидан тақсимланишини нафақахурлар учун кафолатли яшаш манбаини таъминлаган. Бошқарувнинг маъмурий - буюруқбозлик шароитларида давлат суғурта улуши катта бўлган. Бозор иқтисодиётига ўтиши билан бу тизимнинг янги шароитга мослашмаганлиги ва ўз вазифасини бажара олмаётганлиги тобора кўзга ташланмоқда.

Нархларни эркинлаштириш, корхоналарни давлат тассаруфидан чиқариш шунингдек, Ўзбекистоннинг демографик хусусиятлари (аҳолини сўнгги рўйхатга олиш бўйича, аҳолининг 51 фоизга яқинини 19 ёшгача бўлганлар ташкил этади) ва табиий шарт-шароитлар (кўпгина қишлоқ хўжалик ҳудудларида ер ва сувнинг тақчиллиги) иш билан банд бўлган, шунингдек тўлиқ бўлмаган иш кунда ишлайдиган аҳолининг кўпайишига олиб келди. Натижада бюджетга келиб тушадиган солиқ тушумлари ҳажми кескин камайиб кета бошлади.

Ҳозирги вақтда умуман олганда Ўзбекистонда нафақа олиш ҳукуқи умумий ҳаммага мансуб бўлиб, ёш бўйича тўланадиган нафақалардан ташқари, ижтимоий нафақалар, меҳнат шароитларига қараб, шунингдек давлат олдидаги алоҳида хизматлари учун белгиланадиган кўплаб имтиёзли нафақалар мавжуд.

Амалдаги нафақа тизими нафақахурларнинг ўсиб бораётган сонини молиялаштиради. Ривожланган мамлакатлардан фарқ қилувчи демографик вазиятга эга бўлган тақдирда ҳам, нафақа жамғармаси «Омонатчилар» сони камайиб бориб, тақчилликнинг ўсаётганлиги туфайли нафақахўрни кексалик даврида узоқ вақт бекаму-кўст таъминлай олмайди.

Шунингдек, собиқ нафақа тизими янги омилларга мослашишига улгурмайди, бунинг натижасида уни ислоҳ қилиш зарурати туғилади.

қарамлик ва ўрнини тўлдириш коэффицентларининг ўзгариши нафақа таъминоти тизимини ислоҳ қилиш заруриятининг тобора ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Бир қанча ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, ижтимоий ҳимоялашнинг самарали механизми бозор томони динамик силжишни кафолатлайди, тузилмавий қайта қуриш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш қисмини амалга оширишга ёрдам беради. Ижтимоий таъминотда давлат улуши билан

жамғарма механизмининг оптимал биргаликда олиб борилиши фуқароларга ўз кексалиш молиявий таъминотни мустақил танлашга имкон беради. қуйидаги 28-жадвалда хорижий мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда нафақага чиқиш ёшлари келтирилган.

28-жадвал

Айрим мамлакатларда нафақага чиқиш ёши

Мамлакатлар	Эркаклар	Аёллар
Австралия	65	60
Австрия	65	60
Буюк Британия	65	60
Дания	67	67
Испания	65	65
Канада	65	65
Нидерландия	65	65
Норвегия	65	65
АҚШ	65	65
Португалия	65	62
Финландия	65	65
Франция	65	65
Германия	65	65
Швейцария	65	62
Швеция	65	65
Чили	65	60
Япония	65	65
Африка бўйича ўртача	58	56
Ўзбекистон	60	55

Манба: Давлатлараро МДХ статистик қўмитаси, демографик йилнома.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кўпгина ривожланган давлатларда нафақа ёши юқори. Масалан, АҚШ да эркаклар ва аёллар учун ҳам нафақага чиқиш ёши 65 ёш. 2003 йилдан нафақага чиқиш ёши 67 ёш қилиб белгиланади. Данияда нафақага чиқиш ёши аёллар ва эркаклар учун ҳам 67 ёш қилиб белгиланган. Африка бўйича ўртача нафақага чиқиш ёши эркаклар учун 58 ёш, аёллар учун 56 ёш. Бу ривожланган мамлакатларда нафақага чиқиш ёшининг баландлигига сабаб, биринчидан, аҳолининг ўртача ёши юқорилигидир, иккинчидан эркаклар ва аёлларни нафақага чиқиш ёши бир хиллиги уларни ўртача ёши бу мамлакатларда деярли бир хил. Юртимизда эса эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун эса 55 ёш. Бунинг сабаби биринчидан, халқимизни ўртача ёшининг пастлигидир. Аёлларимизнинг ўртача умри эркакларникидан паст эмас, чунки аёллар юртимизда қадрланади. Мустақиллигимизнинг кейинги йилларида

ҳалқимизнинг ўртача умри анча узайди. Уни қуйидаги 29-жадвал материалларидан кўриш мумкин.

29-жадвал

60 ёшдан ошган аҳолининг фоиз ҳисобидаги таркиби

Мамлакатлар	1990 й.	2002 й.	2005 й.
Қозоғистон	10%	17%	26%
Қирғизистон	9%	12%	23%
Ўзбекистон	6%	10%	22%
Россия	17%	24%	28%
Украина	19%	25%	28%
Германия	20%	30%	33%
Япония	17%	31%	34%
АҚШ	17%	25%	29%
Чили	9%	16%	26%
Хитой	9%	16%	26%
Африка бўйича ўртача	5%	6%	11%

Манба: МДХ давлатлараро статистик қўмитаси, демографик йилнома.

29-жадвалда 60 ёшдан ошган аҳолини фоиз ҳисобидаги таркиби айрим мамлакатлар бўйича 1990 йил, 2002 йил, 2005 йил бўйича акс эттирилган. Бу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 60 ёшдан ошганлар йил сайин ошиб боради. Бу нафақа тизимининг ишини такомиллаштиришни тезлаштиради. Масалан: АҚШ да кўрсаткич 1990 йилда 17 фоиз бўлиб, 2002 йилда 25 фоиз, 2005 йилда 29 фоиз бўлади. Японияда 1990 йилда 17 фоизни, 2002 йилда 31 фоизни, 2005 йилда 34 фоизни бўлишини кузатишмоқда, Россияда бу натижа 1990 йил 17 фоиз, 2002 йилда 24 фоиз 2005 йилда 28 фоиз ўсиши кутилмоқда. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 1990 йилда 6 фоизни, 2002 йилда 10 фоизни, 2005 йилда 22 фоизни кўпайиши мўлжалланган. Бу ўсиш нафақа тизими ислохотини тезлаштиришни талаб қилади.

Қуйидаги маълумотлар 30-жадвал Марказий Осиё давлатлари бўйича ҳаётнинг ўртача давомийлиги 65 ёш ва ундан ошганлар учун ҳамда нафақахурларнинг ҳаёт давомийлигини ифодалайди.

30-жадвалда 65 ёш ва ундан ошганлар учун ҳаётнинг ўртача давомийлиги акс эттирилган. Бунга мисол сифатида бир қанча МДХ давлатлари ва 3 та ривожланган мамлакатни мисол қилиб олдик.

Россияда ҳаётни ўртача давомийлиги эркакларни 65 ёш ва ундан ошганлари 10.7 ёшни эркаклар бўйича, аёлларда эса 14.9 ёшни ташкил қилади. қозоғистонда эркаклар 12.4 ёшни, аёллар 16.2 ёшни ташкил қилади. Қирғизистон ва Туркманистонда ҳам натижа шунга яқин. АҚШ, Германия, Австралияда бу натижа юқоридир. Масалан, Германияда эркаклар ҳаётининг ўртача давомийлиги 65 ёш ва ундан ошганлар учун

13.8 ёшни, аёллар 17.8 ёшни ташкил қилади. Ўзбекистонда эркакларни ўртача давомийлиги 65 ёш ва ундан ошганлар учун 14,0, аёллар учун эса 16.9 ёшни ташкил қилади. Бу натижалардан турмуш даражаси анча ўсган.

30-жадвал

Хаётнинг ўртача давомийлиги, 65 ёш ва ундан ошганлар учун

МДХ давлатлари	Эркаклар	Аёллар	Нафақа ёши	
			эркак	аёл
Россия	10.7	14.9	60	55
Қозоғистон	12.4	16.2	63	58
Қирғизистон	12.3	15.7	60	55
Туркменистон	12.2	15.1	60	55
Ўзбекистон	14.0	16.9	60	55

Нафақахўрларнинг	ҳаёт	давомийлиги	
Америка	14.8	18.6	65/65
Австралия	13.0	16.8	65/60
Германия	13.8	17.8	65/65

Манбаа: МДХ давлатлараро статистик қўмитаси, демографик йилнома

Республикамиздаги нафақахўрлар сони 1995 йил 2773.1 минг киши бўлса, 2005 йил 3080,1 минг кишини, яъни 107фоиз ўсган. Кексалик бўйича нафақа олувчилар 10 фоизга, ногиронлик бўйича нафақа олувчилар 110 фоизга, боқувчисини йўқотганлик нафақасини олаётганлар 100.3 фоизга ўсган. Кўп йиллик ишлаган учун нафақа олувчилар 107 фоизга ўсган ва ижтимоий нафақа олувчилар 108.5 %га ўсган.

Иқтисодий фаол аҳоли билан меҳнат нафақаси олувчилар ўртасидаги нисбат 1995 йил 0.327 бўлганда 2005 йил бу кўрсаткич 0.333, яъни 102 фоизга ўсган. Ўртача ойлик иш ҳақи билан ўртача ойлик нафақа ўртасидаги нисбат 1995 йилда 0.7351 бўлган ҳолда 2005 йилда 0.6765, яъни 92 фоизга пасайган.

Республикамиз бўйича нафақа олган кам таъминланган оилаларнинг салмоғи ва оилага тўғри келган нафақанинг ўртача миқдори 2005 йил бўйича қуйидагича акс эттирилган. 2005 йилда республика бўйича нафақа олган оилаларнинг салмоғи 7.3 фоиз бўлиб, Бухоро вилоятида нафақа олган оилаларнинг салмоғи энг юқори бўлган Андижон вилоятида эса бу натижа паст бўлиб нафақа олаётган салмоғи атиги 5,4 фоиз ташкил этган.

Нафақа тизимини такомиллаштириш имкониятлари

Ўзбекистоннинг 1991 йилда тузилган нафақа жамғармаси бошиданок молиявий жихатдан қашшоқ бўлган, чунки унинг даромадлари харажатларини қоплай олмасди. Лекин, Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1996 йилнинг охири ва 1997 йилнинг бошларида кўрилган чоралар ёрдамида нафақа тизимининг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш ва

ўша пайтдаги нафақа тўловлари бўйича қарзларни бартараф этишга эришилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари нафақа жамғар масининг ўз мажбуриятларини ўташ бўйича қарзлари йўқ, бироқ ушбу нафақа тизимини молиявий жиҳатдан тўлиқ ишончли дейишга ҳали эрта. Бунга сабаб камида 3 ойлик нафақа тўловлари билан тминлаб турувчи резерв жамғармасининг йўқлиги, мажбурий нафақа бадаллари миқдорининг нисбатан юқорилиги, кишиларнинг бу бадалларини тўлашдан қочиши ва бунинг иқтисодий рақобатбардошликка салбий таъсиридир.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг кўплиги нафақаларни белгилаш ва тўлашни бошқарувчи қонунларнинг мукаммал эмаслиги билан боғлиқдир. Бу нарсa энг аввало, нафақа жамғармасига тўланадиган мажбурий бадаллар миқдори ва нафақанинг миқдори бир-бирига мос келмаслигида кўринади ва уларни сабаблари қуйидагилардир:

Биринчидан, жинси бўйича фуқароларнинг нафақа жамғармасининг даромадлар ва харажатлар қисмларининг ташкил топишидаги иштироки бўйича тафовут: аёлларга олиш ҳуқуқини кўлга киритиш учун 20 йил мобайнида нафақа жамғармасига бадалларни ўтказиб туриш кифоя бўлса, эркаклар учун бу муддат 25 йилни ташкил этади. Аёллар 55 ёшдан нафақага чиқиш ҳуқуқига эгалар, эркаклар эса 60 ёшдан. Аёллар ўртача 72 йил умр кўрадилар, эркаклар эса 67 йил. Демак, шуни айтиш мумкинки аёлларнинг нафақа жамғармасининг харажатлар қисмидаги улуши эркакларникига қараганда икки баробар кўпроқ, аммо уларнинг даромадлар қисмидаги улуши эркакларникидан сезиларли даражада камроқдир.⁷

Иккинчидан, эркаклар ва аёлларни нафақа билан таъминлашдаги тафовут сабабли уларнинг нафақа жамғармасининг даромадлар қисмидаги иштирокининг ҳар йилги кўрсаткичи ҳам кескин фарқ қилади: аёллар учун бу кўрсаткич асосий нафақанинг 2,75 фоизини ташкил этса, эркаклар учун 2,2 фоизини ташкил этади. Ҳамма гап шундаки, ўртача иш ҳақининг 55 фоизига тенг бўлган асосий нафақани кўлга киритиш учун аёллар нафақа жамғармасида 20 йил мобайнида иштирок этишлари керак $55:20=2,75$, эркаклар эса 25 йил ($55\%:25\text{к}=2,2\%$).

Учинчидан республиканинг қонунларидан маълумки, бир қисми аҳолига категориялари ва гуруҳлари учун нафақа жамғармасининг даромадлар қисмида иштирок этмаслик ҳуқуқи берилган (масалан, харбий хизматчиларнинг барчаларига).

Тўртинчидан, қонунларимиз аҳолининг кўпгина категория ва гуруҳларига бир қатор имкониятлар яратади: иш стажини икки баробар кўпайтирилиши (масалан, харбийларнинг 1 йиллик хизмати 2 йил иш

⁷ Манба: «Нафақа тизимининг такомиллаштириш имконияти» Экономические обозрение, 2003 й. февраль.

стажи деб саналади), ишчиларнинг турли хил сабабларга кўра ишламаган даври ҳам иш стажига қўшилиши (биринчи гуруҳ ногиронини парвалишласа, 16 ёшгача бўлган ногирон бола тарбияси билан шуғулланса, 3 ёшгача бўлган бола тарбияси билан шуғулланса ва бошқалар), нафақа жамғармасига бадал тўлаш билан ўз ҳиссасини қўшмаган даври ҳам иш стажига қўшилиши (таълим олса, харбий хизматда бўлса, фарзандларига қараса), нафақага турли қўшимча тўловларнинг қўшиб борилиши ва ҳ.к.

Нафақа тизимини такомиллаштиришда шу нарсани ҳисобга олиш керакки, республикада ишга лаёқатли аҳолининг атиги 42 фоизи нафақа жамғармасига тўловлар ўтказди. қолган 48 фоизи эса қонунларга мувофиқ ушбу тўловларни ўтказмасликка рухсат берилган. Кўриниб турибдики, агар нафақа жамғармасининг даромадлари қисмида иштирок этувчи ишга лаёқатлилар улушини кўтарадиган бўлсак, (имтиёзларни бекор қилиш, иш ҳақини бутунлай қонуний бўлишини таъминлаш ва ҳоказо орқали) нафақа жамғармасининг молиявий аҳолини яхшилаш, балки мажбурий нафақа тўловлари миқдорини камайтириш ҳам мумкин бўлади.

Яна бир нафақа тизимини такомиллаштиришдан бири имтиёзларни бекор қилишдан иборат. Дунёдаги ҳар бир ривожланган давлатда биздаги каби имтиёзлар қўлланилмайди. Режа иқтисодиёт тизимида бундай имтиёзлар маълум бир ёмон шарт-шароитларда ишлайдиган ва иш ҳақи кам бўлган ишчиларга овунчоқ вазифасини ўтаган. Аммо бугунги кунда - бозор иқтисодиёти тизими ҳукумрон даврида, корхоналар ўз ишчилари учун, мавжуд шарт-шароитлардан клиб чиққан ҳолда, ўзлари иш ҳақи ҳажмини белгилаб турган пайтда, бундай имтиёзлар ўз моҳиятини йўқотади. Лекин ҳозирги кунда ҳам зарарли ва ёмон шарт-шароитларда ишловчилар маошларининг юқориликсиз қарамасдан, бундай имтиёзларни беришини талаб қиляптилар. Бундан ташқари бир неча йил аввал зарарли ҳисобланган вазифалар янги технологияларнинг тадбиқ этилиши ҳисобига ҳозир зарарли ҳисобланмайди. Агар корхона бундай технологияларни тадбиқ қилмас экан, у ўз ишчиларининг тезроқ нафақага чиқиб кетишини ўзи таъминлаши шарт.

Нафақа тизимини такомиллаштиришда аҳолишуносларнинг башоратларини ҳисобга олиш лозим. Уларнинг башоратларига қараганда 2002 йилга келиб Ўзбекистонда нафақа ёшидаги аҳоли сонининг ўсиш суръати ишга лаёқатли аҳолининг сонининг ўсиши суръатидан ошиб кетади. Натижада 2025 йилга келиб, нафақахўрларнинг сони 2005 йилдагига нисбатан икки баробар кўп бўлади ва бу кўрсаткич ишга лаёқатли аҳолидан кўра тезроқ ўсади.

Маълумки, бу нафақа жамғармасининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки нафақа жамғармасининг харажат қисмини ўсиш даражаси даромадлар қисмининг ўсиш даражасидан юқориқдир. Бунга йўл қўймаслик учун, ҳозирдан нафақа тизимини ислоҳ қилишни бошлаш

керак. Чунки ҳозир демографик нуқтаи назардан, ушбу ислохотларни амалга ошириш учун энг қулай вақтдир.

Ривожланган давлатларда нафақа жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилашга ишчиларнинг нафақага чиқиш ёшларини суриш орқали эришадилар. Улардан фарқли равишда Ўзбекистонда буни амалга оширишнинг бошқа механизмлари яъни имтиёзли нафақа олишни бекор қилиш мавжуд.

Келажакда ушбу механизмни амалга ошириш орқали нафақа жамғармасининг харажатларини 25-30 фоизгача камайтириш мумкин. Бу эса нафақа жамғармасига тўланиши керак бўлган мажбурий бадаллар миқдорини 36 фоиздан 25-26 фоизларгача камайтиришни таъминлайди. Албатта, юқорида келтирилган нафақа таъминотини такомиллаштириш механизмни тўлалигича ва бир вақтда амалга ошириб бўлмайди. Чунки уларнинг самарали 10-12 йилдан кейин намоён бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида нафақа белгилаш ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ишончли эканлигини текшириш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этишга қаратилган йўллардан биридир. Бу йўл корхоналарни ўзгариш динамикасига (корхоналар номлари, мулкчилик шакллари ўзгармоқда, айримлари эса йўқ бўлиб кетмоқда) ва бир вақтнинг ўзида нечта корхонада ишловчи кишиларнинг миқдорининг ошиши билан боғлиқдир. Бундай ўзгаришлар ижтимоий таъминотнинг органлари фаолиятини ҳам мушкиллаштирмоқда, нафақаларни расмийлаштириш учун қўшимча меҳнатни талаб қилмоқда.

Нафақа таъминотини такомиллаштиришда бозор муносабатларига ўтишимиз сайин муаммолар сонининг кўпайишини ҳисобга оладиган бўлсак, иш стажини ва иш ҳақини замонавий компьютер технологиялар асосида ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқаришга ҳозирданок киришиш керак ва президентимизнинг «компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисидаги фармонда нафақа таъминотини интерактив хизматини шаклланишига кўмаклашиш, инновация бизнесни, шу жумладан ахборот коммуникация технологияларни жорий қилишни тушуний мумкин чириш керак. Бу борада Президентимизнинг «компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони нафақа таъминоти тизимига жорий қилиш қанчалик зарурлигини тушуниш мумкин.

Нодавлат нафақа жамғармаларини ташкил этиш.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, нафақа тизимини такомиллаштиришнинг энг самарали усулларида бири бу жамғаришга асосланган нафақа тизимини шакллантиришдир. Лекин, бу тизим солидар жавобгарлик мавжуд бўлган нафақа тизими ўрнини босиш керак эмас. Жамғаришга асосланган нафақа тизимини қўшимча, давлатга аҳолининг

яшаш шароитини яхшилаш ва давлат нафақа тизими олдидаги мажбуриятларини бажаришда ёрдам берадиган тизим сифатида қўриш лозим. Масалан, жамғаришга асосланган нафақа тизими имтиёзларни бекор қилиш ўрнини қоплаши мумкин.

Бундан ташқари жамғаришга асосланган нафақа жамғармалари давлат иқтисодиёти учун жуда самарали инвестиция манбаларидир. Буни жуда кўп давлатлар тажрибаси асосида қўриш мумкин. Мисол тариқасида юқорида таъкидланган Чилини келтириш мумкин. Бу ерда Жаҳон Банки мутахассисларининг фикрича, иқтисодиётнинг ривожини учун кетаётган молиявий манбаларнинг асосий қисми айнан жамғаришга асосланган нафақа жамғармалари томонидан таъминланади.

Шуни такидлаш керакки, жамғаришга асосланган нафақа жамғармаларини ташкил этиш, иштирок этиш бутунлай ихтиёрий бўлган нодавлат нафақа жамғармалари тармоғини яратиш орқали амалга оширилиши лозим. Албатта, бундай жамғармаларни ташкил этиш қоидаларини таъминловчи ва фаолият жараёнини бошқариб турувчи қонунлар талаб қилинади. Уларнинг инвестицион фаолиятини эса махсус бошқарувчи компаниялар орқали амалга ошириш мумкин. Бу эса маблағ қўйишнинг самарадорлигини ва унинг сақланиши кафолатини таъминловчи асосий шарт ҳисобланади.

Бундай тизимни босқичма-босқич яратигш керак. Айни ҳолда, босқичма-босқич дейилганда қуйидаги чораларнинг кетма-кет амалга оширилиши тушунилади:

- нафақа жамғармаларининг ҳимоясини таъминлаб берувчи ва нодавлат нафақа тизими иштирокчилари муносабатларини бошқариб турувчи қонунлар ва норматив актлар қабал қилиш;
- давлат нафақа тизимига бўлган мажбурий механизминини мукаммаллаштириш ҳисобига иш берувчилар нодавлат нафақа тизимида иштирок этишига шарт-шаритлар яратиб бериш;
- йирик корхоналар ишчилари учун нодавлат нафақа жамғармаларини шакллантириш.

Давлат ушбу тизимларни яратиш бўйича ташаббускор ва улар фаолиятининг қонунийлигини таъминловчи кафил бўлиши керак. Масалан, жамғаришга асосланган нафақа жамғармаларида жуда кўп молиявий маблағлар йиғилади ва давлат томонидан белгиланадиган «ўйин коридори» молиявий перамидалар пайдо бўлишини олдини олиши ва улар фаолиятининг аниқ қонунларига асосланганлигини белгилаш, ҳамда маблағ қўйишдаги хавф-хатарларнинг минималлигини таъминлаб бериши лозим.

Давлатнинг хусусий нафақа жамғармаларини бошқаришдаги асосий чоралари қуйидагилардир:

- бундай жамғармалар фаолиятини лицензияланиши;
- уларнинг молиявий ҳолатини доимий мониторинг қилиш;

- жамғармаларда мажбурий бухгалтерия ҳисоботи олиб боришини текшириш ва ҳар йили мустақил аудитнинг ўтказилиши;

- молиявий хав-хатар даражаси катта бўлган лойиҳаларга капитал қўйишни олдини олиш мақсадида нафақа активларни саралаш устидан назорат қилиш.

Нодавлат нафақа жамғармаси ўз мулки ва активлари билан барча иштирокчилар олдида маъсулиятни ва жавобгарликни олувчи мустақил юридик шахс бўлиши лозим. Давлат бундай нафақа жамғармалари қарзлари бўйича мажбуриятни ўз бўйнига олмаслиги керак. Ўз ўрнида, нафақа жамғармаси ҳам давлат мажбурияти учун жавобгар эмас. Нафақа жамғармаси томонидан бериладиган нафақалар миқдори нафақахўрнинг қўйган маблағи миқдори ва бу маблағларни инвестициялаш эвазига олинган даромад миқдори билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

Ўтиш даврининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда нодавлат нафақа жамғармалари, ҳеч бўлмаганда биринчи босқичларида, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан қудратли корхоналар ёки тижорат банклари томонидан ташкил этилиши лозим. Бунда соҳа ҳудуд жиҳатдан бир нечта корхоналарнинг нафақа жамғармалари корпоратив бирлашишлари ҳам мумкин. Айтиш керакки баъзи бир иқтисодчилар ва халқаро мутахассислар нодавлат нафақа жамғармаларини алоҳида корхоналар томонидан яратишига қарши чиқадилар сабаб, бундай корхоналар томонидан жамғармаларни тузилиши ўз фаолиятини кенгайтириш учун маблағ тўплаш имкониятидир деб тушунтирадилар, ҳамда бундай фаолият инвестициядан бўладиган даромадлар кўламининг камайишига олиб келади деб ҳисоблайдилар. Аммо бундай жамғармалар активларининг бошқариш функциясини бошқа бир мустақил корхонага топшириш бундай хавф-хатарни олдини олади. Бундан ташқари, нодавлат нафақа ташкил этилиши қисқа муддат ичида иштирокчиларнинг етарли сонини таъминлаб бериш имкониятини беради. АҚШ ва Россия ва Европа давлатларининг ижобий тажрибаси шуни кўрсатадики, маълум соҳа бўйича корпоратив тамойил асосида нодавлат нафақа жамғармаларини яратиш жуда ҳам фойдалидир. Аниқ айтиш керакки, нодавлат нафақа жамғармаларининг фаолияти нафақа бадалларини йиғишга, нафақа резервларини қайта жойлаштиришга нафақа мажбуриятларини ҳисоблашга ва нодавлат нафақа жамғармаси иштирокчиларига нафақа тўлашга қаратилиши лозим. Бундай фаолиятни юритиш учун давлатдан рухсат олиш мажбурий бўлиши керак.

Нодавлат нафақа жамғармаларига бадаллар ўтказиш корпоратив шартномалар асосида иш берувчи ва ишчи томонидан бажарилиши зарур. Бундай жамғармалар фаолиятида иштирок этиш учун одамларни жалб қилишда солиққа тортишга алоқадор усуллардан фойдаланиш лозим.

Нодавлат нафақа жамғармаларда ишчилар ва иш берувчилар иштирокининг ижобий томонлари шундан иборатки ишчиларнинг

нодавлат нафақа жамғармаларида ихтиёрий иштирок этишига қуйидаги оамллар жалб қилинади:

- қариганда ўзига давлат нафақасидан ташқари етарли маблағларни йиғиш имконияти;

- йиғилган маблағларнинг жамғарма раҳбарияти ва махсус бошқарув компаниялари томонидан сифатли бошқарилиши натижасида уларнинг кўпайтирилиши;

- қатнашчилар билан жамғарма ўртасидаги молиявий муносабатлар жараёнинг қулайлиги;

- молиявий мажбуриятларнинг хусусий нафақа жамғармаси иштирокчилари ўртасида тасдиқланиши;

- даромадларнинг солиққа тортиш базаси қисқариши ҳисобидан жорий солиқ тўловларининг камайиши;

Нодавлат нафақа жамғармаларини яратишнинг хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, иш берувчиларнинг ундаги иштироки бир қатор шарт-шароитлар билан боғлиқдир:

- корхонанинг малакали кадрлар салоҳиятини сақлаб қолишига ва уни мустаҳкамлашга уриниши (баъзи иш берувчилар ўз ишчилари учун нафақа жамғармасига тўловни амалга оширишда маълум имтиёзлар яратадилар);

- хусусий нафақа жамғармаларида иштирок этаётган ишчилар учун бадал тўловини амалга ошириш эвазига фирмаларнинг солиқ тўловлари миқдорининг камайиши (АҚШ, Германия, Англия ва бошқа ғарбий Европа давлатларида корхоналарининг солиққа тортиладиган бадаллари уларнинг ўз ходимлари учун хусусий нафақа жамғармаларига ўтказган бадалларининг умумий миқдorigа камайтиради. Кейинчалик солиқлар нафақа жамғармаси иштирокчиси бўлган ходим томонидан кўшимча нафақа тўловлари олиниши пайтида ушлаб қолинади).

Қисқача хулосалар

Амалдаги нафақа тизими нафақахурларнинг ўсиб бораётган сонини молиялаштиради. Ривожланган мамлакатлардан фарқ қилувчи демографик вазиятга эга бўлган тақдирда ҳам, нафақа жамғармаси «Омонатчилар» сони камайиб бориб, тақчилликнинг ўсаётганлиги туфайли нафақахўрни кексалик даврида узоқ вақт бекаму-кўст таъминлай олмайди.

Нафақа тизимини такомиллаштиришда аҳолишуносларнинг башоратларини ҳисобга олиш лозим. Уларнинг башоратларига қараганда 2005 йилга келиб Ўзбекистонда нафақа ёшидаги аҳоли сонининг ўсиш суръати ишга лаёқатли аҳолининг сонининг ўсиши суръатидан ошиб кетади. Натижада 2025 йилга келиб, нафақахўрларнинг сони 2005 йилдагига нисбатан икки баробар кўп бўлади ва бу кўрсаткич ишга лаёқатли аҳолидан кўра тезроқ ўсади.

Нафақа таъминотининг солидар авлодлар тамойилига асосланганлиги, айрим мамлакатларда нафақага чиқиш ёши, 60 ёшдан ошган аҳоли учун фоиз ҳисобида 2020 йил ва 2050 йил бўйича кўрсаткичлар, ҳаётнинг ўртача давомийлиги, нафақа тизимини такомиллаштириш имкониятлари ва нодавлат нафақа жамғармаларини ташкил этишнинг истиқболлари кўрсатилган.

Назорат учун саволлар:

Нафақа таъминотини тушунчаси ва уларни зарурияти нималардан иборат?

Ўзбекистонда нафақа таъминотининг асосий йўналишлари.

Республикада нафақа таъминотининг ташкил этиш тизими.

Нодавлат нафақа жамғармаларини ташкил этиш хусусиятлари.

Ўзбекистонда нафақа таъминотини такомиллаштириш истиқболлари қандай?

Нафақа таъминоти тизимида чет эл тажрибаси қандай?

Россия нафақа таъминот тизимини моҳияти нимадан иборат?

Қозоғистон нафақа таъминот тизими нималарга асосланади?

Нодавлат нафақа жамғармасини тушунчаси қандай?

Нодавлат нафақа жамғармасини ташкил этиш зарурияти нимадан иборат?

Тавсия этилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилдик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» Халқ сўзи 2005 йил, 29 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

Каримов И.А. Маъмурий ислохотларга бағишланган вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 18 июлидаги мажлисидаги чиқиши. Халқ сўзи 2003й. 19 июль

Ефимова М.Р., Багнова С.Г. «Социальная статистика» М.: Финансы и статистика, 2005.

Ишмухамедов А.Э., Каланова М.З. «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» Маърузалар матни Т.: ТДИУ, 2005.

13 Боб Ижтимоий суғурта ва хайрия жамғармалари

1.Ижтимоий суғурта жамғармаси

Ижтимоий суғурта жамоат аҳолиси 1993 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган. Жамғарма зиммасига фуқароларнинг давлат томонидан белгиланган ижтимоий суғурта ҳуқуқларини тўла ҳажмда рўёбга чиқариш, ижтимоий суғурта бўйича нафақаларнинг кафолатли ва ўз вақтида тўланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратиш ва бошқа муҳим вазифалар юклатилган.

Бу вазифалар давлат ижтимоий суғуртасига мўлжалланган маблағларни йиғиш ва жамлаш нафақалар, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича фарзанд туғилганда, шунингдек фуқароларни дафн этиш учун бериладиган нафақаларни тўлаш ва давлат ижтимоий суғуртасининг бошқа нафақаларни тўлаш харажатларини маблағ билан таъминлаш ва бошқа йўллар орқали бажарилди.

Жамғарма асосан корхона, ташкилот, бирлашма ва кооперативлар (қайси идорага тегишлилиги ва мулкчилик шаклларида қатъий назар)нинг иш ҳақи фондидан белгиланган фоиз бўйича тўлайдиган бадалларни ҳамда зарур ҳолларда давлат бюджетидан тўланадиган маблағлар; якка меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар, шунингдек, хусусий, ижарадаги ёки шахсий деҳқон хўжалигининг суғурта бадаллари, фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари; Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, хорижий фуқароларнинг, корхона ва жамоа ташкилотларининг даромадларидан бериладиган ихтиёрий бадаллари, шунингдек, бошқа тўловлари ҳисобига жамланади.

Давлат ижтимоий суғуртаси бадаллари тарифи (миқдори) Республика қонунларида белгиланган. 1995 йил 1 январда барча корхона, ташкилот ва бирлашмалар учун бадаллар тарифи меҳнат ҳақи фондининг 36 фоиз қилиб белгиланди, ёлланма шартномалар билан ишлайдиган фуқароларнинг иш ҳақидан 1фоиз бадал олинади айрим меҳнаткашлар тоифаси учун имтиёзли тариф белгиланган эди.

Ижтимоий суғурта жамғармаси бюджетининг даромад қисми 2001 йилда 25,1 млрд. сўмни, шу жумладан, корхона, ташкилот, муассасаларнинг ва шахсий тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахсларнинг меҳнат ҳиссаси жамғармадан тушган суғурта бадаллари 21,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

Маълумки, 2005 йилдан бошлаб фойдадан олинадиган солиқ ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга, юридик шахслар учун иш ҳақи фондидан ижтимоий суғурта ажратмалари 35 фоиздан 32 фоизга пасайтирилади. Шунингдек, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди.

Бу чора-тадбирлар махсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилашга, корхоналарнинг инвестиция соҳасидаги фаолиятини

оширишга хизмат қилади. 2005 йилнинг биринчи ярим йиллик мобайнида корхоналарнинг ўз инвестициялари ҳажми 18 фоизга ортди у иқтисодиётга йўналтирилган барча инвестицияларнинг 46 фоизини ташкил этади.

Дарҳақиқат, бозор ислохотлари чуқурлашаётган шароитда ижтимоий суғурта иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ўсишни таъминлаш омили сифатида аҳамиятлидир. Чунки ижтимоий суғурта компанияларининг макроиқтисодий жараёнларни фаоллаштиришдаги аҳамияти ошиб боради ва вақтинча бўш суғурта захираларидан уларни барқарор ўстириш мақсадида мақбул инвестициялаш мақулдир. Биргина 2005 йилда банк депозитларидан маблағлар жами инвестицияни 29,5 фоизни ташкил этди ва улардан 65,9 фоиз акциялар ва 6,8 фоиз қимматли қоғозларга харажат қилинди. Бундан ташқари Давлатнинг банк облигацияларига 2,5 фоиз харажат қилинган эди.

Ижтимоий суғурта фаолияти бўйича халқаро амалиётни таҳлил этилиши, Ўзбекистонда суғурта операцияларини халқаро даражада ўтказиш, уларни ўтказишда банкларнинг иштирок этиши, воситачи ва қайта суғурталаш тизими яратиш, республика суғурта компаниялари ихтисослашуви зарурияти, ислохотлар даврида республикада ижтимоий суғурта фаолияти ривожланишининг ҳолати ҳар томонлама таҳлил асосида дастур ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу дастурда ижтимоий суғурта капитали иқтисодиётининг барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсирини баҳолаш тизимини яратиш ва бу тизим уч даражали баҳолаш тизимидан иборат бўлиши лозим - макроиқтисодий-интеграл, макроиқтисодий -амалий ва макроиқтисодий таҳлилга асосланган бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий суғуртани шаклланиши хусусиятлари шуни кўрсатадики, республикада ихтисослашган қайта суғурталаш компанияси, брокер ва аджастер фирмаларни ташкил этиш ҳақида тавсиялар ишлаб чиқиш, иқтисодий ўсишнинг янги босқичига мос ижтимоий суғурта тизимини кучайтиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

Бундан ташқари республикада ижтимоий суғурта жамғармалари тўлов қобилятини сақлаш мақсадида ташкилий - институционал тузилмаларни такомиллаштириш, суғурталовчилар ассоциациясини ташкил этиш йўли билан миллий бозорни турли хил салбий жараёнлардан сақлаш сиёсатини олиб бориш, суғурта хизматларининг иқтисодий суғурталаш, ишга ёлланувчиларнинг ишловчилар саломатлигига зарар келтириш бўйича жавобгарлигини жорий қилиш, суғурта жамғармаларининг ихтисослашувини чуқурлаштириш юзасидан ишлар олиб бориш лозим.

2. Халқаро ижтимоий суғурта амалиёти

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишни таъминлашда халқаро ижтимоий суғурта амалиётидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Республика ижтимоий суғурта жамғармаси халқаро ижтимоий суғурта ва ижтимоий ҳимоя ташкилотлари билан кенг, ҳар томонлама алоқалар ўрнатган. Бу давлатларни ижтимоий суғурта ва хизмат модели асосан қуйидагилардан иборат:

1. Тиббий суғуртани жорий қилиш.
2. Ижтимоий хизмат ва соғлиқни сақлашни молиялаштириш.
3. Ижтимоий ва соғлиқни сақлаш янги ташкилий - функционал структурасини жорий қилиш.
4. Ижтимоий ва суғурта соҳасига янгиликларни жорий қилиш

тажрибаси.

Юқорида келтирилган тиббий суғуртани жорий қилиш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Жамоа бирдамлиги тамойили «соғлом одам касал учун тўлайди»
 - мажбурий суғурта тўловлари;
 - тиббий ёрдам хажми суғурта тўловига боғлиқ эмас.
2. Жамиятнинг умумий тамойиллари:
 - Ўзбекистон Республикасининг ҳамма фуқароларига тиббий ёрдам

беради.

3. Ҳудудий - ишлаб чиқариш тамойиллари:
 - суғурта амалиёти ҳамма ҳудудларга тенг бўлиниши;
4. Пулни касални кетидан юриши.
5. Субъектлар ўртасидаги шартнома:
 - умумий тиббий суғурта (УТС) шартномаси;
 - икки томонлама мажбурий ва жавобгарлик тизимиси.

Соғлиқни сақлаш учун харажатлар бўйича Марказий, шарқий Европа давлатлари ва янги мустақил давлатлари синфланиши, Жаҳон Банки (1995 йил) ҳисоботларига кўра қуйидагича ифодаланади: иқтисодий имкониятлари мамлакатларни, иқтисодий ҳолатларига қараб аниқланган яъни ЯММ ташқи қарз ва хоказоларга қараб:

- иқтисодий имкониятларидан кўпроқ харажат қилувчи давлатлар: Болгария, Польша, Чехия, Венгрия, қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон.

- имкониятлардан камроқ харажат қилувчи давлатлар:

Руминия, қозоғистон ва бошқалар.

- керагидан ҳам кўп харажат қилувчи давлатлар:

Белоруссия, Литва, Украина, Молдава, Россия.

Ривожланган давлатларда молиялаштириш тамойиллари, асосан икки моделга бўлинади:

1. Беверидж модели бўйича соғлиқни сақлаш тизимлари.
 - Соғлиқдан молиялаштириш - Дания

- Давлат томонидан назорат - Финляндия
- Давлат бюджети - Греция
- Катта бўлмаган хусусий сектор қолдиқ - Ирландия.
- Ҳамма фуқаролар учун очиқ йўл - Италия.
- Давлат бошқарувидаги юқори ихтисослашган тизими - Норвегия
- Истеъмолчи хизматига бир қанча қўшимча тўловлар - Испания, Швеция, Буюк Британия.

2. Бисмарк модели бўйича соғлиқни сақлаш тизимлари.

- Иш берувчилар ва ишловчилар мажбурий тўловлар ёки солиқлар ёрдамида молиялаштириш - Австрия, Белгия, Франция.

- Сармоядорлар нодавлат ташкилотларига тушади, лекин қонуний тиббий фондлар органларига - Германия, Голландия, Швейцария.

- Шифохоналар фондлар билан шартнома асосида ишлаш, тиббий хизматларни шартнома асосида таъминлаш, хизмат кўрсатиш тўлови бюджет асосида.

Шу билан бир қаторда ғарбий Европа давлатларида тиббий ёрдамнинг бир қисми суғуртага асосланган ва иккинчи қисми солиқларга асосланган бўлиб, суғуртадан солиқларга ўтиш давлатлари ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда тиббий хизматнинг шакллари жорий қилинмоқда, шу жумладан, тиббий ёрдамни оила амалиётини жорий қилишдир. Бу тадбирни яхши ёки ёмон томонлари қуйидагилардан иборат.

1. Аҳоли ва касаллар учун тенглик, ҳақиқат, ишонч, қониқтириш, оила ҳақида қайғуриш, узлуксиз тиббий-профилактика иши, танлаш имконияти.

2. Оила шифокорлари учун режалаштирилиш имконияти, қўшимча хизматлар учун қўшимча гонорарлар имконияти, обрў-эътиборнинг ўсишини қониқтириш.

3. Мутахассис шифокорлар учун мутахассисларни қисқартириш ҳисобига гонорарлар ошиш имконияти, кенгашчи сифатида обрў-эътиборнинг ўсиши.

4. Соғлиқни сақлаш тизими учун масъулиятли оила шифокорининг пайдо бўлиши, ҳамма соғлиқни сақлаш хизматларини такомиллаштириш, касалхоналарга жойлаштиришнинг даража ва давомийлигининг ҳисобига соғлиқни сақлашнинг сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш касалликларни олдини олиш, босқичма-босқич ва ўз вақтида ёрдам ва бошқалар.

5. Бутун жамият учун аҳоли соғлиғининг даврий яхшиланиши, муддатдан олдин ўсишнинг даражасининг пасайиши, кўп касалликларни олдиндан аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, аҳоли қониқишининг ўсиши ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтиш керакки, ҳозирги даврда ижтимоий ёрдам нуктаи назардан соғлиқни сақлаш моделлар вариантлари такомиллаштирилмоқда.

3. Хайрия жамғармалари

Хайрия жамғармалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда ўзини ўзи бошқариш тамойиллари асосида иш кўради.

Жамғармалар ўз сафига миллати, ирки, дини ва фуқаролигидан қатъий назар, аجدодларимиз қолдирган бой маданий меросни халқлар дўстлиги учун, маданиятининг ривожини, умуминсоний қадриятлар тантанаси учун хизмат қилдириш ниятида бўлган барча кишиларни ташкилот, муассаса ва корхоналарни кўнгилли равишда бирлаштиради. Давлат ва жамоат ташкилотлари, ижтимоий уюшмалар ва фуқароларнинг фаолияти ва эътиборини ёш авлод тарбиясига, етим-есир ва ногиронларни, кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратади.

Республикада 2005 йилда 250 га яқин халқаро, Республика хайрия жамғармалари, хорижий жамғармаларнинг Ўзбекистондаги бўлимлари фаолият олиб боради. Экосан, Евроазия (АҚШ), Конрад Аденаур (Олмония) ва бошқалардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2003 йил 7 октябр куни янги тузилган Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташаббус гуруҳи азалари билан учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашууда давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, умуман халқ фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашда кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорларнинг ҳиссаси тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Юртбошимиз бу ерга тўпланганлар янги партияни тузиш ташаббуси билан чиқани, бундай ташаббус Конституциямиз ва амалдаги бошқа қонунлар доирасида, ҳар томонлама чуқур мушоҳада билан амалга ошириладиган бўлса, уни қўллаб-қувватлаш лозимлигини айтди.

Дарҳақиқат, мустақиллик юртдошларимиз онгида катта ўзгаришлар ясади. Одамларимизда, айниқса ёшларимизда тадбиркорлик билан шуғулланишга кучли рағбат уйғотмоқда. Уларга ўз иши, бизнесини ташкил этиши учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилган ва жамоат ташкилотлар кўмак беради.

Ҳозирги кунда партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, Хотин -қизлар кўмитаси, турли Жамғармалар Ўзбекистоннинг энг муҳим ижтимоий ташкилотлари ва жамғармалари ҳисобланади.

4. Ижтимоий мониторинг тадқиқотининг яқунлари

ЮНИСЕФнинг «2003 йил ижтимоий мониторинги» тадқиқотини БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмасига кўра Марказий ва Шарқий Европа ҳам МДХ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигига тадқиқ этилди. Бу тадқиқотда 8

⁸ Халқ сўзи, 2003 йил 8 октябр.

мамлакатларнинг тарқалиб кетиши ва уларнинг ҳудудида 27 янги давлатнинг пайдо бўлиши жараёнида улар мураккаб иқтисодий бўҳронлар ва низоларни, ижтимоий соҳада мисли кўрилмаган муаммоларни бошидан кечиргани ва аҳолишунослик харитасида ўзгаришлар рўй бергани таъкидланади.

Қиёсий статистик маълумотлар асосида нафақат макроиқтисодий ўзгаришлар суръати, балки амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий жиҳатига ҳам баҳо берилган.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг амалдаги ўсиши 2005 йилда 1989 йилга нисбатан 106,8 фоиз (МДХ мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткич)ни ташкил этди. Чехия ҳам худди шундай ўсишга эришган, Айти пайтда Молдовада бу кўрсаткич 38,4 фоиз, Россияда 64,3 фоиз, қозғистонда 85,6 фоизни ташкил этган.

90-йиллар охиридан бошлаб Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХнинг барча мамлакатларда миллий даромад ўсиши кузатилмоқда. Шу билан бирга Кавказorti мамлакатларида аҳоли жон бошига нисбатан даромаднинг ўсиш кўрсаткичлари энг пастлиги қайд этилган.

Бироқ, айрим мамлакатларда иқтисодий ўсиш аҳоли ўртасида тенгсизликнинг кучайишига олиб келмоқда «Жини» коэффициентини қўллаб тадқиқот ўтказган экспертлар Грузияда барча даромадлар аҳолининг ярмидан кам қисмида эканлигини, қолганлар тирикчилик учун ҳеч қандай маблағга эга эмаслигини аниқлади. («Жини» коэффициентига кўра, агар аҳолининг барча қисми бир хил даромад қилса, «Жини» 0 га тенг, агар ҳамма даромадлар битта субъектларнинг қўлида бўлса, «Жини» 1,0 га тенг. Ривожланган мамлакатларда «Жини» ўртача 0,25-0,35га тенг бўлиб, бу энг мақбул кўрсаткич ҳисобланади).

Россия, Қирғизистон ва Қозғистонда ҳам Грузиядаги вазият юзага келган. Уларда «Жини» 0,512-0,514 даражада. (МДХ мамлакатлари орасида энг паст кўрсаткич).

Тадқиқотда аҳоли турмуш даражасида ҳақиқий ўзгаришни таъминлаш учун иқтисодий ислохотлар самарали ижтимоий сиёсат билан уйғун бўлиши лозимлиги таъкидланади.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, соғлиқни сақлаш, мактаб ва касб-ҳунар техник таълимига сарфланаётган давлат харажатлари ҳажми Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда энг юқори.

Ўзбекистонда аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар натижасида болалар, ёшлар, оила, оналик ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган махсус дастурлар ижросининг таъминланаётганлиги туфайли аҳолининг нисбатан химояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш даражасини ифодаловчи қуйидаги кўрсаткичларга эришилди:

1. Ўзбекистонда туғилаётган болаларнинг атиги 4,7 фоизи 20 ёшгача бўлган оналарнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу Марказий ва Шарқий

Европа мамлакатларига нисбатан энг яхши кўрсаткичлардан биридир (Полшада -7,0 фоиз, Венгрияда -7,4 фоиз, Словакияда 9,1 фоиз). МДХ мамлакатларда бу кўрсаткич 8,8 фоиздан (Қирғизистон) 16,3 фоизгача (Молдова) ташкил этади.

2. Ўзбекистонда 20 ёшгача бўлган оналарнинг никоҳсиз бола туғиши Шарқий Европанинг кўпгина давлатларидагига нисбатан уч баробар, Россия, қозоғистон ва қирғизистондагидан икки баробар кам.

3. Ўзбекистонда гўдакларнинг ўлими кескин камайди, яъни илгари ҳар 1000 нафар чақалоқдан 38,1 нафари нобуд бўлган бўлса, бу кўрсаткич истиқлол йилларида 18,3 нафаргача тушди. Бу Марказий Осиёда энг яхши кўрсаткичдир. Оналар ўртасида ҳам ўлимнинг кескин камайиши кузатилмоқда, яъни ҳар 100 минг ҳомиладор аёлдан 42,8 нафари туғиш жараёнида ҳаётдан кўз юмган бўлса, бу кўрсаткич мустақиллик йилларида 33,5 нафаригача камайди. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич Қозоғистонда 50, Қирғизистонда 43,8, Тожикистонда 45,4 нафарни ташкил этади.

4. Сўнгги 12 йилда Ўзбекистонда абортлар сони уч баробар камайиб, бугунги кунда ҳомилани сунъий тушуриш Эстониядагидан 10 баробар, Россиядагидан 15 баробар, қозоғистондагидан 6 барбар, Туркменистондагидан 2 баробар кам рўй бермоқда.

5. Ўзбекистонда ўлимнинг умумий даражаси 1000 кишига нисбатан 5,3 нафарни ташкил этади, бу Шарқий Европа давлатларидагидан ўртача икки марта, Европа мамлакатларидагидан уч марта кам демакдир.

6. Никоҳнинг бекор қилиниш даражаси сўнгги 12 йилда 1,5 баробар пасайиб, 100 та никоҳга нисбатан 9,2 ҳолатни ташкил этади, бу эса Чехия ва Беларусиядан 6 марта, Россиядагидан 7,5 марта, қозоғистондагидан 3 марта, Туркменистон ва қирғизистондагидан икки марта камдир.

7. Ўзбекистонда меҳрибонлик уйларида тарбиёланаётганлар 100 минг кишига 34,8 бола тўғри келса, бу кўрсаткич Россия, Украина ва қозоғистонда 10 баробар кўпдир.

8. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жиноятчиликнинг умумий даражаси учдан бирга камайиб, 2005 йилда 100 минг кишига нисбатан 298 ҳолатни ташкил этди. Шу даврда Россияда жиноятчилик икки баробар ўсди (100 минг кишига 2056 ҳолат тўғри келади). Украина, Молдова ва қозоғистонда жиноятчилик даражаси Ўзбекистондагидан уч баробар юқори. Вояга етмаганлар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари Ўзбекистонга нисбатан Россияда 15 баробар, Украинада 10 баробар, қозоғистонда эса 6 баробардан кўпроқдир.

9. Экологик муаммоларга қарамай, республикаимизда сил касали тарқалишининг олди олинди. қозоғистонда сўнгги 12 йил ичида силга чалинганлар сони икки баробар, ўсиб, ҳар 100 минг кишининг 155,5 нафари ушбу касаллика дучор бўлган, қирғизистонда эса бу касаллик қарийб уч баробар кўпайган, шунингдек, ЮНИСЕФ экспертлари

Туркменистон ва Тожикистонда ҳам мазкур хавфли хасталикка учраганлар кўпайиб бораётганлигини қайд этган.

10. Мамлакатимизда 25-39 ёшдаги (энг лаёқатли ёш) эркеклар ўртасида ўлим даражаси МДХ мамлакатлари ўртасида энг кам кўрсаткични ташкил этади. Россия, Белорус ва қозоғистонда бундай ҳолат республикаимиздагига нисбатан икки баробар кўпдир.

11. Ўзбекистонда 17 ёшгача бўлган соғлом янги авлод 10 миллион 924 минг кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Болгария, Молдова биздан 10 баробар, Венгрия, Чехия, Туркменистон, қирғизистон 5 баробар, Тожикистон 3 баробар, қозоғистон икки баробардан кўпроқ орқада. Мамлакат келажаги бўлган ёш фуқаролар сони бўйича биз Украинадан ўзиб кетдик.

Қисқача хулоса:

Ижтимоий суғурта жамоат аҳолиси 1993 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган. Жамғарма зиммасига фуқароларнинг давлат томонидан белгиланган ижтимоий суғурта ҳуқуқларини тўла ҳажмда рўёбга чиқариш, ижтимоий суғурта бўйича нафақаларнинг кафолатли ва ўз вақтида тўланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратиш ва бошқа муҳим вазифалар юклатилган.

Дарҳақиқат, бозор ислохотлари чуқурлашаётган шароитда ижтимоий суғурта иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ўсишни таъминлаш омили сифатида аҳамиятлидир. Чунки ижтимоий суғурта компанияларининг макроиқтисодий жараёнларни фаоллаштиришдаги аҳамияти ошиб боради ва вақтинча бўш суғурта захираларидан уларни барқарор ўстириш мақсадида мақбул инвестициялаш мақулдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий суғуртани шаклланиши хусусиятлари шуни кўрсатадики, республикада ихтисослашган қайта суғурталаш компанияси, брокер ва аджастер фирмаларни ташкил этиш ҳақида тавсиялар ишлаб чиқиш, иқтисодий ўсишнинг янги босқичига мос ижтимоий суғурта тизимини кучайтиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

Бундан ташқари республикада ижтимоий суғурта жамғармалари тўлов қобилятини сақлаш мақсадида ташкилий - институционал тузилмаларни такомиллаштириш, суғурталовчилар ассоциациясини ташкил этиш йўли билан миллий бозорни турли хил салбий жараёнлардан сақлаш сиёсатини олиб бориш, суғурта хизматларининг иқтисодий суғурталаш, ишга ёлланувчиларнинг ишловчилар саломатлигига зарар келтириш бўйича жавобгарлигини жорий қилиш, суғурта жамғармаларининг ихтисослашувини чуқурлаштириш юзасидан ишлар олиб бориш лозим.

Ижтимоий суғурта ва хайрия жамғармалар асоси, республикада ижтимоий суғурта жамғармасини ривожланиши, суғурта фаолияти, республикада суғурта операцияларини халқаро ижтимоий суғурта

амалиёти, тиббий суғурта, Беверидж модели, Бисмарк модели, хайрия жамғармалар кўриб чиқилган.

Қисқача хулосалар

Ижтимоий суғурта фаолияти бўйича халқаро амалиётни таҳлил этилиши, Ўзбекистонда суғурта операцияларини халқаро даражада ўтказиш, уларни ўтказишда банкларнинг иштирок этиши, воситачи ва қайта суғурталаш тизими яратиш, республика суғурта компаниялари ихтисослашуви зарурияти, ислохотлар даврида республикада ижтимоий суғурта фаолияти ривожланишининг ҳолати ҳар томонлама таҳлил асосида дастур ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу дастурда ижтимоий суғурта капитали иқтисодиётининг барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсирини баҳолаш тизимини яратиш ва бу тизим уч даражали баҳолаш тизимидан иборат бўлиши лозим - макроиқтисодий-интеграл, макроиқтисодий -амалий ва макроиқтисодий таҳлилга асосланган бўлиши лозим.

Назорат учун саволлар:

Ўзбекистон Республикасида қандай суғурта турлари мавжуд?

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурталаш тизими нималардан иборат?

Ижтимоий суғурталашнинг зарурияти қандай?

Ижтимоий суғурталашни қандай чет эл моделларини биласиз?

Бисмарк моделининг моҳияти нимадан иборат?

Хайрия жамғармаларини тушунчаси.

Ижтимоий мониторингни яқунларини қандай?

Суғурта тиббиёт тизимини моҳияти қандай?

Суғурта тиббиётни чет эл тажрибаси.

Республикада қандай ижтимоий фондларни биласиз?

Тавсия этилган адабиётлар:

«Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни. Халқ сўзи, 1993 йил, 14 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

Асаев Т.Ш. Управление социальным развитием - М.: изд. МГУ, 2004.

Ишмухамедов А.Э., Каланова М.З. «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» Маърузалар матни Т.: ТДИУ, 2005.

14. Боб. Меҳнат бозори ва бандлик муаммолари

1. Аҳолининг иш билан тўла бандлигининг зарурияти

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтилганидек «Хеч кимга сир эмас, бугунги жиддий муаммоларимиздан бири - жойлардаги, авваламбор, ёшлар ўртасидаги ишсизликдир. Бу бир ой ёки бир йилда ҳал бўладиган эмас, албатта. Бу муаммони илдизи чуқур ва бунга олиб келадиган сабаблар кўп. Бундай мураккаб масалани ечиш учун у билан узвий боғлиқ бўган бошқа ечиш муаммоларини ҳам ҳал этишга тўғри келади»⁹.

Республика аҳолисининг ижтимоий ҳимоялашда меҳнат бозори ва бандлик имкониятларини анқлаганда аҳоли сони ва уни таркиби аҳамиятлидир. 2006 йилнинг 1 октябрида Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг сони 26 561,9 минг кишини ташкил этди, мазкур йилнинг 9 ойи давомида у 248,5 минг киши ёки 0,9% га ортди (ўтган йилнинг III чораги билан таққосланганда, мутаносиб тарзда, 321, минг киши ва 1,2% га). 2006 йилда аҳолининг ўсиши бир қадар тезлашди. Масалан, 2005 йилнинг 9 ойи давомида аҳолининг ўсиб бориши 218,2 минг киши ва 0,8% ни ташкил этди. Бундай динамика аҳолининг табиий ҳаракатланиши ва миграцион жараёнларнинг янги тенденциялари билан изоҳланади.

Аҳолининг умумий ўсиб боришидан 56,8 минг киши (22,9%) шаҳарларга ва 191,7 минг киши (77,1%) -қишлоқ жойларига тўғри келади, яъни асосий ўсиб бориш қишлоқларда рўй бераётир. Бироқ 2006 йилда шаҳар аҳолиси ўтган даврлардагига нисбатан тезроқ ўса бошлади. Шаҳар аҳолисининг ўсиб бориши жорий йилнинг 9 ойи давомида, ўтган йилнинг айна давридагига нисбатан 8,8 минг кишига кўпроқ бўлди. Мазкур ижобий вазият ривожланишда давом этган тақдирда, бир неча йиллардан буён давом этаётган шаҳар аҳолиси улушининг камайиши тўхташи керак.

Бир қатор ҳудудларда аҳолининг сони янада тезроқ суръатларда ўсди. Республика бўйича аҳоли ўсиши ўртача 0,9% бўлган бир шароитда, Қашқадарё вилоятида аҳоли ўсиб бориши 1,4% ни, Сурхондарё вилоятида - 1,3% ни, Наманган и Хоразм вилоятларида - 1,1% ни ташкил этди. Мутлақ ифодада аҳоли сонининг энг кўп ўсиши Фарғона водийси ҳудудларида, шунингдек, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида кузатилди. Худди ўтган даврлардагидек, Тошкент шаҳри энг паст демографик ўсиш билан ажралиб турибди (2006 йилнинг 9 ойи давомида 7,3 минг кишига), бироқ бу борада ҳам вазият бир қадар ўзгараётир, пойтахт аҳолисининг миқдори тезроқ ўса бошламоқда. 2005 йилнинг айна даврида у атига 1,0 минг кишига, бутун 2005 йил давомида эса - 4,1 минг

⁹ И. А. Каримов. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўринларини эгаллаш лозим. Халқ сўзи 2003 йил 8 октябрь.

кишига ўсдики, бу 2006 йилнинг уч чорагидагига нисбатан 1,8 мартага камдир. Бу ўзгаришларни ижобий деб баҳолаш мумкин, зеро Тошкент шаҳри урбанизацион жараёнларнинг динамикасида муҳим роль ўйнайди, бу эса, ўз навбатида, республиканинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ва демографик тараққиёти учун жуда муҳим.

Республика аҳолиси ўсишининг асосий омили туғилиш ҳисобланади. Бу жиҳатдан 2006 йилда жиддий ўзгаришлар рўй бермади, янги туғилганларнинг миқдори барқарорлашди (2006 йилнинг 9 ойи давомида 409,8 минг ва ўтган йилнинг айна даврида - 409,6 минг янги туғилганлар). Шунга қарамасдан, 281 киши кўп туғилганлиги эмас, республиканинг шаҳарлари ва қишлоқ жойларида юз бераётган туғилишнинг барқарор тарзда қисқариш тенденциясининг тўхтаганлиги муҳимроқдир. Янги туғилганларнинг учдан икки қисмдан кўпроғи (69,3%) қишлоқ жойларига тўғри келади, бироқ ушбу кўрсаткичларда ҳам шаҳарлар томонга муайян силжишлар рўй бераётир: шаҳарларда туғилганларнинг улуши ўтган йилнинг айна даври билан таққослаганда 30,7 дан 31,0% га кўтарилди.

2006 йилнинг 9 ойи давомида вафот этганларнинг сони 105,0 минг кишини ташкил қилди: ушбу кўрсаткич ҳам барқарорлашиб, ўтган йил билан таққослаганда бор-йўғи 35 кишига ўсдики, бу йил натижалари бўйича аҳоли ўлими миқдорининг умумий коэффицентида кичик камайишни кутишга асос беради. Айна пайтда шаҳарларда мазкур миқдор бирмунча камайди (588 кишига), қишлоқ жойларида эса ўсди (623 кишига). Туғилганлар ва вафот этганларнинг нисбати республика аҳолисининг барқарор табиий ўсиб боришини таъмин этди - 304,9 минг киши (ўтган йилнинг айна даврида 304,6 минг киши).

2006 йилда республика олдингидек ташқи миграциянинг салбий сальдосига эгалигича қолди. Бироқ аҳолининг республика ташқарисига миграцион оқимининг мутлақ кўрсаткичи (2005 йилнинг айна даври билан таққослаганда) 29,4 минг киши ёки бир ярим маротабага қисқарди. Миграция салбий сальдосининг мутлақ кўрсаткичи узок вақтдан буён (1996 йилдан) ва тўхтовсиз ўсиб борган бир пайтда, 2006 йилдаги бундай ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади, зеро бунинг ҳисобига малакали ишчи кучинингчиқиб кетиши камаяди.

Шундай қилиб, аҳолининг табиий ҳаракатланиши ва миграциясидаги қайд қилинган ўзгаришлар шундан дарак берадики, 2006 йилда республикадаги демографик вазиятнинг маълум даражада яхшиланиши юз бераётир.

Бозор ислохотларининг чуқурлашуви ва таркибий ўзгаришлар шароитида иқтисодиётни модернизация қилиш аҳоли бандлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида иқтисодиётда банд бўлганларнинг миқдори 2005 йилнинг айна даври билан таққослаганда 258,7 минг киши ёки 2,6% га кўпайди. Республикада бандликнинг тараққий этишидаги ўзига хос жиҳат моддий

ишлаб чиқариш соҳалари билан таққослаганда (102,1%) ноишлаб чиқариш тармоқлари ходимлари миқдори илдам ўсишининг барқарор тенденцияси бўлди (103,5%). Мазкур давр мобайнида фаолият кўрсатишнинг ушбу соҳасида банд бўлганларнинг миқдори 117,4 минг кишига ўсди, яъни иқтисодиётдаги бандлик ўсиб боришининг 45,4%и унинг ҳисобидан таъмин этилди. Натижада, ушбу соҳаларда банд бўлганларнинг солиштирма оғирлиги 32,8% дан 33,1% гача ўсди, моддий ишлаб чиқаришда эса, мутаносиб тарзда, 67,2% дан 66,9% гача камайди.

Иқтисодиётнинг реал секторлари орасида савдо, умумий овқатланиш, таъминот ва тайёрловдаги бандлик энг юқори суръатлар билан - 6,9% га ўсди, мутлақ ўсиб бориш эса 62,87 минг кишини ташкил этди. Саноатда банд бўлганларнинг сони барқарор ўсмоқда. У 3,6% га ёки 48,1 минг кишига ортдики, бу моддий ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг жами ўсиб боришида 34,0% ни ташкил этади. Натижада ушбу соҳа ишчиларининг улуши таққос қилинаётган давр мобайнида 13,2% дан 13,4% гача юксалди (1-чизма). Ўсишнинг анчайин юксак суръатларига, шунингдек қурилиш, транспорт ва алоқада (мутаносиб тарзда, 103,5 ва 103,1%%) эришилди. Бу, маълум даражада, республика иқтисодиётининг индустриализациялашуви билан боғлиқ.

Ширкатлар (қишлоқ хўжалик кооперативлари)нинг аниқ мақсадни кўзда тутган ҳолда фермер хўжаликларига айлантирилиши натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан ортиқча меҳнат кучларини озод қилиш жараёни давом этмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида республикадаги фермер хўжаликларида 77,2 минг ишчи ўринлари ташкил этилган. Аграр соҳадаги бандлик даражаси 2006 йилнинг 9 ойи давомида 28,9 % дан 28,1% гача ёки жами бўлиб 1,8 минг кишига пасайди.

Ноишлаб чиқариш соҳасида уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари (105,1%) ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари аппаратларида (105,6%) банд бўлганларнинг сони энг юқори суръатлар билан ўсмоқда. Мутаносиб тарзда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий миқдорида уларнинг улуши ўсди. Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот соҳалари ишчиларининг миқдори 4,6% га ёки 33,6 минг кишига ортди. Маориф, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатишда банд бўлганлар миқдорининг ўсиши анчагина баланд (104,0%) бўлди.


Иқтисодиётнинг ноишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлганлар сонининг динамикаси ва уларнинг тармоқлар бўйича жойлаштирилишидаги ўзгаришлар иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари бўйича мазкур йилда қабул қилинган дастурини амалга оширишнинг натижалари ҳисобланади.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 433,5 минг иш ўринлари яратилдики, бу бандликнинг ҳудудий дастурларида назарда тутилган тахмин қилинган параметрлардан 16,2%га ортиқдир. Ушбу давр

мобайнида аҳоли бандлиги устивор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида таъмин этилдики, бу ерда янги иш ўринларининг умумий миқдоридан 60,9%и шакллантирилган.

1 -чизма.

Бандликнинг тармоқлар бўйича таркиби*



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Касаначилик соҳасида ишчи ўринларини ташкил этиш ҳисобидан бандлик ўсмокда. Масалан, ўтган йилнинг тўққиз ойи давомида 64,7 минг янги иш ўринлари (янги ташкил этилганларнинг умумий миқдоридан 12,7%) яратилган бўлса, мазкур йилнинг айна даврида 114,6 минг иш ўринлари (26,2%) яратилди.

Бу қадар жиддий ўсиш нафақат касаначиликнинг анъанавий шакллари ривожлантириш натижасида, балки йирик саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш ўртасидаги кооперация асосида уйда янги иш ўринларини яратиш ҳисобидан ҳам таъмин этилди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида республикада 40,6 минг ишчи ўринлари яратилдики, бу уларнинг касаначилик соҳасидаги умумий миқдоридан 35,4% ни ташкил этади. Касаначиликнинг республика учун ноанъанавий бўлган ушбу тури мазкур йилда қабул қилинган республика мақсадли дастурини амалга ошириш натижасида ривож топди. Янги объектларни ишга тушириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан ташкил этилган иш ўринларининг улуши худди ўтган даврдаги каби 13-14%% даражасини ташкил этди. Юқорида қайд этилганидек, янги иш ўринларининг катта қисми меҳнатни сарфлашнинг нодавлат тармоғида тузилапти, бунинг натижасида унинг бандликдаги улуши 77,5% гача кўтарилди (ўтган йилдаги даврда 77,3%).

* Ўзбекистон иқтисодиёти.//Ахборот ва таҳлилий шарҳ, 2006 йил январ-сентябрь - Т.: "Ўзбекистон", 2006.

2006 йилнинг 9 оyi давомида республика меҳнат биржаларида ишга жойлашишга эҳтиёжманд бўлган 301,5 минг киши рўйхатга олинганки, бу ўтган йилнинг аynи давридагига нисбатан 21,1 минг кишига камдир (31-жадвал). Мазкур миқдорнинг пасайиши кейинги йилларда жорий меҳнат бозорининг шаклланишидаги ўзига хослик билан изоҳланадиган барқарор тенденцияга айланыпти. Рўйхатга олинган фуқароларнинг энг кўп миқдори Фарғона (умумий миқдордан 14,2%), Самарқанд (13,1%) ва Наманган (11,3%) вилоятларига тўғри келади. Меҳнат биржаларида асосан қишлоқ аҳолиси рўйхатдан ўтади ва уларнинг улуши йилдан-йилга кўпаймоқда. 2006 йилнинг III чораги якунларига кўра улар 2005 йилнинг аynи давридаги 72,6%га қарши 76,8%ни ташкил қилди. Республиканинг айрим ҳудудларида ишга жойлашишга эҳтиёжманд бўлган қишлоқнинг улуши республикадаги ўртача кўрсаткичлардан анчагина ортиқдир: Сурхондарё вилоятида у - 93,8% ни, Бухоро вилоятида - 89,0% ни, Қашқадарё вилоятида - 86,5%ни ташкил этади.

31-жадвал.

Жорий меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари*

Йил	Иш кидираётганлар сифатида рўйхатга олинганлар, минг киши	Иш билан таъминланганлар, минг киши	Иш билан таъминланганларнинг рўйхатга олинганлар сонидagi улуши, %	Ҳисобот даври охирида ишсизлар сони, минг киши
2005 й.	410,3	325,1	79,2	27,7
I ч. 2005Й	106,2	80,5	75,8	37,0
1-И ч. 2005Й.	220,5	171,7	78,0	38,1
I ч. 2006Й	100,2	79,8	79,6	29,5
1-И Ч.2006Й	204,5	165,0	80,7	29,3
1-Шч. 2006Й.	301,5	246,9	81,9	30,6

Манба: Меҳнат биржаларининг маълумотлари асосида ҳисобланган.

2006 йил давомида жорий меҳнат бозорида ҳисобот юритилган барча йиллар давомида меҳнат биржаларига мурожаат қилган фуқароларни ишга жойлаштиришнинг энг юксак даражасига эришилган. 2006 йилнинг 1 октябрида у ўтган йилнинг аynи санасидаги 78,3% га қарши 81,9% ни ташкил этди. Иқтисодиёт тармоқларининг ишчи кучига бўлган талаби ўсиши билан изоҳланадиган ушбу кўрсаткичнинг ижобий ўзгаришлари жорий меҳнат бозорининг янада мувозанатлашуви учун ва меҳнат биржалари воситасида иш излаётган фуқаролар учун муҳим аҳамият касб этади. Аynи пайтда қишлоқ жойларида иш билан таъминлашнинг даражаси шаҳарлардагига нисбатан сезиларли даражада баланд бўлди - мутаносиб тарзда, 83,2 ва 77,5%% (32-жадвал). Шу билан бир пайтнинг ўзида республика пойтахтида мазкур кўрсаткич энг юксакдир - 84,5%, бу меҳнат сарфининг энг ривожланган соҳалари ва ишчи кучига талабнинг ўсиши билан изоҳланади.

32- жадвал.

* Ўзбекистон иқтисодиёти.//Ахборот ва таҳлилий шарҳ, 2006 йил январ-сентябрь - Т.: "Ўзбекистон", 2006.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражаси*

Йил	Иш қидираётганлар сифатида рўйхатга олинганлар, минг киши		Иш билан таъминланганлар, минг киши		Иш билан таъминланганлик даражаси, %да	
		қишлоқ	шаҳар	қишлоқ	шаҳар	қишлоқ
2005	105,6	304,7	80,9	244,2	76,6	80,1
I ч. 2005	26,1	80,1	19,3	61,2	73,9	76,4
1-И 4.2005	55,4	165,1	38,8	133,1	70,0	80,0
I ч. 2006	25,0	75,2	18,9	60,9	75,6	81,0
1-И ч. 2006	52,4	152,1	33,1	131,9	63,2	86,7
1-Ш ч. 2006	70,2	231,3	54,4	192,5	77,5	83,2

Манба: Меҳнат биржаларининг маълумотлари асосида ҳисобланган.

2006 йилнинг 1 октябрида республикада ўтган йилнинг айти давридаги 34,2 мингга қарши 30,6 минг ишсизлар ҳисобга олинган. Шунининбатга олган ҳолда, Ўзбекистонда ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли миқдоридан 0,3% ни ташкил қилади.

Шу билан бир пайтнинг ўзида, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг Халқаро меҳнат ташкилоти методологияси бўйича амалга оширилган ҳисоб-китобларига кўра, республикадаги ишсизликнинг реал даражаси 3,0% атрофидадир. Расмий мақомга эга бўлган ишсизларнинг умумий миқдоридаги энг катта улуш қуйи Амударё ҳудудларига тўғри келади. Ишсизларнинг умумий миқдоридан 15,5% Қорақалпоғистон Республикасига, 12,9% Хоразм вилоятига тўғри келади. Нисбатан катта миқдор, шунингдек, Қашқадарё (11,1%) ва Наманган (10,1%) вилоятларига тўғри келади. (32-жадвал)

33-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сонининг динамикаси (давр бошида, минг киши.)*

Йил	Жами аҳоли		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	Миқдор	Усиб бориш, %	Миқдор	Усиб бориш, %	Миқдор	Усиб бориш, %
2000Й.	24487,7	1,5	9165,5	0,9	15322,2	1,8
2001 й.	24813,1	1,3	9225,3	0,7	15587,8	1,7
2002Й.	25115,8	1,2	9286,9	0,7	15828,9	1,5
2003Й.	25427,9	1,2	9340,7	0,6	16087,2	1,6
2004Й.	25707,4	1,1	9381,3	0,4	16326,1	1,5
2005Й.	26021,3	1,2	9441,9	0,6	16579,4	1,6
2006Й.	26312,7	1,1	9495,1	0,6	16817,6	1,4
I ч 2005 й (1.04.05 йилда)	26095,0	0,3	9460,7	0,2	16634,3	0,3
1-И ч. 2005Й (1.07.05 йилда)	26161,8	0,3	9467,5	0,1	16694,3	0,4
I ч. 2006Й (1.04.06 йилда)	26386,7	0,3	9516,2	0,2	16870,5	0,3
1-И ч. 2006Й (1.07.06 йилда)	26465,3	0,3	9531,1	0,2	16934,2	0,4
1-Ш ч. 2006Й (1.10.06 йилда)	26561,9	0,4	9546,8	0,2	17015,1	0,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Ўтган йилнинг айти даври билан таққослаганда, 2006 йилнинг 1 октябрида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг меҳнат органларида рўйхатга олинган эркин (вакант) иш ўринларининг миқдори

* Ўзбекистон иқтисодиёти.//Ахборот ва таҳлилий шарҳ, 2006 йил январ-сентябрь - Т.: “Ўзбекистон”, 2006.

камайди (мутаносиб тарзда 31,5 ва 30,1 минг бирлик). Уларнинг энг катта миқдори Тошкент шаҳрида мавжуд (республика бўйича умумий миқдордан 30,9%). Бироқ битта вакант иш ўрнига тўғри келадиган ишсизларнинг миқдори Қорақалпоғистон Республикасида энг юқори - 9,7 киши, бу кўрсаткич Ўзбекистон бўйича ўртача 1,0 кишидир. (33,34-жадваллар).

34-жадвал.

Иш билан банд аҳолининг иқтисодиёт тармоқларида тақсимланиши
(давр бўйича ўртача, минг киши)*

	2005 й. 9 ой	Жами банд аҳоли сонидаги улуши, %	2006 й. 9 ой *)	Жами банд аҳоли сонидаги улуши, %	2006 г. 9 ой *) 2005 й. 9 ойга нисбатан % да
Банд - жами	10094,6	100,0	10353,3	100,0	102,6
жумладан:					
моддий ишлаб чиқаришда	6786,4	67,2	6927,7	66,9	102,1
улардан:					
саноатда	1334,8	13,2	1382,9	13,4	103,6
қишлоқ ва ўрмон хўжалигида	2913,9	28,9	2912,1	28,1	99,9
транспорт ва алоқада	331,1	3,3	343,4	3,3	103,1
қурилиш	831,6	8,2	860,3	8,3	103,5
савдо, умумовқатланиш, таъминот, тайёрлов	915,2	9,1	978,0	9,4	106,9
бошқалар	457,8	4,5	451,0	4,4	98,5
номоддий ишлаб чиқаришда	3308,2	32,8	3425,6	33,1	103,5
улардан:					
транспорт и алоқада	151,2	1,5	157,4	1,5	104,1
уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турларида	314,4	3,1	330,3	3,2	105,1
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда	728,5	7,2	762,1	7,4	104,6
маориф, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатишда	1369,2	13,7	1423,6	13,8	104,0
молия ва кредитда	54,1	0,5	54,1	0,5	100,0
давлат ва хўжалик бошқаруви органлари аппаратларида	206,4	2,0	218,0	2,1	105,6
бошқаларда	484,4	4,8	480,1	4,6	99,1
Давлат секторида, %	22,7		22,5		x
Нодавлат секторида, %	77,3		77,5		x

*) баҳо

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Жорий меҳнат бозоридаги вазият шундан дарак берадики, республикада аҳолини иш билан таъминлаш масалаларида барча чораларни ишга солган ҳолда иқтисодиёт ва меҳнат соҳасида рўй бераётган бозор ўзгаришларга мос рақобатбардош муҳитни шакллантириш ва кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

2. Меҳнат бозорининг шаклланиши

Меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли аҳоли ва ишлаётган меҳнат ёшидан ўтганлар, яъни нафақахўрлар ва навқирон ёшлардан ташкил топади. Меҳнат ёки ишчи кучи бозорини аниқлаш учун аҳолининг кўпайиши суръайтларини ва унинг сабабларини билиш зарур, хусусан умумий кўпайишини, табиий кўпайишини. Меҳнат бозори доимий

ҳаракатдаги тизим бўлиб, унда ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари ва ишчи кучлари субъект сифатида муносабатда бўладилар, бу тизимда иш жойлари ва ишчи кучи ўртасида таркибли муносабатлар, уларга талаб ва таклиф тақиқланади.

Меҳнат бозорининг асосий белгилари қуйидагилар:

- ишчи кучига талаб ва унинг таклифи;
- ишчи кучининг қиймати ва баҳоси (ҳақи);
- рақобат;

Меҳнат бозори - бу динамик тизим бўлиб, унда мулк ва ишчи кучи эгалари ўзаро муносабат қиладилар, иш жойи ва ишчи кучи ҳажми тузилмаси ва уларнинг нисбатига бўлган талабни шакллантиради. Масалан, 2004 йилдаги аҳолининг сони 26,4 млн. киши бўлган, 16 ёшга етмаган ёшлар, нафақахўрлар ва I, II гуруҳ ногиронлар 12,3 млн. киши, ихтисослаштирилган ташкилотлардаги шахслар 3 минг киши, ишлаётганлар ва ишлашни истамаганлар сони 2,6 млн киши ва ўқишдагилар сони 930 минг кишини ташкил қилган. Жаъми ишчи кучи 13181,0 минг киши: ишлаётганлар 9367,8 минг киши; ишсизлар 342 минг киши.

Меҳнат ресурслари - меҳнат ёшидаги ва меҳнатга қобилиятсиз ёшда бўла туриб ишлаётган шахслардан шаклланади. Уларга меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли, ишлаётган нафақахўрлар ўсмирлар, I ва II гуруҳ ногиронлари киради.

Жамиятнинг мавжуд ресурслари чегаралангандир. Шунинг учун барча давлатлар ва ҳукуматлар мазкур ресурсларни алоқаси борида максимал равишда режали ишлашга ҳаракат қилмоқдалар, у табиий ресурсларга ва шунингдек меҳнат ресурсларига ҳам тааллуқлидир.

Ресурсларни самарали равишда ишлатишда улардан кўп миқдорда товарлар ва хизмат кўрсатиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назарда тутмоқ лозим. Унинг ошириш шартларидан бири тўла иш билан таъминлашдан иборатдир. Ишчилар мажбуран ишсиз қолишлари мумкин эмас. Агар ким меҳнат қилишни истамаса ва бунга қобилиятлари бўлса, иқтисод барчани меҳнат билан таъминлаши зарур.

Бозор иқтисоди шароитида товарлар ва хизматлар кўрсатиш бозорида сотилади. Капитал бозор маблағлари асосида сотилади ва сотиб олинади. қимматли қоғозлар бозори мулк ва шу кабилар мавжуд, Меҳнат бозори ҳам бозорларнинг таркибий қисмини ташкил этади. Барча бозорларда таклиф ва талаблар бўйича қонунлар мавжуд. Меҳнат бозорида ёлланган ишчилар ишга бўлган ўз қобилиятини таклиф этадилар, яъни ҳақ тўлашга нисбатан ўз ишчи кучларини ва малакаларини таклиф этсалар, иш билан таъминловчилар эса ўз талабларини қўядилар, харид қилинган ишга бўлган қобилиятини сотиб оладилар ва унга ҳақ тўлайдилар. Ўз навбатида меҳнат бозорида уч зарур бозор элементлари мавжуд: талаб, таклиф ва

нархлар, иш ҳақи ҳисобланади. Иш ҳақи меҳнат билан бандлик даражаси ва ишсизлик орасидаги нисбатга боғлиқ.

Таклиф қуйидаги омиллар асосида юзага келади:

- иш ҳақи даражаси;
- маданият;
- дин;
- касаба уюшмалари мавжудлиги;
- солиқ миқдорлари;

-ишчи кучининг таркиби (масалан, унда ёшларнинг кўпчилик қисмини ташкил этиш);

- ишчи кучини ҳудудлар бўйлаб тақсимланиши.

Ўзбекистонда ҳозир ишсизликнинг фрикцион ва таркибий - структуравий турлари мавжуд бўлиб, меҳнат биржаларининг маълумотларига қараганда расмий ишсиз қолган кишилар сони 100 мингга яқинлашиб бормоқда, яъни халқаро иқтисодий уюшмалар, Жаҳон Банки талаблари даражасида турибди.

Республика ҳукумати, Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги, меҳнат биржалари амалга ошираётган аниқ чора-тадбирлари меҳнатда бандликни ошириш ва иш кучидан самарали фойдаланишни аниқлаш, қишлоқ жойларида янги иш жойларини яратиш, қишлоқда саноат корхоналарини қуриш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўстириш. Косибчилик, хунармандчиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига янги технологияни жорий қилиш, кадрлар малакасини ошириш ва касб-хунарга ўргатиш, аҳолининг меҳнатда бандлигини тўла таъминлайди. Бу вазифаларни амалга оширишда нодавлат ва давлат муассасаларининг аҳамияти ва тутган ўрни катта.

3. Аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш

О=илона бандликни шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, и=тисодий ва бош=а жиҳатлари =уйидаги мезонларда ыз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ыртасида **бозор** мувозанатига эришиш; иш жойларини кыпайтириш; и=тисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ысишини таъминлаш; аҳолининг меҳнат даромадларини кыпайтириш; ишсизликни камайитириш ва бош=алар.

Мазкур мезонлар =уйидаги кырсаткичлар ёрдамида ани=ланади: мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони; бажарилган иш ва=тининг ми=дори; аҳоли жон бошига ишлаб чи=арилган ЯИМнинг шажми; мащаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг сони; аҳолининг миграцион о=ими; меҳнатни фонд ва энергия билан =уролланиши; ижтимоий инфратузилма хизматларининг ми=дори; =ишло= хўжалиги щар бир ходимини ер юкланмасы; ыртача йиллик иш ща=и; аҳолининг уй-жой билан таъминланиши; меҳнат ресурсларининг

малака ва маълумот даражаси; асосий фондлардан фойдаланишнинг сменалик коэффициенти; ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган шахслар ва ишсизлар сони ҳамда уларнинг нафақа миқдори; меънатнинг умумий натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма хизматларидан фаноатланиш даражаси; мулкчиликнинг турли хил шакллари ва меънатни ташкил қилишнинг самарадорлиги ва ш.к.

Юрида айди этилган мезонлар ва уларнинг қырсаткичларидан меънатга лаёқатли аҳолининг оилона бандлигини шакллантиришни тартибга солиш механизмларини, тегишли масадли комплекс дастурини ва эконометрик моделларни ҳамда комплекс ташлили ва истибolini белгилашнинг методологик асосларини яратишда ва уларни татбиқ этишда фойдаланиш мумкин. Итисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган бозорни бошқариш (тартибга солиш) сиёсати уч асосий масадга эришишни назарда тутди:

таркибий қайта қуришни рабатлантириш ва бышаб олган ходимларни қайта тақсимлаш жараёнини жадаллаштириш;

ишсизларни меънат жараёнига тезлик билан жалб қилиш;

иш қидираётганларнинг ҳар бирини иш билан таъмин этиш.

Давлатнинг аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатининг чора-тадбирлари қуйидаги соҳалар бўйича табаалаштирилган:

таъсир қырсатиш объекти бўйича (умумий ва ихтисослашган чора – тадбирлар);

мабла билан таъминлаш бўйича.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва унга таъсир қырсатиш усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

билвосита (маъмурий) усуллар: онун йили билан тартибга солиш;

меънат онунчилиги, жамоа шартномалари;

бевосита (итисодий) усуллар: молиявий, монетар, фискал (ҳазина) сиёсати.

Аҳолини иш билан таъминлашга давлатнинг таъсир қырсатиш усуллари:

пассив таъсир қырсатиш – иш билан банд бўлмаган аҳолига ижтимоий ёрдам;

фаол таъсир қырсатиш – меънат таклифини рабатлантириш, меънатга бўлган талабни рабатлантириш, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш чора-тадбирлари (ахборот, маслаҳат хизмати қырсатиш, касбий соҳада маслаҳатлар бериш, аҳолининг камроқ раобатдош гуруҳлари учун бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ва шозаолар).

Давлат бандлик сиёсати доирасида меънат бозорини тартибга солишда бандликка қымаклашиш жамлармаларининг аҳамиятинг алоҳида таъкидлаб ётиш керак. Бандликка қымаклашиш жамлармаси ҳаражатларини шартли равишда қуйидаги йыналишлар бўйича қисмларга ажратиш мумкин:

ишсизлик бййича нафа=ага сарфланадиган мабла\лар, ишсизларга моддий ёрдам кырсатиш, узо= муддатли пенсиялар тылаш. (Буларни пассив сиёсат деб аташ =абул =илинган.);

=айта тайёрлаш ва жамоат ишларига сарфланадиган мабла\лар. Фаол сиёсатнинг мазкур шакли амалдаги =онунчиликдан келиб чи=ади, яъни бандлик соҳасидаги давлат хизмати учун мажбурий щисобланади.

молиявий =ыллаб-=увватлашга, =имматли =о\озлар сотиб олиш ва бош=а харажатларга мылжалланган мабла\лар. Айтиб ытилган бу шаклларни бирлаштириб турадиган томон шуки, улар =онун билан кафолатланмаган. Шу билан бирга «молиявий =ыллаб - =увватлаш» моддасига доир харажатларни меънат бозоридаги фаол сиёсат шаклларига киритиш =абул =илинган;

бандлик хизматларини ривожлантириш учун мылжалланган мабла\лар (уларни таъминлаш, капитал мабла\лар, реклама, «Бандлик» ахборот хизмати).

Давлатни бандликка кымаклашиш жам\армаси =уйидаги тыловларни амалга оширади:

ишсизлик бййича нафа=а тылаш;

бандлик хизмати йылланмаси билан кынгилли равишда бош=а жойларга кычиб борувчининг йыл чи=имлари билан бо\ли= моддий харажатларини =оплаш;

ва=тинча меънатга лаё=атсизлик даври учун ща= тылаш;

бандлик хизмати томонидан касбий тайёргарлик, =айта тайёрлаш, малака ошириш учун стипендиялар.

Ишсизларга узо= муддатли пенсиялар тайинлаш муносабати билан Пенсия жам\армаси харажатлари бандликка кымаклашиш жам\армасидан =опланади. Аҳолининг бандликка кымаклашиш жам\армасига бадаллар тылаши учун су\урта тарифи меънат ща=ига тылашга мылжалланган мабла\ларнинг 1,5%ини ташкил этади. Бадаллар тылашдан ногиронларнинг жамоат ташкилотлари, ногиронлар ва пенсионерларнинг жамоат ташкилотлари, уларга тегишли былган корхоналар, шунингдек, диний бирлашмалар озод =илинади. Шозирги ва=тда Ўзбекистонда меънат бозорини бош=аришда бир =атор йыналишлар мавжуд былиб, улар аҳоли бандлиги давлат хизматига тааилу=лидир. Бу хизматнинг асосий вазифаси меънат бозори ща=идаги ахборотни тар=атиш щисобига меънат бозорининг фаолият кырсатиши самарадорлигини оширишдан иборат.

Ўзбекистонда давлат бандлик хизмати 1991 йилда ташкил этилган эди. Республика аҳоли бандлик хизмати ишининг асосий тамойиллари хал=аро амалиётга мувофи= келади. Шозирги ва=тда Ўзбекистон аҳоли бандлиги хизмати минта=аларда (вилоятлар, шаҳар ва туманларда) ишлаб турибди.

Аҳолининг бандлигига кымаклашиш билан боʻли= хизматлар бандлик хизмати органлари томонидан бепул кырсатилади. Бозор муносабатларининг ривожланиши бандликнинг нодавлат хусусий характердаги тузилмалари шам ташкил этилишига имкон бермо=да. Булар ходимни танлаш быйича тижорат агентликлари, ы=ув юртлари шузуридаги муассасалар, диний идоралар шузуридаги ва шоказо муассасалардир. Мешнат биржалари шам ишлаб турибди. Тажрибаларнинг кысатишича, мешнат биржалари мешнат бозорининг тыла маънода тартибга солувчи таъсирчан воситаси былиб =олиши мумкин.

Мешнат биржалари мешнат бозори ша=идаги, унинг ашволи ва исти=боли тыʼрисидаги ахборотларни ызида тыплайди. Бозор тузилмаси сифатидаги мешнат биржаси хилма-хил вазифаларни бажаради.

Ашоли бандлигини нодавлат даражасида ташкил этиш сошасидаги тижорат тузилмаларининг бош=a шакллари шам мавжуд.

Қисқача хулоса:

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтилганидек «Хеч кимга сир эмас, бугунги жиддий муаммоларимиздан бири - жойлардаги, авваламбор, ёшлар ўртасидаги ишсизликдир. Бу бир ой ёки бир йилда хал бўладиган эмас, албатта. Бу муаммони илдиши чуқур ва бунга олиб келадиган сабаблар кўп. Бундай мураккаб масалани ечиш учун у билан узвий боғлиқ бўган бошқа ечиш муаммоларини ҳам хал этишга тўғри келади»_.

Меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли аҳоли ва ишлаётган меҳнат ёшидан ўтганлар, яъни нафақахўрлар ва навқирон ёшлардан ташкил топади. Меҳнат ёки ишчи кучи бозорини аниқлаш учун аҳолининг кўпайиши суръайтларини ва унинг сабабларини билиш зарур, хусусан умумий кўпайишини, табиий кўпайишини.

Ҳозирги даврда ҳар қандай давлатда бандлик ва аҳоли турмуш даражаси тадбиркорликни ривожланиши билан белгиланади. Иқтисодиёти ривожланган давлатлар имконияти фундаментал илмий тадқиқотларни олиб бориш, асосий тармоқларни ривожлантириш асосида аҳолини истеъмол товарларга бўлган ўсиб бораётган талабини қондиришга қаратилган бўлса, ривожланаётган давлатларни эътибори асосан мавжуд ресурслардан тўлароқ фойдаланишга қаратилиб келинмоқда ва уларнинг ривожланиш суръатлари шу ресурсларни янги, илғор технология асосида пировард маҳсулот ишлаб чиқариб дунё бозорида салоҳиятини кўтаришга боғлиқдир.

Назорат учун саволлар:

¹⁰ И. А. Каримов. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўринларини эгаллаш лозим. Халқ сўзи 20032 йил 8 октябрь.

Ўзбекистонда меҳнат бозорининг хусусиятлари нималардан иборат?
Меҳнат бозоридаги муаммоларни ечишда ижтимоий соҳаларнинг
роли қандай?

Республикада меҳнат фаоллигини ривожлантириш йўналишлари
қандай?

Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат.

Аҳолини иш билан таъминлашда тадбиркорликни аҳамияти.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорини такомиллаштириш
масаласида микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш
зарурияти қандай?

Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда чет эл тажрибаси.

Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда МДХ мамлакатларини
тажрибаси.

Тадбиркорлик меҳнат бозорида роли қандай?

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда меҳнат бозорини ўрни қайдай?

Тавсия этилган адабиётлар.

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш
тўғрисида»ги қонуни. Халқ сўзи, 1998 йил, 2 март.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш
ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз
учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир»
маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада
такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси
Президенти фармони. Халқ сўзи, 2005 йил, 16 июнь.

Ефимова М.Р., Багнова С.Г. «Социальная статистика» М.: Финансы и
статистика, 2005.

Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти” дарслик. –Т.: Меҳнат.
2004.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент «Ўзбекистон» 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқороларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. – «Халқ сўзи», 2005 й., 23 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни. Халқ сўзи, 1998 йил, 2 март.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни» - Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.
5. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини соғлиқни сақлаш» тўғрисидаги қонуни. Халқ сўзи, 1996 йил, 18 ноябрь.
6. «Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни. Халқ сўзи, 1993 йил, 14 сентябрь

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йуклари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори. – «Халқ сўзи», 2006й., 15 февраль.
8. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. Халқ сўзи, 2005 йил, 16 июнь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Тошкент окшоми, 2005 йил, 14 февраль.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредит беришни қўллаб - қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – «Халқ сўзи», 2005й., 6 май.
11. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Халқ сўзи, 2003 йил, 21июнь.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Турар жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 февралдаги ПФ – 3038 – сон Фармони
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони «Коммунал хизматлар соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг Янги босқичи тўғрисида» 17.04.2002 й. № УП-2832

14.«Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг Янги босқичи тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832 – сон Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир» маърузаси. – «Халқ сўзи», 2007 йил, 13 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги нутқи «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, Янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил, 11 феврал.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилдик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» Халқ сўзи 2005 йил, 29 январь.

Каримов И.А. «Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлларини излаб бориш - асосий вазифа» Халқ сўзи 2004й. 10 феврал.

Каримов И.А. Биз танлаган демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Халқ сўзи. 2003 й., 25 апрел. № 88.

IV. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Қарори

20.«Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жам-ғармаси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақдаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 06-3/436, 5083, 107-сон Қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 январда 1537-сон

V. Дарсликлар

21.Игнатов В.Г., Батурин Л.А., Бутов В.И. Экономика социальной сферы. Ростов на Дону, 2004.

22.Данилов А.С., Юлдашев З.А. «Национальная экономика» Москва, 2003.

23.Ефимова М.Р., Багнова С.Г. «Социальная статистика» М.: Финансы и статистика, 2003.

VI. Ўқув қуланмалар

- 24.Ишмухамедов А.Э., Каланова М.З. «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» Маърузалар матни Т.: ТДИУ, 2005.
- 25.Ефимова М.Р., Менеджмент в туристическом бизнесе: учеб. Пособ. –М.: КНО –РУС, 2005. -192с.
- 26.Жукова М.А. Менеджмент в туристическом бизнесе:учеб.пособие – М.:КНО - РУС, 2005 -192 стр.
- 27.Филипповский Е.Е. Шмарова Л.В. Экономика и организация гостиничного хозяйства. – М.:ФиС,2005 – 176 стр.
- 28.Современная социальная политика: между планом и рынком. Учебное пособие. М. фирма Гардарика 2004.

VII. Илмий монографиялар, мақолалар ва бошқа асарлар.

- 29.Бекмурадов А.Ш. ва бошқалар Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йўлларида. 1-қисм. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. – Т.:ТДИУ, 2005.
30. Асаев Т.Ш.Управление социальнўм развитием М.:изд. МГУ, 2004.
31. Гуляев В.Г. Туризм: Экономика и социальное развитие. –М.: ФиС, 2004. -272ст
32. Каланова М.З, Ражабов К., Саидвалиева А.Б., Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ этиш ва ривожлантириш. Миллий иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилиш ва барқарор ривожланиш муаммолари мавусидаги илмий амалий анжуман маъруза тезислари. Т: ТДИУ. 2005, 175-177 бетлар.
- 33.Каланова М.З, Ҳабибуллаев К. «Чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасидаги чет эл тажрибалари». Минтақа табиий ресурсларидан фойдаланишнинг бозор механизми ва уни такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий амалий анжуман маъруза теъзислари . Т: ТДИУ, 2005,97-99 бетлар.
34. Каланова М.З, Муяссаров Ш. Некоторые аспекты развития негосударственных некоммерческих организаций в Узбекистане. Шестнадцатые Международные Плехановские чтения. Тезисы доклада. М.: 2003, 163-165 стр.

VIII. Статистик маълумотлар тўпламлари

35. Ўзбекистон иқтисодиёти.//Ахборот ва таҳлилий шарҳ, 2006 йил январ-сентябрь - Т.: “Ўзбекистон”, 2006.
- 36.Экономика Узбекистана // Аналитический обзор за 1 кв. 2004. №5
- 37.Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза,Ўзбекистон, 2004.
- 38.Узбекистан в цифрах за 2003г. Стат.сб. Ташкент ,2004.

IX. Интернет сайтлари

www.economyta-culty.uz. – Экономика Узбекистана

Новости Узбекистана – www.uzreport.com

Информация, инновации, инвестиции – 2005 – <http://www.informika.ru/text/exhibit/papers/2005/c11-3doc>

[www.Review.uz/home/azticle.asp?mk62Rio\)k177](http://www.Review.uz/home/azticle.asp?mk62Rio)k177) – Городское хозяйство

www.Biblio.rk/frecazta/humanitarian/cicle.htm – Муниципальный менеджмент

www.vqi.freenet.ru/trudy/dratisviko.htm – Муниципальная экономика и менеджмент.

www.Yabloko.ru/themes/belorus/belfrus-25.html – Информация

www.uz.infokom.ur. – Информация статистика

www.gorogl.gomel.bu. – Жилищно-коммунальное хозяйство

www.eco77.ru. – Экономика, статистика

www.list.angelsk.ru. – Городское хозяйство

www.prime-taass.ru. – Городская собственность

www.bearingpoint.ru – Экономическая информация

www.ceep.uz – Информация

www.5ballov.ru – Информация

www.gov.uz – Республика Узбекистан

www.city.yar.ru/home/government/municipality/delegates.html/ – Городское управление

www.kreml.org/opinions/104376126-73k/ - Городское хозяйство

www.academout.ru/referates/14/-26k/ - Рефераты

www.inf.tsu.ru/webDesign/finf2.nsf/structurl/science_informatics-74k –
Городское управление

www.yabloko.ru/Themes/SG/Books/intro.html-55k/ - Информация

www.eup.ru/catalog/57-0.asp-21k – Каталог

МУНДАРИЖА

	Кириш	3-5
1. Боб.	Ижтимоий соҳанинг роли, моҳияти ва хусусиятлари	6-18
1	Ижтимоий соҳанинг роли ва уни ривожлантиришдаги асосий вазифалари.	6
2	Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш таҳлили.	9
3	Хизматларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш хусусиятлари	13
4	Ижтимоий соҳа тармоқларида меҳнатнинг ва асосий фондларни хусусиятлари	15
	Қисқача хулосалар	17
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	18
	Тавсия этилган адабиётлар	18
2. Боб.	Ижтимоий соҳани бошқаришда давлатнинг роли.	19-28
1	Ижтимоий соҳанинг тармоқларида давлат ва бозорнинг роли	19
2	Ўзбекистон аҳолисини ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш.	20
3	Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш босқичлари ва йўналишлари	21
4	Ижтимоий соҳани тартибга солишда бозор механизмнинг роли ва аҳамияти	22
	Қисқача хулосалар	26
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	27
	Тавсия этилган адабиётлар	28
3. Боб.	Ижтимоий соҳада баҳолар ва субсидиялар. Жамият турмуш фаровонлиги назарияси ва даромадларни табақаланиши	29-46
1	Ижтимоий соҳада баҳоларнинг роли	29
2	Табиий монополия шароитида ва мукаммал рақобат шароитида ижтимоий соҳа хизматларига баҳоларни ташкил этиш	30
3	Баҳоларда ташқи самараларни трансформация этиш учун баҳолаш механизминини қўллаш.	31
4	Жамият бойлигини аниқлашда ҳар хил ёндашувлар	33
5	Аҳоли даромадларининг табақаланиши	38
	Қисқача хулосалар	45
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	45
	Тавсия этилган адабиётлар	46
4. Боб.	Коммунал хўжалик тармоғи иқтисодиёти	47-68
1	Республика иқтисодиётида коммунал хўжалиги	47

	хизматининг ўрни	
2	Уй-жой, коммунал хўжалик таркиби ва бозор ислохотлар чуқурлаштириш шароитида ривожлантириш масалалари	49
3	Уй-жой коммунал корхоналар иқтисодиёти	60
4	Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини баҳолаш.	63
	Қисқача хулосалар	67
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	67
	Тавсия этилган адабиётлар	68
5. Боб.	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш	69-76
1	Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг таркиби ва аҳамияти	69
2	Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш тармоғи ривожланишининг иқтисодий таҳлили	71
3	Маҳаллий маиший хизмат корхоналарида рақобат мухитини яратиш	73
	Қисқача хулосалар	75
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	76
	Тавсия этилган адабиётлар	76
6. Боб.	Бозор иқтисодиётига ўтишда таълим тизимини тартибга солиш. Ўрта таълимни ривожланиши	77-84
1	Кадрларни тайёрлаш миллий дастури ва уни қабул қилиш зарурияти, мақсади ва вазифалари	77
2	Дастурни амалга ошириш босқичлари	80
	Қисқача хулосалар	83
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	84
	Тавсия этилган адабиётлар	84
7. Боб.	Олий ва ўрта махсус таълимни ривожланиши	85-97
1	Олий таълимни ривожланиш вазифалари	85
2	Республикада бакалавр ва магистрларни тайёрлаш ҳолати	87
3	Ахборот-коммуникация технологияси ва масофадан ўқитиш технологияларини жорий қилиш	90
4	Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини-ислох қилишнинг долзарб масалалари	93
	Қисқача хулосалар	95
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	96
	Тавсия этилган адабиётлар	97
8.Боб.	Тибиий хизмат кўрсатишни ривожланиши ва иқтисодиёти	98-114

1	Ўзбекистонда тиббиётни замонавий ташкил этиш вазифалари	98
2	Тиббий хизмат аҳволи	100
3	Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг асослари	109
4	Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш йўллари	111
	Қисқача хулосалар	113
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	114
	Тавсия этилган адабиётлар	114
9. Боб.	Туризм соҳаси иқтисодиёти	115-128
1	Туризм тушунчаси ва уни иқтисодиётдаги ўрни	115
2	Туристтик бизнес тушунчаси ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти	117
3	Миллий туризмни ривожланишининг иқтисодий таҳлили	119
4	Иқтисодилтда туризм ва сервис хизматининг имкониятлари	124
	Қисқача хулосалар	127
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	127
	Тавсия этилган адабиётлар	128
10. Боб.	Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асослари	129-140
1	Бозор иқтисодиёти ва ижтимоий ҳимоя	129
2	Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда чет эл давлатларининг тажрибаси	133
3	МДХ давлатларида нафақа ислохотлари	136
	Қисқача хулосалар	138
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	139
	Тавсия этилган адабиётлар	140
11. Боб.	Ижтимоий таъминот	141-152
1	Ижтимоий таъминотнинг аҳамияти	141
2	Ижтимоий таъминот белгилари	142
3	Ўзбекистонда ижтимоий таъминотнинг ривожланиш концепцияси	145
	Қисқача хулосалар	151
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	152
	Тавсия этилган адабиётлар	152
12. Боб.	Нафақа таъминоти	153-163
1	Нафақа таъминотининг шарт-шароитлари	153
2	Нафақа тизимини такомиллаштириш имкониятлари	156
3	Нодавлат нафақа жамғармаларини ташкил этиш.	159
	Қисқача хулосалар	162
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	163

	Тавсия этилган адабиётлар	163
13 Боб	Ижтимоий суғурта ва хайрия жамғармалари	164-172
1	Ижтимоий суғурта жамғармаси	164
2	Халқаро ижтимоий суғурта амалиёти	166
3	Хайрия жамғармалари	168
4	Ижтимоий мониторинг тадқиқотининг якунлари	168
	Қисқача хулосалар	172
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	172
	Тавсия этилган адабиётлар	172
14. Боб.	Меҳнат бозори ва бандлик муаммолари	173-185
1	Аҳолининг иш билан тўла бандлигининг зарурияти	173
2	Меҳнат бозорининг шаклланиши	179
3	Аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш	181
	Қисқача хулосалар	184
	Назорат ва мулоҳаза саволлари	185
	Тавсия этилган адабиётлар	185
	Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати	186
	МУНДАРИЖА	190